

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ  
БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАУЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**Аниқ ва табиий фанларни ўқитиши методикаси  
(Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) йўналиши**

**МУҲАНДИСЛИК ГРАФИКАСИ ФАНЛАРИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ  
ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА ИННОВАЦИЯЛАРИ**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2016**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 6 апрелдаги 137-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

***Тузувчилар:***

**П.Адилов** – Низомий номидаги ТДПУнинг “Мухандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси доцент, т.ф.н.

**Н.Ташимов** – Низомий номидаги ТДПУнинг “Мухандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси катта ўқитувчи

**Тақризчилар:**

Гейделберг педагогика университети  
(Германия), профессор. Hans-Werner Hunekе.

**Ўқув -услубий мажмуа ТДПУ Кенгашининг 2016 йил 29 августдаги  
1/3.8- сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	16
III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР.....	33
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	155
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	249
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	258
VII. ГЛОССАРИЙ.....	264
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	280

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Мустақиллик йиллари том маънода Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёти истиқболини белгилаш, жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари сафидан муносаб ўрин эгаллашга интилиш йўлидаги кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш билан кечмоқда. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш, маҳаллий шарт-шароит, иктисодий ва интеллектуал ресурсларни инобатга олган ҳолда жамият ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларнинг амалга оширилаётганлиги янгидан-янги ютуқларга эришишни таъминламоқда. Турли соҳаларда йўлга қўйилаётган халқаро ҳамкорлик гарчи ўз самарасини берадиган бўлса-да, бироқ, миллий мустақилликни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, эришилган ютуқларни бойитиш, мавжуд камчиликларни тезкор бартараф этиш жамият аъзоларидан алоҳида фидокорлик, жонбозлик, шижаат ва қатъият кўрсатишни талаб этмоқда.

Илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технология соҳаларининг мавжуд тараққиёти замонавий жамият қиёфасини белгилаб бермоқда. Замонавий жамиятнинг энг муҳим характерли жиҳати унинг барча соҳаларида глобаллашувнинг кўзга ташланаётганлигидир. Глобаллашув ўз-ўзидан тезкор ҳаракатланиш, зарур ахборотларни зудлик билан қўлга киритиш, уларни қайта ишлаш ва амалиётга самарали татбиқ қилишни тақозо этади. Бу тарзда ҳаракатланиш имкониятига ўз соҳасининг билимдони бўлган, касбий малакаларни юқори даражада эгаллай олган, бой тажриба ва маҳоратга эга кадрларгина эга бўладилар. Шундай экан, олий таълим муассасалар (ОТМ)ида кадрларни тайёрлаш жараёнида даврнинг мазкур талабини инобатга олиш мақсадга мувофиқdir.

Олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида муҳандислик графикаси ўқитувчиларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, педагогларда касбий компетентлик сифатлари ва креатив қобилияти моҳияти билан яқиндан таништириш муҳим

аҳамиятга эга. Малака ошириш тизимида “Муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” ўқув модулининг ўқитилаётганлиги педагог кадрларни замонавий инновацион таълим технологияларининг ташкилий, техник ва дидактик имкониятларидан хабардор бўлишлари, таълим амалиётида ўқитишнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш, компетентлик сифатлари ва креативлик қобилиятини изчил ривожлантириб бориш кўникма-малакаларини ҳосил қилиш учун шароит яратиб қолмай, касбий фаолиятда улардан самарали фойдаланиш борасидаги малакаларининг мустаҳкамланишини ҳам таъминлайди.

Айни вактда “Муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” ўқув модули олий таълим пеагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларида тингловчилар томонидан ўзлаштирилаётган касбий билим, кўникма, малака ва компетентлик сифатларини янада ривожлантириш, кенг кўламли илмий-тадқиқотларни олиб бориш, кучли рақобат мавжуд бўлган меҳнат бозорида ўз ўринларини сақлаб қолишиларига ёрдам беради.

Ўқув модули доирасида тингловчилар муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновацияларининг моҳияти, назарий асослари, самарали шакл, метод ва воситалари билан танишади, касбий фаолиятда педагогик технологияларни самарали, мақсадли кўллаш малакаларига эга бўлади, таълим жараёнини оқилона лойиҳалаштиришга доир тажрибаларини янада бойитади. Шунингдек, тингловчилар педагогик инновацияларни асослаш, яратиш ва амалиётга самарали татбиқ этиш йўлларидан хабардор бўлади, инновацион характерга эга муаллифлик дастурларини ишлаб чиқиш малакаларини муваффақиятли ўзлаштиради. Бу эса ўз навбатида ўқитиш жараёнида тингловчиларнинг фаолликларини таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш, самарадорликни оширишда муҳим аҳамият касб этади.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва

**инновациялари” модулининг мақсади:** таълим тизимининг ислоҳ қилиниши туфайли унинг мазмунини тубдан янгилашга ва таълим жараёнини замонавий талаблар даражасида ташкил қилиш ҳамда сифат самарадорлигини қўтариш зарур бўлиб қолди.

Мұхандислик графикаси фанларини ўқитишда билим заҳираларини яратиш жаҳон амалиёти савиясида ташкил этиш, кадрлар тайёрлашда ўқитишнинг замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини такомиллаштириш, педагогик таълим оловчи шахсда мустақил фикрловчи, билимларни мустақил равищда қидиувчи, ахборотлар тўпловчи ва улардан фойдалана оловчи мутахассисларнинг касбий тайёргарлигини орттириш, педагогик тафаккурини кенгайтириш каби зарур назарий ва амалий билим, малака ва кўникмаларини тингловчиларда шакллантириш лозим бўлади.

**“Мұхандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модулининг вазифалари:**

- замонавий фан ютуқларини амалиётга тадбиқ эта олиши, муаммони ечишга ижодий ёндашиши;
- мутахассислигининг илмий муаммоларини ечишда мустақил қарорлар қабул қила олиши, ҳамда ундан касбий фаолиятида фойдалана билиши;
- фазовий, образли-сиймоли, мантикий тасаввур ва тафаккурни ривожлантириши;
- мустақиллик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ва бошқа хислатларга эга бўлиши;
- илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ва ҳисботлар тузишни;
- қасбий масалаларни ечишда автоматлаштирилган ва компьютерлаштирилган моделлаш методларини эгаллаши;
- илмий асосларда илмий жамоани бошқара олиши;
- ўқитишнинг замонавий педагогик технологиялари ва методларини эгаллаши лозим.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

“Муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида **TINGЛОВЧИ**:

“Машғулот турлари (лекция, амалий машғулотлар ва бошқалар) ни ўтказиш ва назорат қилишнинг фаол шаклларини”, “ўқув жараёнини ташкил этиш, таълим олувчиларнинг диққатини жалб қилиш ва машғулот самарадорлигини тўла ошириш методларини”, “талабалар билимини, кўникма ва малакасини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини”, “ўқитишифати ва кадрларнинг касбий тайёргарлигига таъсир этувчи факторларни”, “педагогик муроҷот асосларини”, “илмий тадқиқот ишининг асосий тушунчалари ва методларини” кабиларга оид **БИЛИМЛАРГА ЭГА БЎЛИШИ**;

“Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида ўқув ва билим олиш фаолиятини оширишни ташкил этиш”, “Муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида талаба ва ўқувчиларнинг билими ва мустақил таълим мини бошқариш ҳамда назорат қилишнинг ташкилий ва ўқув-методик таъминоти”, “Ўқув-методик тарбия жараёнини лойиҳалаш ва амалга ошириш”, “Муҳандислик графикасидан топшириқлар, тарқатма карточкалар ва моделлар, кўргазмали электрон слайдлар каби ўқитиши воситалари (ўқув-методик матеариллар)ни ишлаб чиқиш”, “Янги педагогик технологиялар, уларни муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида қўллаш” кабиларга доир **КЎНИКМАЛАРИНИ ЭГАЛЛАШИ**;

- муҳандислик графикаси фанларини инновацион таълим технологиялари асосида ўқув жараёнини “жонли”, ижодий ташкил этиш;
- муҳандислик графикасини ўқитишида инновацион фаолиятни ташкил этиш;
- инновацион тафаккур юритиш орқали таълим жараёнида ижодий муҳитни яратиш;
- инновацион таълим технологияларини оқилона танлаб олиш;

- мұхандислик графикаси билан боғлиқликда инновацион таълим технологияларини реал амалиёт билан уйғулаштиришга эришиш;
- инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш **малакаларини әгаллаши;**
- педагогик инновацион фаолиятни самарали амалга ошириш;
- таълим жараёнининг инновацион характер касб этишини таъминлаш; -инновацион таълим технологиялари (инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиши, маҳорат дарслари, вебинар ва ассесмент технологиялари)га асосланган ўқув-билиш фаолиятини ташкил этиш;
- тингловчиларни изланишли-ижодий фаолиятга йўналтириш **компетенцияларни әгаллаши лозим.**

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Мұхандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модулини ўқитиши жараёнида:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;
- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, ва бошқа интерфаол таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар**

#### **билин боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Мұхандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари” модули бўйича машғулотлар ўқув режадаги “Таълимда илғор хорижий тажрибалар”, “Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш”, “Виртуал таълим технологияси”, “Касбий фаолиятни моделлаштириш технологияси”, “Педагогик тект ва техника”, “Мұхандислик графикаси фанларини ўқитиши методикаси”, “Креатив

педагогика асослари” субмодуллари билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Муҳандислик графикаси фанларининг тараққиёт тенденциялари ва инновациялари”ни ўзлаштириш, жорий этиш ва амалиётда қўллаш малакалари, педагогик компетентлик сифатлари ва креатив қобилиятга эга бўлади.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Хаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		Жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий			
1.	Муҳандислик графикаси фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Муҳандислик графикаси фанларининг назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, конуниятлари ва тамойиллари.	2	2	2	-	-		
2.	Муҳандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Мустақиллик даври муҳандислик графикасининг ривожланиши.	6	6	2	4	-		
3.	Узлуксиз таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.	4	4	2	2	-		
4.	Проекциялаш асослари. Евклид фазосини кенгайтириш ва геометрик элементларини параметрлаш.	4	4	2	2	-		
5.	Ёрдамчи проекциялаш (марказий, қишилик ва тўғри бурчакли) усули.	6	6	2	4	-		
6.	Эгри чизиклар.	4	4	2	2	-		
7.	Сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг классификацияси. Айланиш сирталри. Чизиқли сиртлар ва уларнинг ҳосил бўлиши.	8	6	2	4	2		
8.	Сиртларнинг ўзаро кесишиши.	4	4	2	2	-		
9.	Аввалдан берилган шартларга асосан эгри чизиқ ва сиртларни конструкциялаш.	6	4	-	4	2		
<b>Жами:</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>24</b>	<b>4</b>		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-мавзу: Муҳандислик графикаси фанларининг умумий ва хусусий тушунчалари. Муҳандислик графикаси фанларининг назарий асослари, ғоялари, гипотезалари, қонуниятлари ва тамойиллари.**

Олий педагогик таълимда муҳандислик графикаси ўқитувчиларининг ижодий қобилияtlарини шакллантириш. Графика тушунчси. Ўзбекистонда чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанининг тараққиёт йўналишлари

**2-мавзу: Муҳандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари. Мустақиллик даври муҳандислик графикасининг ривожланиши.**

Чизма геометрия фанининг пайдо бўлиши ва ўқитилиши. Муҳандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи. Мустақиллик даври муҳандислик графикасининг ривожланиши.

**3-мавзу: Узлуксиз таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.**

Узлуксиз таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишда инновациялар. Муҳандислик графикаси фанини ўқитишда қўлланиладиган инновацион технологиялар.

**4-мавзу: Проекциялаш асослари. Евклид фазосини кенгайтириш ва геометрик элементларини параметрлаш.**

Мазкур мавзуда проекциялаш усуллари ва Эвклид фазосини хосмас элементлар билан тўлдириш ҳамда геометрик элементларни параметрлаш усуллари баён этилади.

**5-мавзу: Ёрдамчи проекциялаш (марказий, қишишиқ ва тўғри бурчакли) усули.**

Классик усуллар билан ечилиши кўп вақт оладиган метрик ва позицион масалаларни бир ёки икки босқичда ечишни таъминлайдиган ёрдамчи проекциялаш усули баён қилинган.

## **6-мавзу: Эгри чизиқлар.**

Тэқис ва фазовий эгри чизиқлар. Қонуний ва қонунсиз эгри чизиқлар. Алгебраик ва трансцендент эгри чизиқлар. Иккинчи тартибли эгри чизиқлар.

## **7-мавзу: Сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг классификацияси.**

### **Айланиш сирталри. Чизиқли сиртлар ва уларнинг ҳосил бўлиши.**

Эгри чизиқ ва сиртлар назарияси яъни чизиқларнинг ҳосил бўлиши турлари классификацияси.

Чизиқли сиртларнинг умумий берилиши ва унинг хусусий холлари. Паралеллизм текислиги билан бериладиган сиртлар яъни цилиндроид, коноид ва гиперболик параболоидлар.

## **8-мавзу: Сиртларнинг ўзаро кесишиши.**

Сиртларнинг ўзаро кесишишини таъминлайдиган ясаш методлари. Ёрдамчи кесувчи сиртлар хусусан текисликлар, сфера ва бошқа усуллари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Муҳандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.**

Марказий Осиё машҳур алломаларининг геометрик изланишлари. Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850), Абу Наср ал-Фаробий (873-950), Абул Вафо Муҳаммад ибн Яҳё ибн Аббос ал Бузжоний (940-998), Абу Райхон Беруний (973-1048), Абу али ибн Сино (980-1037), Мирзо Улуғбек (1394—1449).

### **2-амалий машғулот: Мустақиллик даври муҳандислик графикасининг ривожланиши.**

Ўзбекистонда муҳандислик графикаси фанининг ўқитилиш тарихи.

### **3-амалий машғулот: Узлуксиз таълим тизимида муҳандислик графикаси фанларини ўқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.**

Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг мазмuni. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг аҳамияти. Ҳамкорликда ўқитиши технологиясининг

методлари.

**4-амалий машғулот:** Евклид фазосини кенгайтириш ва геометрик элементларни параметрлаштириш бўйича масалалар ечиш.

Геометрик шакллар орасидаги позицион ва метрик масалаларини ечишда тўпламлар ва элементларни параметрлаш усуллардан фойдаланиш.

**5-амалий машғулот:** Ёрдамчи проекциялаш усулининг метрик масалалар ечишга тадбиқи.

Узоқ график жараёнлар натижасида ечиладиган метрик масалаларни ёрдамчи проекциялаш усуллари бўйича қисқа график алгоритмлар орқали ечиш усулларини ўргатиш.

**6-амалий машғулот:** Ёрдамчи проекциялаш усулининг позицион масалалар ечишга тадбиқи.

График жараёнлар натижасида ечиладиган позицион масалаларни ёрдамчи проекциялаш усуллари бўйича қисқа график алгоритмлар орқали ечиш усулларини ўргатиш.

**7-амалий машғулот:** Эгри чизиқларга нормал ва уринмалар ўтказиш усуллари.

Қонуний эгри чизиқларни классификациялаш. Алгебраик ва трансцендент эгри чизиқлар.

**8-амалий машғулот:** Сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг классификацияси. Айланиш сирталри.

Ясовчи ва айлантириш ўқи. Параллеллар, бўйин чизиги, экватор ва меридианлар. Иккинчи ва юқори тартибли айланиш сиртлари.

**9-амалий машғулот:** Чизиқли сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг текислик ва тўғри чизиқ билан кесишиши.

Цилиндроид, коноид ва гиперболоид сиртларининг текислик ва тўғри чизиқ билан кесишиши.

**10-амалий машғулот:** Сиртларнинг ўзаро кесишиши.

Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш учун фойдаланилайдиган кесувчи текисликлар ва сиртлар усуллари.

## **11-амалий машғулот: Аввалдан берилган шартларгга асосан эгри чизиқларни конструкциялаш.**

Аввалдан берилган нұқталар орқали қонуний ва қонунсиз әгри чизиқларни ўтқазиш. Аңынавий ва AutoCAD воситалари ёрдамида.

## **12-амалий машғулот: Аввалдан берилган шартларгга асосан сиртларни конструкциялаш.**

Хар хил турда берилган икки, уч ва түрттә чизиқлар орқали ўтувчи сиртларни конструкциялашга мисоллар ечиш.

### **ҮҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларни англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);

- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиха ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантикий хулосалар чиқариш);

- баҳс ва мунозаралар (лойихалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

### **БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

<b>№</b>	<b>Баҳолаш турлари</b>	<b>Максимал балл</b>	<b>Баллар</b>
1	График масалалар бажариш	2.5	2.5 балл

### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўкув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириклар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

кейслар банки;

мавзулар бўйича тақдимотлар;

бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъзуза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ**

Хозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Таълим методларини танлашда ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ саналади.

Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражасининг қўтарилишига олиб келади. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим оловчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантирилиб турилиши, ўқув материалини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, уларнинг мазмунини очища ақлий хужум, кичик гурухларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиха, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим оловчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади.

Бу методларни интерфаол ёки интерактив методлар деб ҳам аташади. **Интерфаол методлар** деганда-таълим оловчиларни фаоллаштирувчи ва мустақил фикрлашга ундовчи, таълим жараёнининг марказида таълим оловчи бўлган методлар тушунилади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим оловчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим оловчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим оловчи марказда бўлган ёндошувнинг фойдали жиҳатлари қўйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиши-ўрганиш;
- таълим оловчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимнинг ҳам эътиборга олиниши;
- ўқиши шиддатини таълим оловчининг эҳтиёжига мувофиқлаштирилиши;

- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-куватланиши;

- амалда бажариш орқали ўрганилиши;

- икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши.

**“Ақлий ҳужум” методи** - бирор муаммо бўйича таълим олувчилар томонидан билдирилган эркин фикр ва мулоҳазаларни тўплаб, улар орқали маълум бир ечимга келинадиган методдир. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма ва оғзаки шакллари мавжуд. Оғзаки шаклида таълим берувчи томонидан берилган саволга таълим олувчиларнинг ҳар бири ўз фикрини оғзаки билдиради. Таълим олувчилар ўз жавобларини аниқ ва қисқа тарзда баён этадилар. Ёзма шаклида эса берилган саволга таълим олувчилар ўз жавобларини қоғоз карточкаларга қисқа ва барчага кўринарли тарзда ёзадилар. Жавоблар доскага (магнитлар ёрдамида) ёки «пинборд» доскасига (игналар ёрдамида) маҳкамланади. “Ақлий ҳужум” методининг ёзма шаклида жавобларни маълум белгилар бўйича гурухлаб чиқиш имконияти мавжуддир. Ушбу метод тўғри ва ижобий қўлланилганда шахсни эркин, ижодий ва ностандарт фикрлашга ўргатади.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилганда таълим олувчиларнинг барчасини жалб этиш имконияти бўлади, шу жумладан таълим олувчиларда мулоқот қилиш ва мунозара олиб бориш маданияти шаклланади. Таълим олувчилар ўз фикрини фақат оғзаки эмас, балки ёзма равишда баён этиш маҳорати, мантиқий ва тизимли фикр юритиш қўнимаси ривожланади. Билдирилган фикрлар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли ғоялар шаклланишига олиб келади. Бу метод таълим олувчиларда ижодий тафаккурни ривожлантириш учун хизмат қиласи.

“Ақлий ҳужум” методи таълим берувчи томонидан қўйилган мақсадга қараб амалга оширилади:

1. Таълим олувчиларнинг бошлангич билимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилганда, бу метод дарснинг мавзуга кириш қисмида амалга оширилади.

2. Мавзуни такрорлаш ёки бир мавзуни кейинги мавзу билан боғлаш мақсад қилиб қўйилганда-янги мавзуга ўтиш қисмида амалга оширилади.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш мақсад қилиб қўйилганда-мавзудан сўнг, дарснинг мустаҳкамлаш қисмида амалга оширилади.

#### **“Ақлий ҳужум” методини қўллашдаги асосий қоидалар:**

1. Билдирилган фикр-ғоялар муҳокама қилинмайди ва баҳоланмайди.

2. Билдирилган ҳар қандай фикр-ғоялар, улар ҳатто тўғри бўлмаса ҳам инобатга олинади.

3. Ҳар бир таълим оловчи қатнашиши шарт.

Қуйида “Ақлий ҳужум” методининг тузилмаси келтирилган.



#### **“Ақлий ҳужум” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим оловчиларга савол ташланади ва уларга шу савол бўйича ўз жавобларини (фикр, ғоя ва мулоҳаза) билдиришларини сўралади;

2. Таълим оловчилар савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади;

3. Таълим оловчиларнинг фикр-ғоялари (магнитафонга, видеотасмага, рангли қоғозларга ёки доскага) тўпланади;

4. Фикр-ғоялар маълум белгилар бўйича гурухланади;

5. Юқорида қўйилган саволга аниқ ва тўғри жавоб танлаб олинади.

#### **“Ақлий ҳужум” методининг афзалликлари:**

- натижалар баҳоланмаслиги таълим олувчиларда турли фикр-гояларнинг шаклланишига олиб келади;
- таълим олувчиларнинг барчаси иштирок этади;
- фикр-гоялар визуаллаштирилиб борилади;
- таълим олувчиларнинг бошланғич билимларини текшириб кўриш имконияти мавжуд;
- таълим олувчиларда мавзуга қизиқиш уйғотади.


**“Ақлий ҳужум” методининг камчиликлари:**

- таълим берувчи томонидан саволни тўғри қўя олмаслик;
- таълим берувчидан юқори даражада эшлиши қобилиятининг талаб этилиши.

**“Кичик гурухларда ишлаш” методи** - таълим олувчиларни фаоллаштириш мақсадида уларни кичик гурухларга ажратган ҳолда ўқув материалини ўрганиш ёки берилган топшириқни бажаришга қаратилган дарсдаги ижодий иш.

Ушбу метод қўлланилганда таълим олувчи кичик гурухларда ишлаб, дарсда фаол иштирок этиш ҳуқуқига, бошловчи ролида бўлишга, бир-биридан ўрганишга ва турли нуқтаи-назарларни қадрлаш имконига эга бўлади.

“Кичик гурухларда ишлаш” методи қўлланилганда таълим берувчи бошқа интерфаол методларга қараганда вақтни тежаш имкониятига эга бўлади. Чунки таълим берувчи бир вақтнинг ўзида барча таълим олувчиларни мавзуга жалб эта олади ва баҳолай олади. Қуйида “Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Кичик гурухларда ишлаш” методининг тузилмаси**

**“Кичик гурухларда ишлаш” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:**

1. Фаолият йўналиши аниқланади. Мавзу бўйича бир-бирига боғлиқ бўлган масалалар белгиланади.
2. Кичик гурухлар белгиланади. Таълим олувчилар гурухларга 3-6 кишидан бўлинишлари мумкин.
3. Кичик гурухлар топшириқни бажаришга киришадилар.
4. Таълим берувчи томонидан аниқ кўрсатмалар берилади ва йўналтириб турилади.
5. Кичик гурухлар тақдимот қиласадилар.
6. Бажарилган топшириқлар муҳокама ва таҳлил қилинади.
7. Кичик гурухлар баҳоланади.

### **«Кичик гурухларда ишлаш» методининг афзалиги:**


- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келади;
- мулоқотга киришиш кўникмасининг такомиллашишига олиб келади;
- вақтни тежаш имконияти мавжуд;
- барча таълим олувчилар жалб этилади;
- ўз-ўзини ва гурухлараро баҳолаш имконияти мавжуд бўлади.

### **«Кичик гурухларда ишлаш» методининг камчиликлари:**

- баъзи кичик гурухларда кучсиз таълим олувчилар бўлганлиги сабабли кучли таълим олувчиларнинг ҳам паст баҳо олиш эҳтимоли бор;
- барча таълим олувчиларни назорат қилиш имконияти паст бўлади;
- гурухлараро ўзаро салбий рақобатлар пайдо бўлиб қолиши мумкин;
- гурух ичida ўзаро низо пайдо бўлиши мумкин.

**“Давра сұхбати” методи** – айлана стол атрофида берилган муаммо ёки саволлар юзасидан таълим олувчилар томонидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш орқали олиб бориладиган ўқитиш методидир.


“Давра сұхбати” методи қўлланилганда стол-стулларни доира шаклида жойлаштириш керак. Бу ҳар бир таълим олувчининг бир-бири билан “кўз алоқаси”ни ўрнатиб туришига ёрдам беради. Давра сұхбатининг оғзаки ва ёзма шакллари мавжуддир. Оғзаки давра сұхбатида таълим берувчи мавзуни бошлаб беради ва таълим олувчилардан ушбу савол бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини сўрайди ва айлана бўйлаб ҳар бир таълим олувчи ўз фикр-мулоҳазаларини оғзаки баён этадилар. Сўзлаётган таълим олувчини барча диққат билан тинглайди, агар муҳокама қилиш лозим бўлса, барча фикр-мулоҳазалар тингланиб бўлингандан сўнг муҳокама қилинади. Бу эса таълим олувчиларнинг мустақил фикрлашига ва нутқ маданиятининг ривожланишига ёрдам беради.



**Белгилар:**  
1-таълим  
олувчилик  
2-айлана стол

### Давра столининг тузилмаси

Ёзма давра сұхбатида ҳам стол-стуллар айлана шаклида жойлаштирилиб, ҳар бир таълим оловчига конверт қофози берилади. Ҳар бир таълим оловчи конверт устига маълум бир мавзу бўйича ўз саволини беради ва “Жавоб варақаси”нинг бирига ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди. Шундан сўнг конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим оловчига узатади. Конвертни олган таълим оловчи ўз жавобини “Жавоблар варақаси”нинг бирига ёзиб, конверт ичига солиб қўяди ва ёнидаги таълим оловчига узатади. Барча конвертлар айлана бўйлаб ҳаракатланади. Якуний қисмда барча конвертлар йифиб олиниб, таҳлил қилинади. Қуйида “Давра сұхбати” методининг тузилмаси келтирилган



## **“Давра сұхбати” методининг тузилмаси**

### **“Давра сұхбати” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:**

1. Машғулот мавзуси эълон қилинади.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни машғулотни ўтказиш тартиби билан таништиради.
3. Ҳар бир таълим олувчига биттадан конверт ва жавоблар ёзиш учун гурӯхда нечта таълим олувчи бўлса, шунчадан “Жавоблар варақалари”ни тарқатилиб, ҳар бир жавобни ёзиш учун ажратилган вақт белгилаб қўйилади. Таълим олувчи конвертга ва “Жавоблар варақалари”га ўз исми-шарифини ёзади.
4. Таълим олувчи конверт устига мавзу бўйича ўз саволини ёзади ва “Жавоблар варақаси”га ўз жавобини ёзиб, конверт ичига солиб қўяди.
5. Конвертга савол ёзган таълим олувчи конвертни соат йўналиши бўйича ёнидаги таълим олувчига узатади.
6. Конвертни олган таълим олувчи конверт устидаги саволга “Жавоблар варақалари”дан бирига жавоб ёзади ва конверт ичига солиб қўяди ҳамда ёнидаги таълим олувчига узатади.
7. Конверт давра столи бўйлаб айланиб, яна савол ёзган таълим олувчининг ўзига қайтиб келади. Савол ёзган таълим олувчи конвертдаги “Жавоблар варақалари”ни баҳолайди.
8. Барча конвертлар йиғиб олинади ва таҳлил қилинади.

Ушбу метод орқали таълим олувчилар берилган мавзу бўйича ўзларининг билимларини қисқа ва аниқ ифода эта оладилар. Бундан ташқари ушбу метод орқали таълим олувчиларни муайян мавзу бўйича баҳолаш имконияти яратилади. Бунда таълим олувчилар ўзлари берган саволларига гурӯхдаги бошқа таълим олувчилар берган жавобларини баҳолашлари ва таълим берувчи ҳам таълим олувчиларни объектив баҳолаши мумкин.

### **“Давра сұхбати” методининг афзалліктері:**

- ўтилган материалининг яхши эсда қолишига ёрдам беради;
- барча таълим олувчилар иштирок этадилар;
- ҳар бир таълим олувчи ўзининг баҳоланиши масъулиятыни ҳис этади;
- ўз фикрини эркин ифода этиш учун имконият яратылади.

### **“Давра сұхбати” методининг камчиликтері:**

- күп вакт талаб этилади;
- таълим берувчининг ўзи ҳам ривожланган фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади;
- таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**“Ролли ўйин” методи** - таълим олувчилар томонидан ҳаётий вазиятнинг ҳар хил шарт-шароитларини саҳналаштириш орқали кўрсатиб берувчи методдир.

Ролли ўйинларнинг ишбоп ўйинлардан фарқли томони баҳолашнинг олиб борилмаслигидadir. Шу билан бирга “Ролли ўйин” методида таълим олувчилар таълим берувчи томонидан ишлаб чиқилган сценарийдаги ролларни ижро этиш билан кифояланишса, “Ишбоп ўйин” методида роль ижро этувчилар маълум вазиятда қандай вазифаларни бажариш лозимлигини мустақил равишда ўзлари ҳал этадилар.

Ролли ўйинда ҳам ишбоп ўйин каби муаммони ечиш бўйича иштирокчиларнинг биргаликда фаол иш олиб боришлари йўлга қўйилган. Ролли ўйинлар таълим олувчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради.

“Ролли ўйин” методида таълим берувчи таълим олувчилар ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлиши лозим. Чунки ролларни ўйнашда ҳар бир таълим олувчининг индивидуал характеристи, хулқ-автори мухим аҳамият касб этади. Танланган мавзулар таълим олувчиларнинг ўзлаштириш даражасига мос келиши керак. Ролли ўйинлар ўкув жараёнида таълим олувчиларда мотивацияни шакллантиришга ёрдам беради. Қуйида “Ролли ўйин”

методининг тузилмаси келтирилган.



### **“Ролли ўйин” методининг тузилмаси**

**“Ролли ўйин” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзуу бўйича ўйиннинг мақсад ва натижаларини белгилайди ҳамда ролли ўйин сценарийсини ишлаб чиқади.
2. Ўйиннинг мақсад ва вазифалари тушунтирилади.
3. Ўйиннинг мақсадидан келиб чиқиб, ролларни тақсимлайди.
4. Таълим олувчилар ўз ролларини ижро этадилар. Бошқа таълим олувчилар уларни кузатиб турадилар.
5. Ўйин якунида таълим олувчилардан улар ижро этган ролни яна қандай ижро этиш мумкинлигини изоҳлашга имконият берилади. Кузатувчи бўлган таълим олувчилар ўз якуний мулоҳазаларини билдирадилар ва ўйинга хулоса қилинади.

Ушбу методни қўллаш учун сценарий тълим берувчи томонидан ишлаб чиқилади. Баъзи ҳолларда таълим олувчиларни ҳам сценарий ишлаб чиқишига жалб этиш мумкин. Бу таълим олувчиларнинг мотивациясини ва ижодий изланувчанлигини оширишга ёрдам беради. Сценарий маҳсус фан бўйича ўтилаётган мавзуга мос равишда, ҳаётда юз берадиган баъзи бир ҳолатларни ёритиши керак. Таълим олувчилар ушбу ролли ўйин кўринишидан сўнг ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, керакли хулоса чиқаришлари лозим.

### **“Ролли ўйин” методининг афзаллик томонлари:**

- ўқув жараёнида таълим оловчиларда мотивация (қизиқиши)ни шакллантиришга ёрдам беради;
- таълим оловчиларда шахслараро муомала малакасини шакллантиради;
- назарий билимларни амалиётда қўллай олишни ўргатади;
- таълим оловчиларда берилган вазиятни таҳлил қилиш малакаси шаклланади.

### **“Ролли ўйин” методининг камчилик томонлари:**

- кўп вақт талаб этилади;
- таълим берувчидан катта тайёргарликни талаб этади;
- таълим оловчиларнинг ўйинга тайёргарлиги турлича бўлиши мумкин;
- барча таълим оловчиларга роллар тақсимланмай қолиши мумкин.

**“Баҳс-мунозара” методи** - бирор мавзу бўйича таълим оловчилар билан ўзаро баҳс, фикр алмашинув тарзида ўтказиладиган ўқитиш методидир.

Ҳар қандай мавзуу ва муаммолар мавжуд билимлар ва тажрибалар асосида муҳокама қилиниши назарда тутилган ҳолда ушбу метод қўлланилади. Баҳс-мунозарани бошқариб бориш вазифасини таълим оловчиларнинг бирига топшириши ёки таълим берувчининг ўзи олиб бориши мумкин. Баҳс-мунозарани эркин ҳолатда олиб бориш ва ҳар бир таълим оловчини мунозарага жалб этишга ҳаракат қилиш лозим. Ушбу метод олиб борилаётганда таълим оловчилар орасида пайдо бўладиган низоларни дарҳол бартараф этишга ҳаракат қилиш керак.

“Баҳс-мунозара” методини ўтказишида қуйидаги қоидаларга амал қилиш керак:

- барча таълим оловчилар иштирок этиши учун имконият яратиш;
- “ўнг қўл” қоидаси (қўлинни кўтариб, руҳсат олгандан сўнг сўзлаш)га риоя қилиш;
- фикр-ғояларни тинглаш маданияти;
- билдирилган фикр-ғояларнинг тақрорланмаслиги;
- бир-бирларига ўзаро хурмат.

Қуйида “Баҳс-мунозара” методини ўтказиш тузилмаси берилган.



### “Баҳс-мунозара” методининг тузилмаси

#### “Баҳс-мунозара” методининг босқичлари қуйидагилардан иборат:

1. Таълим берувчи мунозара мавзусини танлайди ва шунга доир саволлар ишлаб чиқади.
2. Таълим берувчи таълим оловчиларга муаммо бўйича савол беради ва уларни мунозарага таклиф этади.
3. Таълим берувчи берилган саволга билдирилган жавобларни, яъни турли ғоя ва фикрларни ёзиб боради ёки бу вазифани бажариш учун таълим оловчилардан бирини котиб этиб тайинлайди. Бу босқичда таълим берувчи таълим оловчиларга ўз фикрларини эркин билдиришларига шароит яратиб беради.
4. Таълим берувчи таълим оловчилар билан биргаликда билдирилган фикр ва ғояларни гуруҳларга ажратади, умумлаштиради ва таҳлил қиласди.
5. Таҳлил натижасида қўйилган муаммонинг энг мақбул ечими танланади.

#### “Баҳс-мунозара” методининг афзалликлари:

- таълим оловчиларни мустақил фикрлашга ундайди;

•таълим олувчилар ўз фикрининг тўғрилигини исботлашга ҳаракат қилишига имконият яратилади;

•таълим олувчиларда тинглаш ва таҳлил қилиш қобилиятиниң ривожланишига ёрдам беради.


### **“Бахс-мунозара” методининг камчиликлари:**

•таълим берувчидан юксак бошқариш маҳоратини талаб этади;

•таълим олувчиларнинг билим даражасига мос ва қизиқарли бўлган мавзу танлаш талаб этилади.

**“Муаммоли вазият” методи** - таълим олувчиларда муаммоли вазиятларнинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ечимини топиш бўйича кўникмаларини шакллантиришга қаратилган методdir.

“Муаммоли вазият” методи учун танланган муаммонинг мураккаблиги таълим олувчиларнинг билим даражаларига мос келиши керак. Улар қўйилган муаммонинг ечимини топишга қодир бўлишлари керак, акс ҳолда ечимни топа олмагач, таълим олувчиларнинг қизиқишлини сўнишига, ўзларига бўлган ишончларининг йўқолишига олиб келади. «Муаммоли вазият» методи қўлланилганда таълим олувчилар мустақил фикр юритиши, муаммонинг сабаб ва оқибатларини таҳлил қилишни, унинг ечимини топишни ўрганадилар. Қуйида “Муаммоли вазият” методининг тузилмаси келтирилган.



## **“Муаммоли вазият” методининг тузилмаси**

### **“Муаммоли вазият” методининг босқичлари қўйидагилардан иборат:**

1. Таълим берувчи мавзу бўйича муаммоли вазиятни танлайди, мақсад ва вазифаларни аниқлайди. Таълим берувчи таълим олувчиларга муаммони баён қиласди.
2. Таълим берувчи таълим олувчиларни топшириқнинг мақсад, вазифалари ва шартлари билан таништиради.
3. Таълим берувчи таълим олувчиларни кичик гуруҳларга ажратади.
4. Кичик гуруҳлар берилган муаммоли вазиятни ўрганадилар. Муаммонинг келиб чиқиш сабабларини аниқлайдилар ва ҳар бир гуруҳ тақдимот қиласди. Барча тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
5. Бу босқичда берилган вақт мобайнида муаммонинг оқибатлари тўғрисида фикр-мулоҳазаларини тақдимот қиласдилар. Тақдимотдан сўнг бир хил фикрлар жамланади.
6. Муаммони ечишнинг турли имкониятларини муҳокама қиласдилар, уларни таҳлил қиласдилар. Муаммоли вазиятни ечиш йўлларини ишлаб чиқадилар.
7. Кичик гуруҳлар муаммоли вазиятнинг ечими бўйича тақдимот қиласдилар ва ўз вариантларини таклиф этадилар.
8. Барча тақдимотдан сўнг бир хил ечимлар жамланади. Гуруҳ таълим берувчи билан биргаликда муаммоли вазиятни ечиш йўлларининг энг мақбул вариантларини танлаб олади.

### **“Муаммоли вазият” методининг афзалликлари:**

- таълим олувчиларда мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради;
- таълим олувчилар муаммонинг сабаб, оқибат ва ечимларни топишни ўрганадилар;

- таълим олувчиларнинг билим ва қобилиятларини баҳолаш учун яхши имконият яратилади;

- таълим олувчилар фикр ва натижаларни таҳлил қилишни ўрганадилар.

### **“Муаммоли вазият” методининг камчиликлари:**

- таълим олувчиларда юқори мотивация талаб этилади;


- кўйилган муаммо таълим олувчиларнинг билим даражасига мос келиши керак;

- кўп вақт талаб этилади.

**“Лойиҳа” методи** - бу таълим олувчиларнинг индивидуал ёки гурӯхларда белгиланган вақт давомида, белгиланган мавзу бўйича ахборот йиғиш, тадқиқот ўтказиш ва амалга ошириш ишларини олиб боришидир. Бу методда таълим олувчилар режалаштириш, қарор қабул қилиш, амалга ошириш, текшириш ва хulosा чиқариш ва натижаларни баҳолаш жараёнларида иштирок этадилар. Лойиҳа ишлаб чиқиш якка тартибда ёки гурӯхий бўлиши мумкин, лекин ҳар бир лойиҳа ўқув гурӯҳининг биргалиқдаги фаолиятининг мувофиқлаштирилган натижасидир. Бу жараёнда таълим олувчининг вазифаси белгиланган вақт ичida янги маҳсулотни ишлаб чиқиш ёки бошқа бир топшириқнинг ечимини топишдан иборат. Таълим олувчилар нұқтаи-назаридан топшириқ мураккаб бўлиши ва у таълим олувчилардан мавжуд билимларини бошқа вазиятларда қўллай олишни талаб қиласиган топшириқ бўлиши керак.

Лойиҳа ўрганишга хизмат қилиши, назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиши, таълим олувчилар томонидан мустақил режалаштириш, ташкиллаштириш ва амалга ошириш имкониятини яратадиган бўлиши керак.

Қуидаги чизмада “Лойиха” методининг босқичлари келтирилған.



### “Лойиха” методининг босқичлари

#### “Лойиха” методининг босқичлари қуидагилардан иборат:

1. Мұхандис-педагог лойиха иши бўйича топшириқларни ишлаб чиқади. Таълим олувчилар мустақил равища дарслик, схемалар, тарқатма материаллар асосида топшириққа оид маълумотлар йигадилар.
2. Таълим олувчилар мустақил равища иш режасини ишлаб чиқадилар. Иш режасида таълим олувчилар иш босқичларини, уларга ажратилған вақт ва технологик кетма-кетлигини, материал, асбобускуналарни режалаштиришлари лозим.
3. Кичик групкалар иш режаларини тақдимот қиласидилар. Таълим олувчилар иш режасига асосан топшириқни бажариш бўйича қарор қабул қиласидилар. Таълим олувчилар мұхандис-педагог билан биргалиқда қабул қилингандар бўйича эришиладиган натижаларни муҳокама қилишади. Бунда ҳар хил қарорлар таққосланиб, энг мақбул вариант танлаб олинади. Мұхандис-педагог таълим олувчилар билан биргаликда “Баҳолаш варақаси”ни ишлаб чиқади.

4. Таълим олувчилар топшириқни иш режаси асосида мустақил равишда амалга оширадилар. Улар индивидуал ёки кичик гурӯҳларда ишлашлари мумкин.

5. Таълим олувчилар иш натижаларини ўзларини текширадилар. Бундан ташқари кичик гурӯҳлар бир-бирларининг иш натижаларини текширишга ҳам жалб этиладилар. Текширув натижаларини “Баҳолаш ва рақаси”да қайд этилади. Таълим олувчи ёки кичик гурӯҳлар ҳисобот берадилар. Иш якуни қуйидаги шаклларнинг бирида ҳисобот қилинади: оғзаки ҳисобот; материалларни намойиш қилиш орқали ҳисобот; лойиха кўринишидаги ёзма ҳисобот.

6. Муҳандис-педагог ва таълим олувчилар иш жараёнини ва натижаларни биргаликда якуний сухбат давомида таҳлил қилишади. Ўқув амалиёти машғулотларида эришилган кўрсаткичларни меъёрий кўрсаткичлар билан такқослади. Агарда меъёрий кўрсаткичларга эриша олинмаган бўлса, унинг сабаблари аниқланади.

Муҳандис-педагог “Лойиха” методини қўллаши учун топшириқларни ишлаб чиқиши, лойиха ишини дарс режасига киритиши, топшириқни таълим олувчиларнинг имкониятларига мослаштириб, уларни лойиха иши билан таништириши, лойиҳалаш жараёнини кузатиб туриши ва топшириқни мустақил бажара олишларини таъминланиши лозим.

“Лойиха” методини амалга оширишнинг уч хил шакли мавжуд:

- якка тартибдаги иш;
- кичик гурӯҳий иш;
- жамоа иши.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

**1-мавзу. Мұхандислик графикаси фанларининг умумий ва хусусий түшунчалари.**

**Режа:**

1.1. Олий педагогик таълимда мұхандислик графикаси ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини шакллантириш.

1.2. Графика түшунчсі.

1.3. Ўзбекистонда чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанининг тараққиёт йўналишлари

**Таянч иборалар:** Мұхандислик графикаси, графика, чизма геометрия, чизмачилик, амалий геометрия, проекция.

**1.1. Олий педагогик таълимда мұхандислик графикаси ўқитувчиларининг ижодий қобилиятларини шакллантириш.**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллікка эришгандан сўнг ҳар жабҳада ижобий ўзгаришлар, юксалиш сари бораётгани қувонарли ҳол. Миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, ота-боболаримиз қолдирган бой тажриба ва илмий мероснинг қадрига этиш ва улардан ўз ҳаётимизда, фаолиятимизда унумли фойдаланиш, бугунги биз эришган ва эришаётган, ҳозирги вақтда хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган бир қатор ҳайрли ишларни таъкидлаш кишида фахр туйғусини уйғотади. Дарҳақиқат, инсоннинг маънавияти ва маданиятини, миллий қадриятларни янада юқори босқичларга кўттармасдан туриб, янгича жамиятни, янгича ижтимоий-сиёсий муносабатларни ва янги дунёқарашни барпо этиш мумкин эмаслиги аён.

Тарихий, маданий ва маънавий-ахлоқий қадриятларнинг кенг қатламларини қайта идрок этиш ғоялари, янгиланиш тамойиллари мұхандислик графикаси тизимида яққол намоён бўлмоқда. Шу жиҳатдан ҳам, ёш авлодни ҳар томонлама камол топтиришда педагогика фани ўз олдига янги вазифаларни қўйди. Зеро, бошқа соҳалар билан ҳамоҳанг тарзда илм ва санъат соҳаларида ҳам туб ўзгаришлар даври кечмоқда.

Бу ўзгаришлар ёш авлодда нафақат назарий билимларни эгаллаш, балки

уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаларини шакллантириш ва такомиллаштиришни тақозо этади.

Республикамизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чоратадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010-йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

- тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълиим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техник базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

- таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик таълим технологияларини, электрон дарсликлар, мултимедия воситаларини кенг жорий этиш орқали соҳалардаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилана ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш;

- илм-фани янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шароит яратишга доир комплекс чоратадбирларни ишлаб чиқиш режалаштирилди ва амалга оширилмоқда.

Узлуксиз таълимнинг ягона тизимини вужудга келтириш соҳасида

кейинги йилларда мұхим тадбирлар ишлаб чиқылди. Таълим бериш самарадорлигини ва ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлашни тубдан яхшилашга янада чуқурроқ ақамият берилла бошлади. Маълумки, ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққиёт тарихи бўлгани каби чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанларининг ҳам пайдо бўлиш тарихи, таълим муассасаларида ўқитилиши ва илмий методик ҳамда илмий назарий йўналишлар бўйича тараққиёт йўллари мавжуд.

## **1.2. Графика тушунчси.**

*Графика* тушунчаси кенг маъноли бўлиб, унга мұхандислик, гравюра, компьютер, бадиий, миниатюра ва бошқа турли фан соҳалари графикалари киради. Геометрик графика фанларига эса чизма ва амалий геометрия ҳамда мұхандислик графикаси киради.

Геометрик графика фанининг пайдо бўлиши ва уни эрамиздан аввалги ривожланиш йўналишлари Қадимги Миср ва Греция геометр ва файласуф олимларининг турли тадқиқот ишлари билан боғлиқ. Уни фан сифатида француз олими математик Госпар Монж (1746-1818) асослаган. Монж чизма геометриядан биринчи дарсликни (1798-йили) ёзган ва у дастлаб Франциянинг айрим таълим муассасаларида фан сифатида ўқитилган. Шу даврдан бошлаб, бу фаннинг техника ва қурилиш ишларининг турли соҳаларида ҳамда ҳарбий техника ва турли истеҳкомларни лойиҳалашда амалий қўлланишини ҳам кўрсатган. Даврлар ўтиши билан чизма геометрия фанининг бўлимлари саноат ва ишлаб чиқаришда қўллаш билан ривожланиб борган.

Россияда чизма геометрия фани 1810-йилдан бошлаб, Петербург қурилиш мұхандислар корпуси талабалариiga француз олимлари томонидан аввал француз тилида сўнг рус олимлари томонидан рус тилида ўқитилган ва фаннинг айрим бўлимлари ривожлантириб борилган.

Марказий Осиёда яшаган, фаннинг бир неча соҳасини мукаммал эгаллаган ва турли йўналишлар бўйича йирик тадқиқотлар олиб борган алломалар: Абу Насир Форобий, Аҳмад Фарғоний, Ал Хоразмий, Ибн Сино,

Абу Райхон Беруний ва бошқаларнинг геометрик ишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

1918-йилда Туркистонда биринчи олий ўқув юрти – Туркистон халқ университети ташкил бўлиши муносабати билан чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанини ўқитилган. Ўзбекистон учун 05.01.01. - Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси мутахассислиги бўйича юқори малакали олимлар этиштирган Киев (Украина) илмий мактаби ва унинг раҳбарлари тўғрисида маълумотларни келтириб ўтамиз. 2012 йилдан бошлаб Ўз. Рес. Олий аттестатсиясининг кўрсатмаси билан 05.01.01. шифрли “Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси” мутахассислиги, “Инженерлик геометрияси ва компьютерлик графикаси” деб номланган.

Чизма геометрия, муҳандислик ва компютер графикаси фанини назарий, методик йўналишлар бўйича ривожлантириш мавзулари бўйича тавсиялар республикамиз ёш илмий тадқиқотчиларининг илмий изланишлар олиб боришлари учун имкон яратади.

Хозирги вақтда илмий йўналишнинг «Амалий геометрия ва муҳандислик графикаси» деб аталади. Айни вақтда деярли хама техника олий таълим муассасаларида амалий геометрия деб юритилмоқда.

Чизма геометрия ва чизмачилик фанларини 1985 йили Москва шаҳридаги «Физика техника» институти ўқитувчиларини таклифи билан «Муҳандислик графикаси» деб аталади ва бу ном ҳозиргача сақланиб турибди.

Бу фаннинг назарий асосини чизма геометрия ташкил қиласи. Чизма геометрия математик фан «Проектив геометрияниң» бир шохобчасидир. Унда муҳандислик графиканинг тасвирлаш асослари ўргатилади.

Чизма геометрия муҳандислик йўналишида тўғри бурчакли проекциялаш усулидан фойдаланилади. Унинг асосида нафақат тасвирлаш балки геометрик элементлар ва шакллар орасида позициявий ва метрик масалаларни ечиш усуллари ўрганилади.

Лекин унинг марказий проекциялашга асосланган бўлиши,

рассомларнинг реалистик картина яратишида ясашларнинг назарий асосини ташкил қиласиди.<sup>1</sup>

### **1.3. Ўзбекистонда чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанининг тараққиёт йўналишлари.**

Ҳар бир фан тарихи ва ривожи умум дунёвий, худудий, мамлакатлараро ва маҳаллий маълумотларга асосланиши лозим. Мамлакатимиз шартшароитларидан келиб чиқган ҳолда илмий тадқиқот ишлари қўйидаги мавзуларда олиб борилиши мақсаддага мувофиқ:

1. Эгри чизиқлар ҳосил бўлишининг янги усулларини яратиш ёки маълум геометрик ёки муҳандислик масалаларини эчишда бирор шартни қаноатлантирувчи эгри чизиқларни ҳосил қилиш.
2. Қурилиш ёки машинасозликда олдиндан берилган бирор муҳандислик шартни қаноатлантирувчи сиртларни ҳосил бўлишининг янги геометрик аппаратини яратиш.
3. Дифференсиал геометрия ва математик анализ каби фанларда яратилган фундаментал назарияларни чизма геометрия усуллари билан интерполиация қилиш усуллари билан ечиш.
4. Ўзбекистонда пахтачилик ва бошқа дехқончилик соҳалари билан боғлик бўлган машина-механизмларининг ишчи органларини геометрик таҳлили ва уларни мамлакатимиз шароитига мос келадиган янги конструкцияларини ясашда қўллаш.
5. Ўрта Осиёдаги қадимий архитектура ёдгорликларида қўлланган сиртларни геометрик таҳлил қилиш ва уларни таъмирлаш ишларида геометрик асосланган назариялар яратиш.
6. Қадимги ёдгорликларни қайта тиклаш ишларида уларнинг йўқолиб кетган тарихий чизмаларини излаш ва таққослаш асосида уларни тиклаш.
7. Замонавий биноларни қуришда ойналар учун қуёшни тўсувчи сиртлар шаклларини иқлим шароитига мослаш.
8. Миллий кийимлар андозаларини яратишида одам гавдаси ва унинг

<sup>1</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 193 бет

элементлари геометриясини ўрганиш.

9. Компьютер графикасини чизма геометрия соҳасида позицион ва метрик масалаларни ечишдаги қулай усул эканлигини асослаш.

10. Компьютер графикаси чизмалар чизиш методикасини ишлаб чиқиши.

11. Олий ўқув юртларида ўқитиладиган чизма геометрия ва мұхандислик графикаси фанларининг ҳар бир бобида компьютерли графикасини қўллаш методикаси афзаллигини кўрсатиши.

12. Мактаб ўқувчилари учун дарс ишланмалари яратиш.

13. Коллеж ўқитувчилари учун дарс ишланмалари яратиш.

14. Олий ўқув юртларида чизма геометрия фанини ўқитиш аҳволини ўрганиш ва уни такомиллаштириш йўналишларини излаш.

15. Олий ўқув юртларида чизмачилик фанини ўқитишнинг янги усулларини жорий қилиш.

16. Олий ўқув юртларида компьютер графикасининг турли дастурларини геометрик графика соҳасида қўллаш.

17. Умумтаълим мактаблари ва коллежларда ўқитиладиган чизмачилик фани бўлимлари бўйича илмий-методик тадқиқотлар олиб бориш.

18. Чизма геометрия фани хусусиятларини, фан бўлимлар мазмун-моҳиятини ҳисобга олган ҳолда уларни амалиётга қўллаш, ахборот технологияларини қўллаш.

Фан тарихини ўрганиш бўлажак мутахассиснинг илмий дунёқарашини такомиллиштириб, унинг фикрини тарихий маълумотлар билан бойитади.<sup>2</sup>

### ***Назорат саволлари***

1. Абу Наср Форобийнинг геометрия фани ривожига қўшган ҳиссаи нималардан иборат?

2. Аҳмад Фарғонийнинг геометрия соҳасидаги қандай ишларини биласиз?

3. Абу Райхон Берунийнинг геометрия фанларини ривожлантиришдаги илмий тадқиқотларини айтиб беринг.

<sup>2</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 193 бет

4. Абу Али ибн Синонинг геометрия ва бошқа фанлар ривожига қўдҳган ҳиссаси нималардан иборат?
5. Ал Хоразмийнинг математика соҳасидаги ишлари нимадларан иборат?
6. Ўзбекистонда графика фанларини ўқитиш тарихи ҳақида нималар биласиз?
7. Республикаизда графика соҳаси бўйича биринчи профессор Р.Хорунов ҳаёти ва фаолияти ҳақида нималар биласиз?
8. Ўзбекистонда яратилган ўқув адабиётларидан қайсиларини биласиз?
9. Ўзбекистонда чизма геометрия ва муҳандислик графикаси фанининг тараққиёт йўналишлари тўғрисида.
10. Республикаиздаги классик геометрлар ижоди ҳақида нималарни биласиз?

## **2 -Мавзу: Мұхандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.**

Режа:

- 2.1. Мұхандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи.
- 2.2. Чизма геометрия фанининг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.

**Таянч иборалар:** Мұхандислик графикаси, графика, чизма геометрия, чизмачилик, амалий геометрия, проекция.

### **2.1. Мұхандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи**

#### **2.1.1. Қадимги Миср ва Греция олимларининг геометрик ва тасвирилаш усулларидаги изланишлари.**

Геометрия фанини пайдо бўлишидан бошлаб у математика, механика, физика, астрономия фанлари билан биргаликда техника ва тасвирий санъатнинг назарий асосларини ишлаб чиқишига катта таъсир кўрсатган.

Геометрия фани тарихига тегишли адабиётларни ўрганиб чиққанда бу фаннинг пайдо бўлиш жойи ва вақти аниқланмаган. Қадимги Грецияда бу фан Мисрда пайдо бўлган деб ҳисобланади. Аммо Вавилонликлар ва Хитойликлар фазовий геометрик шакллар тўғрисида Қадимги Мисрликлардан кам ишлар қилмаганлар. Хитойликларнинг «Чупей» номли трактатида математикадан қизиқарли маълумотлр келтирилган.

Трактатнинг биринчи қисми XII-XI (э.а.) асрларда ёзилган. Қадимги Мисрда аниқ геометрик билимларни биринчилар қаторида Ахмес берган. Ахмес асосан ер майдонларини ўлчаш билан геометрик масалаларни ечилишини келтиради. У барча ҳисоблашларни тақрибан бажарган. Бундан ташқари у пирамидаларни ва бошқа содда жисмларни ҳисоблаш билан шуғулланган. Мисрликларнинг бу содда ҳисоблашларини геометрия деб бўлмайди. Чунки унда теорема ва унинг исботи ёки аксиомалар ва пастулатлар мавжуд бўлмаган.

Қадимги грек олимларидан энг машҳурларининг баъзи бир геометрик

тадқиқотлари тұғрисидаги қуйидаги айрим маълумотларни келтирамиз.<sup>3</sup>

**Миллетлик Фалес (624-547 ә.а.)** Грецияда геометрияning асосчиси ва қадимги етти донишмандларнинг бири ҳисобланади. У ўзининг биринчи маълумотини Мисрда олган. Сўнгра Грецияning Милет шаҳрига келиб геометрларнинг Ионийлар мактабини ташкил қилди ва илмий геометрияга асос солди.

Фалес биринчилардан бўлиб табиёт ҳақида фикр юритган. Қуёш тутилиши ой билан тўсилиши туфайли юз беришини биринчи бўлиб Фалес англаган. Айлана диаметри уни teng иккига бўлишини исботлаб берган. Фалес Миср эхромларининг баландлигини уларнинг соясига қараб ўлчаган. Унинг қуйидаги асарлари маълум: «Қуёшнинг ҳаракати ҳақида», «Тенг кўплик ҳақида». Унинг замондошлари «Фалсафа Фалесдан бошланади, у биринчилардан эди» дер эдилар.

Фалеснинг геометрия соҳасидаги ишлари ҳам жуда кўп. Шулардан бири Фалес теоремаси бўлиб у ҳозирги кунда ҳам умум таълим мактаб ўқувчиларига ўқитилади ва бу теорема асосида планометрияning кўпгина қоидалари исботланади.

**Пифагор Самосский (580-500 ә.а.)** Фалеснинг шогирди ҳисобланади. Пифагор геометрия фани билан боғлиқ бўлган биринчи тарихий шахслардан бири бўлган грек олимидир.

Пифагор узок вақт давомида Мисрда таҳлил олган. Зардўштлик динига жуда қизиқган. У Мисрда илм сирларини ўрганиш учун ҳатто хатна қилдиришга ҳам рози бўлган. Акс ҳолда уни китобларга яқинлаштиrmасди. У Миср ва Ҳиндистон сафаридан сўнг Италияга келиб ўзининг машҳур мактабига асос солади. Пифагор ва унинг ўқувчиларига геометрия фанидаги кўпчилик қашфиётлар тегишлидир.

Пифагорнинг қуйидаги асарлари мавжуд: «Табиёт ҳақида», «Давлат ҳақида», «Тарбия ҳақида», «Жон ҳақида», «Оlam ҳақида», «Илоҳий калом».

Пифагор Самосский Эгей денгизи соҳилидаги ўзи туғилган Самос

<sup>3</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 7 бет

оролини ҳукмдори зулмига норозилик аломати сифатида тарқ этади ва етук 40 ёшларида Италия жанубидаги Кротон шаҳрига бориб қолади.

Пифагор ҳар нарсани билишга уринадиган фикрли олим ва биринчи кашфиётчилардан ҳисобланади.

Пифагор таълимотига Шарқ фалсафаси ва дини катта таъсир кўрсатади. У Шарқ мамлакатлари бўйлаб кўп саёҳатда бўлди: Миср ва Вавилонда бўлади. У ерда Пифагор Шарқ математикаси билан танишади.

Пифагор ясашга доир масалаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган Пифагор ва унинг ўқувчилари ўша замонда интуитив қоидаларни тўплашга асосланган геометрик маълумотлар ўрнига ақлга тўғри келадиган исботлар асосида мантиқан тўғри тузилган ҳақиқий геометрияга катта ҳисса қўшдилар. Пифагор номи билан тўғри бурчакли учбурчакда унинг гипотенузасининг квадрати катетлар квадратларининг йиғиндисига тенглиги исботланган. Пифагор ва унинг ўқувчилари бу теоремани шаклларининг ўзаро тенглигига доир геометрик ясашлар асосида исботлаганлар. Бундан ташқари Пифагор бирқанча бошқа янгиликлар ҳам яратган улардан қўйидагиларни келтириш мумкин.

1. Учбурчакнинг ички бурчакларининг йиғиндиси  $180^\circ$  га тенглиги:
2. Пифагор ясаш жараёнида мухокама усули орқали текисликни тенг учбурчаклар, квадратлар, мунтазам олти бурчаклар билан тўлдириш мумкинлигини келтирган.
3. Квадрат тенгламани геометрик усул билан ечишни кўрсатган.

Пифагор қўйидаги ясашга доир масалаларни ҳам ечган:

1. Берилган икки кесмага ўрта пропорционал бўлган кесма ясаш.
2. Берилган кесмага шундай параллелограмм ясалсинки, у берилган параллелограмга ва унинг бурчакларига тенг бўлсин.
3. Пифагор ва унинг ўқувчилари мунтазам беш бурчак ясаш ҳамда 3,4,6,8,10,16 тенг томонли кўп бурчаклар ясаш масаласи билан шуғулланганлар. Аммо улар 7,9,11 бурчакли мунтазам кўп бурчакларни ясай олмаганлар.

Пифагор биринчи бўлиб сонларни жуфт ва тоқ, туб ва мураккаб сонларга ажратди. Фигурали сон тушунчасини киритди. Унинг мактабида Пифагор сонлари дейиладиган натурал сонлар тўла, қараб чиқилган. Ҳар бир учликдаги сонлардан бирининг квадрати қолган иккитаси квадратларининг йиғиндисига тенгdir. Геометрияда исботлашларни мунтазам қўллай билиш, тўғри чизиқли фигуralар планометриясини яратиш, ўхшашлик хақидаги таълимотлар Пифагорга тегишилди. Арифметик, геометрик ва пропорциялар, ўрта қийматлар ҳақидаги таълимотларни ҳам Пифагор номи билан боғлиқдир.<sup>4</sup>

**Платон (427-347 э.а.)** Пифагорнинг шогирди ҳисобланади. Платон ўзидан олдинги устозлари каби Миср математикасини ўрганиб сўнгра Италияга Пифагорчилар мактабига келади. У Афинага келиб янги илмий мактабни бошқарди. Бу мактабда у геометрия фанига аналитик усулни қўллайди. Геометрик усуллар билан конус кесимларини киритади. Платон шогирдларининг бу кашфиётлари шу пайтгача маълум бўлган элементар геометрия деб номланувчи фан ўрнига янги геометрия фани пайдо бўлди.

Геометрик ясашларга доир масалаларни хал қилишда Платоннинг хизматлари катта у Афинадаги «Академия»нинг асосчиси ҳисобланиб, бу академияда фалсафадан 20 йилдан ортиқ дарс берган. Афина шаҳарининг кўркам боғларидан бирига жойлашган «Академия» биносининг кириш қисмига Платон «Ким геометрияни билмаса бу бинога кириши мумкин эмас» деб ёзиб қўйдирган.

Ўша даврнинг кўпгина математик-тарихчилар Платонга геометр сифатида унга юқори баҳо берилган деб ҳисоблайдилар. Тарихчи олимлар Диоген ва Лаэруий (III-IV э.а.) ҳамда Прокл (412-485 э.а.)лар Платоннинг геометрия соҳасидаги ажойиб ишлари мавжудлигини келтирадилар. Улар қўйидагилардир:

1. Тўғри бурчакли учбурчакнинг томонларини рационал сонлардан иборат бўлиш усули.

<sup>4</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари», «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 8-9 бетлар

2. Берилган икки кесмага ўрта пропорционал бўлган учунчи кесмани аниқлаш масаласини механик усулда асбоб ихтиро қилган.
3. Планометриядан анча орқада қолган стереометрияни ривожлантирган.
4. Пифагорчилар мактаби бошлаган иррационал микдорлар назариясини тўлдирган.
5. Геометрик масалаларни мантиқ назарияларини қўллаш билан фойдаланиб ечишни тавсия қилган.

Платоннинг фикрича ҳар қандай мураккаб масалалар аналитико-синтетик усул билан ечиш мумкин. Яъни ечиладиган бирор масала аввало анализ қилиб, сўнгра синтез қилиш лозиимлигини келтиради. Платон мактабида ясашга доир масалаларни ечиш жараёнида «Нуқталарнинг геометрик ўрни» аниқ маълим бир шартни қаноатлантирувчи узлуксиз нуқталар қатори эканлиги исботланади. Масалан Қадимги Грек геометрлари томонидан турли даврларда кашф қилинган циссоида, конхоида, квадратриса эгри чизиқлари энг қизиқарли геометрик ўринлар ҳисобланади. Платон ва унинг ўқувчилари циркул ва чизгич ёрдамида тўғри чизик ва айланалар чизиш билан ечиладиган масалаларни геометрик ясашларга киритганлар. Агар бирор масалани ечиш жараёнида бошқа чизмачилик асбоблари ёки воситалар ишлатилса, бу ясашлар геометрик ясашлар ҳисобланмаган. Қадим грек геометрлари Платонни геометрик ясашларга бундай қарашларни қабул қилиб уни идеал сифатида қабул қилганлар. Платон ясашга доир масалалардан бурчак трисексияси масаласини ҳам ечган. Платоннинг фикрича дунё олов, ер, ҳаво ва сув элементлар атомларидан тузилган бўлиб, уларни тетраэдр, куб, октаэдр ва икосаэдрларга таққослайди.

**Евклид э.а. 306-283** йилларда ҳукмронлик қилган шоҳ Птоломей I нинг замондоши бўлган.

Ҳар бир фаннинг ривожланиш даври фандаги янгиликларнинг кетма кет пайдо бўлиш ва йиғилган маълумотларни мантиқан ишлаб чиқиб уларни ўзаро боғлаш керак бўлади. Геометрия фани қонун-қоидаларини бир тизимга

келтиришга Александриялик олим Евклид (III э.а.) томонидан ёзилган машхур асар «Негизлар» нинг аҳамияти катта бўлди. Евклид бошланғич маълумотини Платон мактабида олган. У Платоннинг фикрига мувофиқ ҳар бир киши фалсафа билан шуғулланишидан олдин билиши лозим бўлган тўрт фан – арифметика, геометрия, гармония назарияси, астрономияни ўқиган бўлиши керак. «Негизлар»-дан ташқари Евклиднинг гармония ва астрономияга бағишлиланган китоблари ҳам бизгача етиб келган. Евклиднинг фанда тутган ўрни эса унинг ўз илмий текширишлари билан эмас балки педагогик хизматлари билан белгиланади. Евклид бир неча теорема ва унинг исботини кашф этган. Евклид элементар геометрияни яратувчиси ҳисобланади. Евклидгача ҳам грек олимлари геометрия тўғрисида ёзганлар. Тарихчи олим Проклнинг ёзишича «Евклид геометрия тўғрисида барча маълумотларни йифиб, Евдокс кашфиётларини тартибга келтиради, Фетес тадқиқот ишларини тўлдиради ва ўзигача бўлган геометрик маълумотларни тўлдиради ва тартибга солади».

Евклиднинг «Негизлар» китобига ўша даврдаги грек олимларининг барча геометрик маълумотлари киритилмаган, китобда факат бошланғич элементар маълумотлар киритилган. Шунинг учун ҳозирги «Элементар геометрия» деб юритилади. Евклиднинг «Негизлар» китоби муҳим дарслик ҳисобланиб, 2000 йилдан ортиқ даврда ундан геометрия ўрганилмоқда. Ҳозирги даврда ўқитиладиган элементар геометрия фани Евклиднинг «Негизлар» китобининг қайта ишлангани ҳисобланади. Евклиднинг буюк хизматлари шундаки у геометрия тузишни якунлади. Натижада «Негизлар» икки минг йил давомида геометрик қомус бўлиб қолди. Евклид бу материалларни 13 та китобга жойлади.

Евклиднинг биринчи китоби 23 та «таъриф»дан бошланади, улар орасидаги қуйидагилар бор: нуқта-қисмларга эга бўлмаган нарса; чизик-энсиз узунлик; чизик нуқталар билан чегараланган; тўғри чизик-ўз нуқталарига нисбатан бир ҳилда жойлашган чизик, ниҳоят агар битта текисликда ётган икки тўғри чизик ҳар қанча давом эттирилганда ҳам

учрашмаса, улар параллел деб аталади.

Биринчи китобда учбурчаклар, түғри түртбурчаклар, параллограммларнинг асосий хоссалари қаралади, уларнинг юзалари таққосланади. Учбурчак бурчакларининг йифиндиси ҳақидаги теорема ҳам мана шу ерда берилади. Сўнгра бешта геометрик постулат келтирилади: икки нуқта орқали битта түғри чизиқ ўтказиш мумкин; ҳар бир түғри чизиқни исталганча давом эттириш мумкин; маркази берилган нуқтада маълум радиусли айлана чизиш мумкин; барча түғри бурчаклар teng; агар икки түғри чизиқ шундай ўтказилсаки, улар учинчи түғри чизиқ билан ҳосил қилган бурчаклар йифиндиси икки түғри бурчакдан кичик бўлса, учинчи түғри чизиқнинг шу томонида учрашади. Бу постулатларнинг биридан бошқа ҳаммаси ҳозирги замон геометрия асослари курсига кирган. Постулатлардан кейин умумий фаразлар ёки аксиомалар-тенгликлар ва тенгсизликлар ҳақидаги саккизта умумматематик жумлалар келтирилади. Китоб Пифагор теоремаси билан тугайди.

II китобда геометрик алгебра баён қилинади, квадрат тенгламаларга келтириладиган масалалар геометрик чизмалар ёрдамида ечилади. У вақтда алгебраик белгилар йўқ эди.

III китобда доира, уринма ва ватарларнинг хоссалари, IV китобда мунтазам кўпбурчаклар қаралади, ўхшашлик таълимотининг асослари учрайди.

Охирги китоблар стереометрияга бағишлиланган. XI китобда стереометрия асослари, XII китобда қамраш усули ёрдамида икки доира юзаларининг нисбати, пирамидалар ва призмалар, конус ва цилиндрлар ҳажмларнинг нисбати баён этилади. Евклид геометриясининг энг юқори чўққиси-мунтазам кўпёкликлар назарияси: «Негизлар»га юонон геометриясининг буюк ютуқларидан бири-конус кесимлари назарияси кирмай қолган. Улар ҳақида Евклид «Конус кесимлари негизи» номли алоҳида китоб ёзган, аммо бу китоб бизгача етиб келмаган. Архимед ўз асарларида бу китобдан цитаталар келтиради.

Евклиднинг «Негизлари» бизгача асл нусхада етиб келмаган. Ҳозир маълум энг қадимги кўчирмалар Евклиддан ўн икки аср кейин, «Негизлар» ҳақидаги унча-мунча муфассалроқ маълумотлар эса етти аср кейин ёзилган.

### **2.1.2. Европада Уйғониш даврида геометрия фанларининг ривожланиши.**

Европада Уйғониш даврида (XIV-XVI) асрларда инженерлик қурилиш иншоотларининг пайдо бўлиши билан қадимги дунё проекцион тасвиirlаш усуллари кенгайиб борди. Бу даврда архитектор, ҳайкалторош ва рассомлар рассомчилик перспективасини геометрик асослаш кераклигини англадилар. Перспективанинг геометрик назариясини яратиш XV асрнинг биринчи ярмида пайдо бўлди. Шу даврдаги рассом ва ҳайкалторошларнинг машҳур асарлари кузатиш перспективасини ривожланишини юқори даражасига эришганини кўрсатди.<sup>5</sup>

**Италиялик меъмор Лоренцо Гилберти (1378-1455).** Сураткашлик перспективасини ясашда тасвиirlаш принципларини ихтиро қилди. У Флоренциядаги соборларнинг бронздан ясалган эшикларидағи нақшларни бажарган. Перспектив тасвиirlарни геометрик қоидаларни қўллаб чизган.

**Пиеро-Франческо (1406-1492)** ҳозирги замон чизиқли перспективасининг асосчиси деб юритилади. У ўзининг 1458 йилда ёзилган «Наққошлиқ перспективаси ҳақида»ги асарида биринчи марта шаклнинг перспектив тасвиirlарини геометрик нуқтаи назардан асослаб, «Предметни кўриш конуси билан картина текислигининг кесишув натижаси» деб қарайди. У текис шишани картина текислиги деб олади.

**Италиялик рассом, ҳайкалторош Леон Батиста Альберти (1404-1472)** перспективани сураткашликнинг математик асоси деб қарайди ва перспектив ясашларга баъзи бир назарий асослар келтиради. Альберти ўзининг «Сураткашлик ҳақида», «Меъморлик ҳақида» асарларида аслига қараб расм солишга тўр усули ёрдамида перспектива ясаш каби янги усулларни

<sup>5</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвиirlаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 44 бет

келтиради. Шу даврда аслига қараб расм солишининг ип ёрдамида, масштаб линейкаси, ойна ва трубка ёрдамида чизиш усуллари ҳам мавжуд эди.

**Италиялик машхур рассом ва улуғ олим Леонардо да Винчининг (1452-1519)** асарларида перспектив ясашларни тасвирилашга доир бирқанча мисоллар келтирилган. У биринчи бўлиб teng кесмалар картина текислигига қисқариб тасвириланишини айтган. Леонардо да Винчи цилиндрик сводларда перспектива ясашларни бажарди ва шу билан бирга панарама перспективасига асос солди. У сояларнинг бўлиниш қоидаларини кўрсатди. Унинг фикрича «Перспектива сураткашликнинг рулидир».

**Улуғ немис рассоми Альбрехт Дюрер (1471-1528)** ўзининг «Насихат» китобида расм чизишнинг тўлиқ ишланмасини беради ва кўпгина текис ва фазовий эгри чизикларнинг график ясашлар усулларини келтиради. Предметларнинг перспектив тасвири ва сояларини унинг ортогонал проекциялари асосида ясашни тавсия этади. Альбрехт Дюрер биринчи бўлиб ортогонал проекциялардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. 1525 йилда у чизма геометрия фанига яқинроқ бўлган рисоласини ёzádi. Бу рисолада винт чизиги конус кесимлари ва ҳокозаларни ортогонал проекцияларда тасвириланиши беради. Шу билан бирга у геометрик чизмачиликнинг умумий назариясини беришга ҳаракат қиласи. Дюрер кубнинг ортогонал проекцияларидан фойдаланиб унинг перспективаси ва соясини ясашни кўрсатади. Шу даврдан бошлаб ортогонал проекциялар ясашлари амалиётда тошларни қирқиши иншоотларда кенг қўлланила бошланди.

**Француз математиклари Ферма (1601-1665) ва Декарт (1596-1650)** таҳминан бир вақтда аналитик геометрия фанини яратдилар. Улар геометриядаги ўзаро боғланишларини аналитик функционал боғланишлар орқали бердилар. Бу боғланишларни алгебра ва анализ ёрдамида ўрганишнинг умумий схемасини бердилар. Ферма ва Декартларнинг бу ғоялари математик фикрлашнинг улуғвор йўналишлардан ҳисобланади. Аммо бу ғояларни қадимги замонларда ҳам пайдо бўлганлигини ҳам айтиш

зарур. Декартнинг 1637 йилда ёзган «Геометрия» асаридан 100 йил кейин Ньютоннинг (1642-1727) «Метод флюксий» (1736 й.) асарида баён этилган чексиз кичик миқдорлар тушунчаси математик анализ фанига асос солди. Чексиз кичик миқдорларнинг пайдо бўлиши ва уни геометрия фанига қўлланиши геометриянинг янги шаҳобчаси диференциал геометрияларнинг ҳисоблаш усуллари пайдо бўлди. Математиклар орасида шундай ишқивозлар борки, улар геометрик масалаларни арифметика ва алгебра воситалари билан эмас балки геометрик усул билан ечишни тавсия қилганлар. Уларнинг геометрияни геометрик усуллар асосида яратиш керак деган фикрдалар. Аммо геометриянинг синтетик усулларига кенг йўл бераб, аналитик усулларнинг аҳамиятини инкор қилиш ярамайди. Соф геометрлар ўз олдиларига мақсад қилиб аналитик геометрия масаласини синтетик таҳлил қилиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Улар геометрия учун принципни амалга ошириб, янги геометрияни яратишга эришдилар. Бу янги фан яъни геометриянинг янги шаҳобчаси умуман сонлар ҳақида ва миқдорлар ҳақидаги тушунчаларига эга бўлмайди. Бу геометриянинг устунлиги проекциялаш усули қўлланилади. Шунинг учун уни проектив геометрия деб номланди. Проектив геометрия ўзининг тараққиётига XVIII аср охири ва XIX аср бошларига эга бўлди. Бу геометрияни яратувчилари француз математиклари Понселе ва Шалс ва немис математиклари Мёбиус ва Штейнерлар ҳисобланади.

Штауд ва Рейе асарларида проектив геометрия ўзининг энг юқори даражасига эришган.

1636 йилда Дезарг (1593-1662) перспектива ҳақида рисола чоп этди. Бу рисолада Понселе ва Шалнинг ғоялари ривожлантирилди. Перспектив ясаш масалалари проектив геометрияни ривожлантиришга бошланғич асослардан бири бўлиб, улар қўпгина тушунчаларни умумлаштириди. Бу тушунчалар проектив геометрияда ўз ўрнини топиб унинг асосини ташкил қилди.

## **2.2. Чизма геометрия фанининг пайдо бўлиши ва ўқитилиши.**

Ҳар бир фаннинг пайдо бўлиши ва тараққиёт йўллари бўлгани каби

чизма геометрия фани ҳам кишилик жамиятиниг ривожланиши ва турли ишлаб чиқариш кучларини пайдо бўлиши билан ҳосил бўлган фандир. Бу фаннинг асосчиси француз олимни, математик Госпар Монж ҳисобланади.

**Госпар Монж (1746-1818) хақида.** Шахснинг тарихдаги роли тўғрисида сиёсий ва ижтимоий фанларда кўп айтилган ёки ёзиб қолдирилган. Бирор аниқ фанни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган шахслар тўғрисида ҳам



қизиқарли воқеалар кўп ёзилган. Шундай шахслардан бири Госпар Монж ҳисобланади. Геометрия фанининг баъзи бир проекцион ғоялари ва усуллари XVIII асрда тез ўсиб бораётган саноат муаммоларни ечишга қўлланиб борилган.

Госпар Монж ўзигача маълум бўлган барча геометрик қонун-қоидаларни умумлаштириб, ўзининг тадқиқотларида ва илмий қарашлари билан тўлдириб, назарий жиҳатдан асосланган чизма геометрия фанини яратди.

Евклид геометрия фанини яратилишига қанчалик салмоқли ўринда турса Г.Монж чизма геметрия фанини яратилишига ҳам шундай ўринда туради.


Евклид ўз геометриясини яратишда қанча хизматлар қилган бўлса, Г.Монж ҳам Витрувий, Фрезър ва бошқаларнинг тўлиқ исботланмаган кўп сонли фикрларини йиғиб, уларни такомилаштириди ва тадқиқотлар олиб бориб бир тизимга солди.

1746 йилда Бургундиянинг чиройли шаҳарларидан бири ҳисобланган Бон шаҳрида Жан Монж оиласидаги беш ўғилнинг биринчиси Госпар дунёга келди. Жан Монж ўзининг бутун фаолиятини бешта ўғлига таълим бериш учун ҳаракат қилди. Бу унинг ўғилларига берадиган энг яхши бойлиги бўлиб натижада ўғилларидан 3-таси фанларнинг турли соҳалари бўйича профессорлар бўлдилар.

Г.Монжнинг отаси ўғлини 6 ёшлигида туғилиб ўсан Бон шаҳридаги Ораторманлар мактабига ўқишига берган. Ўзининг қобилиятилиги,

мехнаткашлиги ва кўп нарсаларни ўз қўли билан ясашлик хислатлари билан у кўп нарсаларга эришди. Мактабни муваффақиятли битирган Г.Монж у ўқиган мактаб маъмурияти томонидан 1762 йилда Леон шаҳридаги магистрлар коллежига тавсия беради. Г.Монж ўзи ўқиётган коллежда 16-ёшидан бошлаб физика фанидан дарс беришга рухсат этилган.

Г.Монж 1764 йили ўзи туғилган Бон шаҳрининг планини ҳар хил бурчак ўлчагич асбоблари ёрдамида чизади. Унинг бу хайратда қолдирадиган иши ҳақида Бон шаҳридан ўтиб кетаётган Подполковник дю Виньюга етказилади.




1-расм.

Подполковник ёш йигитчани қобилиятини ҳисобга олиб у бажарган ишини юқори баҳолаб, уни Мезьердаги ҳарбий инженер мактабига ўқишига тафсия этади. Аммо бу мактабда фақат дворян болаларини қабул қилинар эди. Шу жиҳатдан Г.Монж учун бу мактабнинг офицерлик бўлимига ўқиши мумкин эмас эди. Шунинг учун

Г.Монж кондуктор-усталар ишлаб чиқариш бўлимига ўқишига қабул қилинди. Ҳарбий мактабда алгебра элементлари, геометрия, чизмачилик, тош қирқиши ва сводлар макетларни тайёрлаш техникаси каби фанлари ўқитилар эди. Ҳарбий мактабда ўқиш даврида фортификация (ҳарбий истеҳкомни узоқ муддатга чидамлилиги) масалаларидан бирини Г.Монж жуда қисқа вақтда ечди. Масалани одатдаги усуллар билан қисқа вақтда ечиш мумкин эмас эди. Уни ечишда Г.Монж геометрияning янги усулларидан фойдаланди. Мана шу масалани ечиш жараёнидан бошлаб «Чизма геометрия» фани пайдо бўла бошланди деса бўлади. Бу масалани Г.Монж томонидан янги усул билан ечилиши унинг обрўсини ошишига ва келажакдаги ишларини ривожига катта

аҳамиятга эга бўлди.



23 ёшли Г.Монж  
математика ва физика  
кафедраси асистенти этиб  
тайинланди ва бир йилдан

сўнг у шу кафедра раҳбари бўлиб ишлай бошлади. Г.Монж ўзининг ижтимоий келиб чиқиши билан аристократлар болалари билан бирга ўқишига хуқуқи бўлмаса ҳам эндиликда у ўзидағи қобилият билан аристократ болаларига дарс бера бошлади. Шу даврдан бошлаб Г.Монж француз математиклари орасида таниқли математик ҳисобланган. Бу даврларда у чизма геометрия фани бўлимларини ривожлантириб ўқув жараёнида ўқув курси сифатида киритди. Фақат уни дарслик сифатида 20 йилдан сўнг 1798 йилда чоп этилди. Монжнинг чизма геометрия дарслигидаги чизмалар 1-2-расмларда келтирилган. 2-расмда фазодаги АВ кесмани горизонтал ва фронтал текисликлардаги ортогонал проекциялари тасвирланган 2-а расмда фазодаги АВ кесманинг горизонтал текисликтаги ортогонал проекцияси 2-б расмда эса унинг эпюри ва ҳақиқий узунлигини фронтал проекциялар текислигига аниқлаш тасвирланган. Бу янги проекциялаш усули ҳарбий инженерлик масалаларини ечишда қулай бўлиб, ҳарбий мутахассислар дастлаб бу дарсликни чоп этилишга рухсат бермаганлар.

Г.Монжнинг фазовий эгри чизиқларни математик ва график тадқиқотлари соҳасидаги ишлари ва бошқа математика соҳасидаги салмоқли тадқиқотлари учун 1772 йили Париж академиясининг мухбир аъзолигига сайланди. Бу даврда Г.Монж иқтисодий томондан анча яхши бўлгани учун ўзининг асосий вақтини ўзи севган фанларини ривожлантиришга қаратди. Унинг илмий ишлар йўналишлари физика, кимё, эҳтимоллар назарияси, чизма геометриянинг амалий қўлланилиши фанлари соҳалари бўлган. У 1779 йилда, матанализни геометрияга қўлланилиши китобини ёзиб, унда геометрик масалаларни интеграл ва дифференциал ҳисоблашлар билан ечиш усулларини кўрсатди. Шу билан бирга дифференциал геометрияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 1780 йил Г.Монж Париж академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланди. У академия комиссияларида ишлаб, ўзининг билим соҳаларини ва илмий йўналишларини янада кенгайтирди. 1780 йил Г.Монж портларни тозаловчи машиналар, сувни қўтариш системаси, ҳавога учиш имкониятлари, шамол босими ҳақидаги

илмий ҳисоботлар тузди. 1781 йил Монж физика фани вакили сифатида Д.Дидро тузган энциклопедиянинг луғатларини тахлил қилишда қатнашди. Шу йилларда Г.Монж математика, физика, химия, металургия, статика каби фанларни турли йўналишларини ривожлантиришга салмоқли хисса қўшди.

XVIII аср энциклопедист олимлар асри ҳисобланади. Бу даврда фундаментал фанлар асослари яратилиб, фанлар муаммолари ва уларни ўрганиш усуллари орасида фарқ йўқ эди. Бу даврда кучли назарий ғояларнинг амалиётда қўлланилиши ва фанлардаги революцион ривожланишлар пайдо бўлиш даври эди. Бу революцион холатлар фақат фанда эмас турли мамлакатларнинг сиёсатларида ҳам содир бўла бошлади. 1789 йил 17 июльда Францияда монархия тугатилди. Франциядаги бу воқеа бутун цивилизация дунёсига тарқалди. Биринчи революцион хукуматни вақтинча бажарувчи комитети таркибига Г.Монж денгиз флоти вазири бўлиб кирди. Г.Монж 1793 йилда Бертолле ва Вандеманлар билан биргаликда металург ишчилари учун “Темир ишлаб чиқариш қўлланмаси” ва 1794 йилда ўзи тузган дастур бўйича қурол ясовчилар мактабида маъruzalар ўқийди. У “Пушка ишлаб чиқариш усули ҳақида”ги китобини ёзиб чоп эттирди. Шу пайтларда ватанпарвар Г.Монж республикачиларнинг кучли энергияли ташкилотчиси, яратувчанлик ва тетик фикрлар, ашаддийси бўлиб, судкасида 4 соат ухлайди, бир-икки бўлак нон, иссиқ бўлмаган уйда яшаб тадкиқотлар олиб борган.

Агар Г.Монжни чизма геометрия фанини яратувчиси ва Евклидни эса элементар геометрияни яратувчи эканлиги таққосланса, унда яна қўшимча қилиб шуни айтиш мумкинки Г.Монж Париж ҳимоячиси, ватанпарвари бўлса, Архимед эса, туғилган жойи Саракузани ҳимоячиси ва ватанпарвари деб тенглаштириш мумкин.

Ёш француз республикаси учун ҳаводек ёш саводли кадрлар керак эди. 1794 йилда Парижда марказлашган умумий ишлар мактаби ташкил қилинди. Г.Монж бу мактабни президенти бўлган. Бу мактабда чизма геометрия фани ҳам фан сифатида ўқитилган. 1795 йилда Парижда ўқитувчилар тайёрлаш

мақсадида одатдаги мактаблар ташкил этилди ва бу мактаб ўқитувчилариға Г.Монж биринчи марта чизма геометрия фанидан түлиқ курси бўйича маъруза ўқиди. Бу курс стенограммаси 1795 йилда мактаб журналида чоп эттирилган. Шу асосида 1798 йилда Г.Монж муаллифлигига чизма геометрия фанидан биринчи китоб чоп этилди. Мазкур китоб чизма геометрия фанидан биринчи дарслик бўлиб, уни мустақил дарслик сифатида тавсия этилган. 1795 йилда Париждаги марказлашган умумий ишлар мактаби политехника мактаби деб номланди. Уни ташкилотчиларидан бири Г.Монж ҳисобланади.

1795 йилда давлатнинг янги бошқарувчи органнинг топшириғига асосан республикачилар армияси томонидан босиб олинган Италияга Г. Монж комиссия аъзоси қилиб юборилди. Бунда у комиссия аъзолари билан биргалиқда санъат асарлари ва ноёб китобларни Франция музейлари ва кутобхоналарига олиб келиш учун юборилган. Италияда Г.Монж армия командири ёш Банопарт билан танишади. Банопард ўз режаларини амалга ошириш учун одамларни танлашни билган шахс ҳисобланади. У айrim одамларни ва бутун армияни ўзига бўйсундиришга, қаратишга итоат қилдиришга ва меҳр қўйишга қодир хислатлари бор шахс бўлган. Унинг ўз сафдошларига қаттиқ қўлиги ҳам бор эди. 1798 йилда Г.Монж Банопарднинг кўп олимлар гурухи билан биргалиқда Миср экспедициясига қатнашишини таклиф қиласди. Бу илмий комиссиянинг мақсади Мисрда босиб олинган жойларнинг илмий жихатдан текшириш. Шу мақсадда Миср институти ташкил қилинди. Бу институт нон ишлаб чиқаришни яхшилаш, Нил дарёси сувини тозалаш, қизил ва ўрта ер дengизларини бирлаштирувчи каналлар қуриш каби масалалар билан шуғилланиша режалаштирилган. Миср энспедициясидан сўнг Монжнинг Парижга қайтиши биринчи навбатда уни жона-жон политехника мактабига келиб дарс бериши эди. У қайтиши биланоқ мактабнинг низоми ва дастурларини ишлаб чиқди. Г.Монж биринчи курс ўқувчилари учун ўқув плани тузганда математика ва матанализ фанига 85 соат, чизмо геометрия фанига 120 соат (бу хозирги замонда ўқитиладиган чизма геометрия маъruzаларидан 3,5 марта кўпдир), машина элементларига

18 соат маърузалар ажратди.

1799 йилда Г.Монж политехника мактаби директорлиги вазифасидан бўшади. Чунки у улуғ математиклар Лагранж ва Лапласлар билан биргалиқда сенаторликка умирбот тайинланган эди. Бу даврда Монжнинг илмий ишлар йўналишлари машиналар назарияси ва ҳавода енгил апаратларда учиш соҳаларига бағишланган бўлган.

Г.Монж умрининг охиригача чизма геометрия фанига, политехника мактабига ва Напалеонга содик бўлиб қолган шахсдир.

Монж билан Напалеонни солиширилса, улардан бири олим, республикачи бўлса иккинчиси истилочи, императордир. Г.Монж ва Напалеоннинг тағдирлари бир-бирларига жуда чатишиб кетган. Напалеоннинг император бўлиши билан Монжнинг янги ижодий ишларига ривож топа бошлаган. Напалеоннинг мағлубиятларга учрашиш даврларида Монжнинг ижодий ишлари юришмай қолган.

Г.Монж ҳаётидаги қўйидаги асосий саналарни келтиришимиз мумкин.

1804 йил фуқаролардан биринчи бўлиб, фахрий легион орденининг соҳиби бу Монж деб айтади Напалеон.

1805 йил Маас ва Энн дарёлари орасидаги канал қуриш лойихаси устида Монж иш олиб боради.

1806 йил Монж бир йиллик муддатда сенат призиденти этиб тайинланади. У Полуоний графи унвонини олади, ҳамда 100 000 франк пул билан унга Пруссиядан ер мулкини меросликка берилади.

1808 йилда Монж Англияга хаво десанти тушуриш лойихаси бўйича консультация беради.

1811 йилда Бертолле ва Лапласлар билан биргалиқда металлургия масалаларини ечиш учун кимёвий тажриба ўтказади. Г. Монж «Чизма бу техниканинг тилидир» деб таъкидлаган.

1816 йилда Г.Монж Франция фанлар Академиясидан хайдалади. Унинг ҳуқуқлари ва унвонлари бекор қилинади. Ўз тақдирини афсонавий император билан боғлаган ва Франция учун жуда катта ишлар қилган, фанларни турли

соҳаларини ривожлантирган Г.Монжга мана шундай жазо бердилар.

28 июнъ 1818 йили Г.Монж вафот этди. Уни дафн қилишда эски дўстлари Бертолле, Лаплас политехника мактаби ўқувчилари қатнашдилар. Монж ўлган бўлса ҳам унинг ғоялари ўлмаган, тирик. Уни «Чизма геометрия» фанининг «Отаси» деса ҳеч қандай хато бўлмайди.<sup>6</sup>

### **2.2.1. Россияда «Чизма геометрия» фанининг ўқитилиши ва ривожланиши.**

Чизма геометрия фани олий ўқув юртларида ўқитилиши ва уни тараққиёти Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларидан биринчи бўлиб Россияда амалга оширилган.

Россияда чизма геометрияни ўқитиш 1810 йилдан бошланган. Бу фан биринчи марта Петербург йўл-инженерлари корпуси институтида (ҳозирги Петербург темир йўллар траспорти институти) француз тилида ўқитилган. Фанни ўқитиш учун Франциядан мутахасислар таклиф қилинган. Булардан биринчи бўлиб К.Потье келган. У Мезьер инженерлик мактабининг ўқувчиси Г.Монжнинг шогирдларидан бири бўлган. Потье 1816 йилда Россияда биринчи бўлиб, чизма геометриядан француз тилида дарслик чоп эттириди ва у шу фандан Россияда биринчи профессорлик унвонини олган олим ҳисобланади. Унинг бу дарслиги шу йилнинг ўзида Потъенинг шогирди Я.А.Севостянов рус тилида таржима қилди ва уни «Йўл инженерлари корпуси институти талabalari учун чизма геометрия асослари» деб номлади. Дарслик Россияда биринчи рус тилидаги китоб ҳисобланади. Бу дарсликда биринчи марта чизма геометриядан ишлатиладиган барча луғат ва атамалар рус тилида ўз ўрнини топди.

1814 йил Я.А.Севостянов (1796-1849) институтни битириб, шу институтда чизма геометрия фанидан шогирдликка қолдирилади. Уни 1818 йилда институт ўқитувчилигига қабул қилинади ва чизма геометриядан дарс бера бошлайди. 1821 йилда Я.А.Севостянов «Чизма геометрия асослари» дарслигини чоп этилди. Бу китоб рус тилидаги биринчи оригинал дарслик

<sup>6</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 51-56 бет

хисобланади. Унинг боблари ва параграфларини муаллиф ўзининг илмий изланишлари билан бойитади. Шунинг учун бу китоб бир неча марта қайта нашр қилинган ва ҳар бир нашрида луғат ва атамаларида тузатишлар киритилган. Бу китоб ўз даврида европадаги барча «Чизма геометрия» китобларидан ўзининг анча устунлиги билан фарқ қилган. Я.А.Севостянов чизма геометриядан илмий тадқиқот ишларини ҳам ривожлантириб, рассомчиликда, чизиқли ва фазовий перспектива ясашда, соялар ясашда, карталар чизишдаги каби масалаларни ечишда геометрик усуллар тадбиқларини амалга оширган. Унга 1824 йилда рус олимларидан биринчи профессорлик илмий унвони берилади. Я.А.Севостянов ўз китобида Г.Монжнинг ғояларни ривожлантириб, «қўшимча проекциялаш» усулини тавсия этган. Кейинчалик бу ғояни профессор С.М.Колотов ҳар томонлама ривожлантириб, «ёрдамчи проекциялаш» усули деб номлаб ўзининг 1933 йилда чоп этилган «Чизма геометрия» дарслигига позицион ва метрик масалаларни ечишга батафсил қўллаган. Чизма геометрияни Россияда янада ривожланиши ҳамда санъат ва рассомчиликнинг тараққиёти билан олиб борилган.

1841 йилда Ф.А.Галактионовнинг «Чизма геометрия» китоби чоп этилди. Бу китоб ўша даврнинг барча ҳарбий-техника ўқув юртлари учун тавсия этилган. Я.А.Севостяновнинг шогирди профессор А.Х.Редер (1809-1872) чизма геометриядан бир неча илмий ишлар яратди. Булардан «Аксонометрик проекциялар ҳақида» китоби рус тилида биринчи марта нашр қилинган. Редернинг 1858 йилда чоп этилган «Расм чизишда чизма геометрияни қўллаш», «Тўғри бурчакли изометрик проекция» ва «Сон белгили проекциялар» каби изланишлар билан чизма геометрияни амалиётда қўлланишини кўсатилган.<sup>7</sup>

<sup>7</sup> Ш.Муродов., Н.Ташимов, «График тасвирлаш асослари» , «Нврўз» нашриёти Тошкент-2013, 62-63 бетлар

### **3-мавзу. Узлуксиз таълим тизимида мұхандислик графикаси фанларини үқитишида инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.**

**Режа:**

- 3.1.Узлуксиз таълим тизимида мұхандислик графикаси фанларини үқитишида инновациялар
- 3.2. Мұхандислик графикаси фанини үқитишида қўлланиладиган инновацион технологиялар.
- 3.3.Инновацион технологияларнинг аҳамияти.

**Таянч иборалар:** Инновация, технология, педагогик технология, метод, инновацион технологиялар.

#### **3.1. Узлуксиз таълим тизимида мұхандислик графикаси фанларини үқитишида инновациялар**

Илмий-техник тараққиёт нафакат аксарият ишлаб чиқариш соҳасинигина технологиялаштиради, балки у маданият, таълим соҳаларига ҳам кириб бормоқда. Бугунги кунда информацион ахборот тиббиёт, таълим ва бошқа технологиялар тўғрисида фикр юритиш мумкин.

Тарихан технология тушунчаси техник тараққиёт билан боғлиқ равища юзага келган ва бу тушунча санъат, хунар ва фан хақидаги таълимотга мувофиқ келади.

Технология деганда, одатда ашёларни қайта ишлаш методлари ва ишлаб чиқариш жараёни ҳамда уларнинг илмий тавсифларининг мажмуи тушунилади. Сиёсий луғат (М., 1989)да технологияга шундай изоқ берилади: 1) ишлаб чиқариш жараёнида ашёлар, материаллар, ярим тайёр ашёларни қайта ишлаш, тайёрлаш ҳолати, хусусияти, шаклининг ўзгариш методлари йиғиндиси; 2) ашёлар, материаллар ва ярим хом ашёларга мувофиқ ишлаб чиқариш қуроллари орқали таъсир ўтказиш усууллари тўғрисидаги фан.

«Қомусий луғат»да шунга яқин изоҳ берилади, лекин уни бирмунча

кенгрөқ ёритади: «Фан сифатида технологиянинг вазифаси ҳар томонлама самарали ва тежамли ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ва амалиётда ундан фойдаланиш мақсадида физика, кимё, механика ва бошқа қонуниятларини бажариш.»(М.,1979)

Технология грекча сўз бўлиб, *технос*- санъат, маҳорат, *логос*- таълимот деган маъноларни билдиради.

Педагогик технология педагогнинг талабаларга таъсир қилишни ташкил этиш бўйича касбий аҳамиятга молик малакалар тизимини аниқлаб беради, педагогик фаолиятнинг технологиклигини англаш усусларини таклиф этади.

Ҳозирги давр таълим технологиялари муаммоси, педагогик инновация тажрибалари уларни бир тизимга тушириш ва аниқлаштиришни талаб қиласди. Олий мактаб олдида педагогик технологияларнинг илмий асослари, уларнинг таснифи, моҳиятини очиб бериш ва ўқув жараёнининг технологиклиги муаммоларини таъминлаш масаласи турибди.

Педагогикага оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳозирги даврда педагогик технология тушунчаси таълим амалиёти ва назарияси илмдан мустаҳкам ўрин эгаллади, лекин уни педагогиканинг мукаммал луғатлари (тезаурус)даги ўрни ҳали номаълумлигича қолмоқда.

Педагогик технология тушунчасининг шаклланиши ва ривожланиши тарихида турли қарашлар мавжуд бўлган: у техник воситалар ҳақидаги таълимот деб ҳамда ўқитиш жараёнини лойиҳалаштирилган ҳолда изчил ва мунтазам ташкил этиш деб талқин қилинган. Ҳозир педагогик технологияларнинг бир қанча таърифлари мавжуд.

*В.П. Беспалко* педагогик технологияни амалиётга татбиқ қилинадиган муайян педагогик тизим лойиҳаси сифатида белгилайди. У педагогик тизим технологиялар ишлаб чиқиш учун асос бўлади, деб ҳисоблайди. Бунда асосий диққат ўқув-педагогик жараённи олдиндан лойиҳалашга қаратилади, дидактик вазифа ва ўқитиш технологиялари тушунчасидан фойдаланилади. Шу тариқа В.П. Беспалко ўқув жараёнини лойиҳалаш ғоясини илгари суради, афсусски, педагогик технология ва лойиҳа тушунчалари ҳақида аниқлик йўқ.

Педагогик технология таълим жараёнига жадаллик билан кириб бораётган бўлса ҳам, унинг мақоми ноаниқлигича қолиб кетмоқда. Тадқиқотчиларнинг ишларида фан ва амалиёт оралиғидан ўрин эгалламоқда.

*Н.Ф.Тализина* ҳар бир педагог реал педагогик жараённи ташкил этишдан олдин ўкув жараёни ҳақида технологик даражада билимлар тизимини билиб олган бўлиши шарт деб ҳисоблайди. У фан ва амалиёт оралиғида тамойилларни олға сурувчи, методлар ишлаб чиқувчи, уларни изчил қўллаш каби масалалар билан шуғулланувчи алоҳида фан бўлиши керак, деб ҳисоблайди, уларсиз педагогик жараён асосланмай қолади (технология реал ўқитиш жараёни сифатида).

Айрим муаллифлар ўқитиш технологияларига фан ва санъат оралиғидаги фан деб қарайдилар, бошқалари уни лойихалаш билан боғлайдилар.

Шундай қилиб, бир ёндашувда ўқитиш технологиялари ўқитишнинг барча воситаларини қамраб олган қандайдир жиҳозлаш сифатида ҳам белгиланади. Унда технология ўкув жараёнини техниклаштиришни тақозо қиласди.

Бошқа ёндашувда технологияга таълим амалиётини янги ёки замонавийлаштирилган билимлар билан таъминлашнинг усули сифатида қарашга имконият беради. Бунда технологияга таълимнинг илмий тамойиллари ва амалиётини татбиқ этиш сифатида қаралади.

Технология тушунчаси 60-йиллардаги Америка ва ғарбий Европада таълимни ислоқ қилиниши билан боғлиқ равишда кириб келди. Б.Блуи, Ж. Королл, П.Я.Галперин, В.И.Давидов, Н.А.Менчинская, З.И.Калмикова, Л.И. Занков технологиялари машқур. Ўқитишни ташкил қилишнинг технологик ёндашувлари В.П.Беспалко, Н.Ф.Тализина, Л.М.Фридман, Ю.Н.Кулюткина, Г.С.Сухобской, Т.В.Кудрявцев, А.М. Матюшкин, М.И.Махмутов каби аксарият психолог ва дидактикачиларга тааллуклидир.

Технологик ёндашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, аксарият ўқитиш технологиялари бўш технологияланганлиги бўйича қолиб кетмоқда. Бир

қатор технологияларда назарий асослар кучайтирилган, амалий томони у қадар ойдинлаштирилмаган.

Т.А.Балло технологиянинг бир томонини, яъни ўқитищда топшириқли ёндашувни ёритади. Бошқаларида ё компютер орқали дастурлаштирилган ўқитиш ёки ўқитишнинг муаммоли тузилмаси ажралиб туради.

Л.В.Занков, Т.Я.Галперин, В.И.Давидов тадқиқотларида босқичли ўқитишнинг яхлит технологиялари ҳақида фикр юритилади.

1. Педагогик технологияда ҳали кўп аниқланмаган масалалар бор. Бу муаммони тадқиқ этиш ўқитиш технологиясининг тушунчаси ва методологик моҳиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Педагогик технология ўзига хос ва потенциал яратиладиган педагогик натижаларга эришиш учун педагогик тизимнинг барча ташкилий томонларига алоқадор назарий ва амалий (таълим тизими доирасида) тадқиқотлар соҳаси сифатида белгиланади.

Педагогик технология моҳиятини ёритиш учун педагог-дидактикачилар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топамиз.

«Педагогик технология – психологик ва педагогик ўгитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини қам билдиради» (Б.Лихачев).

«Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси» (В.П. Беспалко).

«Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи» (И.П. Волков).

«Технология – ишлов бериш, холатни ўзгартириш санъати, махорати, малакаси ва методлар йиғиндиси» (В.М. Шепел).

«Педагогик технология – талаба ва ўқитувчининг уларга зарур шароит яратиш орқали ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича улар педагогик фаолиятининг ҳар томонлама ўйланган

моделидир.»(В.М.Манахов).

«Педагогик технология – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги қаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир» (ЮНЕСКО).

«Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда боълишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради»(М.В.Кларин).

«Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади». (Г.К. Селевко).

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва татбиқ этиш деган хulosага келиш мумкин.

Таълим технологияси деганда таълимнинг белгиланган мақсади ва талабанинг билим даражасига кўра ўкув фаолиятини бошқаришнинг назарий лойиҳаси ва педагогик тизимнинг амалда бўлишини таъминловчи зарур воситалар тизими тушунилади.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технология бирор назария ва мақсад асосида ишлаб чиқилади. Педагогик тизимнинг амалда бўлиши, унинг мосланувчанлиги ҳамда талабанинг шахсий хусусиятлари, уларнинг технологик ва индивидуал меъёрлари билан боғланган. Бунда ушбу технологияларнинг мослашувчанлиги, уларнинг вариативлиги, талаба хатти-ҳаракатларининг босқичлилиги мухим ахамият касб этади.

Ўқитиш технологияси сатқида ўкув жараёнининг барча компонентлари ёритилади.


Шахсга йўналтирилган технология асосида талабаларнинг интеллектуал ва эмоционал-мотивацион ривожланиши, билим ва касбий малакалар

шаклланиши, таълим жараёнига қадрият сифатида ёндашиш муносабатини таъминлаш, фаолликни ошириш, ўз-ўзини англаш ва мустақиллигини шакллантириш ётади.

Бу тадқиқотларни тақлил қилган ҳолда ушбу таърифни бериш мумкин:

*Педагогик технология таълим мақсадларига эришиши ва шахснинг ривожланишига қаратилган педагогик фаолиятни муттасил равишда ривожлантириши тизими лойиҳасидир.*

### Педагогик технология термини класстерланади



### 3.2. Мұхандислик графикаси фанини ўқитишида қўлланиладиган инновацион технологиялар.

Ҳозирги вақтда энг ташвишли масалалардан бири талабга жавоб бермайдиган даражада ўқийдиган ўқувчиларнинг кўпчиликни ташкил қилиши. Сабабини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.

Болаларнинг ўтиш ёши энг қийин давр ҳисобланади. Ўқитувчилар ўз ўқувчиларининг шу даврдаги ўзига ҳос ўзгаришларини ҳисобга олмасликлари натижасининг маҳсулидир.

Болаларнинг бу ўтиш ёши даври швециялик психолок Жан Пиаж (1876-1980) нинг фикрича, ўспиринларда объектга, борлик дунёга нисбатан

абстракт фикрлаш жараёнининг етилиши билан характерланади. Фикр юритиш ҳаракатининг мураккаблашиши бола ҳаётининг барча томонларига, ҳиссиётига таъсир кўрсатади. Америкалик психолог Стенли Ҳолл (1884-1923) таъбири билан айтганда боланинг ички ва ташқи низоларининг кучайган даври бўлиб, “индивидуал ҳисси” пайдо бўлади. Америка психологи эрик эриксон (1902-1982) боланинг ўз олдига қўйган мақсадига эришиш йўлида ишбилармонлик ва жуда таъсирчанлик пайдо бўлади. Бу ёшда меҳнатга бўлган муносабатига асос солинади.

Болалардаги таъсирчанлик ижтимоий омил ва тарбияланиш шароитига, шахснинг индивидуаллигига боғлиқ бўлиб, “мен” деган қарама-қаршилик даъволари бола шахсининг ҳиссиётига катта таъсир кўрсатади (И.С.Кон, Психология юности, М., “Просвещения”, 1989-79 б). Бу ёшда болаларда ҳаёлпаратлик даври бошланади. Теварак атрофни ўраб турган турли ҳодисаларга жавоб топишга интилади. Ўз ички дунёсини қондириш мақсадида ҳар хил гипотезалар тузади, ўзининг психик ҳолатини сезмайди. Агарда бола хафа бўлса, у атрофдаги муҳитни сабаб қилиб кўрсатишга уринади.

Ўқувчиларнинг ўтиш ёшидаги ҳар хил “қилиқларини” ҳисобга олиб, ўқитиш ташкил қилинса, унинг самарадорлиги ошишига сабабчи бўлинади. Ўқувчиларнинг психик ўзгаришларига мос келадиган дидактик методлар татбиқ қилиб янги натижаларга эришиш мумкин.

“Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” таълим йўналишининг ўқув режасида “Муҳандислик графикаси фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари” фани мавжуд бўлиб, унда чизмачилик фанини ўқитишда педагогик технологияларнин ўрни ва амалий аҳамияти ўрганилади. Олий таълим муассасаларида мутахассис кадрлар тайёрланиши сабабли педагогик технологияларни фанга амалий татбифини ва уни ташкил қилиш методикасини талабаларга илмий асосда етказиб бериш лозим.

Болаларнинг 8-9- синфларда ўқийдиган пайти ўтиш даврининг қийин вақтига тўғри келади. Шу ёшдаги болаларга чизмачилиқдан дарс беришни

бироз бўлса ҳам осонлаштириш, ўқишида ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш мақсадида чизмачиликни ўқитишида замонавий педагогик технологияларга мурожаат этилади.

6-илова

Инсерт жадвали

Педагогик технологиялар хакида фикрингизни баён етинг.

V	−	+	?

2

### 3.3. Педагогик технологиянинг кўринишлари, даражалари, таснифи.

Педагогик фаолиятда «технология» атамасининг қўллана бошлиши билан педагогик амалиёт, унинг назарий жиҳатлари ҳамда улар ҳақидаги билдирилаётган мулоҳазалар бир мунча юқори илмий даражага кўтарилимоқда.

Педагогик технология ҳозирги замондаги дидактика ва педагогика тараққиётининг маъсули. Уни педагогиканинг ҳозиргача мавжуд бўлган ҳамда такомиллашиб келаётган барча асосий йўналишлари бўйича амалий вазифаларни янада юқорироқ даражада амалга ошириш йўлидаги янги босқич деб ҳисоблаш мумкин.

Шу нуқтаи назарлардан педагогик технологияни аввало ҳозирги педагогика фани тараққиёти натижасида ҳосил бўлган янги йўналиш деб ҳисоблаган ҳолда, унинг ўзига хос бўлган тамойиллари, қоидаларини чукур ўрганиб бориш ва пировардида қонуниятларини аниқлаш йўлидаги муаммоларни ечиш лозимлиги кўриниб турибди.

Педагогик технология аввало таълим-тарбияни янада ривожлантириш эҳтиёжларини қондириш йўлидаги инсонлар (педагоглар, ота-оналар, жамоатчилик) фаолиятидан иборат ижтимоий ҳодиса ҳисобланиши лозим.

Ҳар қандай ижтимоий ҳодисалар каби педагогик технологияни ҳам илмий жиҳатдан ўргануви фан соҳаси мавжуд бўлиб, уни педагогик технология фани деб номланади. Шу педагогик технология фани ўз навбатида замонавий таълим-тарбиянинг энг мақсадга мувофиқ йўллари ва усулларини тадқиқ қилувчи назарий фан ҳамда ўқув фани турларига ажралади.

Шу билан бирга педагогик технология амалий фаолият йўналиши сифатида ўқув-тарбия жараёнида қўлланиладиган тамойиллар, алгоритмлар ва бошқарув тизими ҳамда бевосита таълим-тарбия жараёнини ўз ичига олади.

Педагогик технология ижтимоий ҳаётнинг турли соҳалари билан ўзаро боғлиқ равишда шаклланиб ва ривожланиб бориши натижасида турлича кўринишларда намоён бўлади. Булар педагогик технологиянинг қўйидаги кўринишларидан иборат: ижтимоий ҳодиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси.

Педагогик технология ижтимоий ҳодиса сифатида таълим-тарбия масалалари билан боғлиқ мотивлар: эҳтиёж, талаб, манфаат, қизиқиш, мақсадлардан келиб чиқади ва уларни амалга ошириш учун хизмат қиласи. Шу билан бирга худди шундай мотивлар ҳар бир шахсда, оиласа ҳам мавжуд. Жамият ҳар бир аъзосининг таълим-тарбия даражаси ортиб бориши шу жамият ва давлатнинг ривожланишидаги энг асосий шартлардан ҳисобланади.

Бу шартнинг бажарилиши эса ўз навбатида, педагогик технологиянинг қанчалик юқори даражада эканлигига боғлиқ. Бундан эса педагогик технология шахс, оила, жамият, давлат ҳаёти учун катта аҳамиятга эга ижтимоий ҳодиса эканлиги кўринади.

Педагогик технология назарий фан сифатида педагогика фанининг алоҳида йўналишини ташкил қиласди. Ўз мақсади, вазифалари, муаммолари, методологияси ва бошқа назарий асосларига эга. Ўз муаммоларини ҳал қилишда бошқа кўп фанлар билан боғлиқликларга эга.

Педагогик технология назарий фан сифатида таълим-тарбия соҳасида кафолатли натижага эришиб бериш даражасини ошириш муаммоларини тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Ўқув фани қўринишида педагогик технологияларни ижтимоий ҳодиса, назарий фан, таълим-тарбия тизими, жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари, алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси сифатида турли таълим муассасаларида белгиланган ўқув дастури асосида ўргатишдан иборат.

Таълим-тарбия тизими қўринишида педагогик технология белгиланган таълим-тарбия фаолиятини амалга ошириш учун хизмат қилувчи моддий таъминот ва маънавий қадриятлардан иборат. Бунга ўқув режа, дастурлар ва дидактик воситалар ҳам киради. Бу тизим бошқа ижтимоий тизимлар каби тегишлича маҳсус тайёргарликка эга мутахассислар меҳнати орқали фаолият олиб боради.

Хозирда бу тизим узлуксиз таълим босқичларидан ташкил топган. Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларida педагогик технологиялар жорий қилиниши билан бу тизимнинг тўлиқ шаклланиши амалга оширилади.

Педагогик технологияни таълим-тарбия жараёни сифатида иштирокчиларининг фаолиятлари орқали амалга оширилади. Бу жараённинг пировард мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва ривожлантириш боълиб, асосан қўйидагилардан таркиб топади:

- таълим-тарбия бериш;
- ахборотларни авлоддан-авлодга узатиш;
- мустақил фикрлашга ўргатиш;
- билим, кўникма, малакаларни ўргатиш ва ўзлаштирилишига эришиш;
- турли методикаларни қўллаш ва такомиллаштириш;

- диагностика, мониторинг олиб бориш;
- инсонпарварлик, халқпарварлик, мағкуравий тамойилларга асосланиш;
- ўқувчининг тайёргарлик даражасини, психологик, физиологик, ёш хусусиятларини, гигиеник талабларни ҳисобга олиш;
- таълим менежменти, маркетинги талаблари ва хулосаларини, ижтимоий мотивларни ҳисобга олиш.

Педагогик фаолият ва унинг методикалари қурилишида педагогик технология ўзини тўлиқ намоён қиласди. Педагогик технологиянинг ҳаракатга келиши ва ундан кўзда тутилган натижага эришиш фақат педагогик фаолият жараёнида амалга оширилади. Чунки педагогик технология ва педагогик фаолият бир-биридан ажратиш қийин тушунчалар ҳисобланади ва уларнинг бири иккнчисисиз ўз маъносини ва аҳамиятини йўқотади.

Ўқув фанларининг сони кўплигини ҳисобга олганда, педагогик фаолиятнинг кўп қисми хусусий (ўқув фанлари) педагогии технологияси учун сарфланади. Шунинг учун хусусий фанлар даражасидаги педагогик технологиялар кўпроқ тарқалган. Шу айтилганлар асосида педагогик технология, энг аввало, педагогик фаолият ва унинг методикалари кўринишида намоён бўлади ва ривожланиб боради, деб ҳисоблаш мумкин.

Алоқадор фанларнинг илмий тадқиқот соҳаси сифатида педагогик технологияларнинг турли фанлар билан боғлиқлари яққол кўринади. Педагогик технология кенг кўламли ижтимоий ҳодиса бўлиб, у кўп фанларнинг тадқиқот обьекти ҳисобланади. Бунда ҳар бир фан ўз мақсад ва вазифаларига мувофиқ йўналишларда педагогик технологияни чуқур ўрганиши натижасида уни такомиллаштириб бориш йўл-йўриклари белгилаб борилади.

Педагогик технология барча ўқув фанлари билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ҳамда ўзининг мунтазам ривожланиб боришини кадрлар тайёрлаш орқали таъминлаб туради.

Педагогик технологиянинг юқорида айтилган кўринишларининг асосий белгиларини аниқлаш ва умумлаштирган ҳолда қисқа шаклда ифодалаш орқали унинг асосий таърифини ва бошқа белгиларини аниқлаш мумкин.

Шундай қилиб, ҳозирда педагогик технологияни ижтимоий ходиса, назарий фан, ўқув фани, таълим-тарбия тизими, таълим-тарбия жараёни, педагогик фаолият ва унинг методикалари ҳамда алоқадор фанларнинг илмий-тадқиқот соҳаси кўринишларида мавжуд деб ҳисобланади.

### **Педагогик технология даражалари**

Юқорида айтилганлар асосида педагогик технологияларни умумпедагогик, хусусий (ўқув фанлари) ва кичик технологиялардан иборат учта даражага ажратилади.

Умумпедагогик технология турли даражадаги тизимларни ифодалайди. У айрим худуддаги, тумандаги, таълим муассасасидаги ёки таълимнинг айрим поғонасидаги барча таълим-тарбия жараёнига тегишли бўлади. Умумпедагогик технология ўз ҳудуди ёки таълим муассасасидаги таълим-тарбиявий мақсадлар, мазмун, воситалар, бошқарув шакли ва усуллари, ўқувтарбия жараёни иштирокчилари фаолиятининг алгоритмларини белгилайди.

Хусусий технология таълим-тарбия мазмунининг айрим йўналишларини амалга ошириш усуллари ва воситалари мажмуасини ўз ичига оловчи педагогик тизимларни қамраб олади. Бунга айрим фанларни ўқитиш технологиялари, раҳбарнинг, ўқитувчининг, тарбиячининг ва ўқувчининг ишлаш технологиялари киради.

Кичик технологиялар ўқув-тарбия жараёнининг алоҳида қисмларини ўз ичига олади. У айрим дидактик ва тарбиявий масалаларни ҳал қилиш билан шуғулланади. Буларга дарслар технологияси, тушунчаларни шакллантириш, янги билимларни ўзлаштириш ва мустақил ишлаш технологиялари, айрим фаолият турлари ва алоҳида шахсий сифатларни тарбиялаш технологиялари, ўқув материалларини такрорлаш, ўзлаштиришни ва тарбияланганликни назорат қилиш технологиялари ҳамда айрим тадбирларни ташкил қилиш ва амалга ошириш технологиялари киради.

Педагогик технологиялар ҳақида нималар билишига қаратилган Б/Б жадвали тўлдирилади.

Б/Б/Б жадвали		
Педагогик технологиялар хида нималарни биласиз? Педагогик технологиялар хида нималарни билишни хохлайсиз?		
Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим

### Педагогик технология таснифи

Мактаблар ишининг ҳозирги назарияси ва амалиётида ўқув-тарбия жараёнининг қўплаб вариантлари мавжуд. Ҳар бир муаллиф ҳамда амалиётчи педагогик жараёнга ўзининг индивидуал улушини қўшади. Лекин кўп технологиялар ўз мақсадлари, мазмуни, қўлланадиган методлари ва воситалари бўйича етарлича кўп ўхшашликларга эга ва уларни шу умумий белгиларига кўра тасниф қилиш мумкин.

Педагогик технологияларни қўйидаги белгиларига кўра тасниф қилинади:

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафий асоси бўйича;
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича;
- шахсий белги-сифатларига кўра йўналганлиги бўйича;
- мазмуни хусусиятлари бўйича;
- бошқарув тури бўйича;
- болага ёндашув бўйича;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича.

Шу юқорида айтилган тасниф асосида мисол сифатида ҳозирги анъанвий мактаб таълимини қуидагича таснифлаш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра: умумпедагогик;
- фалсафий асоси бўйича: мажбурлаш педагогикаси (умумий мажбурий таълим);
- асосий ривожлантирувчи омили бўйича: социоген, яни асосий эътибор жамиятнинг фаол аъзолари бўлган баркамол инсонларни тарбиялашга қаратилган; шу билан бир вақтда биоген омилларга, яъни шахснинг ҳар томонлама ривожланишига ҳам эътибор қаратилган ҳолда;
- ўзлаштириш концепцияси бўйича: ассоциатив-рефлектор бўлиб, суггестия (намуна, мисол, ўрнак, ибрат кўрсатиш)га таянган ҳолда;
- шахсий белги-сифатларга кўра йўналганлиги бўйича;
- ахборотли, яъни билим, малака, кўникмаларни шакллантириш ва мустаҳкамлашга йўналтирилган;
- мазмуни хусусиятлари бўйича: дунёвий, технократик, умумтаълим мазмунида бўлиб, таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш ва олиб боришда дидактикага марказий ўрин берилади;
- бошқарув тури бўйича: анъанавий-мумтоз (классик) бўлиб, унга таълимнинг техника воситалари қўшилган;
- болага ёндашув бўйича: авторитар;
- кўп қўлланиладиган методлари бўйича: тушунтириш-иллюстрациялаш;
- таълим олувчилар тоифалари бўйича: оммавий.

Шу билан бир вақтда, жамиятнинг ривожланиши алоҳида мамлакатларда ва умуман жаҳонда инсонпарвар фалсафий асосдаги янги педагогик технологияларни яратди. Булар ҳам юқорида айтилган белгиларга кўра қуидагича тасниф қилиниши мумкин: ҳамкорлик педагогикаси, ўйин технологиялари, муаммоли таълим, программалаштирилган таълим, гурӯхли технологиялар ва бошқалар.

Педагогик технологияларни таснифлашда уларнинг энг яққол ажралиб турадиган хусусиятларига асосланилади. Аслида эса ҳар бир педагогик технология соф ҳолда учрамайди, уларда бошқаларига хос боълган элементлар албатта мавжуд боълади.

Масалан, ақлий ҳужум, ишчанлик ўйини, рўлли ўйин каби интерфаол машғулотлар таркибида ҳамкорлик, бола шахсига йўналтирилган, муаммоли, дидактик ўйин каби педагогик технологиялар элементлари албатта мавжуд. Худди шундай таҳлилни деярлик ҳар бир педагогик технология шакиллари ва усулларига нисбатан ҳам ўтказиш ҳамда соф ҳолда ажратиб олиш мумкин бўлган алоҳида технология аслида амалда йўқлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

#### **4-Маъруза**


### **ПРОЕКЦИЯЛАШ АСОСЛАРИ. ЕВКЛИД ФАЗОСИНИ КЕНГАЙТИРИШ ВА ГЕОМЕТРИК ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ПАРАМЕТРЛАШ**

**Режа:**

- 4.1. Проекциялашнинг асосий тушунчалари
- 4.2. Геометрик шаклларни параметрлаш

#### **4.1. Проекциялашнинг асосий тушунчалари**

Фазода К текислиги С нуқта ва бир текисликда ётмаган А, В ва С нуқталари берилган бўлсин (3-расм).



**3-расм**


С ва А нүкта орқали түғри чизиқ ўтказамиз. СА түғри чизиқ К текисликни А нүктада кесаяпты дейлик. Бу жараён марказий проекциялаш деб аталиб, ундаги С проекциялаш маркази, АВС фазода жойлашган нүкталар. СА орқали түғри чизиқ ўтказайлик. У К текисликни А<sub>1</sub> нүктада кесаяпты деб фараз қиласынан.

$$CA \cap K \rightarrow A'$$

В ва С нүкталарнинг проекциялари хам шу усулда аникланади, яъни

$$CB \cap K \rightarrow B'$$

$$CC \cap K \rightarrow C'$$



4-расм

Икки ўзаро кесишувчи икки  $h$ , к түғри чизиқлар хамда  $S$  нүкта берилган бўлсин (4-расм).

$H$  да ётган  $A_1$  нүктани  $S$  билан бирлаштирайлик ва унинг  $k$  билан кесишиганди нүктасини  $A_1'$  деб белгилайлик.  $S$  нүктани проекциялаш маркази К түғри чизигини проекциялар түғри чизиги  $h$  ни эса нүкталар қатори деб атаемиз. Түғри чизиқда ётган  $A_1, A_2$ , и  $A_3$  нүкталарни проекциялаш маркази  $S$  билан бирлаштирайлик. Проекцияловчи нурлар  $SA_2$  ва  $SA_3$  К билан  $A_1'A_2'$  ва  $A_3'$  нүкталарда кесиб уларнинг марказий проекцияларини хосил қиласынан. Демак К даги ҳар бир нүкта ягона нүкта мос келади ва аксинча А нүктада ётан битта нүкта мос келади. Агар А нүктани  $h$  түғри чизиги бўйича чексиз

узоқликка узоқлаштирулсақ, унга мос проекцияни  $A_\infty$  деб белгилаймиз.

$H$  түғри чизигидаги  $A_\infty$  нүктаны (чексиз узоқлашган) унинг хосмас нүктаси деб атайды. Унинг марказий проекциясини ясаш учун проекциялаш марказидан нүкталар қатори жойлашган түғри чизикке параллел түғри чизик үтказамиз  $A_{I\infty}$ , яъни унинг проекциясини аниқлаймиз. Шундай қилиб  $A_\infty$  бир вақтда нүкталар қатори  $h$  га ва проекцияловчи нурга тегишли бўлади.  $A_{I\infty}$  дан бошқа нүкталарнинг хаммаси хос нүкталар лекин  $A_\infty$  - хосмас нүкта дейилади.

$H$  түғри чизигида  $B_1$  нүктасини танлаймиз ва унинг  $k$  түғри чизигидаги  $B_1^1$  проекциясини аниқлаймиз.  $B_2$  нүктадан ўтган проекцияловчи нур  $SB_2$  к түғри чизигига параллел бўлади.  $SB_2$  нур  $h$  билан хосмас нүктада кесишади, яъни

$$SB_2 \cap K \rightarrow B_{I2\infty} .$$

$B_3, B_4, \dots$  нүкталар  $h$  түғри чизигида  $A_{I\infty}$  нүктадан юқорида жойлашади.


Агар  $B$  нүктани чексиз узоқлаштирулсақ унинг марказий проекцияси  $A_{I\infty}$  нүктага чексиз яқинлаша бошлайди ва ниҳоят параллел бўлиб қолганда улар устма-уст тушади, яъни

$$B_{I\infty} \equiv A_{I\infty}$$

Шундай қилиб  $h$  түғри чизиги битта хосмас нүктага эга экан. Агар у иккита бўлганда эди уни проекцияловчи нурлар иккита бўлган бўлар эди.

Шундай қилиб Евклид фазосида түғри чизикга битта хосмас нүкта мос келар экан. Демак хамма ўзаро параллел түғри чизиқлар ягона хосмас нүктага эга бўлар экан.

Текисликда ётган түғри чизиқлар унда ётган битта нүктадан ўтса улар түғри чизиқлар дастаси дейилади. Агар улар битта хосмас нүктадан ўтса улар параллел түғри чизиқлар дастаси дейлади(5,*a*-расм).




5-расм

Фазода жойлашган битта нүктадан ўтган түғри чизиқлар түплами түғри чизиқлар боғлами дейилади.

Агар даста маркази хос нүктада бўлса у түғри чизиқлар боғлами дейилади.

Агар боғлам маркази хосмас нүктада жойлашса хос марказга эга боғлам, агар маркази хосмас нүктада жойлашган бўлса у хосмас марказли түғри чизиқлар боғлами дейилади. (6 а,б - расм).




6-расм

Текисликда ётган ҳар бир түғри чизиқ битта хосмас нүктага эга. Текисликда ҳар хил йўналишда жойлашган чексиз кўп түғри чизиқлар мавжуд эканлиги маълум. Бу хосмас нүқталар түплами қандай чизиқни ясади, яъни эгри чизиқми ёки түғри чизиқми?

Текисликда ҳар бир түғри чизиқ ягона хосмас нүктага эга, шунинг учун уларнинг түплами түғри чизиқни ташкил қиласиди. Демак текислик ягона хосмас түғри чизиқ билан чекланган. (7- расм).<sup>8</sup>

<sup>8</sup> R.Ismatullayev. "Chizma geometriya" Nizomiy nomidagi TDPU rizografi, Toshkent-2005,6-9 betlar



7- расм

#### 4.2.Геометрик шаклларни параметрлаш

Сўнги йилларда таълимнинг самарадорлиги ва натижалилигини кафолатлашни таъминлаш имконини берадиган ўқитишнинг янги педагогик технологияларининг жорий қилиниши ва шахсий компьютер воситасининг ўқитиш жараёнида мустаҳкам ўрин эгаллаётгани олий ўкув юртлари фанларининг мазмунига ва шу жумладан чизма геометрия фанини ўқитиш характеристига принципиал ўзгартиришлар киритишни тақозо килмокда.

Агар илгари чизма геометрияни ўқитишда асосан иккита масала, яъни уч ўлчамли объектларни текисликда тасвирлаш ва бу текис тасвирлар (чизмалар) бўйича улар орасидаги позицион ва метрик муносабатларни аниқлаш усууларини ўргатиш вазифаси қўйилган бўлса, эндиликда илмнинг кўп соҳаларида ва техникада объект ва жараённинг аслини моделлаш имкониятига эга бўлган ҳисоблаш дастурларининг яратилиши ва оммалashiши чизма геометрия аппаратини моделлаш ва лойҳалаш йўналиши бўйича принципиал қайта кўриб чиқиши замон талабига айланиб қолмокда.

Иккинчи томондан талабаларнинг график фаолиятида уларнинг фазовий тасаввурини шакллантириш ва ривожлантириш чизма геометрия ва чизмачилик фанларини ўқитишда абадий муаммодир. Шунинг учун ҳам у хамиша педагог-олимлар ва психологларнинг диққат эътибор марказида бўлиб, улардан ҳар бири ўз тадқиқотларида фазовий тасаввур механизмининг бирон қиррасини очиб беришга муваффақ бўлмоқдалар. Агар қилинган тадқиқот ишларини умумлаштирилиб қаралса улар асосан реал нарсаларни

статик ёки динамик ҳолатларини тасаввур қилишни шакллантириш бўйича ишлаган дейиш мумкин. Масалан, фазовий тасаввурни шакллантиришда кимдир нарсанинг эскизини бажариш ёки ўлчамлар қўйиш орқали харакат қилишса, баъзилар фазода нарсани харакатлантириб уни силжитиш, маълум бурчакка буриш ёки бир қисмини ажратиб олиб ташлаш ёки бирор янги қисм қўшиш яъни динамик тасаввурни ривожлантириш воситаларини, хатто баъзи тадқиқотчилар бу соҳада худудимиздаги меъморий ёдгорликлар материалларидан фойдаланиш усусларини ишлаб чиқдилар. Айрим тадқиқотчилар эса геометрик фигуralарни моделлашни тавсия этмоқдалар ва х.к. Айримларигина айтиб ўтилган бу тадқиқотлар натижаларини ўқитиш жараёнига тадбиғи албатта ижобий натижалар бермоқда. Булардан геометрик фигуralарнинг моделини ясаш ўқувчиларнинг фазовий тасаввурини ривожлантиришда образли тафаккур этиш ва кўникма бўйича умум тан олинган воситадир.


Фазовий тасаввурни ривожлантириш бўйича бажарилган ва уларнинг натижаси сифатида таклиф қилинган усусларни инкор қилмаганимиз ҳолда биз талабаларда фазовий тасаввурни шакллантириш ва уни ривожлантиришда геометрик шаклларни параметрлаш усулини ўқиш жараёнига жорий қилишни таклиф қилмоқдамиз. Умуман олганда параметрлаш ҳам моделлашдир, фақат у геометрик моделлашдир. Параметрлаш ғоялари йигирманчи асрнинг бошларида саноқ геометриясида пайдо бўлди [1]. Шундан буён у асосан илмий тадқиқот ишларида қўлланилиб келмоқда. Уни таълим жараёнига киритиш ўтган асрнинг 80-йилларида таклиф қилинган бўлсада [2], хозиргидай дастурлашган хисоблаш машиналарининг бўлмаганлигидан у хамон эътибордан четда қолиб келди.

Бу усул воситасида талабаларда фақат фазовий тасаввурни оширибгина қолмай, балки лойхалаш учун муҳим ахамият касб этувчи геометрик элементлар ва шаклларни тўплам нуқтаи назаридан талқин этиб, берилган метрик ва позицион масалаларнинг фазовий назарий ечимини топишда, уларни умумий кўра олишда шунингдек тўпламдан аввалдан берилган

шартларга асосан яккалаб ажратиб олиш ёки уларни умумлаштиришда фазовий абстракт тафаккурни ривожлантириш имкониятига эга бўламиз, Чунки образлар билан амалиётлар юргизиш ва уларни алмашлаш жараёнида муттасил равишида қайта кодлаш содир бўлиб туради, яъни реал объектларнинг фазовий образларидан уларнинг шартли график тасвирига (ёки, аслидан шартли символларга), уч ўлчамли тасвирлардан уларнинг икки ўлчамли тасвирларига, тасаввурдан тафаккурга ва аксинча. Бундай ёндашиш ўз навбатида муҳандислик тафаккурга ҳам йўл очади, чунки унда юзага келган муаммони бошқа текисликка ўтказиб, уни ечиш учун мавжуд асбобларни тадбиқ қилиш мумкин бўлади.

Маълумки, ҳар бир геометрик фигура фазода маълум мустақил шартлар сони билан, яъни параметрлар билан аниқланади. Параметр деб, маълум тўплам элементларини бир-биридан фарқлаш учун хизмат қиласиган катталилка айтилади. Геометрик масалаларда геометрик фигуналар тўпламлари қаралади ва уларнинг параметрлари сифатида геометрик катталиклар – масофа, бурчаклар ва х.к. олинади. Параметрлар турини ва сонини аниқлаш шаклни параметрлаш дейилади. Конкret фигурани аниқлайдиган параметрлар сони унинг параметрик сони деб аталади.


Геометрик моделлашда асосий геометрик фигуналар сифатида – нуқталар, чизиқлар (туғри ва эгри чизиқлар), текисликлар(сиртлар)дан фойдаланилади. Фазода жойлашган бу фигуналарни нуқталар тўплами сифатида кўриб чиқайлик.



8-расм

1 туғри чизиқда ётган нуқталар тўпламидан бирор А нуқтасини ажратайлик (8-расм). Уни чизик устидаги танланган бирор ўзгармас 0

нүктадан бошлаб битта параметр, - масалан,  $b$  масофа билан аниқлаш мумкин. Шундай қилиб,  $n$  параметрли тўплам деб, шу тўпламдан ягона элементни ажратиб олиш учун зарур бўлган  $n$  параметрга айтилади ва у  $\infty^n$  деб белгиланади. Бунда  $\infty$  - чексиз тўплам,  $n$  – эса даражага кўрсатгичи бўлиб, у параметрлар сонини кўрсатади. Масалан, ҳар қандай чизикда ётган нүкталар – бир параметрли нүкталар тўпламини ташкил қиласи ва у  $\infty^1$ - деб белгиланади.



9-расм

Текисликда ётган  $B$  нүкласи икки параметр билан аниқланади, масалан, декарт координаталар тизимида  $X_B$  ва  $Y_B$  билан белгиланади (9-расм, б). Агар биз  $X$  ва  $Y$  ни ўзгарувчан параметрлар десак, текисликдаги хамма икки параметрли нүкталар ( $\infty^2$ ) тўпламига эга бўламиз (9-расм, а).  $X_B$  ни ўзгармас деб  $Y_B$  ни бўш кўйиб юборсан вертикал  $b$  туғри чизигига эга бўламиз (9-расм, в). Агар  $Y_B$  ўзгармас бўлиб,  $X_B$  бўш кўйилса горизонтал  $b$  туғри чизигига эга бўламиз. Фазодаги хамма нүкталар уч параметрли, яъни  $\infty^3$  нүкталар тўпламини ташкил қиласи. Масалан,  $C$  нүкласини  $\infty^3$  тўпламдан ажратиб олиш учун унинг координаталари  $X_C$ ,  $Y_C$  ва  $Z_C$  ни қийматини берсан кифоядир.

Параметрлар ҳар ҳил катталликлар бўлиши мумкин, лекин берилган тўпламнинг параметрик сони ўзгармас бўлиб қолаверади. Масалан, текисликдаги нүкталар тўплами декарт ( $X, Y$ ) ёки поляр ( $\rho, \alpha$ ) координаталари орқали берилиши мумкин.

Маълум бир тўпламдан якка элементини ажратиб олиш имконини

берадиган параметрлар сони тўпламнинг ўлчамлиги ёки қуввати деб аталади. Моделлашда нуқта - ноль ўлчамли обьект -  $E^0$ , чизик бир улчамли обьект -  $E^1$ , сирт (текислик) икки ўлчамли обьект -  $E^2$ , ва фазо уч улчамли -  $E^3$  деб қабул қилинади. Булардан ҳар бирини ўзидан кичикроқ тўпламларнинг кўпайтмаси сифатида ҳосил қилиш мумкин. Масалан, текисликдаги нуқталар тўплами -  $E^2$  ни бир параметрли туғри чизиклар тўпламини, масалан координаталар ўқларининг бирига параллел тўғри чизикларни ҳар бир туғри чизикдаги нуқталар тўплами кўпайтмаси:  $\infty^1 \infty^1 = \infty^2$  сифатида ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Уч улчамли  $E^3$  фазодаги координаталар текисликларининг бирига параллел текисликлар тўпламини ҳар бир текисликдаги нуқталар тўплами  $\infty^2$  нг кўпайтмаси сифатида, яъни  $\infty^1 \infty^2 = \infty^3$  сингари олиш ҳам мумкин.

Тўпламнинг бир ёки бирнеча параметрларини бериш (боғлаш) тўплам ўлчамлигини пасайтиришга олиб келади.

Масалан, текисликдаги  $\infty^2$  нуқталар тўпламидан  $\infty^1$  нуқталар тўплами  $Y_B$  ни берсак (9- расм, г) текисликдаги икки параметрли нуқталар тўпламидан факат  $OX$  га параллел  $\infty^1$  нуқталар тўпламини, яъни факат  $Y_B$  да ётган нуқталар тўпламини ажратиб оламиз.

Агар  $\rho = \text{const}$  десак к айланада ётган  $\infty^1$  нуқталар тўпламини ажратади.

Уч ўлчамли нуқталар тўпламидан бир параметрини боғласак, у икки параметрли нуқталар тўпламини яъни сирт ёки текисликни ажратишга олиб келади. Масалан,  $z = \text{const}$  дейилса  $XOY$  га параллел икки параметрли нуқталар тўплами ( $\infty^2$ )- текисликни оламиз.

$E^3$  фазодаги ҳамма нуқталарни  $x^2 + y^2 + z^2 = P^2$  сиртига оид нуқталар тўплами сифатида қараш мумкин. Лекин бунда  $0 \leq P \leq \infty$  бўлади.

$P = \text{const}$  дейилса сферада ётган икки параметрли нуқталар тўплами ( $\infty^2$ ) – сфера ажралиб чиқади. Факат бунда  $x$  ва  $y$  мустақил бўлиб,  $z$  уларга боғлиқ бўлиб қолади.  $z = \text{const}$  дейилса, яъни  $0 \leq P \leq \infty$ , текисликда ётган икки параметрли нуқталар тўпламини ( $\infty^2$ ) оламиз.  $P = \text{const}$  дейилса, ягона айланага тегишли бўлган бир параметрли нуқталар ( $\infty^1$ ) тўплами ажралади.

Бунда параметрлардан бири, масалан,  $x$  – мустақил бўлиб,  $y$  – у билан боғлик бўлиб қолади.

Юқорида баён қилинган умумий тушунчалар билан якунлаб, шуни айтишимиз жойзки, бакалавр ва магистрлар билан ўтказаётган тажрибаларимиз чизма геометрия ва муҳандислик графика (чизмачиликни) материаллари параметрлаш назарияси элементлари орқали баён қилинганда у талабаларда катта қизиқиш ўйғотмокда.

### Ortogonal tahlil

**When an observer, positioned at infinity in front of a picture plane, looks at a point  $P$  with one of his eyes, the line of sight joining the eye of the observer to the point  $P$  will be perpendicular to the picture plane and will meet the picture plane at point  $p'$ . The point  $p'$  is the picture of point  $P$  and is known as the **orthographic projection** of the given Agar kuzatuvchi proyeksiyalar tekisligidan uzoqlashib  $P$  nuqtaga perpendikulyar kuzatilsa bog'lovchi chiziq proyeksiyalar tekisligini kesib  $P_1$  nuqtani beradi. Bunda  $P_1$  nuqta  $P$  nuqtani proyeksiyasi hisoblanadi.<sup>9</sup>**





Figure 3.1: Plane of Projection.

**required. Hence, a vertical plane (VP) and a horizontal plane (HP), which are mutually perpendicular to each other, are generally selected as the planes of projections (Figure 3.2). These**

Oddiy jismlarga faqat ikkita proyeksiya yetarli. Vertikal tekislik (VT) va gorizontal tekislik (GT) o'zaro perpendikulyar bo'ladi.<sup>10</sup>

<sup>9</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 48-49 б.

<sup>10</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 49 б.




**Figure 3.2** Vertical and Horizontal Plane

Ular quyidagicha raqamlanadi.

Location	Dihedral angle or quadrant number
In front of VP, above HP	First
Behind VP, above HP	Second
Behind VP, below HP	Third
In front of VP, below HP	Fourth

Quyidagi rasmda ko'rsatilganidek P nuqta to'g'riga perpendikulyar yo'naltirib Frontal proyeksiyalar tekisligi bilan kesishib p<sub>1</sub> va gorizontal proyeksiyalar tekisligiga perpendikulyar yo'naltirib tekislik bilan kesishib p nuqtani beradi.<sup>11</sup>



**Figure 3.3(a)** Pictorial of First Angle Projections of a Point

**Figure 3.3(b)** First Angle Projections

Rasm. 1.24 (a) Birinchi nuqta proyeksiyasining fazoviy tasviri. Rasm. 1.24 (б) birinchi nuqta proyeksiyasining epyuri

**Positions of a point and its projections in different quadrants are as given in Table 3.1.**

2- jadvalda nuqtalarning proyeksiyalar tekisliklarida joylashuvi va proyeksiyalari keltirligan.<sup>12</sup>

<sup>11</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 50 6.

<sup>12</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 53 6.

**Table 3.1 Positions of a Point and Its Projections**

Dihedral angle or quadrant	Position of the given point	Position in front view	Position in top view
First	Above $HP$ , in front of $VP$	Above $XY$	Below $XY$
Second	Above $HP$ , behind $VP$	Above $XY$	Above $XY$
Third	Below $HP$ , behind $VP$	Below $XY$	Above $XY$
Fourth	Below $HP$ , in front of $VP$	Below $XY$	Below $XY$

## ***Тоифалаши шарҳини тузиш қоидаси***

- 1. Тоифалар бўйича маълумотларни таксимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.
- 2. Битта мини - гурӯҳда тоифаларга ажратиш бошка гурӯҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.
- 3. Таълим олувчиликага олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

# **ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ**

Нуқтанинг чорак ва октаантлардаги проекциялари

Нуқтанинг чораклардаги проекциялари	Нуқтанинг октаантлардиги проекциялари
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.
6.	6.
7.	7.
	8.

### **5-МАВЗУ: ЁРДАМЧИ ПРОЕКЦИЯЛАШ (МАРКАЗИЙ, ҚИЙИШИҚ ВА ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ) УСУЛИ.**

Режа:

5.1. Ёрдамчи проекциялаш усули ҳақида умумий маълумотлар.

5.2. Нарсанинг горизонтал проекциясини биссектор текислиги ёрдамида ясаш ва бундай системанинг баъзи хусусиятлари.

5.3. Марказий ёрдамчи проекциялаш.

5.4. Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

5.5. Тўғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

### **5.1. Ёрдамчи проекциялаш усули ҳақида умумий маълумотлар.**

Марказий ва параллел проекцияларни алмаштириш усулларидан бир ишларни ёрдамчи проекциялаш йўли билан ҳосил қилинадиган ёрдамчи проекциялаш усулидир. Бу усулни техника фанлари доктори, профессор С.М.Колотов (1880-1965) томонидан XIX-асрнинг 60 йилларида тавсия қилинган бўлиб, у позицион ва метрик масалаларни ечишда катта қўлайликлар яратади.

Усулнинг моҳияти қуйидагилардан иборат. Нарсанинг тасвири чизма текислигига асосий проекциялаш йўналиши (марказий ёки параллел) бўйича ҳосил қилинган бўлсин. Қўшимча проекцилар текислиги ва проекциялаш марказини (хос ёки хосмас нуқтада) танлаб оламиз. Берилган нарсанни бу марказдан қўшимча текисликка проекциялаймиз ва ҳосил бўлган қўшимча проекцияни асосий проекциялаш йўналиши бўйича чизма текислигига проекциялаб, унда нарсанинг такрорий проекциясини ясаймиз. Нарсанинг ана шу икки марта проекциялаш натижасида асосий чизма текислигига ҳосил қилинган такрорий унинг умумий холдаги ёрдамчи проекцияси бўлади.

10-шакл, а да асосий проекциялар текислиги V, проекциялаш маркази O ва A, B нуқталар берилган. A ва B нуқталарни V текисликда O марказдан проекциялаш орқали унинг марказий  $A^{11}$ ,  $B^{11}$  проекциялари ясалган. Қўшимча проекциялаш маркази C нуқтани ва қўшимча P текисликни танлаб оламиз. S марказдан A ва B нуқталарни P текисликка проекциялаб, унда қўшимча  $\overline{A}, \overline{B}$  проекцияларни ҳосил қиласиз. Сўнгра  $\overline{A} \overline{B}$  проекцияларни асосий проекциялар маркази O нуқтадан V текисликка проекциялаб, унда A ва B нуқталарнинг ёрдамчи  $\overline{A}''$  ва  $\overline{B}''$  проекцияларига


эга бўламиз.

Ёрдамчи проекциялашнинг бу умумий ҳолига нисбатан параллел проекциялаш тадбиқ қилинса, унинг амалда кенг қўлланиладиган қўйидаги хусусий ҳоллари келиб чиқади:

- 1) Асосий проекциялаш маркази хос нуқтада ( $O$ ), қўшимча проекциялаш маркази эса хосмас ( $S_\infty$ ) нуқтада (10-расм, б);
- 2) Асосий проекциялаш маркази хосмас нуқтада ( $O_\infty$ ) қўшимча проекциялаш маркази хос нуқтада ( $S$ ) (10-шакл, в);
- 3) Иккала проекциялаш марказлари хосмас нуқталарда, яъни  $O_\infty, S_\infty$  ( 10-шакл, г) бўлади.

Бу ҳоллардан биринчиси перспективада, иккинчи ва учинчи ҳоллар параллел проекциялашда позицион ва метрик масалаларини ечишда қўлланилади.

Бу усулнинг имкониятидан кенгрок фойдаланиш учун нарсанинг икки текисликдаги ортогонал проекциларини ҳосил қилишининг қўйидаги турини кўриб чиқамиз.<sup>13</sup>



10-расм

## 5.2. Нарсанинг горизонтал проекциясини биссектор текислиги ёрдамида ясаш ва бундай системанинг баъзи хусусиятлари.

<sup>13</sup> Ш.Муродов ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Тошкент «Ўқитувчи» 1988й. 98-99бетлар

Нарсанинг эпюри II-IV чораклардан ўтган Н ва V проекциялар текисликлари орасидаги  $T_2$ , яъни 2-биссектор текислик ёрдамида бажарилса, чизмада ўзига хос қўлайликлар туғилади. 11-шаклда А нуқта V ва  $T_2$  биссектор текисликларига проекцияланган, сўнгра  $T_2$  биссектор текислиқдаги  $A^1$  проекция V текислигига проекцияланиб, унда иккиламчи  $A_1$  горизонтал проекция ҳосил қилинган.  $T_2$  биссектор текислигидаги  $A^1$  проекция V текислигига проекцияланиб, унда иккиламчи  $A_1$  горизонтал проекция ҳосил қилинган.  $T_2$  биссектор текислиги фазодаги А нуқта билан унинг V текислигига кўчирлиган проекцияси орасида мослик ўрнатади. Шунинг учун ҳам у мослик текислиги деб аталади. Н да ана шу мослик текислиги киритилган проекциялар системасидаги геометрик образларнинг проекцияларидаги баъзи хусусиятларни кўриб чиқайлик.

1. Нуқтанинг горизонтал ва фронтал проекциялари ўзаро мос бўлиб, улар битта боғловчи тўғри чизиқда ётади (12-шакл,а). Мослик текислигига ётган нуқтанинг гоизонтал ва фронтал проекциялари устма-уст тушади (12-шакл,б).

2. Тўғри чизиқнинг горизонтал ва фронтал проекциялари ўзаро мослик текислигига учрашади (13-шакл). Бу нуқта тўғри чизиқнинг  $T_2$  текислиқдаги изи ҳамдир. Бундан фойдаланиб, профил тўғри чизиқнинг мослик текислигидаги изини қўйидагича ясаш мумкин (14-шакл).  $CD$  ( $C^1D^1, C^{11}D^{11}$ ) тўғри чизиқ кесмасини ихтиёрий йўналишда  $T_2$  мослик текислигига проекциялаб, унинг қўшимча  $C_t D_t$  проекциясини ҳосил қиласиз, сўнгра у билан берилган проекциялар йўналишининг ўзаро кесишиш нуқтаси  $1(1^1, 1^{11})$  ни, яъни  $CD$  тўғри чизиқнинг мослик изини ҳосил қиласиз.

3. Мослик текислигига параллел тўғри чизиқнинг горизонтал ва фронтал проекциялари ўзаро параллел бўлади (15-шакл).

4. Текисликда ётган икки тўғри чизиқнинг мослик излари ясалаб, улар ўзаро бирлаштирилса, мазкур текисликнинг мослик изи ҳосил бўлади. 16-шаклда ўзаро кесишувчи  $AB$  ва  $CD$  тўғри чизиқлар орқали берилган текисликнинг  $P_t$  мослик изини ясаш қўрсатилган. Бундан текисликнинг ўз

мослик ўқи ва унга тегишли бирор нуқтаси орқали берилиши мумкин эканлиги кўриниб турибди.

5. Т мослик текислигига параллел текис шакл томонларининг горизонтал ва фронтал проекциялари ўзаро параллел бўлади (17-шакл), яъни  $A^1B^1//A^{11}B^{11}, B^1C^1//B^{11}C^{11}, C^1A^1//C^{11}A^{11}$ .<sup>14</sup>

### 5.3.Марказий ёрдамчи проекциялаш

Марказий ёрдамчи проекциялашда нуқталарни вертикал нур текисликлари проекциялаш марказидан йўналган вертикал тўғри чизик орқали ўтиб, текисликлар дастасини хосил қиласди. Булар  $T_2$  мослик ва қўшимча текиликлар билан кесишиб, уларда  $S^1$  ва  $S_1'$  марказларга эга бўлган тўғри чизиқлар дасталарини, яъни нурлар проекцияларини хосил қиласди. Умумий вазиятдаги  $P$  текисликка  $A$  нуқтани проекциялаш 18-шаклда кўрсатилган.  $P$  текислик  $P_t$  мослик изи ва ундаги ёрдамчи проекциялаш маркази  $S$  нуқтадан ўтган вертикал тўғри чизиқнинг изи  $S_1'$  нуқтаси билан берилган.  $S$  проекциялаш марказининг  $S^1$  горизонтал проекцияси билан  $A$  нуқтанинг  $A^1$  горизонтал проекциясини бирлаштириб, унинг мослик ўқи  $P_t$  билан кесишган 1 нуқтасини белгилаймиз. Сўнгра  $S_1'$  билан 1 нуқтани бирлаштириб, унинг  $S^{11}$   $A^{11}$  билан кесишган  $A_p''$  нуқтасини, яъни  $A$  нуқтанинг  $P$  текислиқдаги марказий проекциясини аниқлаймиз.  $S_1'$  1 тўғри чизиқ аниқловчи дейилади. Агар  $P$  текислик вертикал бўлса  $S_1'$  чексиз узоқлашиб, ундан келувчи аниқловчилар ўзаро параллел тўғри чизиқлар бўлиб қолади. Бундай холат 19-шаклда  $AB$  кесманинг марказий проекциясини ясашда кўрсатилган.  $A_p''$  ва  $B_p''$  мослик ўқидаги нуқталардан ўтган аниқловчилар вертикал туғри чизиқ бўлиб қолган.

Агар  $P$  текислик  $T_2$  мослик текислиги билан устма-уст тушса,  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  кесманинг ёрдамчи проекцияси 20-шаклдагидай бўлади. Баъзи позицион масалаларни ечишда геометрик шаклларни проекциялар

<sup>14</sup> Ш.Муродов ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Тошкент «Ўқитувчи» 1988й. 99-101бетлар


текисликларининг бирортасига қўшимча проекциялашга тўғри келади. 21-шаклда АВ кесмани S қўшимча марказдан V проекциялар текислигига проекциялаш кўрсатилган.  $S^1$  нуқтадан  $A^1$ ,  $B^1$  орқали тўғри чизиклар ўтказиб, уларнинг ОХ ўқи билан кесишган  $A_1 B_1$  нуқталарни белгилаймиз ва улардан вертикал боғловчи тўғри чизиклар ўтказамиз. Сўнгра бу боғловчи чизиклар билан  $S^{11}$   $A^{11}$  ва  $S^{11}$   $B^{11}$  тўғри чизиқларнинг кесишган нуқталарини топиб,  $A'' B''$  ёрдамчи фронтал проекцияга эга бўламиз. Бирор геометрик шаклнинг Н даги ёрдамчи проекцияси ҳам худди шундай ясалади.<sup>15</sup>

#### **5.4. Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.**


Агар проекциялаш маркази чексиз узоклаштирилган бўлса, параллел (қийшиқ ёки тўғри бурчакли) проекциялаш содир бўлади. Бу ҳолда проекцияловчи текисликлар нур йўналишига, аниқловчи тўғри чизиклар ўзаро параллел бўлиб қолади. 22-шаклда А нуқтани ўзаро параллел тўғри чизиклар ( $m//n$ ) билан берилган Р текисликка 1 йўналишда проекциялаш кўрсатилган.  $m$  ва  $n$  тўғри чизиқларнинг  $m_t$  ва  $n_t$  мослик изларин ясад, бу текисликнинг  $R_t$  мослик изини ўтказамиз. А нуқта орқали 1 йўналишда параллел нур ўтказамиз ва бу нурнинг текислик билан кесишиш нуқтасини ясаш учун у орқали М горизонтал проекцияловчи текислик ўтказамиз. М текисликнинг берилган текислик билан кесишиш чизиги 1 2 ни ясаймиз ва унинг  $A^{11}$  дан  $1^{11}$  га параллел ўтказилган тўғри чизик билан кесишиш нуқтаси  $A_p''$  ни яьни, А нуқтанинг Р текисликдаги проекциясининг фронтал проекциясини аниқлаймиз. Сўнгра боғловчи чизик орқали унинг  $A_p''$  горизонтал проекциясини белгилаймиз.  $M_t$  2<sup>11</sup> йўналиши Р текисликка 1 йўналишда проекцияланадиган ҳамма нуқталар учун аниқловчилар йўналиши бўлади. 23-шаклда 1 йўналишга параллел  $m$  тўғри чизиқнинг Н ва  $T_2$  мослик текисликларидағи проекцияларини ясаш кўрсатиглган.  $m$  тўғри чизик проекциялар йўналишига параллел бўлганлиги учун Н ва  $T_2$  текисликларига нуқта қўринишида проекцияланади.  $m$  тўғри чизиқнинг

<sup>15</sup> Ш.Муродов ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Тошкент «Ўқитувчи» 1988й. 101-102бетлар


горизонтал 1<sup>1</sup> изи бир вақтда унинг Н даги қийшиқ бурчакли проекцияси ҳам бўлади. 24-шаклда SABC пирамиданинг Р текислик билан кесишиш чизигини ясаш кўрсатилган. Пирамида h горизонтал 1 йўналишда Р текисликка проекциялаймиз. Пирмаиданинг қирралари ўз ёрдамчи  $S_p A_p, S_p B_p, S_p C_p$  проекциялари билан D,E,L нуқталарда кесишиб, текислик билан кесишиш нуқталарини ҳосил қиласди. У нуқталарни бирлаштириб, DEL ( $D^1 E^1 L^1, D^{11} E^{11} L^{11}$ ) кесишиш чизигини ясаймиз.<sup>16</sup>




11-расм




12-расм




13-расм



14-расм



15-расм



16-расм

## 5.5.Тўғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.


Юқорида эслатиб ўтилгандек, метрик масалаларни ечишда янги

<sup>16</sup> Ш.Муродов ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Тошкент «Ўқитувчи» 1988й. 102-103бетлар

қўшимча текисликдаги текис шакллар V проекциялар текислигига ўз ўлчамларини ўзгартирасдан тасвиrlаниши керак. Бунга қўшимча текисликни унинг фронтали атрофида айлантириш ёки қўшимча текисликни қўшимча ва асосий проекциялаш йўналиши орасидаги биссектор текислиги билан алмаштириш орқали эришиш мумкин. Аввал хусусий холларни қўриб чиқайлик. А нуқтани (25-шакл) горизонтал 1 йўналишда Р текислигига ортогонал проекциялаш талаб қилинсин.

R текисликдаги тасвир V текислика ўзгаришсиз тасвиrlаниши учун қўшимча 1 ва асосий проекциялаш йўналишларига нисбатан биссектор Q текисликни танлаймиз.

Q текисликнинг ўзига параллел ҳолда кўчирилишидан тасвир ўзгармайди. Шунинг учун қўшимча ва асосий нурларни ихтиёрий жойда кесиштириб, улар ҳосил қилган бурчакнинг Qn биссектрисасини ўtkазамиз. 1 нинг  $A^{11}$  дан ўтган  $l^{11}$  проекцияси нуқта 1 дан чиқувчи асосий йўналиш проекцияси билан кесишиб,  $\overline{A}$  проекциясини ҳосил қилади. Агар проекциялаш йўналиши W га перпендикуляр бўлса (26-шакл), унда уларнинг биссектор текислиги ҳар бири билан  $45^\circ$  бурчак ҳосил қилиб, айни вақтда ундаги қўшимча проекция профил проекция ҳам бўлади.



17-расм

18-расм

19-расм

27-шаклда  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  кесманинг ҳақиқий катталигини аниқлаш кўрсатилган. Бунинг учун проекциялаш йўналиши горизонтал бўлиб,  $AB$


орқали ўтувчи горизонтал проекцияловчи текисликка перпендикуляр қилиб олинган. Кесманинг хақиқий катталиги  $\overline{A} \overline{B}$  қўшимча йўналиш билан асосий йўналиш бурчагига қурилган биссектор  $Q_h$  текислиги ёрдамида аниқланган. 28-шаклда ўзаро параллел фронтал  $m(m^1, m^{11})$  ва  $n(n^1, n^{11})$  тўғри чизиклар орасидаги масофа аниқланган. Бу ҳолда қўшимча йўналиш сифатида тўғри чизикларнинг йўналиши танланган. 29-шаклда ўзаро 2-биссектор текислигига кесишувчи  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  горизонтал ва  $AC(A^1C^1, A^{11}C^{11})$  фронтал тўғри чизиклар орасидаги берилган умумий вазиятдаги  $P$  текислик тасвиirlанган.  $P$  текисликка перпендикуляр проекцияланган тасвиirlарнинг  $V$  текисликка ўзгаришсиз ўtkазилиши талаб қилинсин. Бунда  $P$  текисликни унинг  $AC$  фронтали атрофида айлантирамасдан, балки бу текислик билан  $V$  орасидаги биссектор текислиқдан фойдаланамиз. 1 йўналишда ( $l \perp P$ ) бирор, масалан,  $B(B \in P)$  нуқтани биссектор  $Q$  текисликка проекциялаймиз ва ҳосил бўлган проекцияни асосий йўналишда  $V$  текисликка проекциялаб, унинг ёрдамчи  $\overline{B}$  проекциясини ҳосил қиласиз.

Бунинг учун  $B$  нуқта орқали горизонтал проекцияловчи  $M$  текисликни ўтказамиз.  $M$  текислик берилган текисликни энг катта оғиш чизғи бўйича кесади. 1 нурнинг  $P$  текислик билан кесишиш нуқтаси ана шу энг катта оғиш чизигида бўлади. Одатда, энг катта оғиш чизиги текислик горизонталига перпендикуляр бўлади. Ана шу текислик горизонтали ва энг катта оғиш чизигини биссектор текислигига 1 йўналишда проекциялаб, уларнинг янги проекциялари ҳам ўзаро перпендикуляргигини сақлайди. Янги  $\overline{B}$  нуқтани ясаш учун  $B^{11}$  нуқтадан ўтувчи  $l^{11}(l^{11} \perp A^{11}C^{11})$  тўғри чизикни давом этдирамиз ва уни  $A^1 \equiv A^{11}$ - марказдан  $A^1 B^1$  радиусли ёй билан кесиб,  $\overline{B}$  нуқтани ҳосил қиласиз. Сўнgra  $A^1 A^{11}$  нуқтани  $\overline{B}$  нуқта билан бирлаштирамиз. Натижада  $(A^1 \equiv A^{11} \overline{B}) = (A^1 \equiv A^{11} B^{11})$  бўлади.  $\overline{B}$  нуқтадан  $A^1 \equiv A^{11} \overline{B}$  тўғри чизиқка перпендикуляр тўғри чизик чизамиз ва бу чизиқни аниқловчи деб атаемиз.  $l^1$  ва аниқловчини ўзаро учраштириб,  $P$  билан  $V$  орасида биссектор  $Q$

текисликка оид 1 нуқтани ҳосил қиласиз.  $A^1 \equiv A^{11}$  ва 1 нуқталарни бирлаштирувчи  $Q_T$  түғри чизик биссектор текисликнинг биссектор изи бўлади ва у мослик ўқи деб аталади. Бу ясашлар схемаси 1 йўналиш бўйича Р текисликка проекцияланувчи ҳар қандай шакл учун ясаш алгоритми вазифасини ўтайди. Масалан, D нуқтанинг ёрдамчи проекциясини ясаш куйидагича бажарилади:


1.  $D^1$  нуқтадан  $1^1$  йўналишга параллел түғри чизик ўтказиб, унинг  $Q_k$ , нуқтаси 2 белгиланади;
2. 2 нуқтадан аниқловчига параллел түғри чизик ўтказилади;
3. Бу түғри чизик билан  $D^{11}$  нуқтадан  $1^{11}$  ўтган түғри чизиқнинг кесишиш нуқтаси 1 аниқланади.

Энди 29-шакл, а даги ортиқча элементларни олиб ташлаб, уни 29-шакл, б даги чизма ҳолига келтирамиз. Бу кўриниш түғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш диаграммаси вазифасини бажаради ва уни ҳар қандай йўналиш учун осонгина ясаш мумкин. 30-шакл, а, б даги  $ABD(A^1B^1D^1, A^{11}B^{11}D^{11})$  учбурчак текисликлари орасидаги икки ёқли бурчакнинг хақиқий катталиги АВ қиррага перпендикуляр  $Q$  текисликка проекциялаш ёрдамида ясалган. АВ йўналиш учун диаграмма 31-шакл, б да ясалган. Бунда  $Q_T$  мослик ўқи чизма учун қулай холатини ўзгартирмасдан кўчирилган. 31-шакл, а, б да түғри чизик ва нуқта орасидаги, 32-шакл, а, б да ўзаро айқаш түғри чизиқлар орасидаги масофаларнинг хақиқий узунлиги юқоридаги диаграмма асосида аниқланган.<sup>17</sup>




<sup>17</sup> Ш.Муродов ва бошқалар. «Чизма геометрия курси», Тошкент «Ўқитувчи» 1988й. 103-106 бетлар

20-расм




21-расм




22-расм

23-расм




24-расм




25-расм

26-расм


27-расм




28-расм




29-расм



30-pacm



31-pacm



32-пاصм

**Example 3.5** A straight line  $AB$  of 50 mm length is inclined at  $45^\circ$  to the HP and  $30^\circ$  to the VP. Draw the projections of line  $AB$  if its end point  $A$  is 15 mm from HP and 10 mm from the VP. Assume the line to be in the first quadrant.

**Solution (Figure 3.23):**

50 mm AB to'g'ri chiziq  $45^\circ$  yoki  $30^\circ$  berilgan. AB длиной в 50 мм наклонена на  $45^\circ$  к ХП и  $30^\circ$  к ВП. Координаты точек AB определены по условиям задачи. <sup>18</sup>





Figure 3.23 Example 3.5-Explanation of Solution

<sup>18</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 63 6.



When a line  $AB$  is inclined to both the reference planes at angles other than  $0^\circ$  or  $90^\circ$ , the line will be located in a position like one shown in Figure 3.21(a). In the figure, line  $AB$  is


Agar  $AB$  kesma har ikkala proyeksiyalar tekisligigadan biriga aylantirib proyeksiyalansa chizmadagi ko'rinishda (fazoviy holati va epyurasi) bo'ladi.<sup>19</sup>

### Ortogonal tahlil

When an observer, positioned at infinity in front of a picture plane, looks at a point  $P$  with one of his eyes, the line of sight joining the eye of the observer to the point  $P$  will be perpendicular to the picture plane and will meet the picture plane at point  $p'$ . The point  $p'$  is the picture of point  $P$  and is known as the **orthographic projection** of the given Agar kuzatuvchi proyeksiyalar tekisligidan uzoqlashib  $P$  nuqtaga perpendikulyar kuzatilsa bog'lovchi chiziq proyeksiyalar tekisligini kesib  $P_1$  nuqtani beradi. Bunda  $P_1$  nuqta  $P$  nuqtani proyeksiyasi hisoblanadi.<sup>20</sup>

<sup>19</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 61 6.

<sup>20</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 48-49 6.



*Figure 3.1: Plane of Projection*

## 6-МАВЗУ: ЭГРИ ЧИЗИҚЛАР

**Режа:**

- 6.1.Чизиқ хақида умумий тушунчалар. Алгебраик ва трансцендент эгри чизиқлар.Текис ва фзовий эгри чизиқлар.**
- 6.2.Текис эгри чизиқлар. Уларга уринма ва нормал ўтказиш.**
- 6.3.Текис эгри чизиқнинг эгрилиги. Эволюта ва эволвента.**
- 6.4.Текис эгри чизиқ нуқталарининг классификасияси.**
- 6.5.Иккинчи тартибли эгри чизиқлар.**
- 6.6. Талабаларда лойиҳалаш қобилияtlарини ўстиришдаги педагогик шароитлар.**
- 6.7. Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг инвариантлари.**

- 6.1.Чизиқ хақида умумий тушунчалар. Алгебраик ва трансцендент эгри чизиқлар.Текис ва фзовий эгри чизиқлар.**

Чизиқ хақида дастлабки тушунчалар қадим замонларда пайдо бўлган бўлсада, у математикада энг қийин тушунчалардан бири бўлиб қолмоқда. Унинг таърифини биринчи бўлиб 1923 йилда рус математиги П.С.Урисон беришга мувоффақ бўлди. Ҳозирда чизиқ тушунчаси математик фан топологияда ўрганилади.


Эгри чизиқлар фан ва техниканинг турли соҳаларида фойдаланилади.

Улар моделлаш амалиётида, белгилаш ишларида, тенг қийматли кўп компонентли тизим ва бошқаларда кенг қўлланади.

Чизма геометрияда эгри чизиқлар ясовчи сифатида аҳамиятлидир.

Эгри чизиқлар билан сиртнинг каркаси ташкил қилинади, шунингдек, сирт устида тор ҳосил қилинади. Чизма геометрияда эгри чизиқлар кинематик нуқтаи назардан қаралиб ҳаракатланаётган нуқтанинг изи, траекторияси сифатида қабул қилинади. Шунингдек, эгри чизиқни сиртнинг чегараси (контури) ёки икки сиртнинг ўзаро кесишуви натижаси сифатида ҳам қарашиб мумкин.

Чизма геометрияда эгри чизиқларнинг геометрик ва механик хусусиятларидан график равишда амалий фойдаланиш эътиборга олиниб, уларга оддий кинематик таъриф берилади. Шунинг учун эгри чизиқни фазода ёки текисликда маълум йўналишда узлуксиз ҳаракатланувчи бирор нуқтанинг изи сифатида қабул қилинади. Эгри чизиқлар текис (33,а-расм) ва фазовий (33,б-расм) эгри чизиқларга бўлинади.



a)

33-расм

б)

Эгри чизиқлар қонуний ва қонунсиз эгри чизиқларга бўлинадилар. Эгри чизиқни ташкил қилувчи нуқталар тўплами маълум бирор қонунга буйсунса у **қонуний**, аксинча нуқталар тўплами хеч қандай қонунга асосланмаган бўлса, бундай эгри чизиқ **қонунсиз эгри чизиқ** дейилади. Қонуний эгри чизиқлар уларнинг декарт координаталар системасидаги тенгламаларига қараб алгебраик ва транссендент эгри чизиқларга бўлинадилар. Тенгламаси алгебраик функция орқали ифодаланган эгри чизиқ **алгебраик**, транссендент

функция билан ифодаланган эгри чизик эса *трансцендент* эгри чизик дейилади.

Алгебрик эгри чизиклар **тартиб** ва **класс** тушунчалари билан характерланади. Эгри чизикларнинг тартиби уни ифодаловчи тенгламанинг **даражасига** тенг бўлади.

График жиҳатдан текис эгри чизикларнинг тартиби унинг **тўғри чизик** билан, фазовий эгри чизикнинг тартиби эса унинг **бирор текислик** билан максимум кесишиш нуқталар сони орқали аниқланади.

**Текис эгри чизикнинг класси унга шу текисликнинг ихтиёрий нуқтасидан ўтказилган уринмалар сони билан, фазовий эгри чизикнинг класси унга бирор тўғри чизик орқали ўтказилган уринма текисликлар сони билан аниқланади.**

Эгри чизикнинг тартиби ва класси ҳар хил бўлади. Булардан фақат иккинчи тартибли эгри чизиклар мустасно бўлиб, уларнинг тартиби ва класси бир хил бўлади ва у 2 га тенг бўлади.<sup>21</sup>

## 6.2. Текис эгри чизиклар. Уларга уринма ва нормал ўтказиш

**Таъриф. Ҳамма нуқталари битта текисликда ётган эгри чизик текис эгри чизик дейилади.**

Текис эгри чизиклар аналитик ва график кўринишларда берилиши мумкин. Аналитик кўринишда қўйидаги холлар билан берилади:

- декарт координаталар системасида  $\phi(x,y)=0$  кўпхад билан;
- қутб координаталар системасида  $r=\phi(\phi)$  билан;
- параметрик кўринишда  $x=x(t)$  ва  $y=y(t)$  билан.

Егри чизикларнинг график кўринишда берилишининг турли хил усуллари мавжуд.


Текисликка тегишли бирор нуқтанинг узлуксиз ҳаракати натижасида текис эгри чизик ҳосил бўлади. Текис эгри чизикнинг ҳар бир нуқтасидан унга битта уринма ва битта нормал ўтказиш мумкин.

---


<sup>21</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 119 bet

34-расмда берилган  $\ell$  текис эгри чизигига унинг бирор А нуқтасида уринма ва нормал ( шу нуқтада уринмага перпендикуляр тўғри чизик) ўтказиш кўрсатилган. Бунинг учун А нуқта орқали эгри чизикни кесувчи АЕ ва АФ тўғри чизиқларни ўтказамиз. Е нуқтани А нуқтага эгри чизик бўйлаб яқинлаштира бошлаймиз. Натижада, АЕ кесувчи А нуқта атрофида бурила бошлайди. Е нуқта А нуқта билан устма-уст тушганда АЕ кесувчи  $T_1$  уринмани хосил қиласди. Уни  $\ell$  эгри чизиқнинг берилган нуқтасида ўтказилган **ярим уринма** дейилади. Ф нуқтани ҳам эгри чизик устида ҳаракатлантириб А нуқта билан устма-уст туширамиз. АФ кесувчи  $T_2$  ярим уринмани хосил қиласди. Қарама-қарши йўналган  $T_1$  ва  $T_2$  ярим уринмалар хосил қилган тўғри чизик эгри чизиқка берилган нуқтада ўтказилган **уринма** дейилади. Шундай нуқталардан ташкил топган эгри чизик **равон эгри чизик** дейилади.

Эгри чизиқнинг А нуқтадаги Т уринмага ўтказилган перпендикуляр **и тўғри** чизик унинг нормали деб аталади. Баъзан ярим уринмалар ўзаро устма-уст тушмасдан ўзаро кесишиши мумкин. Бундай нуқталар **синии нуқтаси** дейилади (35-расм). Амалиётда эгри чизиқларга уринма ва нормал ўтказиш масалалари кўп учрайди, шунинг учун уринма ва нормал ўтказишнинг баъзи бир график усулларини кўриб чиқамиз.




**34-расм**



**35-расм**

Эгри чизиққа ундан ташқари олинган нуқта орқали уринма ўтказиш.




## **36-расм**

Бирор  $\ell$  эгри чизик ва ундан ташқарида олинган А нуқта берилган (36-расм) А нуқтадан  $\ell$  эгри чизиққа уринма ўтказиш талаб қилинсін. Бунинг учун А нуқта орқали  $\ell$  эгри чизиқни кесувчи түғри чизиқлар ўтказилади. Хосил бўлган ватарларнинг учларини  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  нуқталар билан белгилаб, ҳар бир ватарнинг ўрта нуқталари топилади. Ватарларнинг ўрта нуқталарини бирлаштириб  $q$  эгри чизиқни хосил қилинади. Бу эгри чизик *хатоликлар* эгри чизиги дейилади ва унинг  $\ell$  эгри чизифи билан кесишиш Б нуқтаси А нуқтадан ўтувчи уринманинг эгри чизиққа уриниш нуқтаси бўлади. А ва В нуқталарни түғри чизик билан бирлаштирилса,  $m$  уринма хосил бўлади.

Егри чизиқдан ташқарида олинган нуқтадан унга нормал ўтказиш.  $\ell$  эгри чизиқдан ташқаридаги А нуқтани концентрик айланаларнинг маркази сифатида қабул қилиб (37-расм), ундан берилган эгри чизиқни кесувчи бир неча айланалар чизилади. Бу айланалар  $\ell$  эгри чизиқни  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  нуқталарда кесади. Мос нуқталарни ўзаро бирлаштириб, эгри чизиқнинг  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  ватарларини хосил қилинади. Бу айланалар  $\ell$  эгри чизиқни  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  нуқталарда кесади. Мос нуқталарни ўзаро бирлаштириб, эгри чизиқнинг  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  ватарларини хосил қилинади.

37-расм




Ватарлар учларидан қарама-қарши йўналишда унга перпендикуляр чизиқлар чиқарилади ва уларга ватарлар узунлигларини ўлчаб қуилади. Бу кесмаларнинг учларини тартиб билан бирлаштириб қ чизиқ хосил қиласи. қ ва  $\ell$  эгри чизиқлар ўзаро Б нуқтада кесишадилар. А ва Б нуқталарни бирлаштирувчи н тўғри чизиқ  $\ell$  эгри чизиқнинг нормали бўлади.<sup>22</sup>


Фазовий эгри чизиқлар, фазовий эгри чизиқнинг эгрилиги, Френе уч ёқлиги, фазовий эгри чизиқни текшириш, винт

чизиги.

Агар эгри чизиқнинг нуқталари бир текисликда ётмаса, у *фазовий эгри чизиқ* дейилади (38-расм). Фазовий эгри чизиқни текис эгри чизиқдан фарқли ўлароқ нуқтанинг фазодаги ҳаракатидан хосил бўлган траекторияси деб қараш мумкин. Унинг иҳтиёрий ҳар бир уч нуқтасидан ўтувчи текисликлар умуман олганда ҳар хил йўналишда бўлади.



38-расм



39 -расм

39-расмда фазовий эгри чизиқ  $\kappa$  нинг модели кўрсатилган. қ эгри чизиқда  $A$  нуқтани танлаб, у орқали икки кесувчи тўғри чизиқ ўтказайлик ва улар  $K$  ни э ва  $\Phi$  нуқталарда кесиб ўтсин.  $AE$  ва  $A\Phi$  кесувчилар э ва  $\Phi$  ни  $A$

<sup>22</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 119-121 betlar


нуқтага чексиз яқинлаштирганимизда  $m$  ҳолатни эгаллаб устма-уст тушган ярим уринмаларни ҳосил қиласи. Бу уринма орқали чексиз кўп текисликлар ўтказиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси ҳам уринма текислик бўлади. Агар уринма билан кесувчилар  $AE$  ва  $A\Phi$  ҳосил қилган ярим уринма текисликларни уринма атрофида айлантириб чек ҳолатига олиб келсақ, эгри чизиқнинг у чексиз яқин уч нуқтасидан ўтади. Бу текислик *ёпишма текислик* деб аталади. Агар ярим уринма текисликлар устма-уст тушса, эгри чизиқ шу нуқтада равон дейилади. Ёпишма текислик бу нуқтада эгри чизиқ билан бошқа ҳоллардан кўпроқ устма-уст тушади, яъни эгри чизиқнинг шу қисми кўпроқ равишида шу текисликка оид бўлади. Шунинг учун ҳам фазовий эгри чизиқнинг ёпишма текисликка оид қисмини текис деб қараш мумкин. Ёпишма текислик уринма бўйича сирпаниб айни вактда унинг атрофида айланиб ҳаракат қиласи, яъни у винт ҳаракатини бажаради. Нуқтанинг ҳаракати жараёнида текислик ўз ҳолатини ўзгартириб боради ва бунда уринма винт ўқ чизиги вазивасини ўтайди.

Фазовий эгри чизиқнинг берилган нуқтасида чексиз кўп нормаллар ўтказиш мумкин. Уларнинг тўплами текисликни ҳосил қиласи ва у *нормал текислик* деб аталади. Нормалларнинг ёпишма текисликда ётган *бош нормал*, ёпишма текисликка перпендикуляр жойлашган иккинчи бири *бинормал* деб аталади. Уринма ва бинормал орқали ўтган текислик шу нуқтада эгри чизиқни *ростловчи текислик* дейилади.

Бундай текислик эгри чизиқнинг берилган нуқта атрофидаги чексиз қисмини яқин деб, қарашга имкон яратади.

39-расмда Q ёпишма, N нормал ва P ростловчи текисликлардир. Ўзаро перпендикуляр бўлган бу уч текислик учёқни ҳосил қиласи. Уни 1874 йили биринчи бўлиб таклиф қилган Френе номи билан *Френе учёклиги* ёки ҳамроҳ триедр, баъзида асосий учёклик дейилади.

Фазовий эгри чизиқни текширганда уни ҳар бир нуқтасида унга ҳамроҳ учёклик юкланади (40-расм). Эгри чизиқнинг шу нуқта атрофидаги қисмини




40-rasm

учёқлик томонларига проекцияланади. Бунинг учун ёпишма текисликни горизонтал, ростловчи текисликни фронтал ва нормал текисликни профил текислик сифатида қабул қилиб,  $C$  нүкта горизонтал проекция  $A_1B_1$  учун оддий нүкта, фронтал проекция  $A_2B_2$  учун ўтиш нүктаси, профил проекция  $A_3B_3$  учун биринчи турдаги қайтиш нүктаси вазифасини ўтайди.

Фазовий эгри чизиқнинг ёпишма текислиқда ётган текис қисмининг эгрилиги – *биринчи эгрилик* дейилади. Унинг маркази бош нормалда бўлади. Фазовий эгри чизиқнинг берилган нүктасидаги текислиқдан узоқлашиш тезлигини билдиради.

Винт чизиги фазовий эгри чизиқлар эталони ҳисобланади, чунки унда биринчи ва иккинчи эгриликлар доимийдир. Нүкта цилиндр сиртида бир текис айланма ва илгариланма ҳаракат қилиб винт ҳаракатини содир қиласи. Цилиндр устида унинг бирон ясовчисига оид бўлмаган икки нүкта орасидаги энг яқин масофа винт чизиги орқали ўлчанади. Буни цилиндр ёйилмасида ҳам кўрса бўлади. Винт чизиги у ётган цилиндр сиртини ёйганда тўғри чизик кўринишида бўлади (41-расм).




41-расм

**Таянч тушунчалар:** Бош нормал; Бинормал; Биринчи эгрилик; Иккинчи эгрилик ёки бурилиш эгрилиги. Фазовий эгри чизик; Френе учёқлиги; Уринма; Ёпишма текислик; Равон эгри чизик; Нормал текислик; Ростловчи текислик;


### 6.3. Текис эгри чизикнинг эгрилиги. Эволюта ва эволвента

Кўшни ярим уринмалар орасидаги  $\alpha$  бурчакни улар орасидаги  $c$  ёй узунлигига нисбатининг лимити эгри чизикнинг эгрилиги дейилади (42-расм).

Эгриликни  $k$  билан белгиласак, у куйидагича ифодаланади:  $k = \lim_{\Delta s \rightarrow 0} \frac{\Delta \varphi}{\Delta s}$ .



42-расм



43-расм

Бунда ф бурчак қанча катта бўлса, эгри чизик шунча кўп эгилган ва, аксинча, қанчалик кичик бўлса, эгри чизик шунча кам эгилган бўлади. Эгрилик қиймати эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида ҳар хил бўлади. Айлананинг ҳамма нуқтасидаги эгрилик бир хилдир, тўғри чизиқда эса эгрилик нолга teng. Ҳар қандай эгри чизиқнинг эгрилиги айлана ёрдамида аниқланади. Бу айлана эгри чизиқдаги чексиз яқин учта 1, 2, 3 нуқталардан ўтади. Унинг радиуси, *эгрилик радиуси*, маркази эса *эгрилик маркази* дейилади. Эгрилик радиуси  $R$  ва эгрилик миқдори  $k$  ўзаро тескари пропорсионалдир:  $k=1/R$ , яъни эгрилик радиуси  $R$  қанча катта бўлса,  $k$  эгрилик шунча кичик ва, аксинча, эгрилик радиуси қанча кичик бўлса  $k$  эгрилик шунча катта бўлади (43-расм). Масалан, тўғри чизиқда эгрилик радиуси чексиз катта бўлганлиги туфайли эгрилик нолга teng.


### 6.3.1 Эволюта ва эволвента

Бирор  $\ell$  эгри чизиқнинг ҳамма нуқталари учун эгрилик марказлари ясалса, уларнинг тўплами  $\ell_1$  эгри чизиқни ҳосил қиласди. Бу  $\ell_1$  эгри чизик берилган  $\ell$  эгри чизиқнинг эволютаси деб аталади (44-расм).  $\ell$  эгри чизик  $\ell_1$  эволютага нисбатан эволвента дейилади).

Эволютанинг уринмалари  $\ell$  эволвентанинг нормалларидир. Эволюта уринмаларида чексиз кўп эволвенталар жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун эгри чизиқнинг эволютаси ўз эволвентасини аниқлай олмайди, лекин унинг эволвентаси ўз эволютасини аниқлай олади.<sup>23</sup>

---

<sup>23</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 121-122 betlar



**44-расм**


#### **6.4. Текис эгри чизиқ нуқталарининг классификасияси**

Текис эгри чизиқлар монотон ва улама чизиқларга бўлинади. Монотон эгри чизиқнинг қатор нуқталарида эгрилик радиуси узлуксиз ўсиб ёки камайиб боради. Монотон эгри чизиқ ёйларидан ташкил топган чизиқ улама чизиқ дейилади. Бу ёйларнинг уланиш нуқталари улама чизиқнинг учлари, уланувчи ёйларнинг ўзи эса улама чизиқнинг томонлари деб аталади. Ёйларнинг уланиш характеристига қараб, улама чизиқнинг учлари оддий ва махсус нуқталар бўлиши мумкин. Эгри чизиқнинг оддий нуқтасида ярим уринмалар қарама-қарши йўналишда бўлиб, битта тўғри чизиқ устида ётади ва эгрилик марказлари устма-уст тушади. Эгри чизиқларнинг махсус нуқталари қўйидагилардан иборат:


**Кўш нуқта.** Ярим уринмалар қарама-қарши йўналишга эга, нормаллар устма-уст тушади, эгрилик марказлари эса ҳар хил жойлашади (45-расм).

Эгилиб ўтиш нуқтаси. Ярим уринмалар ҳам, нормаллар ҳам қарама-қарши йўналишда бўлади (46-расм).


Биринчи турдаги қайтиш нуқтаси. Ярим уринмалар устма-уст тушади ва бир хил йўналишда бўлади, нормаллар қарама-қарши йўналишда бўлиб, бир чизиқ устида ётади (47-расм).



45-расм



46-расм




47-расм


Иккинчи турдаги қайтиш нүктаси. Ярим уринмалар ва нормаллар жуфт-жуфт бўлиб бир хил йўналишга эга бўлади (48-расм);

**Синиш нүктаси.** Ярим уринмалар ва нормаллар ҳар хил йўналишда бўлади (47-расм);

**Тугун нүкта.** Тугун нүктада эгри чизик ўзини-ўзи бир ва бир неча марта кесиб ўтади (49-расм).<sup>24</sup>



48-расм



49-расм

## 6.5. Иккинчи тартибли эгри чизиқлар

**Таъриф.** Иккинчи даражали тенгламалар билан ифодаланувчи эгри чизиқлар иккинчи тартибли эгри чизиқлар дейилади.

Бундай чизиқлар тўғри чизик билан энг қўпи билан икки нүктада кесишиади. Иккинчи тартибли эгри чизиқлар ва уларнинг хусусиятларидан машинасозликда, бинокорликда, умуман муҳандислик амалиётининг барча тармоқларида кенг фойдаланилади. Шу боисдан ҳам 2-тартибли эгри

<sup>24</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 122-123 betlar

чизиқлари бошқа тартибдаги чизиқларга нисбатан мукаммал ўрганилган. Уларга айлана, эллипс, парабола, гипербола ва уларнинг хусусий ҳоллари киради. Бу эгри чизиқларнинг тенгламалари ва уларнинг шаклларини аниқловчи параметрлари аналитик геометрияда түлиқ ўрганилади. Чизмачиликда ва чизма геометрияда эса уларни ясаш ва ҳосил бўлиш усуслари ўрганилади.

Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг номи, таърифи, тенгламаси ва уларнинг шакллари 1.1-жадвалда келтирилган.<sup>25</sup>

### 1.1-жадвал

<p><b>Айлана</b></p> <p>Берилган нуқтадан тенг масофаларда жойлашган нуқталарнинг тўплами айлана дейилади.</p> <p>Каноник тенгламаси</p> $x^2 + y^2 = R^2$ <p><b>Параметрик тенгламаси</b></p> $x = R \cdot \cos t$ $y = R \cdot \sin t$	
<p><b>Эллипс</b></p> <p>Берилган икки <math>\Phi_1</math> ва <math>\Phi_2</math> нуқтадан узоқликларининг йифиндиси ўзгармас миқдор бўлган нуқталарнинг тўплами эллипс дейилади. <math>F_1N + F_2N = AB = \text{const}</math></p> <p><b>Каноник тенгламаси</b></p>	

<sup>25</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 123-124 betlar

$$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$$

**Параметрик тенгламаси**  $x=a \cos t$   
 $y=b \sin t$


### Гипербола

Берилган  $F_1$  ва  $F_2$  икки нуқтадан узоқликларининг айирмаси ўзгармас миқдор бўлган нуқталарининг тўплами гипербола дейилади.  $F_1N - F_2N = A_1A_2 = const$

### Каноник тенгламаси

$$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$$

**Параметрик тенгламаси**  $x = a \cos t$   
 $y = b \operatorname{tg} t$




### Парабола

Берилган нуқтадан ва  $d$  тўғри чизиқдан тенг масофаlardarda жойлашган нуқталарнинг тўплами парабола дейилади.  $FN = AN$

### Каноник тенгламаси $y^2 = 2px$

**Параметрик тенгламаси**  $x=t,$   
 $y=\sqrt{2pt}$   
 ёки  $y=t, x=t^2/2p$



**Таянч тушунчалар:** Чизик; Конуний эгри чизик; Конунсиз эгри чизик; Алгебраик эгри чизик; Уринма; Нормал; Алгебраик эгри чизик тартиби; Алгебраик эгри чизик класси; Текис эгри чизик; Транссендент эгри чизик; Хатоликлар эгри чизиги; эволвента. Эгрилик маркази; эгрилик радиуси; эволюта;

## **6.6. Талабаларда лойиҳалаш қобилиятларини ўстиришдаги педагогик шароитлар**

Лойиҳалаш жараёнида график образлар воситасида турли буюмларнинг қиёфасини фикран алмаштиришга тўғри келади. Бундай алмаштиришда буюмларнинг ўлчамлари, қисмларини ўзгартериш билан боғлиқ бўлади.

Методик адабиётлар тахлилига кўра бу масалаларни уч гурухга ажратиш мумкин. Булар буюмнинг фазовий ҳолатини ўзгартериш, буюм қисмининг фазовий ҳолатини ўзгартериш, буюм шаклини ўзгартериш билан боғлиқ масалалардир.

Буюмларда турли алмаштиришларни бажаришни амалга ошириш инсон учун энг зарур бўлган комбинациялаш қобилиятини, дастлабки маълумотларни турли нуқтаи назардан талқин қилиш ва шунга ўхшаш сифатларини ривожлантиришга ёрдам беради.

Талабаларда фазовий муносабатларни динамик равишида тасаввур қилиш талаб этилганда график материалнинг дастлабки ҳолатини фикран ўзгартериш жараёни яна ҳам мураккаблашади. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган масалаларни ечиш талабаларнинг техник ижодиётини ўстиришга ёрдам беради.

Юқорида баён қилинган методик усуллар талабаларнинг ижодий ва яратувчанлик фаолиятининг таёргарлик босқичи дейиш мумкин. Чунки улар бир-бирлари билан ўзаро боғланиб, ягона таркибни ташкил этади. Бу ишларнинг барчаси талабаларнинг фазовий тасаввурларини статик жиҳатдан ривожлантириб, динамик босқичга тайёрлайди.

Чизмачилик курсида лойиҳалаш элементларини ўз ичига олган машқлар график фаолиятда талабалардан фазовий тасаввурнинг қўзгалувчанлиги, ривожланган мантиқ ва образли тафаккурни, бошқача қилиб айтганда яратувчанлик фаолиятига хос бўлган сифатларни талаб қиласди.

Инсоннинг ижодий яратувчанлик фаолиятида график тасвир ўзаро боғланган икки вазифани бажаради. Биринчидан, чизма фикрлашнинг ўзига хос қуроли; иккинчидан фикр (ғоя) берувчи воситадир.

Шунинг учун ҳам лойиҳачилик фаолиятида энг биринчи навбатда унинг график жиҳатларига эътибор қаратилади. Буюмнинг оброзини фикран мияда яратиб, уни онг орқали график тасвирлаш лойиҳалаш фаолиятининг муваффақиятли томони дейиш мумкин.

Лойиҳалаш жараёнида талабалар турли умумий техника фанларидан эгаллаган назарий билимларини амалда қўллашга фанлараро боғланишларга эҳтиёж сезадилар, техник хисоблаш ишларини бажарадилар, справочниклардан фойдаланадилар. Лойиҳалаш жараёнида, айиниқса ишлаб чиқариш таълимида эгалланган билимлар жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ижодий фаолиятнинг энг олий кўриниши бўлган лойиҳалашнинг техникавий томонлари қанчалик такомиллашган бўлишига қарамай, унинг педагогик-психологик томонлари этарлича ўрганилмаган.

Чизмачилик курсида лойиҳалашга қаратилган масалаларнинг анъанавий масалалардан принципиал фарқи, уларни ечиш босқичлари ва таълимдаги аҳамияти ҳақида тўхталаілик.

Маълумки, техник деталлар айrim қисмлардан (тешиклар, ўйиқлар, чиқиқлар ва хоказо) тузилиб, уларни конструктив элементлар деймиз.

Шундай қилиб лойиҳалаш деганда меҳнат унумдорлигини ошириш учун техник-технологик шароитлар асосида бутунлай янги объектлар яратиш, яъни амалдагисини такомиллаштириш, реконструкциялаш билан боғлиқ техник хужжатлар тўплами ишлаб чиқиши тушиниш мумкин. Бу жараённи амалга оширишда машина деталларининг шакли, оғирлиги, ўлчами каби параметрлари ўзгариши табиий. Лойиҳалаш жараёни қуидаги босқичлардан иборот.

Биринчи босқич - тайёргарлик босқичи бўлиб, унда техник эҳтиёжлар аниқланади.

Иккинчи босқичда - шу соҳадаги илмий ахборотлар таҳлил қилиниб, масалани ечиш воситалари ва вариантлари танланади.

Учинчи изланиш босқичида - туғилган ғоялар солиштирилиб чиқилади ҳамда улардан энг мақбули танлаб олинади.

Тўртинчи, амалга ошириш босқичида - лойиҳа ахборотларининг график воситаси билан расмийлаштирилади ҳамда эчим текшириб чиқилади.

Янги конструкцияни жорий қилиш ёки амалдагисини модернизациялаганда турли техник ишлаб чиқариш, технологик, иқтисодий ва шунга ўхшаш талаблар бажарилади.

Бу талаблар қуидагида бўлиши мумкин.

- 1) амалдаги конструкцияни соддалаштириш;
- 2) материалларнинг мустаҳкамлик хусусиятларидан тўлиқ фойдаланиш;
- 3) буюмга ишлов беришда чиқиндиларни камайтириш мақсадида деталнинг шаклини тўғри танлаш ҳамда чиқиндисиз технологияни ишлаб чиқиш;
- 4) деталларнинг хизмат муддатини ошириш ва бошқалар.

Лойиҳалашга доир масалалар юқоридаги масалалардан қандай хусусиятлари билан фарқ қиласи? Лойиҳалашга оид масалаларни ечишда талabalарда қандай билим ва амалий кўникмалар шаклланади?

Умумий таълим мактабларининг чизмачилик курсида лойиҳа чизиб, буюмлар ясаш деярли ўргатилмайди. Фақат йиғиш чизмасига кирувчи бирор деталнинг фазовий хусусиятлари ва муносабатларини маълум даражада алмаштириш билан чегараланиш мумкин. Бу алмаштиришлар, албатта лойиҳалаш босқичларида кўрсатилган шакл ўзгаришлар, техник-технологик, ижтимоий-иктисодий талаблар доирасида бўлиши керак.

Иккинчи саволга психологик тадқиқотларнинг натижаларидан келиб чиқиб жавоб бериш мумкин.

Тафаккуримизда янги лойиҳа ва унинг брча деталлари, аввало фикран яратилади. Чизма эса лойиҳачининг фикрини ифода этиш воситасидир. Зоро, янги лойиҳа ҳақидаги тасаввур умумий кўринишда пайдо бўлади.

Чизмалар тузиш жараёнида объектнинг тафаккуримизда дастлаб намоён бўлган образига муҳим ўзгаришлар киритилади. Бу иш жараёнида бир-бири билан узвий боғланиши лозим бўлган фазовий фараз ва бажариладиган чизма

бири иккинчисини түлдириб бойитади.

Демак ижодий яратувчанликнинг бош режасида график фаолият туради. Шу сабабли ҳам талабаларда лойиҳалаш билан боғлиқ обьектларни реконструксия қилиш учун зарур бўлган фаннинг фазовий хосса ва муносабатларини алмаштиришга ёрдам берадиган муҳим сифатлар-фазовий фараз ва тасаввурни таркиб топтириш лозим. Бундай сифатга фазовий алмаштиришлар соҳасида мунтазам ва мақсадга йўналтирилган машқларни бажариш билан эришиш мумкин.

Хулоса:

1. Талабалардаги қобилият, хавас, қизиқиш қўникма, малака сингари хусусиятларнинг психологик асослари кўрсатилади.
2. Ижод, янгилик ва лойиҳалаш тушунчалари ўрганилади ва улар график фанларга тадбиқий қаралади.
3. Талабаларда ижод ва лойиҳалашни шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари қаралади.

## 6.7. Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг инвариантлари

Инвариант французча *инвариант* яъни ўзгармайдиган деган маънони билдиради. У математикада маълум алмаштиришларда, масалан бир координат системасидан иккинчисига ўтганда ўзгармай қоладиган хусусиятларга айтилади.

Бундай хусусиятлар, яъни уларни қандай ўзгартиришларга қарамай ўзгармасдан сақланиб қоладиган хусусиятлар иккинчи тартибли эгри чизиқларга ҳам хосдир.

Масалан, тўғри бурчакли координат системасининг биридан иккинчисига ўтганда иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг:

$$A x^2 + 2Bxy + C y^2 + 2Dx + 2Ey + F = 0$$

тенгламасини қайта алмаштириш формуласи

$$A' x'^2 + 2B' x' y' + C' y'^2 + 2D' x' + 2E' y' + F' = 0$$
 билан алмаштирганимизда

аввалгисидаги  $A, B, C, D, E, F$  нинг қийматлари  $A', B', C', D', E'$  қийматларига алмашади, демак кейинги коэффицентлар аввалги коэффицентлардан фарқ қиласи.

Лекин  $A, B, C, D, E$  ва  $F$  катталиклардан ҳосил бўлган  $A', B', C', D', E'$  қийматлари сақланиб қолади. Ана шу алмаштиришлардан сўнг қўйида келтирилган учта хусусият ўзгармас бўлиб сақланиб қолади. Бу ифодалар иккинчи даражали тенгламаларнинг инвариантлари дейилади. Булар:

a) Биринчи инвариант  $A+C$

б) Иккинчи инвариант  $\delta = \begin{vmatrix} AB \\ BC \end{vmatrix} = AC - B^2$  (кичик инвариант)

в) Учунчи инвариант  $\Delta = \begin{vmatrix} ABD \\ BCE \\ DEF \end{vmatrix}$  - катта инвариант

Булар асосида иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг уч типини аниқлаш мумкин.

Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг уч типии

Эллипс учун кичик дискриминант мусбат, гипербола учун манфий ва парабола учун эса нолга teng бўлади. Булар асосида иккинчи тартибли эгри чизиқларни уч типга бўлишади:

а) эллиптик типдаги иккинчи тартибли эгри чизиқлар  $\delta = AC - B^2 > 0$

Бу чизиқларга хақиқий эллипсдан ташқари мавхум эллипс, хақиқий нуқтада кесишадигани икки мавхум тўғри чизиқлар киради.

б) Гиперболик типдаги эгри чизиқлар  $\delta = AC - B^2 < 0$

Бунга гиперболадан ташқари икки ўзаро кесишувчи хақиқий тўғри чизиқлар ҳам киради.

в) Параболик типдаги эгри чизиқлар  $\delta = AC - B^2 = 0$

Бу типга параболадан ташқари хақиқий ёки мавхум икки тўғри чизиқлар киради. Улар ўзаро устма-уст тушуши ҳам мумкин.

$\frac{2c}{2a} = E$  катталигини, яъни фокуслар орасидаги масофани катта ўқса

нисбатини эллипснинг экссентритенти дейилади.

Бу эксцентритент эллипс учун бирдан кичик бўлади яъни  $E \cdot 1$  Фокал ўқса перпендикуляр лекин марказдан  $\frac{a}{E}$  масофада жойлашган тўғри чизиқлар эллипснинг директрисалари дейилади.

Директрисса қуидаги хусусиятга эга.

Эллипсда ётган ҳар қандай нуқтанинг фокусларга ва мос директрисагача бўлган масофага нисбати ўзгармас катталик бўлиб, у э га teng бўлади.

Параллел проекциялашнинг инвариантларига асосан.

1. Айланана ва эллипс марказий симметрик эгри чизиқ ҳисобланади.
2. Айланадаги икки ўзаро перпендикуляр диаметрга эллипснинг ўзаро туташ икки диаметри мос келади.
3. Айлананинг ўзаро перпендикуляр икки диаметрига эллипснинг икки ўзаро туташ икки диаметри мос келади.
4. Айлананинг бирон А нуқтасида ўтказилган уринма эллипсдаги туташ диаметрига паралаел тўғри чизиқлар мос келади.
5. Айланага уринма қурилган квадратга эллипсга уринма қилиб қурилган параллелограмм мос келади.

**7-мавзуу: Сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг классификацияси.**

**Айланиш сирталри. Чизиқли сиртлар ва уларнинг ҳосил бўлиши.**

**Режа:**

- 7.1.Сиртлар тўғрисида умумий тушунчалар
- 7.2.Айланиш сиртлари
- 7.3.Чизиқли сирт ҳақида умумий маълумот.
- 7.4.Цилиндроидлар.
- 7.5.Коноид.
- 7.6.Торс сиртлари.
- 7.7.Цилиндрик сиртлар.

### **7.1.Сиртлар тўғрисида умумий тушунчалар**

Сиртларни маълум қонуниятларга бўйсинган икки параметрли нуқталар тўплами сифатида ёки бирон чизиқнинг фазода харакатланиши натижасида


қолдирган изларининг тўплами сифатида яни кинематик усулда ҳосил қилингандай чизиқлар тўплами сифатида қараш мумкин.

Сиртни тасвирлаш осон бўлиши учун уни кинематик усулда, яни бирон чизиқни ёки сиртни ясовчи сифатида қабул қилиб, унинг маълум йўналишдаги харакати натижасида ҳосил бўлган чизиқлар тўплами сифатида қараш кўпроқ мақсадга мувофиқдир.

Агар фазода жойлашган нуқтанинг берилган сиртга тегишлилиги бир ёқлама хал қилинадиган бўлса бу сирт берилган деб хисобланади.

Сиртни фазода бериш учун хамма зарур шартлар мазкур сиртнинг аниқловчиси дейилади.

Фазода ўзаро кесишувчи икки  $m$  ва  $n$  эгри чизиқлри берилган бўлсин.  $m$  ни йўналтирувчи ва  $n$  ни ясовчи сифатида қабул қилайлик ( 50-расм).



йўналтирувчи бўйича ҳаракатлантирайлик. Ҳаракатланиш жараёнида ясовчи ўз шаклини ўзгартириб бориши ёки ўзгартирмаслиги мумкин. Бу мисолимизда ясовчининг шакли ўзгармас деб қабул қилайлик.  $n$  ясовчининг маълум йўналиш бўйича узлуксиз ҳаракатланиши натижасида  $\theta$  сирти ҳосил бўлади. Сиртни ҳосил қилган ясовчилар тўплами сиртнинг узлуксиз каркаси деб аталади.

Сиртнинг узлуксиз каркаси деб унинг ҳар бир нуқтаси орқали ўтиб, сиртни тўлдириб турган чизиқлар тўпламига айтилади. Агар ролларни ўзгартириб,  $m$  ни ясовчи ва  $n$  ни йўналтирувчи қилиб қўйсан, сиртда икки ҳар ҳил каркас(синч)ни ҳосил қиласиз. Улар ўзаро кесишувчи чизиқлар тўрини ҳосил қиласиз. Эндиликда сиртда ётган икки параметрли чизиқлар тўплами ҳосил бўлади. Сиртда ётган ҳар бир нуқта орқали тўрнинг икки чизиги ўтади. Каркаслар чизиқли ёки нуқтали тўпламлардан ташкил бўлиши мумкин.

Агар сиртда ётган нуқталарга таянган ҳолда сиртнинг тури ва шаклини ва унинг ҳамма қисмида етарли даражада тасаввур қилиш мумкин бўлса бундай сиртни нуқтали каркас дейишади.

Синчли(каркасли) сиртлар дискрет нуқталар ёки чизиқлар орқали ҳам берилиши мумкин. Бундай сиртлар дискрет нуқталар ёки чизиқлар тўплами орқали берилганлиги туфайли унда ётган бирон нуқта орқали ўтувчи каркас чизигини тахминан аниқлаш мумкин, чунки у орқали чексиз кўп бошқа чизиқлар ўтиши мумкин.

Чизиқли ёки нуқтали каркаслар узлуксиз ва узук – узук бўлиши мумкин. Агар сиртда ётган ҳар қандай нуқта орқали ўтадиган каркас чизигининг қонунияти берилган бўлса, бундай каркас узлуксиз каркас дейилади.

Сирт ясовчисининг шаклига қараб, агар у тўғри чизик бўлса ҳосил бўлган сиртлар чизиқли хамда у тўғри чизик бўлмаса чизиқсиз сирт дейилади.<sup>26</sup>


## 7.2.Айланиш сиртлари

Бирон  $l$  чизиқнинг у тўғри чизик атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт айланиш сирти дейилади (51- расм). Бунда у – айланиш ўқи,  $l$  чизик эса ясовчи деб аталади.

$l$  чизиқнинг у тўғри чизиқли ўқ атрофида айланиши жараёнида унинг ҳар бир нуқтаси айлана чизади. Бу айланалар паралеллар деб аталади. Паралелларнинг энг кичиги бўйин чизиги, энг каттаси эса эквадор хамда  $i$  – айланиш ўқи деб аталади.

Расмда берилган  $l$  ясовчини  $i$  ўқи атрофида айлантиrsак, у қўзанинг ён сиртини эслатувчи айланиш сиртини ҳосил қиласди (51-расм). Айланиш жараёнида ясовчининг ҳар бир нуқтаси айлана чизиб, улар паралеллар деб аталади.

<sup>26</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 141 bet



а

51-расм

б

Агар бош меридиан 1 чизиги силлиқ равон бўлса паралелларнинг энг кичиги бўйин чизиги, энг каттаси эса экватор деб аталади.

Айланиш ўқи орқали ўтган текисликлар **меридиан L текисликлар** ва уларнинг сирт билан кесишган чизиклари **меридианлар** деб аталади. Фронтал проекциялар текислигига параллел меридиан текислиги **бош меридиан текислиги** ва унинг сирт билан кесишган чизиги **бош меридиан** деб аталади.

Айланиш сиртининг берилиши 51,б -расмда кўрсатилган.

Айланиш сиртларининг бош меридиан кесими ёки айланиш ўқига нисбатан симметрик жойлашагн битта ёки икки эгри чизиқдан иборат бўлиши мумкин.

Айланиш сиртлари бош меридиан кесими бўлган иккинчи тартибли эгри чизиқларининг турига қараб, қўйидаги сиртларга бўлинади ва улар қўйидагича номланади:

- 1) ясовчи - айлана эгри чизиги бўлиб, у ўз диаметрларининг бири атрофида айланишидан ҳосил бўлган айланиш сирти сфера дейилади;
- 2) эллипснинг ўз ўқларининг бири атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт айланиш эллипсоиди дейилиб, агар ясовчи эллипс унинг кичик ўқи атрофида айлантирилса ҳосил бўлган сирт сиқиқ эллипсоид ва катта

ўқининг атрофида айлантирилса - чўзиқ эллипсоид деб аталади.

3) парабола эгри чизигининг ўз хақиқий ўқи атрофида айлантирилишидан ҳосил бўлган айланиш сирти айланиш параболоиди деб аталади.

4) гиперболанинг ўз мавхум ўқининг атрофида айлантирилишидан ҳосил бўлган сирт бир паллали гипербoloид ва ҳақиқий ўқининг атрофида айлантирилиши натижасида ҳосил бўлган айланиш сирти икки паллали айланиш гипербolid сирти деб аталади.

5) ўзаро кесишувчи икки тўғри чизиқка ажралган иккинчи тартибли эгри чизиқнинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган айланиш сирти айланиш конуси деб аталади.

6) икки ўзаро параллел тўғри чизиқларга ажралиб кетган иккинчи тартибли эгри чизиқнинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт айланиш цилиндри дейилади.<sup>27</sup>

---

<sup>27</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 145-146 betlar

Тўғри текис кесиш текислик ва бир эгри кесиш текислик учун эгри чизиқлар томонидан тўғри чизиқ билан кетма-кет тсиқлик тартибда иштирок этди. Афоризмлари Пирамиданинг чеккаларида нуқталарда ҳосил қилиш рухсат этилади.

Тахмин ва ривожлантириш, барча мавжуд қирраларнинг ва сирт чегаралари учун тўғри анъанавий чизиқлар чизиб томонидан бажарилди.




Figure 9.7 Example 9.7

28


### 7.3. Чизиқли сирт ҳақида умумий маълумот.

Чизиқли сирт умуман олганда фазода бирон тўғри чизиқнинг учта йўналтирувчи фазовий эгри чизиқларни бир вақтда узлуксиз кесиб, ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлади.

$m$ ,  $n$  ва 1 фазовий эгри чизиқлар берилган бўлсин (52-расм).  $m$  эгри чизиғида 1 нуқтани танлайлик ва у орқали қолган икки эгри чизиқли йўналтирувчи эгри чизиқларни кесиб ўтадиган тўғри чизиқни ўтказайлик. Бунинг учун  $m$  йўналтирувчида ихтиёрий 1 нуқтани танлаймиз. 1 нуқтани 1 йўналтирувчининг хамма нуқталари билан бирлаштирамиз. Учи 1 нуқтада бўлган йўналтирувчиси 1 бўлган конус сирти ҳосил бўлади. Энди бу конус сирти билан  $n$  йўналтирувчисининг кесишув нуқтаси 2 ни белгилаймиз. 1 ва

<sup>28</sup> M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India, 215, 216 б.

2 нүқталардан ўтувчи түғри чизиқ 1 ни 3 нүктада кесади, чунки бу учта нүқта битта түғри чизиқда ётади. Бу жараён умумий холда берилган чизиқли сиртни ясаш алгоритми бўлиб, яни унда ётган хар қандай ясовчи шу алгаритм бўйича ясалади.




52-расм

Амалиётда эса бу сиртларнинг хусусий холлари кўп ишлатилади. Уларнинг хусусий холларига ўтайлик.


Эгри чизиқли йўналтирувчиларнинг биттасини к түғри чизиқ билан алмаштирайлик. Бу холда ҳосил бўлган чизиқли сирт икки марта қийшиқ цилиндроид деб аталади. ( 52-расм).

Агар икки йўналтирувчисини түғри чизиқлар билан алмаштирсак ҳосил бўлган чизиқли сирт икки марта қийшиқ коноид деб аталади (53-расм).


Агар хамма йўналтирувчиларни түғри чизиқлар билан алмаштирсак ҳосил бўлган чизиқли сирт бир паллали гиперболоид деб аталади (54-расм).



52-расм



53-расм



54-расм


Бундан кейинги соддалаштиришлар учинчи түғри чизиқли йўналтирувчини чексиз узоққа олислаштириш орқали ишга оширилади. Бу холда чексиз узоқлаштирилган түғри чизиқли йўналтирувчининг ҳолати текислик орқали берилиб, у йўналтирувчи текислик деб аталади. Энди хамма ясовчилар йўналтирувчи текисликка параллел бўлади. Бу йўналтирувчи текислик параллелизм текислиги деб хам аталади, чунки текислик хосмас

тўғри чизиқ билан чегараланади.<sup>29</sup>

**7.4.Цилиндроидлар.** Икки йўналтирувчиси хос эгри чизиқ бўлиб, учинчиси хосмас тўғри чизиқ бўлган чизиқли сирт цилиндроид деб аталади. Бундай сиртнинг хосил бўлиши кўргазмали турда (55-расм, *a*) да тасвиirlанган. Бунда йўналтирувчилар *m* ва *n* хос йўналтирувчи эгри чизиқлар, учинчи йўналтирувчи эса хосмас тўғри чизиқдир. Бу хосмас тўғри чизиқ *L* текислиги орқали берилган. Хамма ясовчи тўғри чизиқлар бу текисликка параллел ўтказилганлиги тўфайли амалиётда у параллелизм деб аталиб кетган.

*m* ва *n* – хос йўналтирувчи эгри чизиқлар *L* эса параллелизм текислиги бўлсин. Фазода *m* ва *n* текис эгри чизиқлар ўзларининг тўғри бурчакли горизонтаал проекциялари билан берилган бўлсин. *L* параллелизм текислигига параллел текислик ўтказамиз. У йўналтирувчи чизиқларнинг горизонтал проекцияларини  $1, 1_1$  нуқталарда кесган бўлсин. Вертикал боғловчи чизиқлар орқали уларнинг мос равища горизонтал проекцияларини белгилаймиз.  $1, 1_1$  нуқталарни бирлаштириб, сиртнинг ясовчисини хосил қиласиз.

Цилиндроиднинг проекцияларда берилиши (55-расм, *b*)да кўрсатилган. Унда хос йўналтирувчилар *m* ва *n* эгри чизиқ билан ва йўналтирувчи текислик горизонтал проекцияловчи  $T_H$  текислик билан берилган. Сиртни ясаш ясовчи тўғри чизиқларнинг горизонтал проекцияларини йўналтирувчи параллелизм текислигининг  $T_H$  горизонтал изига параллел қилиб ўтказишдан бошланади. Сўнгра боғловчи чизиқлар орқали уларнинг мос равища фронтал проекциялари ясалади.




<sup>29</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 157-159 betlar

*a**б**в*

55-расм


**7.5.Коноид.** Коноид чизиқли сирти эгри чизиқли ва түғри чизиқли хосйуналтирувчилар ва битта хосмас түғри чизиқли йўналтирувчи, яъни параллелизм текислиги орқали берилади (56, *a*-расм).

*a**б**в*

56-расм

56- расмда коноиднинг фазовий яққол тасвири кўрсатилган. Коноиднинг ортогонал проекциялардаги тасвири (56-расм,*в*)да берилган.


Гиперболик параболоид (56-расм,*в*)да берилган.

*а**б**в*

56-расм

## 7.6.Торс сиртлари

Тўғри чизиқнинг бирон фазовий эгри чизиқقا уриниб харакатланишидан ҳосил бўлган сирт торс ёки қайтиш қиррасига эга сирт дейилади. Қайтиш қирраси сиртни икки паллага ажратиб туради. Кетма-кет жойлашган хамма ясовчилар қайтиш қиррасига уриниб ўтади. Хусусий холда агар қайтиш қирраси нуқта холига айланса, фазода битта нуқтадан ўтган тўғри чизиқлар боғлами пайдо бўлади. Бу боғламга бирон эгри чизиқни ботирсак, у бу дастадан умумий ўққа ва учга эга бўлган конус сиртларини ясовчи тўғри чизиқлар тўпламини ажратади. Конус сиртидаги ётган чизиқни сақлаб қолиб, унинг учини чексиз узоқлаштирсак, ясовчи тўғри чизиқлар ўзаро параллел бўлиб қолади ва цилиндр сиртини ҳосил қиласди. Шундай қилиб, конус ва цилиндр сиртларини торснинг хусусий холлари деб тушуниш мумкин. Лекин айни вақтда цилиндр сиртини хам конус сиртининг хусусий холи дейиш мумкин, чунки бунда конуснинг учи ҳосмас нуқтада жойлашган бўлади 57-расм.



57-расм

Шундай қилиб, конус сиртини чизмада бериш учун унинг учи ва йўналтирувчисини, цилиндр сиртини эса йўналтирувчи ва ясовчисини бериш кифоядир. Бу элементлар уларнинг аниқловчилари деб аталади.

Конус сиртининг текислик билан кесишув чизигини унинг асоси деб қабул қилиш мумкин. Агар бу текислик сирт ўқига перпендикуляр бўлса унинг сирт билан кесишув чизиги нормал кесим деб аталади. Конусни чеклаб турган нормал кесим унинг асоси дейилади. Нормал кесимнинг турига қараб,

конус доиравий, эллиптик, тасодифий кўринишга эга бўлган ва х.к. турларга бўлинади. Агар фазодаги бирон нуқта конуснинг тасодифий бирон ясовчисига тегишли бўлса, у сиртнинг ўзига хам тегишидир. Шунинг учун хам агар конус сиртида ётган нуқтанинг битта проекцияси берилган бўлса, у орқали конус ясовчинини ўтказиб, нуқтанинг қолган проекциялари аниқланади.

**7.7.Цилиндрик сиртлар.** Цилиндрик сирт деб  $l$  тўғри чизикли ясовчининг бирон эгри чизиқли йўналтирувчи бўйича ўзига параллел холатда узлуксиз харакатланиши натижасида хосил бўлган  $\Phi$  сиртга айтилади.

Цилиндр сиртининг аниқловчиси - йўналтирувчи  $m$  текис эгри чизик ва ясовчи тўғри чизиқлар унинг текислигига перпендикуляр бўлса унда бу чизик цилиндрнинг нормал кесими дейилади. Нормал кесимнинг турига қараб, сирт агар у айлана бўлса - айланиш, агар эллипс бўлса - эллиптик цилиндр ва х.к.деб аталади.

Чизмада цилиндр сирти унинг аниқловчиси яъни йўналтирувчи эгри чизиқ билан ясовчи тўғри чизиги орқали бериш мумкин. Цилиндр сиртида нуқта танлаш учун у цилиндр ясовчиларининг бирида ётган бўлиши керак.

Цилиндр сиртнинг текислик билан кесишиши.

Цилиндр сиртнинг текислик билан кесишиш чизигини ясаш учун унинг бирнеча ясовчиларининг текислик билан кесишув нуқталари белгиланиб, улар тартиб билан бирлаштирилади. Цилиндр сиртлари машинасозликда жуда қўплаб деталларнинг сиртларини ва турли туман қурилиш иншоатларини барпо қилишда қўлланилади.

## **8-МАВЗУ. СИРТЛАРНИНГ ЎЗАРО КЕСИШИШИ.**

### **Режа:**

- 8.1. Сиртларнинг ўзаро кесишиши ҳақида умумий маълумот.
- 8.2. Сиртлар кесишиш чизигини ясашнинг умумий алгоритми.
- 8.3. Умумий ўқقا эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши.
- 8.4. Ўқлари умумий нуқтага эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро

кесишуви. Ёрдамчи сфералар усули.

8.5. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш. Кесувчи текисликлар дастаси усули.

8.6. Чизиқли сиртларнинг ўзаро вазиятини уларнинг кесишиш чизикларини ясамасдан аниқлаш.

8.7. Ўқлари бир текисликда ётмайдиган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши. Параллел кесувчи текисликлар усули

### **8.1. Сиртларнинг ўзаро кесишиши ҳақида умумий маълумот**

Инсоният ўзининг амалий фаолиятида конус, цилиндр, шар, кўпёкликлар ёки бошқа кўринишдаги сиртлар ва уларнинг ўзаро кесишишидан турли хил кўринишдаги аркалар, гумбазлар ва муҳандислик иншоотлари қурилишида фойдаланиб келган.

Кесишувчи сиртлар асосида ўзаро кесишган трубалар, кенг оралиқли биноларнинг устунсиз томлари, нефт ва газ сақланадиган сицтерналар, резервуарлар, медицина асбоблари, машинасозлик деталлари, қурилиш иншоотлари элементлари ва ҳоказолар тайёрланади. Шу боис муҳандислардан сиртларнинг ўзаро кесишиш чизикларини аниқ ясаш ва уларни сирт ёйилмасида аниқ тасвирлай билиш билими талаб қилинади. Шу мақсадда турлича шаклдаги сиртларнинг ўзаро кесишиш чизикларини ясаш усуллари баён қилинади.

**Таъриф. Икки сиртнинг кесишиш чизиги деб, улар учун умумий бўлган нуқталарнинг геометрик ўрнига айтилади.**

Кесишувчи сиртларнинг ҳосил бўлишига қараб уларнинг кесишиш чизиги қўйидаги кўринишларда учрайди:

- Кесишувчи сиртлар эгри чизиқли ёки тўғри чизиқли сиртлар бўлса, уларнинг кесишиш чизиги умумий ҳолда фазовий эгри чизик бўлади.

- Кесишувчи сиртларнинг бири эгри чизиқли иккинчиси қўпёклик сирт бўлса, у ҳолда уларнинг кесишиш чизиги текис эгри чизиқлар бўлади.
- Кесишувчи сиртларнинг иккаласи ҳам қўпёклик сирт бўлса, уларнинг кесишиш чизиги фазовий ёки текис синиқ чизик бўлади.

Кесишувчи сиртлар аналитик усулда ўз тенгламалари билан берилса, уларни бирга ечиб, кесишиш чизиқларининг тенгламаси ҳосил қилинади.

Кесишиш чизигининг тартиби умумий ҳолда кесишувчи сиртларнинг тартибига қараб белгиланади. Агар сиртлардан бири  $m$  тартибли, иккинчиси  $n$  тартибли бўлса, уларнинг кесишиш чизигининг тартиби  $m \times n$  га тенг бўлади, яъни  $\Gamma_1^m \cap \Phi_2^n = a^{m,n}$ .

Кесишувчи сиртларнинг иккаласи ҳам 2-тартибли бўлса, улар 4-тартибли эгри чизик бўйича кесишади, яъни  $\Gamma_1^2 \cap \Phi_2^2 = a^4$ .

Кесишувчи сиртлардан бири 2-тартибли ва иккинчиси қўпёкли сирт бўлса, улар 2-тартибли эгри чизиқлар бўйича кесишадилар, яъни  $\Gamma_1^2 \cap \Phi_2^{k,c} = ka^2$ . Бунда,  $k$  2-тартибли эгри чизиқларлар сони. Буни қўпёкли сиртнинг ёклари сони орқали аниқланади.

## 8.2. Сиртлар кесишиш чизигини ясашнинг умумий алгоритми

Икки сиртнинг кесишиш чизиги, одатда кесишиш чизигининг нуқталарини кетма-кет ясаш йўли билан ҳосил қилинади. Кесишиш чизигининг нуқталари иккала сиртга ҳам таалукли бўлиб, ёрдамчи кесувчи сиртлар ёрдамида ясалади. Ёрдамчи кесувчи сиртлар сифатида текислик, сфера, конус ва цилиндр сиртларини олиш мумкин. Ёрдамчи кесувчи сиртлар шундай танланиши керакки, у берилган сиртлар билан кесишганида кесимда чизилиши оддий ва қулай чизиқлар-тўғри чизик ёки айланалар ҳосил бўлсин.


Ёрдамчи кесувчи сиртлар китобнинг олдинги бобларида ёрдамчи кесувчи текислик кўринишида ишлатилган эди. Масалан, тўғри чизик билан текисликнинг кесишув нуқтасини ясашда, текисликларнинг кесишиш чизигини ясашда, текислик билан сиртларнинг кесишувида, тўғри чизик

билин сиртларнинг кесишувида ёрдамчи кесувчи текисликлар ўтказилган эди.

Ёрдамчи кесувчи сиртлар усулида ясаш алгоритми қуйидагича бўлади (58-расм):

- Берилган икки  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртлар кесишиш чизигининг нуқталари ясалади. Бу нуқталар ўз навбатида ёрдамчи кесувчи сиртларни ўтказиш чегарасини аниқлайди.
- Ёрдамчи кесувчи  $\Omega$  сирт ўтказилади. Бунда  $\Gamma$  ва  $\Omega$  сиртлар ўзаро кесишиб  $n$  ( $\Gamma \cap \Omega = n$ ) чизиқни,  $\Phi$  сирт билан  $\Omega$  сирт кесишиб  $m$  ( $\Phi \cap \Omega = m$ ) чизиқни ҳосил қиласди.
- $n$  ва  $m$  чизиқлар кесишиб ( $n \cap m = A, B, \dots$ )  $A, B, \dots$  нуқталарни ҳосил қиласди.

Бу нуқталар берилган  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртлар кесишиш чизигининг нуқталаридир. Бундай ясаш алгоритми етарли марта тақорланса, кесишиш чизигини ясаш учун етарли нуқталари ҳосил қилинади. Бу нуқталар маълум тартибда лекало ёрдамида силлиқ туташтирилса, берилган икки сиртнинг кесишиш чизиги ҳосил бўлади.



**58-расм**

Агар ёрдамчи кесувчи сирт текислик бўлса, хосмас ўқли текисликлар дастаси ҳосил бўлади. Агар ёрдамчи кесувчи сирт сферадан иборат бўлса, концентрик ёки эксцентрик сфералар оиласи ҳосил бўлади. Шунга кўра икки кесишуви сиртнинг кесишиш чизиқларини ясашда ёрдамчи кесувчи

текисликлар дастаси, ёрдамчи кесувчи концентрик ва эксцентрик сфералар усуллари ҳосил бўлади.<sup>30</sup>

### 8.3. Умумий ўққа эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши

**Таъриф.** Умумий ўққа эга бўлган айланиш сиртлари чекли сондаги айланалар бўйича кесишади.

**Исботи.** Иккита айланиш сиртнинг  $m(m'')$  ва  $n(n'')$  меридианлари (ясовчилари) ҳамда улар учун умумий бўлган  $i(i'')$  ўқ берилган бўлсин (59-расм).  $m''$  ва  $n''$  меридианларнинг кесишиш нуқталарини  $A'', B'', C'', \dots$  ҳарфлар билан белгилаймиз. Агар  $m$  ва  $n$  эгри чизиқлар  $i$  ўқ атрофида айлантирилса,  $\Gamma$  ва  $\Phi$  айланиш сиртлари ҳосил бўлади (шаклда бу сиртлар тасвирланмаган). Унда  $m''$  ва  $n''$  эгри чизиқларнинг айланishi натижасида уларга умумий бўлган  $A'', B'', C'', \dots$  нуқталар  $a'', b'', c'', \dots$  айланалар чизади. Бу айланалар эса иккала сирт учун умумийдир. Демак,  $a'', b'', c'', \dots$  айланалар умумий ўқли  $\Gamma$  ва  $\Phi$  айланиш сиртларининг кесишиш чизиқлари бўлади.

60-расмда умумий ўққа эга бўлган айланма эллипсоид ва бир паллали гиперболоидларнинг кесишиш чизиқлари  $a''$  ва  $b''$  айланалар фронтал проекцияда кўрсатилган. 61 ва 62-расмларда сферанинг доиравий цилиндр ва доиравий конус сиртлари билан кесишиш чизиқлари тасвирланган. Бу сиртларнинг ўқлари проекциялар текисликларининг бирига перпендикуляр қилиб олинган.


Юқоридаги теоремадан қуйидаги натижани чиқариш мумкин:

Натижа: Маркази айланиш сиртининг ўқида бўлган ҳар қандай ") сфера шу айланиш сирти билан□(□ айланалар бўйлаб кесишади (63).


Ҳақиқатан,  $\Phi(\Phi'')$  айланиш сирти  $i(i'')$  ўқининг ихтиёрий  $O(O'')$  нуқтасини марказ қилиб олиб,  $\Phi''$  сфера чизилган.  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртлар  $a''$  ва  $b''$  айланалар бўйича кесишган (тасвирлар факат фронтал проекцияда келтирилган). Юқорида келтирилган хulosалар ва мисоллар айланиш сиртлари кесишиш

<sup>30</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 201 bet.


чилигини ясашда қўлланиладиган концентрик ва эксцентрик сфералар усулларининг асоси ҳисобланади.




59-расм




60-расм



61-расм



62-расм.



63-расм

#### 8.4. Ўқлари умумий нуқтага эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишуви. Ёрдамчи сфералар усули


Маълумки, маркази бирор айланиш сиртининг ўқида бўлган сфера бу сиртни чекли сондаги айланалар бўйича кесади. Бу айланалар проекциялар текисликларининг бирига тўғри чизик кесмаси шаклида, иккинчисига айланада ёки эллипс кўринишида проекцияланади. Айланиш сиртлари билан сферанинг ўзаро кесишиш чизиги хақидаги бу муҳим холоса иккита айланиш сиртининг ўзаро кесишиш чизикларини ясашга имкон беради.

Ёрдамчи кесувчи сфералар тўплами концентрик ёки эксцентрик кўринишларда бўлади. Кесишувчи сиртларнинг характерига қараб, ёрдамчи кесувчи сфераларнинг бирор усули ишлатилади.

**8.4.1. Концентрик сфералар усули.** Икки айланиш сиртининг ўқлари умумий нуқтага эга бўлса, бу ўқлар битта текисликни ташкил қиласиди. Бу текислик ҳар иккала сирт учун симметрия текислиги бўлади.

Ёрдамчи кесувчи концентрик сфералар усулини қўйидаги шартлар қаноатлантирган ҳоллардагина қўллаш мумкин:

- ўзаро кесишувчи сиртлар айланиш сиртлари бўлиши шарт;
- айланиш сиртларининг ўқлари ўзаро кесишган бўлиши керак;
- айланиш сиртларининг ўқлари (ёки симметрия текислиги) проекциялар текисликларининг бирига параллел бўлиши ёки сирт ўқларининг бири проекциялар текисликларининг бирига параллел, иккинчи ўқ эса иккинчи проекциялар текислигига перпендикуляр бўлиши керак.



**64-расм.**


Ёрдамчи кесувчи концентрик сфераларнинг маркази сиртларнинг ўқлари кесишган нуқтасида бўлади. 64–расмда ўқлари умумий  $O(O', O'')$  нуқтада кесишуви ва симметрия текислиги  $B$  га параллел бўлган  $\Gamma(\Gamma', \Gamma'')$  айланма конус ва  $\Phi(\Phi', \Phi'')$  цилиндр сиртлари берилган. Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш учун  $O''$  нуқтани марказ қилиб,  $R$  радиусли  $\Omega(\Omega'')$  сфера чизилади.  $\Omega$  сфера  $\Gamma$  сирт билан умумий ўққа эга бўлгани учун улар  $l_1(l_1', l_1'')$  ва  $l_2(l_2', l_2'')$  айланалар бўйича кесишади. Шаклда бу айланаларнинг  $B$  текисликдаги проекциялари  $A_1'' A_2''$  ва  $B_1'' B_2''$  кесмалар тарзида тасвирланган. Шунингдек, бу сфера  $\Phi$  сирт билан умумий ўққа эга бўлгани учун  $C_1' C_2''$  ва  $D_1'' D_2''$  кесмалар кўринишидаги айланалар бўйича кесишади. Бу айланаларнинг ўзаро кесишиш 7'', 8'', 9'' ва 10'' нуқталари ҳар иккала  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртлар учун умумий бўлган нуқталарнинг фронтал проекциялари бўлади. Худди шунингдек,  $O''$  нуқтани марказ қилиб, концентрик сфералар чизилади, улар ёрдамида  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртлар учун умумий бўлган нуқталарини ясаш мумкин. Бу нуқталарнинг геометрик ўрни бўлган  $m''$  ва  $n''$  эгри чизиқлар  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртларнинг кесишиш чизик бўлади.  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртларнинг фронтал очеркларининг 1'', 2'', 3'', 4'' кесишиш нуқталари бу сиртлар кесишиш чизигининг характерли нуқталаридан ҳисобланади.  $O''$  нуқтадан энг узоқда жойлашган 4'' характерли нуқтадан ўтувчи сферанинг радиуси  $R_{\max}$  бўлади. Кесишиш чизигининг характерли нуқталаридан яна бир жуфтини  $\Gamma$  ва  $\Phi$  сиртларининг бирортасига  $R_{\min}$  радиусли уринма сфера ўтказиш билан аниқланади. Энг кичик сферанинг  $R_{\min}$  радиуси қўйидагича аниқланади (62-расм):  $O''$  нуқтадан берилган сиртларнинг бирини чекка ясовчисига  $O''E''$  ва  $O''\Phi''$  перпендикулярлар ўтказилади. Бунда  $O''E'' > O''F''$  бўлса  $R_{\min} = O''E''$  бўлади. Агар  $O''E'' < O''F''$  бўлса,  $R_{\min} = O''F''$  бўлади,  $O''E'' = O''F'' = R_{\min}$  бўлган ҳолда энг кичик сфера иккала сиртга уриниб, кесишиш чизиги иккита текис эгри чизиқка ажralади. Шундай қилиб, уринма сферани шундай ўтказиш керакки, у сиртларнинг бирига уринсин ва иккинчисини кесиб ўтсин. 62–расмда  $\square$  сиртга уринма бўлган  $R_{\min}$  радиусли сфера ўтказиш билан ясалган эгри чизиқнинг 5, 6 характерли нуқталари аниқланган. Бу нуқталарда эгрилик

бурилади ёки йўналишини ўзгартиради. Кесишиш чизигининг бошқа нуқталари  $R_{max}$  ва  $R_{min}$  радиусли сфералар орасида ихтиёрий сфералар ўтказиш билан аниқланади. Конус ва цилиндрларнинг ўзаро кесишиш чизиги  $m(m'')$  ва  $n$  ларга тегишли нуқталарнинг горизонтал проекциялари конус ўқига перпендикуляр бўлган параллел кесувчи горизонтал текисликлар орқали аниқланади. Шундай қилиб, концентрик сфералар усули билан икки айланиш сиртининг кесишиш чизикларини ясаш қўйидаги схема бўйича бажарилади:


- икки айланиш сирти ўқларининг кесишиш нуқтаси концентрик сфералар маркази сифатида қабул қилинади;
- сиртларнинг фронтал (ёки горизонтал) очеркларининг кесишиш нуқталари характерли нуқталар сифатида белгиланади ва  $R_{max}$  радиусли сфера аниқланади;
- енг кичик  $R_{min}$  радиусли сфера чизилади. Натижада яна бир жуфт характерли нуқталар аниқланади;
- $R_{max}$  ва  $R_{min}$  лар орасида сфералар ўтказилиб, оралиқ нуқталар топилади.

63-расмда ўқлар  $O(O', O'')$  нуқтада кесишувчи ва симметрия текислиги  $N$  проекциялар текислигига параллел бўлган икки доиравий конуснинг кесишиш чизиги концентрик сфералар усули билан ясалган. Бунда аввало кесишиш чизигининг характерли  $1(1', 1'')$  ва  $2(2', 2'')$  нуқталари аниқланади. Сўнгра  $O'$  нуқтани марказ қилиб олиб, иккала конусни кесадиган қилиб  $\Phi_1'$  сфера ўтказилади.  $\Phi_1'$  сфера  $\Gamma'$  конус билан  $a'$  айлана бўйича,  $\Phi'$  конус билан  $b'$  айлана бўйича кесишади. Бу айланаларнинг кесишиш нуқталари  $5'=6'$  икки конуснинг кесишиш чизигиа тегишли бўлади.  $a$  айлананинг  $a''$  проекцияси ясалиб, унинг устида  $5''$  ва  $6''$  нуқталар ясалади. Кесишиш чизигининг қолган нуқталари ҳам юқоридагидек ясалади ва улар ўзаро туташтирилади.

66-расмда симметрия текислиги проекциялар текислиги  $B$  га параллел бўлган икки айланма конуснинг кесишиш чизиги концентрик сфералар усули билан фронтал проекциялар текислигига тасвирланган.<sup>31</sup>



65-расм



66-расм


**8.4.2. Эксцентрик сфералар усули.** Марказлари бирор айланма сирт ўқини турли нуқталарида жойлашган сфералар эксцентрик сфералар деб юритилади. 67-расмда конус ўқи ва сфера маркази  $O$  ( $O'$ ,  $O''$ ) битта фронтал симметрия текислигига жойлашган.

Бу икки сиртнинг кесишиш чизигини ясаш учун аввало уларнинг фронтал очеркларнинг кесишишдаги характерли нуқталари  $1''$  ва  $2''$  белгиланади. Маълумки, хар қандай икки сфера айланга бўйича кесишади. Маркази конус ўқида бўлган сфера ҳам конус билан айланга бўйича кесишади. Шунинг учун конус ўқининг бирор нуқтасини марказ қилиб олиб, ихтиёрий радиус билан ёрдамчи сфералар ясаш йўли билан бу икки сиртнинг кесишиш чизиги ясалади. Конус ўқидаги  $O_1''$  нуқтани марказ қилиб олиб,  $R_1$  радиусли сфера


<sup>31</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 202-205 betlar

ёрдамида кесишиш чизигининг  $3(3', 3'') \equiv 4(4', 4'')$  нуқталари ясалган. Шунингдек, конус ўқидаги  $O_2''$  нуқтани марказ қилиб олиб,  $R_2$  радиусли сфера ёрдамида  $5(5', 5'') \equiv 6(6', 6'')$  нуқталарнинг вазияти аниқланган. Худди шу тарзда конус ўқидаги ихтиёрий нуқталарни марказ қилиб олиб, ихтиёрий радиуслар билан сфералар чизиш ёрдамида иккала сиртнинг кесишиш чизиги  $\text{m}(\text{m}'')$  ясалган.  $m$  нинг горизонтал  $m'$  проекцияси конус ўқига перпендикуляр бўлган параллел кесувчи горизонтал текисликлар орқали аниқланади.

Айланма кесик конус ва тор сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш фронтал проекция текислигига қўрсатилган (68-расм). Конуснинг ўқи  $i''$  ва тор ясовчиларининг марказлари ётувчи  $n''$  чизиқ битта фронтал текисликда жойлашган. Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш учун торнинг фронтал проекция текислигидаги  $i_1''$  ўқи орқали  $H_{ib}$  фронтал проекцияловчи текисликнинг изи ўтказилади. Бу текислик торни  $n''$  марказлар чизигини ихтиёрий  $A_1''$  нуқтада кесади. Бунда  $H_{1B}$  текислик торни  $l_1''$  айланга бўйича кесади.  $l_1''$  айлананинг маркази  $A_1''$  нуқтадан айланга текислигига перпендикуляр чиқарилади. Унинг айланма конус ўқи  $i''$  билан кесишиш нуқтаси  $O_1''$  белгиланади.  $O_1''$  нуқтани марказ қилиб олиб, торнинг  $l_1''$  айланасидан ётувчи  $R_1$  радиусли сфера чизилади. Бу ёрдамчи сфера конус билан  $l_2''$  ва  $l_3''$  айланалар бўйича ва тор сирти билан  $l_1''$  ва  $l_4''$  айланалар бўйича кесишиади.  $l_1''$  ва  $l_2''$  айланаларнинг кесишиш нуқталари  $3'' \equiv 4''$  ҳамда  $l_3''$  ва  $l_4''$  айланаларнинг кесишиш нуқталари  $5'' \equiv 6''$  изланаётган эгри чизиқнинг нуқталари бўлади. Чунки  $3'' \equiv 4''$  ва  $5'' \equiv 6''$  нуқталар конус ва тор сиртлари учун умумий нуқталардир.




67-расм.



68-расм

Айланма конус ва тор сиртлар кесишиш чизигининг характерли  $A''$ ,  $B''$  ва  $C''$  нуқталари бу сиртларни фронтал очеркларининг кесишиш нуқталари ёрдамида аниқланган. Сиртлар ўқларининг кесишиш нуқтаси  $O_2''$  орқали тор сиртга уринма қилиб ўтказилган  $A''$  сфера сирти орқали  $A''$  ва  $7''$  характерли нуқталар аниқланган. Бу нуқталар эгриликнинг бурилиш нуқталари бўлади.

Торнинг  $i_1''$  айланиш ўқи орқали бир неча фронтал проекцияловчи текисликлар изларини ўтказиб ва бу текисликларда ҳосил бўлган айланалар орқали маркази конус ўқида турлича жойлашган ёрдамчи сфералар ўтказиб, эгри чизиқнинг қолган оралиқ нуқталари ясалади.




69-расм

69-расмда циклик ва цилиндрик сиртлардан ташкил топган трубопроводнинг бир қисми фронтал проекцияда тасвирланган. Бунда айланиш цилинтри билан найсимон


циклик сиртнинг *n*" кесишиш чизигини ясаш эксцентрик сфералар усули билан кўрсатилган. Ҳар иккала сирт учун умумий бўлган *n*" эгри чизиқнинг барча нуқталарини ясаш юқорида келтирилган мисолга асосан бажарилган.<sup>32</sup>

## 8.5. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш. Кесувчи текисликлар дастаси усули

**8.5.1. Текисликлар дастаси.** Битта тўғри чизиқдан ўтувчи текисликларни текисликлар дастаси дейилади. Тўғри чизик текисликлар дастасининг ўқи деб юритилади. Текисликлар дастаси хос (70-расм) ёки хосмас ўққа (71-расм) эга бўлади. Хос ўқли текисликлар дастасининг чизмадаги бир исмли излари бир нуқтадан ўтувчи тўғри чизиклар дастасини ташкил қиласиди (72-расм). Шу излар дастасининг 1" ва 2" нуқталари текисликлар дастаси *i* ўқининг изларидан иборат бўлади. Даста текисликларининг вазияти эса, битта параметр, яъни айланиш бурчаги  $\varphi$  нинг катталиги орқали аниқланади.



70-расм




71-расм

Хосмас ўққа эга бўлган текисликлар дастасининг чизмадаги бир исмли излари ўзаро параллел тўғри чизиклар дастасидан иборат бўлади (73-расм). Бу даста текисликларининг вазияти битта параметр, яъни текисликлар орасидаги *l* масофа билан аниқланади. Хосмас ўққа эга бўлган текисликлар


<sup>32</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 205-206 betlar

дастасининг йўналиши эса бирор ***Q*** йўналтирувчи текислик орқали берилади. Бу текислик параллелизм текислиги деб ҳам юритилади.

Текисликлар дастаси, асосан, текислик билан сиртнинг, сирт билан сиртнинг ва сирт билан кўпёқлик сиртининг ўзаро кесишиш чизиқларини ясашда ёрдамчи кесувчи текисликлар дастаси усули номи билан ишлатилади.




72-расм



73-расм

**8.6. Чизиқли сиртларнинг ўзаро вазиятини уларнинг кесишиш чизиқларини ясамасдан аниқлаш.** Ҳар бир чизиқли сиртнинг ясовчилари орқали ўтган текисликлар дастаси сиртнинг асос текислигига излар дастаси тўпламини ҳосил қиласди. Бу излар дастаси сирт асосига уринувчи излари орасида бўлади.



74-расм

Асослари бир текисликада ётган сиртларнинг ўзаро вазиятини шу сиртларнинг ясовчилари орқали ўтган, умумий ўқли кесувчи текисликлар дастаси излари тўпламининг ўзаро вазияти аниқлайди. Агар излар дастаси ўзаро кесишса, сиртлар ҳам кесишади. Улар кесишмаса, сиртлар ҳам кесишмайди. 74-расмда асослари  $H$  текисликада ётган икки конус сиртининг ўзаро вазияти аниқланган.  $C_1$  ва  $C_2$  конус учлари орқали ўтган кесувчи текисликлар  $P_{1H} \dots P_{nH}$  ва  $Q_{1H} \dots Q_{nH}$  излар тўпламини ҳосил қилган. Бу тўпламлар қисман кесишгани учун конус сиртлари ҳам қисман кесишиб, битта  $m$  фазовий эгри чизик ҳосил қилган. Излар тўпламининг бу хусусияти, берилган ўзаро кесишувчи сиртларнинг кесишиш чизикларини ясамасдан олдин унинг характерини аниқлаш имконини беради. Буни асослари бир текисликада (масалан,  $H$  да) ётган кесишувчи сиртларнинг 2-жадвалда келтирилган схематик чизмалардан кузатиш мумкин.

#### **8.6.1. Сиртларнинг кесишиш чизикларини ёрдамчи кесувчи текисликлар дастаси усули билан ясашнинг умумий алгоритми**

• Икки сиртнинг проекциялар текисликларига нисбатан вазиятига қараб кесувчи текисликлар дастасининг вазияти танланади. Бунда кесувчи сиртларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларига асосан улар берилган сиртлар билан кесишганда кесимда тўғри чизиклар ёки айланалар тўплами ҳосил бўладиган қилиб танланади.

• Сиртларнинг асослари ётган текисликада кесувчи текисликлар изларининг дастаси ясалади.


• Кесишувчи сиртлар асосларининг ўзаро вазияти ва кесувчи текисликлар изи дастасининг вазияти 2-жадвалга асосан аниқланади.

• Кесишувчи сиртлар кесишиш чизигининг характерли нукталари белгиланади.

• Кесишиш чизигининг оралиқ нукталари ясалади.

• Ҳосил бўлган нукталар кетма-кет равон туташтирилади.

•




75-расм

**8.6.2. Конус билан конуснинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** (75-76-расмлар). Конус учидан ўтган хар қандай текислик конусни ясовчилари бўйича кесади. Берилган  $\Phi$  ва  $\Gamma$  конусларни кесиб ўтувчи текисликлар дастасининг  $i$  ўқи кесишувчи конусларнинг  $C_1$  ва  $C_2$  учларидан ўтувчи  $C_1C_2$  тўғри чизик бўлади (75-расм).  $i$  ўқи орқали ўтказилган  $P$  текислик ёрдамида икки сиртга умумий бўлган 1,2,3 ва 4 нуқталарни ясаш кўрсатилган. Бу конусларнинг асоси ва хос ўқли ёрдамчи кесувчи текисликлар дастасининг излари 2-жадвалнинг 1-пунктидагидек бўлади. Шунинг учун берилган  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртлар қисман кесишиб, иккита фазовий эгри чизик ҳосил қилишини олдиндан жадвал ёрдамида аниқлаб оламиз.

76-расмда асослари  $H$  текислика ётган икки конуснинг кесишиш чизигини ясаш текис чизмада кўрсатилган. Бунда аввало кесишиш  $A(A',A'')$ ,  $B(B',B'')$ ,  $C(C',C'')$ ,  $D(D',D'')$  нуқталари ясалади. Кесишиш чизигининг  $A$  ва  $B$ ,  $C$  ва  $D$  нуқталари  $T_H$  ва  $Q_H$  уринма текисликлар ёрдамида аниқлаб, улар  $C_2'1'$  ва  $C_1'4'$  ясовчиларнинг нуқталариидир э', э<sub>1</sub>' ва  $F'$ ,  $F_1'$  нуқталар кесишувчи конус сиртларнинг горизонтал проекциясидаги ихтиёрий ясовчилар устидаги нуқталардир. Бу нуқталар эса кесувчи текисликлар дастасининг  $P_{1H}$ ,  $P_{2H}$ ,  $P_{3H}$ , ... каби излари ёрдамида ҳосил қилинган.

Конус сиртларнинг жойлашиши 2-жадвалнинг 2-пунктига тўғри келгани учун уларнинг кесишиш чизиги битта фазовий эгри чизик бўлади.











76-расм



2-жадвал

№	Кесишувчи сиртлар асосларининг ўзаро вазияти ва кесувчи текисликлар дастасининг излари		Кесишиш чизиқининг схематик кўриниши	Кесишувчи сиртларнинг ўзаро вазияти
	Хос ўқли	Хосмас ўқли		
1.				<p>Ф ва Г сиртлар ўзаро тўлиқ кесишиб, иккита фазовий эгри чизик ҳосил қиласди.</p>
2.				<p>Ф ва Г сиртлар ўзаро қисман кесишиб, битта фазовий эгри чизик ҳосил қиласди.</p>

3.			<p><b>Ф</b> ва <b>Г</b> сиртлар ўзаро қисман кесишиб, битта кесишиш нуқтасига эга бўлган битта ёпик эгри чизик ҳосил қиласди. А нуқта сиртларнинг уриниш нуқтаси бўлади.</p>
4.			<p><b>Ф</b> ва <b>Г</b> сиртлар ўзаро тўлиқ кесишиб, иккита текис эгри чизик ҳосил қиласди. Кесишиш чизиклари <b>A'</b><sub>1</sub> ва <b>A'</b><sub>2</sub> нуқталарда бир – бири билан кесишиади. <b>A'</b><sub>1</sub> ва <b>A'</b><sub>2</sub> нуқталар <b>Ф</b> ва <b>Г</b> сиртининг уриниш нуқталари бўлади.</p>
5.			<p><b>Ф</b> ва <b>Г</b> сиртлар ўзаро кесишимайди.</p>
6.			<p><b>Ф</b> сирт билан <b>Г</b> кўпёқлик сирти ўзаро тўлиқ кесишиб, иккита фазовий эгри чизик синик эгри чизик ҳосил</p>

			қилади.
7.	 	 <p>Ф сирт билан Г кўпёклик сирти қисман кесишиб, битта фазовий синик эгри чизик ҳосил қилади.</p>	
8.	 	 <p>Ф сирт билан Г кўпёклик сирти қисман кесишиб, уриниш нуқтасига эга бўлган битта фазовий синик эгри чизик ҳосил қилади, А нуқта Ф ва Г сиртларнинг ўзаро уриниш нуқтаси бўлади.</p>	
9.	 	 <p>Ф сирт билан Г кўпёклик сирти ўзаро тўлиқ кесишиб, А<sub>1</sub> ва А<sub>2</sub> уриниш нуқталарига эга бўлган иккита фазовий синик чизик ҳосил қилади. А<sub>1</sub> ва А<sub>2</sub> нуқталар Ф ва Г сиртларнинг ўзаро уриниш нуқталари бўлади.</p>	

10.



**Ф** сирт билан **Г** күпёқлик ўзаро кесишишмайды.

Кесишиш чизигининг оралиқ нұқталарини ясаш учун ёрдамчи кесувчи текислиklärнинг исталған бирини, масалан,  $P_{2H}$  текислик ҳар иккала конусларда  $C_1'5'6'$  ва  $C_1'7'8'$  учбұрчаклар ҳосил қиласы. Бу учбұрчаклар ўзаро кесишиб  $9'$ ,  $10'$ ,  $11'$  ва  $12'$  кесишиш нұқталарини ҳосил қиласы. Бу нұқталарнинг фронтал проекциялари мос ясовчиларнинг фронтал проекциялари устида топилады. Худди шу ясаш тартибини бошқа кесувчи текислиklär учун етарли марта тақрорланса, икки конус сиртнинг ўзаро кесишиш чизигининг қолган нұқталари ҳам ҳосил бўлади.


Ҳосил бўлган барча кесишиш нұқталари ясовчиларнинг кўринишлiği қоидасига амал қилган ҳолда кетма-кет равон туташтирилади.

### 8.6.3. Конус билан пирамиданинг ўзаро кесишиш чизикларини ясаш.

Конус билан пирамида сиртлари фазовий синиқ эгри чизик ҳосил қилиб кесишиади. Бу сиртларнинг ўзаро вазияти 2-жадвалдан фойдаланиб аникланади. Кесишиш чизигининг синиши нұқталари пирамида қирраларининг конус сирти билан кесишишган нұқталардир. Кесишиш чизигининг текис эгри чизиклари пирамида ёқларининг конус сирти билан кесишишган чизикларидир. Бу чизиклар иккинчи тартибли текис эгри чизиклар ҳисобланиб, текислик билан сиртнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш алгоритмидан фойдаланиб ясалса ҳам бўлади. Конус билан пирамида сиртнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш алгоритми умуман олганда, конус билан конуснинг кесишиш чизигини ясаш алгоритмининг ўзгинасидир. Фақат характерли нұқталар қаторига пирамида қирраларининг конус сирти билан кесишишган нұқталарини ҳам ясашни киритиш етарли.

**8.6.4. Конус билан цилиндрнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** Конус билан цилиндр сиртлари ўзаро кесишганда фазовий, хусусий ҳолларда эса текис эгри чизик ҳосил бўлади.

Асоси бир текислиқда ётувчи конус ва цилиндр сиртларини кесишиш чизигини ясаш учун конуснинг  $C_2$  учидан цилиндр ясовчиларига параллел қилиб кесувчи текисликлар дастасининг  $i$  ўқи ўтказилади (77-расм).



77-расм

Бу дастанинг исталган  $P$  текислиги конусни  $C_2B_1B_2$  учурчак ва цилиндрни эса  $A_1, A_2$  нуқталардан ўтувчи ясовчилари билан кесади. Буларни ўзаро кесишиши натижасида кесишиш чизигининг 1, 2, 3, 4 нуқталари ҳосил бўлади.

78-расмда асослари  $H$  текислиқда ётган конус билан цилиндр сиртларининг кесишиш чизигини ясаш текис чизмада кўрсатилган. Бунинг учун сиртларга уринувчи ёрдамчи кесувчи  $P_1, P_4$  текисликларнинг  $P_{1H}, P_{4H}$  излари ясалади.


2-жадвалнинг 2-пунктига асосан конус ва цилиндрнинг бутунлай кесишиб, битта ёпиқ эгри чизик ҳосил қилиниши аниқланади.

Конус билан цилиндрнинг характерли нуқталарини аниқлаш 76-расмда кўрсатилган конус билан конуснинг ўзаро кесишганидек бажарилади.

Кесишиш чизигининг оралиқ нұқталари  $P_1$  ва  $P_4$  текисликлар орасидаги ёрдамчы текисликлар орқали ясалади. Ҳосил бўлган барча кесишиш нұқталари кетма-кет равон туташтирилади.

**8.6.5. Конус билан призманинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** Конус билан призма сирти ўзаро кесишиб, фазовий синик эгри чизик ҳосил қиласи. Бу кесишиш чизигининг синиш нұқталари призма қирраларининг конус сирти билан кесишиш нұқталаридир. Кесишиш чизигининг текис эгри чизиклари призма ёқларининг конус сирти билан кесишувидан ҳосил бўлади.


Хусусий ҳолда конус билан призманинг кесишиш чизигини текислик билан сиртнинг кесишиш чизигини ясаш алгоритмини бир неча марта қўллаш йўли билан аниқланади. Умумий ҳолда эса, конус билан призманинг кесишиш чизигини ясаш алгоритми конус билан цилиндрнинг кесишиш чизигини ясаш алгоритмининг ўзгинаси бўлиб, фақат характерли нұқталар сонига қўшимча равишда призма қирраларининг конус билан кесишиш нұқталарини ясаш кифоядир.



78-расм


### 8.6.6. Цилиндр билан цилиндрнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.

Цилиндр билан цилиндр сирти ўзаро кесишиб, фазовий эгри чизик хосил қиласди. Бу цилиндрларнинг түғри чизиқли ясовчилари орқали ўтган кесувчи ёрдамчи текисликлар дастаси ўзаро параллел бўлиб, хосмас ўққа эга бўлади. Бунда ёрдамчи текисликлар дастасининг йўналиши берилган цилиндрлар ясовчиларига параллел бўлган йўналтирувчи текисликни аниқлайди ва бу текислик параллелизм текислиги деб юритилади. Берилган цилиндрларнинг ўзаро вазияти 2-жадвалдан аниқлаб олинади. 79-расмда икки цилиндр сирти кесишиш чизигининг 1,2,3,4 нуқталарини ясаш қўрсатилган. Бу нуқталар  $Q$  текисликка параллел бўлган ихтиёрий ёрдамчи ва икки цилиндрни кесувчи  $P$  текисликни ўtkазиш йўли билан ясалган.



79-расм

80-расмда асослари  $H$  текисликда ётган икки цилиндрнинг кесишиш чизигини ясаш текис чизмада қўрсатилган. Цилиндр сиртларининг бирига уриниб, иккинчисини кесувчи ёрдамчи  $P_1$  ва  $P_4$  текисликлар дастасининг горизонтал  $P_{1H}$ ,  $P_{4H}$  излари ўтказилади. Бунда  $P_{1H} \parallel P_{4H} \parallel Q_H$  бўлади. Цилиндрларнинг ўзаро вазияти 2-жадвалнинг 1-пунктига мос келгани учун бу цилиндрлар қисман кесишиб, иккита фазовий эгри чизик хосил қиласди.



80-расм.

Кесишиш чизигининг характерли нуқталари худди конус билан конуснинг ёки конус билан цилиндр кесишиш чизигининг характерли нуқталари каби бўлади. Бу  $A(A',A'')$ ,  $B(B',B'')$ ,  $C(C',C'')$  нуқталарнинг горизонтал проекциялари  $P_{2H}$ ,  $P_{3H}$ ..., текислик излари ёрдамида ясалади.

Кесишиш чизигининг бошқа оралиқ нуқталари  $P$  параллел ёрдамчи текисликлар ўтказиш йўли билан ясалади. Ҳосил бўлган барча кесишиш нуқталари ўзаро равон бирлаштирилади.

Призма билан цилиндрнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш алгоритми худди юқорида баён этилган кетма-кетлиқда бўлади.<sup>33</sup>

## 8.7. Ўқлари бир текисликда ётмайдиган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши. Параллел кесувчи текисликлар усули


Агар икки кесишувчи сиртларнинг ўқлари ўзаро кесишмасдан, улардан бири бирор проекциялар текислигига перпендикуляр бўлиб, иккинчи сиртнинг ўқи иккинчи проекциялар текислигига перпендикуляр ёки параллел бўлса, у ҳолда бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясашда параллел кесувчи

<sup>33</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 206-214 betlar

текисликлар усулидан фойдаланилади. Параллел кесувчи текисликларни проекциялар текисликларидан бирортасига параллел қилиб олинади.

Параллел кесувчи текисликлар усулиниң қулайлиги шундаки, бунда ёрдамчи кесувчи текисликлар кесишувчи сиртларни айланалар ва тўғри чизиклар бўйича кесади. Параллел кесувчи текисликлар усулида текисликлар дастасининг ўқи хосмас бўлади. Параллел кесувчи текисликлар усули билан ечиладиган бир неча сиртларнинг ўзаро кесишуви кўриб чиқамиз.

**8.7.1. Икки цилиндрнинг ўзаро кесишиши.** 81-расмда кесишувчи цилиндрларнинг бири горизонтал проекцияловчи, иккинчисининг ўқи фронтал проекциялар текислигига параллел бўлган ҳолда цилиндрлар тасвирланган.



81-расм

Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясашда ёрдамчи кесувчи текисликлар  $V$  текислика параллел бўлади. Уларнинг ўзаро вазияти чизманинг горизонтал проекциясидан кўриниб турибди. Кесишиш чизигининг

характерли 1(1',1''), 2(2',2''), 4(4',4''), 5(5',5'') нуқталари ёрдамчи кесувчи фронтал  $V_{1H}$ ,  $V_{2H}$ ,  $V_{3H}$ ,... текисликлар ёрдамида ҳосил қилинган. Бунда ёрдамчи параллел текисликлар ҳар иккала цилиндрни ясовчилари бўйича кесади. Бир текисликда ётувчи икки цилиндрга мансуб бўлган ясовчиларнинг кесишиш нуқталари иккала сирт учун умумий бўлиб, ясаладиган  $m$  ( $m'$ ,  $m''$ ) эгри чизикнинг нуқталари бўлади.  $m$  эгри чизикнинг колган нуқталари  $V_{1H}$  ва  $V_{2H}$  текисликлар орасида ёрдамчи кесувчи текисликлар ўтказиш йўли билан ясалган. Кесишиш чизигининг фронтал цилиндрнинг  $V_5$  симметрия текислигидан кузатувчи томондаги нуқталари кўринади, унинг орқасидаги нуқталари эса кўринмайди.

**8.7.2. Ўқлари учрамас ва  $H$  ёки  $V$  га перпендикуляр бўлган айланеш сиртларининг ўзаро кесишиш чизигини ясаш** (82-расм). Кесишуви сиртлардан доиравий цилиндр ўки  $V$  текисликка ва доиравий конус ўки  $H$  текисликка перпендикуляр бўлганда ёрдамчи параллел кесувчи текисликлар горизонтал текисликлар бўлади. Бу текисликлар конусни айланалар ва цилиндрни ясовчилари бўйича кесади. Ҳосил бўлган айланана ва ясовчилар ўзаро кесишиб, кесишиш чизигининг нуқталарини ҳосил қиласи.

Кесишиш чизигининг  $A(A',A'')$ ,  $B(B',B'')$ ,  $C(C',C'')$ , нуқталари характерли нуқталардир. Улар бевосита сиртлар фронтал очеркларининг кесишиш нуқталарида белгиланади. Қолган нуқталар кесувчи текисликлар ёрдамида ясалади. Масалан, 1,2,3,4,5 нуқталар  $H_1 \parallel H$ ,... ва  $H_5 \parallel H$  текисликлар ўтказиб, горизонтал проекциядаги  $q'$  ва  $q_1'$  айланаларнинг ва  $a'$ ,  $b'$ ,  $c'$  ва  $d'$  тўғри чизиқлар билан чегараланган тўртбурчак кесимларининг кесишувидан ҳосил қилинган. Қолган нуқталар ҳам шу тартибда ҳосил қилинади.

2(2',2'') характерли нуқта  $\Phi$  цилиндрнинг  $H_2(H_{2V})$  симметрия текислигини ўтказиш йўли билан топилади. Кесишиш чизигининг кўринадиган ва кўринмайдиган нуқталари ҳам  $H_2$  симметрия текислиги ёрдамида аниқланади.

83-расмда ўқлари кесишиб ўзаро перпендикуляр бўлган айланеш цилинди билан тор сирти бўлагининг кесишиш чизигини ясаш



тасвирланган. Кесишиш эгри чизигини ясаш  $H_1(H_{1V})$ ,... горизонтал кесувчи текисликлар ўtkазиш йўли билан ясалган. Бундай ҳолда сиртларнинг кесишиш эгри чизиги иккита симметрик бўлақдан иборат бўлади. 1, 4, 7 характерли нуқталарни ясаш  $H_{1V}$ ,  $H_{4V}$  ва  $H_{7V}$  текисликлар ёрдамида ясалган. Кесишиш эгри чизигининг горизонтал проекциясини кўринадиган ва кўринмайдиган қисмлари  $H_4$  симметрия текислиги ёрдамида аниқланади.

**8.7.3. Ярим сфера билан учбурчакли тўғри призманинг ўзаро кесишиши.** Сфера билан призма сирти фазода синик эгри чизик бўйича кесишиши. 84-расмда ярим сфера ва қирралари  $H$  текисликка перпендикуляр бўлган учбурчакли призма тасвирланган. Ёрдамчи кесувчи текисликлар фронтал текисликлардан иборат бўлади. Бу текисликлар сферани параллеллари бўйича, призмани эса ён қирраларига параллел тўғри чизиклар бўйича кесади.



Расмдан кўриниб турибдики, призма сирти шарни тўла кесади ва учта айланалар ҳосил бўлади. Уларнинг  $V$  даги проекциялари эллипслар ва айлана бўлиб проекцияланади. Шар ва призма сирти ўзаро кесишиш чизигининг характерли 1,4,5,6 ва 3 нуқталари фронтал  $V(V_{1H})$ ,  $V_4(V_{4H})$  ва  $V_3(V_{3H})$  текисликлар ёрдамида ясалади. 1,4,5 нуқталар кесишиш чизигининг синиш нуқталари бўлиб, призма қиррасининг сфера билан кесишиш нуқталариидир.  $V_3$  текислик шарнинг симметрия текислигидир, ундаги 3 ва 6 нуқталар фронтал проекцияда кесишиш чизигининг кўринадиган қисмини ажратиб турувчи нуқталардир. Қолган ясашлар расмдан кўриниб турибди. Бу мисолда ёрдамчи параллел кесувчи текисликларни горизонтал текислик қилиб олса ҳам бўлади.<sup>34</sup>

---



<sup>34</sup> Sh.Murodov va boshqalar “Chizma geometriya” darslik “Iqtisod-moliya”.2006 yil, 214-217 betlar



82-пакм.



83-пакм.



84-пакм.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Мұхандислик графикаси фанларининг ривожланиш тарихи ва тараққиёт босқичлари.

**Режа:**

**1.1. Марказий Осиё машҳур алломаларининг геометрик изланишлари.**

**1.2.Ахмад Фарғоний**

**1.3.Мұхаммад ал-Хоразмий (783-850)**

**1.4.Абу Наср ал-Фаробий (873-950)**

**1.5.Абул Вафо Мұхаммад ибн Яҳё ибн Аббос ал Бужоний (940-998)**

**1.6.Абу Райхон Беруний (973-1048)**

**1.7.Абу али ибн Сино (980-1037)**

**1.8.Мирзо Улугбек (1394—1449)**

**1.1. Марказий Осиё машҳур алломаларининг геометрик изланишлари.**

Жағонда илм фан соҳасидаги машҳур алломаларимизнинг математика, астрономия, геодезия, минерология, химия, тиббиёт, фалсафа, мусиқа, тилшүнослик, диншүнослик каби фанлари соҳасидаги тадқиқот ишлари X-XII асрларга түғри келади ва уларнинг натижалари түғрисида анча маълумотлар бор.

Мамлакатимизнинг мустақиллик даврида нашр этилган кўпгина рисолаларида ва Ўзбекистон Миллий энциклопедияси томларида етарли маълумотлар берилган ва бундан кейин яна илмий изланишлар олиб борилади. Аммо буюк алломаларимизнинг ҳар-бирини геометрия ёки тасвирий геометрия соҳасидаги ишлари бизнинг фикримизча етарли даражада аниқ мисоллар ёки далиллар билан олиб бориш ва алломаларимизнинг геометрия соҳасидаги ишлари түғрисида алоҳида китоблар яратиш зарур деб ҳисоблаймиз. Турли фанларни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшган Марказий Осиёнинг жағонга машҳур қўйидаги олимларнинг ижоди ва фаолиятини келтирамиз. Абу Райхон Беруний

кубнинг ичига жойлаштирилган нарса ёки ҳайвонни олддан, устдан, чапдан, ўнгдан, орқасидан ва тагидан кўринишлари ҳақида фикр юритган. Унинг нарса ва ҳайвонларни тасвирилашга шу усул билан ёндошиши 1968 йилда ЕСКД (Конструкторлик хужжатларини ягона тизими) тасдиқлаган буюмлар тасвириларини ҳосил қилишдаги 6 та асосий кўринишга мос келади.<sup>35</sup>

## 1.2.Аҳмад Фарғоний

Аҳмад Фарғоний (861 йилда Баодда вафот этган) буюк астроном, математик ва географ олим ҳисобланади. Ўрта аср Европа илмий адабиётида уни Альфраганус деб атаганлар.

Аҳмад Фарғоний Бағдодда Хорун ар-Рашиднинг ўғли ал-Маъмун ҳукмронлиги (813-833) даврида Ўрта Осиёлик олимлар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, Аббос ибн Саъид Жавҳарий ва бошқалар билан бирга ишлаган. Улар дастлаб юонон олимларининг асарларини араб тилига таржима қилишган, кейин эса ўзлари араб тилида мустакил асарлар яратганлар. Халифа ал-Маъмун 829 йилда Бағдоддаги «Байт ал-хикмат» яъни «Донишмандлар уйи» қошида 832 йилда Дамашқда расадхона (обсерватория) қурдирган. Бу расадхоналарда астрономиядан мунтазам равишда кузатув ишлари олиб борилган. Уларда Фарғоний ҳам фаол қатнашган, кузатувларнинг натижасини «Ал-Маъмуннинг текширилган жадваллари» номи билан китоб ҳолига клтирган.

Фарғонийнинг биринчи асари «Астрономияга кириш» деб аталган. Шу асари билан Фарғоний ўзининг етук астроном эканини кўрсатди. Фарғоний аввалроқ астрономияни чукур эгаллаганини исботлаб, 812 йилда қуёш тутилишини олдиндан айтиб берган эди.

Фарғонийнинг яна бир асари «Осмон ҳаракатлари ва астрономия фани тўплами ҳақида китоб» деб аталади. Бу асар астрономиядан араб тилида ёзилган биринчи китоблардан ҳисобланади. Фарғонийнинг бу асари XII асрда лотин тилига, XIII асрда эса кўпгина Европа тилларига таржима қилинган. Асарнинг анчагина қисмини астрономик асбоблар ясаш ва улардан

<sup>35</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирилаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 89бет

фойдаланиш методлари, хусусан, астрономик кузатувлар учун энг зарур асбоблардан бири қуёш соатининг тузилиши ҳисобланади.

Фарғоний, Птолемейнинг «Альмагест» асарининг шарҳига бағишлиб «Альмагестнинг кириш бўлимлари ҳақида ўттиз бобдан иборат рисола» номли асар ёзган. У астрономик асбоблар ҳақида китоблар ёзишни давом эттириб «Астурлоб» ҳақида мукаммал китоб ва «Астурлоб ясаш ҳақида» деган асарлар ҳам яратган.

Фарғоний «Астурлоб ясаш ҳақида» деган асарида стереографик проекция ҳақида қуйидаги тушунчаларни берган. Сферани бирор  $S$  нуқтасидан шу нуқтага диаметриал қарама-қарши  $S^1$  нуқтасидаги уринма α текисликка проекцияси ҳақида ва унинг хоссаларини баён қилди:

1. Сферада ётган айланалар  $S$  марказ орқали α текисликка айланалар кўринишида проекцияланади. Айланалар сфера марказидан ўтса, улар тўғри чизиқлар кўринишида проекцияланади.

2. Стереографик проекцияда сферада ётган эгри чизиқлар орасидаги бурчакларни α текисликка проекцияланганда уларнинг проекциялари бўлган эгри чизиқлар орасидаги бурчакларга teng бўлади.

3. Сфера  $S$  ва  $S^1$  ўтган диаметр атрофида бурилганда α текислик ҳам у нуқта атрофида худди ана шу бурчакка бурилади.

Бу хоссалар Фарғонийгача яшаган баъзи олимлар (масалан, Птолемей) асарларида ҳам учрайди. Аммо улар бу хоссаларнинг исботини бермаган. Фарғоний юқорида айтилган асарида биринчи ҳоссанинг тўлиқ исботини келтиради. Бунда у қуйидаги леммага асосланади: фараз қилайлик, айлана тўғри чизиққа проекцияланганда айлананинг  $M$  ва  $N$  нуқталари тўғри чизиқнинг  $M'$  ва  $N'$  нуқталаридан ўтсин. У ҳолда  $\angle SMN = \angle SN'M'$ ,  $\angle SNM = \angle SM'N'$ .<sup>36</sup>

### **1.3.Муҳаммад ал-Хоразмий (783-850)**

Хоразмийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий. У Ўрта Осиёлик машҳур математик ва астроном. Хоразмий Хоразм (Хива)да 783

<sup>36</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирлаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 89-91бетлар

йилда туғилиб, 850 йилда Бағдод (Ирек)да вафот этган.

Шу сабабли бўлса керак Хоразмий VIII аср охирида Бағдодга келади. Бағдодга турли қасб эгалари, олимлар тўплана бошлашди. Фаннинг ривожланиши Хорун ар-Рашид (786-809) ва унинг ўғли ал-Маъмун халифалик қилган (813-833) даврга тўгри келади.

Ал-Маъмун Бағдодда «Байт ал-хикмат» («Донишмандлар уйи») ни қурдиради. «Донишмандлар уйи» қошида яхши жиҳозланган расадхона ва бой кутубхона бор эди. Уни ўз даврининг фанлар Академияси деб аташ мумкин эди.

Хоразмий Бағдодга келгач, илмий текшириш ишлари билан шуғулланади. Қадимги юонон математиклари Евклид, Архимед ва Аполлонийларнинг ҳамда қадимги ҳинд астроном ва математикларининг ишларини қунт билан ўрганади. Унинг Бағдоддаги дастлабки иши ҳиндларнинг «Синдханта» номли астрономик асарининг арабча таржимасини таҳрир қилиш бўлди.

Тез орада Хоразмий математика, астрономия, география, тарих ва табобат илми буйича бутун Ўрта Шарқда шухрат қозонди. У «Байт ал-хикмат» даги кутубхона, расадхона ва барча илмий текшириш ишларига раҳбарлик қилди. Агар «Донишмандлар уйи» ни Фанлар Академияси десак, у ҳолда Хоразмий ўша Академиянинг президенти лавозимида эди.

Хоразмий ҳам ўзининг арифметика, алгебра, астрономия, география, тарих, тиббиёт ва бошқа соҳаларга дойр асарларини араб тилида ёзган, чунки бу даврда Яқин ва Ўрта Шарқда фан тили араб тили эди.

Хоразмийнинг математикани ривожлантиришга қўшган ҳиссаси бекиёс. Унинг «Ҳинд ҳисоби» номли рисоласи ўнли система рақамлари (0, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9) га бағишлиланган. Хоразмий Ҳинди斯顿да кашф этилган бу рақамларни соддалаштириди ва биринчи бор араб тилида баён этди. Бу рақамлар XI асрда Хоразмийнинг рисоласи туфайли хиндлардан арабларга, кейинрок, Европага ўтди.

Хоразмий алгебра фанининг асосчиси ҳисобланади. «Алгебра» термини

унинг «Ал-жабр вал-муқобала» номли асаридаги «Ал-жабр» сўзининг лотинча ёзилишидан келиб чиқкан.

Бу асарида Хоразмий биринчи бўлиб, чизиқли ва квадратик тенгламаларни синфларга ажратди ва уларни ечиш усулларини кўрсатиб берди.

Математикадаги «алгоритм» термини ҳам Хоразмийнинг номи билан боғлик, у «ал-Хоразмий» ёки лотинча «Алгаритм» сўзидан келиб чиқкан.

Хоразмий ўрта аср Шарқида яратилган энг биринчи зиж-математик ва астрономик жадвалларнинг муаллифи. У географияга дойр «Ер сурати» номли асар ёзган. Бу асар Хоразмий томонидан чизилган бир нечта карта ва унга ёзилган шарҳлардан иборат. Америкалик шарқшунос Д. Сартон Хоразмийни «Барча замонларнинг энг буюк математикларидан биридир» деб таърифлайди.<sup>37</sup>

#### **1.4.Абу Наср ал-Фаробий (873-950)**

Форобий Ўрта Осиёлик буюк қомусчи олим. Унинг тўлиқ исми - Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуг Тархон Форобий. У ҳозирги Қозоғистоннинг, Чимкент вилоятининг Арис шахри яқинида туғилган. У дастлабки маълумотни у ўз она юртида, Тошкент (Шош), Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида олган. Кейинчалик ўша даврнинг илмий маркази бўлган Бағдодга борган. Бағдодда Форобий ҳам бошқа олимлар сингари, аввал ўрта аср фани ва турли тилларни ўргангандан кейин мустақил асарлар ёза бошлаган.

Фаробий ўрта аср фанларининг турли соҳаларига дойр 160 га яқин асар ёзган ва тадқиқотлар олиб борган. Улардан графикага бевосита алоқадор бўлган геометрия, стереометрия, астрономия, оптика, механика, архитектура ва бошқа соҳалар бўйича асарлари бор. Унинг фикрича геометрия (ilm-al-Хандаса) ҳамма фанлар билан узвий боғлик. Бу фикрлар айниқса, графикага ҳам таалуқли. Уни билимларнинг назарий ва фалсафий жиҳатлари қизиқтирган. Форобийнинг табиий-илмий фанлар соҳасига ва математикага қўшган ҳиссаси каттадир. У «Илмларнинг келиб чиқиши ва

<sup>37</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирлаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 91-92бетлар

таснифи» номли асарида ўрта асрларда мавжуд бўлган 30 дан ортиқ фаннинг таърифини беради ва уларнинг ҳар бирининг тутган ўрни хақида сўз юритди. Форобийнинг бу асарининг биринчи боби тил хақида, асарининг иккинчи боби мантиқ, учинчи боби эса математика хақида ёзилган. Форобий математикага буюмларнинг миқдорий ва фазовий нисбатларини ўрганувчи фан деб таъриф беради ва уни еттига қисмга ажратади.

Биринчи қисми-арифметика - сонлар хақидаги фан, у назарий ва амалий қисмлардан иборат.

Иккинчи қисми - геометрия мавжуд нарсаларнинг турли қисмлари турли шаклда бўлганидан ва уларни ўлчашни ўрганадиган фан деб қарайди. «Шундай қилиб, геометрия ўлчовчи фан, биз у орқали ўлчовни биламиз, чизиқлар, сиртлар ва ҳажмларни ўзаро таққослаймиз».

Учинчи қисми - кузатиш хақидаги фан оптика (перспектива) - у ҳам геометрияга тегишли, у фигуralарнинг шакллари, объектлар орасидаги масофаларни ёруғлик ва нурдан фойдаланиб ўрганади.

Тўртинчи қисми - юлдузлар хақидаги фанга бағишланган.

Бешинчи қисми - мусиқа илми. Мусиқа илмининг математикага киритилишининг сабаби Форобий куйлар гармониясининг математик принципларини ўрганади. «Мусиқа хақида катта китоб» асарида куйлар гармониясининг турли жадваллари ва геометрик чизмаларини ҳам келтиради. Бу асар фақат мусиқа назариясидан иборат бўлмасдан унда Шаркда маълум бўлган рубоб, танбур, ноғора, най каби мусиқа асбоблар ва уларда куй ижро этиш қоидалари ҳам берилган.

Форобий бундан ташқари математикага дойр «Ҳажм ва миқдор хақида сўз», «Фазо геометриясига кириш хақида қисқартма китоб», «Татбиқлар китоби» ва «Геометрик фигуralарнинг нозик сирлари ва ақлий моҳир усуллари китоби» асарларини ёзган.

Фаробий архитектура лойиҳасининг асосини муҳим геометрик ясаш усуллари ташкил этишини аниқлаб, ўзининг «Маънавий моҳир усуллари ва геометрик шаклларининг табиий нозик сирлари» китобини ёзади. Унда

турли геометрик шакллар-доира, учбурчак, тўртбурчак, квадрат, куб, конус, цилиндр, призма, сфераларни ҳамда парабола ва бошқаларни ясаш усуллари устида тўхталади.

Форобий «Татбиқлар китоби»да асосий тригонометрик чизиқлар, уларни ҳосил қилиш ва шу чизиқлар билан боғлиқ тригонометрик жадвалларни тузиш қоидаларини беради. Фаробий моддийликнинг характерли хусусияти ва белгиси деб учта ўлчовни-бўйи, эни ва чуқурлигини ҳисоблади. Фаробийнинг ўзи ҳам меъморчиликдан яхши хабордор бўлганлиги сабабли унинг «Илм-ал-Хийал» асари Амалий санъатини шу жумладан, архитектуранинг ҳам ўз ичига оловчи худа кенг маънога эга. Шунга кўра ал-Фаробий ёзадики: «Кўп сонли геометрик моҳир усуллар борки, улар орасида бино ва иншоотларнинг лойиҳасини тузиш орқали қурилишга раҳбарлик қилиш санъати ётади». Фаробийнинг «Фазилатли маданият (шахар) ахли» номли китобида шаҳарнинг таркиб топиши ҳақида фикр юритилади.

Фозил шаҳарни соғлом танга ўхшатади, инсонларни яшаш учун идеал шароит яратишини орзу этади. Унинг архитектура ҳақидаги тадқиқот ва фикрлари Шарқ архитектураси шу жумладан, Марказий Осиё архитектураси тадқиқотида муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари, Форобий Евклиднинг «Негизлар» китобига, Птолемейнинг «Альмагест» асарига шархлар ёзган.<sup>38</sup>

### **1.5.Абул Вафо Мұхаммад ибн Яҳё ибн Аббос ал Бузжоний (940-998)**

Графиканинг ривожланишига бевосита ўз ҳиссасипи қўшган буюк олимлардан бири Хурносонлик математик ал Бузжонийдир. У аввало қадимги юонон олимларининг асарларини таржима қилиш билан шуғулланади. Унинг кашф этган илмий асарлари математика ва графика фанини янада ривожлантиршда муҳим роль ўйнайди. Унинг асарларида чизмачиликнинг назарий асарлари асослари берилган. Унинг «Хунармандлар учун

<sup>38</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирлаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 92-93бетлар

геометрик ҳандасавий ясашлари ҳақидағи» 13 бобдан иборат рисоласи «Чизгич», «Циркуль ва учбұрчаклик ҳақида» номли боблар билан бошланған. Унда шу асбоблар ва уларни ясаш түғрисида кенг маълумотлар берилған. Ушбу асарнинг мазмуни асосан геометрик ясашларга бағишилади.

Абул Вафо Бузжоний Ал-Фаробий каби ёнувчи ойнакларга тегишли бўлган иккита парабола шаблонларни ясаш усулларини келтирди.

Геометрик ясашга доир усуллар ер ўлчаш, меъморчилик ва хунармандчиликка доир масалалар асосида таркиб топган.

Бузжоний ўзининг китобларида 200 га яқин геометрик нақшлар ечими түғрисида ёзиб қолдирған. Булардан тарихнинг баъзи осон йўлларини тушунтириб ўтган. Масалан, унинг китобларидан бирида қурилиш ва геометрик нақш ечими түғрисида ёзилған. Бу китоб ҳозир Париждаги музейлардан бирида сақланмоқда. Бузжоний ўзиннинг китобларида учга, бешга бўлишнинг энг содда йўлларини келтиради. Бу ўша давр учун катта аҳамиятга эга бўлган.<sup>39</sup>

### **1.6.Абу Райхон Беруний (973-1048)**

Берунийнинг тўлиқ исми Абу Райхон Беруний Мұхаммад ибн Аҳмад-ўрта асрнинг буюк қомусчи олимни ҳисобланади. У Хоразмнинг Қиёт шахрида ҳозирги Беруний шахрида туғилған. Беруний жуда ёшлигидан илм ва фанга қизиқади. У - астрономия, математика, геодезия, география ва минерология фанларини севган. У ўзининг «Геодезия» асарида Қиёт шахрининг географик кенглигини аниқлаганини ёзади.

1004 йилда Беруний Гурганжда ой тутилишини кузатди. 1005 йил баҳорида Бухоролик машҳур табиб Абу Али Ибн Сино Гурганжга келади ва Беруний билан танишади.

Гурганжда Беруний математика, астрономия, физика ва минералогиянинг баъзи масалалари билан шуғулланди. 1017 йилнинг ёзида Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб олди. Ғазнавийнинг буйруғига кўра Беруний асир сифатида Ғазнага олиб кетилди.

<sup>39</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвиirlаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 94-бет

1022—1024 йиллар Маҳмуд Ҳиндистонга қилган юришида Берунийни ўзи билан олиб кетади. Сафарда ҳам Беруний илм билан шуғулланди. У Панжобдаги Нандна қалъаси ёнида ер шари меридиани бир градусининг узунлигини ўлчади ва у 110,895 км эканини аниқлади. Бу маълумот ҳозирги замон ўлчашлари натижаси-111,1 км билан таққосланганда, Беруний ўлчашларининг қанчалик аниқликка эга эканлиги маълум. У Ҳиндистонда бўлажак асари «Ҳиндистон тарихи» учун материал йиғди ва уни 1030 йилда ёзиб тугатди. Ўша йили Маҳмуд вафот этди ва унинг ўрнига ўғли Масъуд тахтга чиқди. Масъуд Берунийга кўп илтифотлар кўрсатди. Шу сабабли, Беруний ўзининг шоҳ асарини Масъудга бағишлаб «Қонуни Масъудий» деб номлади.

Беруний ёшлик чоғларидаёқ астрономик асбоблар квадратларини ясаган. У ўзининг ясаган асбоблари ёрдамида астрономик ўлчаш ишларини олиб борган. Берунийнинг математикага оид, тригонометрия, геометрия, сферик тригонометрияда қилган анчагина кашфиётларини шу асарда чизмалар ёрдамида баён этилган. «Ҳиндистон» асарининг XV, XXIII ва XXIV бобларида геометрияга доир масалалар баён этилган. Беруний фан хазинасини шундай бебаҳо жавоҳирлар билан тўлдирдики, бунда бу фанлар билан боғлиқ бўлган графика ҳам четда қолмади. Унинг кўп асарларида кўплаб график тасвирлар ўрин олган. «Геодезия» асарида 69 та чизманинг иллюстрация тарзида берилиши чизмалар моҳиятини жуда қадимдан тан олинганлигини билдиради. Берунийнинг математикага тегишли «Тригонометрик функцияларни соддалаштириш», «Юлдузларни текисликда тасвирлаш», «Сферик ёйни аниқлаш ҳақида», «Сфера нуқталарини текисликда тасвирлаш», «Евклид ишларига изоҳлар» каби асарлари ҳам графика билан бевосита боғлиқдир. Берунийнинг бундай қарашлари ҳозирги замон мухандислик графикасида қўлланадиган ГОСТ 2.305-68 даги асосий 6 та кўринишларга мос келади.

Беруний Евклиднинг «Негизлар» ва Птоломейнинг «Альмагест» номли асарларини ҳинд тилига таржима қилган. Беруний ўз илмий ишларида

проекциялар методини тадбиқ этиб, чизмалар чизган ва улардан фойдаланган. У бирор жисмни тасвиrlовчи чизмани чизишда унинг кўринишларига эътибор берилишига тўхталиб шундай дейди: «Тўғри бурчакли олтиёқлик ичида унинг бирор тарафига қараб бир жонивор турибди деб фараз қилинса, у ҳолда ёйлар жониворнинг олди, орқаси, ўнги, сўли, уст ива ости бўлади».

Беруний марказий проекциялаш усулидан фойдаланган ҳолда ўзининг «Масъуд қонуни» асарида картографик проекциялар усулида кенг тўхталиб ўтган. Бу асарда у ерни гўё шар қиёфасидаги бир геометрик жисм деб қараб, унинг текисликдаги тасвирини ҳосил қилиш борасида кўп ишлар қилган. Беруний ерни доира орқали тасвиrlаш учун 90 та концентрик айланана ваш у айланалар марказидан тарқалуувчи 300 та нур иштирокида ҳосил қилинган проекция орқали ифода этишни таклиф қилган. Бунда концентрик айланалар, параллеллар, марказидан тарқалувчи нурлар меридианлар вазифасини ўтаган. Ҳозирги пайтда бу усул Берунийдан деярли 500 йил кейин яшаб ўтган Постелнинг номи билан боғлиқ бўлган ҳолда «Постелнинг қутбий азимутал проекцияси» деб аталади. Беруний «Минерология» номли машҳур асарида минералларнинг қиёфасини таърифлашда конус, кўпёқ, нурия, ҳавоий сўзлардан фойдаланади. Бу ерда «Нурия» (алангасимон) сирт арабча «тетраэдр», «ҳавоий» эса «октаэдр» маъносида берилган.

Берунийнинг математикага ва фаннинг бошқа соҳаларига қўшган хиссасини ёзиб қолдирган 100 дан ортиқ асаридан ҳам кўриш мумкин. Улардан энг йириклари-«Хиндистон», «Ёдгорликлар», «Қонуни Масъудий», «Геодезия», «Минерология» ва «Астрономия» ҳисобланади.

Афсуски, Берунийнинг бу асарларидан атиги 30га яқини бизнинг кунларгача етиб келган. Беруний Ғазнада вафот этган.<sup>40</sup>

### **1.7.Абу али ибн Сино (980-1037)**

Абу Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али (980.8, Афшона қишлоғи - 1037.18.6, Ҳамадон ш., Эрон) –жаҳон фани тараққиётiga улкан хисса қўшган Ўрта Осиёлик буюк қомусий олим. У ғарбда Авиценна

<sup>40</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвиrlаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 94-95бетлар

номи билан машхур.

Хусайн 5 ёшидалигига, Ибн Синолар оиласи пойтахт-Бухорога кўчиб келади ва уни ўқишига берадилар. 10 ёшга етар-етмас Ибн Сино Қуръон ва адаб дарсларини тўла ўзлаштиради. Айни вақтда у ҳисоб ва алжабр билан ҳам шуғулланади, араб тили ва адабиётини мукаммал эгаллади. У мусиқа, оптика, кимё, фикҳ каби фанларни ўқиди, хусусан, табобатни севиб ўрганди ва бу илмда тез камол топа бошлади.

Ибн Сино 17 ёшдаёқ Бухоро ҳалқи орасида моҳир табиб сифатида танилди. У юонон муаллифларининг, хусусан, Аристотелнинг «Метафизика» асарини мутолаа қилди. Ёш олим Ибн Синонинг қўлига Абу Наср Фаробийнинг “Метафизика” китобини ўқиб чиқганидан сўнг метафизикани ўзлаштиришга муваффақ бўлади. Шундай қилиб, Ибн Сино зарурий билимларнинг барчасини Бухорода олади.

Қораҳонийлар 999 йилда Бухорони босиб олиб, самонийлар давлатини ағдарганидан кейин Ибн Сино ҳаётида ташвишли дамлар бошланди.

Хоразмшоҳлар Али ибн Маъмун (997-1009) ва Маъмун ибн Маъмун (1009-1017) илм-фанга эътиборли хукмдорлар бўлиб, олимларга илмий ижод учун қулай шароит яратиб берган эдилар. Шу боис бу даврда Харазмнинг пойтахти Гурганж (Урганч)да замонасининг кўпгина таниқли олимлари тўпланди. Йирик математик ва астроном Абу наср ибн Ироқ (1034 й.), атоқли табиб ва файласуфлар Абу Сахл Масиҳий (1010 й.), Абу-л-Хайр Ҳаммор (942-1030) ва буюк олим Абу Райхон Беруний шулар жумласидан.

Ана шу илмий даврага 1005 й. Ибн Сино ҳам келиб қўшилди. Хоразмда Ибн Сино, асосан, математика ва астрономия билан шуғулланди. Бу соҳалардаги билимларининг чуқурлашиб, илмий дунёқарашининг шаклланишида Ибн Ироқ ва Беруний билан бўлган илмий мулоқотлар катта аҳамият касб этди.

Замондошлари Ибн Синони “Шайх арраис” (“денишмандлар сардори, алломалар бошлиғи”); “Ҳаким Ал-вазир” (“денишманд, тадбиркор вазир”) деб атаганлар. Жаҳон фани тарихида Ибн Сино қомусий олим сифатида тан

олинган, чунки у ўз давридаги мавжуд фанларнинг қарийб барчаси билан шуғулланган ва уларга оид асарлар ёзган. Турли манбаларда унинг 450дан ортиқ асар ёзганлиги қайд этилган, лекин бизгача уларнинг 242 таси етиб келган. Шулардан 80 таси фалсафага, 43 таси табобатга оид бўлиб, қолганлари мантиқ, психология, тиббиёт, астрономия, мусиқа, кимё, ахлоқ, адабиёт ва тилшуносилликка бағишиланган.

Олимнинг фалсафага доир йирик ва муҳим асари «Китоб аш-шифо» дир. У 4 қисимдан иборат:

- 1) Мантиқ-9 бўлимга бўлинган:
- 2) Табииёт. Бу ерда минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва инсонлар ҳақида алоҳида–алоҳида бўлимларда баён этилади;
- 3) Риёзат-4 фанга бўлинган ҳисоб - арифметика, ҳандаса - геометрия, астрономия ва мусиқа;
- 4) Метафизика ёки илоҳиёт. Бу асарнинг айрим қисмлари лотин, немис, инглиз, француз, рус, форс ва ўзбек тилларида нашр этилган.

Ибн Синонинг дунё қараши Аристотель таълимоти ва Фаробий асарлари таъсирида шаклланади. Материянинг энг содда бўлинмас шакли 4 унсур: ҳаво, олов, сув, тупроқдан иборат. Уларнинг турлича ўзаро бирикув натижасида мураккаб моддий нарсалар ташкил топади. Мураккаб нарсалар шаклан ўзгариш мумкин, лекин уларнинг моддий асоси булган 4 унсур йўқолмайди, абадий сақланади. Ибн Синонинг фикрича, аввал тоғу-тошлар, сўнг ўсимлик, ҳайвонот ва тараққиётнинг якуни сифатида бошқа жонзотлардан ақли, тафаккур қилиш қобилияти ва тили билан фарқ қилувчи инсон вужудга келган.

«Мантиқ-деб ёзади Ибн Сино–инсонга шундай бир қоида берадики, бу қоида ёрдамида инсон хулоса чиқаришда хатолардан сақланади». У мантиқий усуллар, таърифлаш, хукм, хулоса чиқариш, исботлаш масалаларини чуқур ўрганди, мантиқ фанини Фаробийдан сўнг билишнинг тўғри методи сифатида ривожлантириди.

Унингча, вулқонлар аслида тоғ пайдо бўлиши ва зилзилалар билан

боғлиқ. Тоғ пайдо бўлишининг ўзи эса 2 йул билан бўлади:

- 1) кучли ер қимирлаши вақтида ер қобиғининг кўтарилиши;
- 2) сув орқали ва ҳавонинг аста-секин таъсири натижасида чуқур жарликлар пайдо бўлиб, натижада уларнинг ёнида баландлик ҳосил бўлиб қолиши. Зилзиланинг пайдо бўлишига ҳам бир неча сабаблар бор.

Иbn Сино ёшлигидан астрономияга қизиққан ва бу қизиқиш умрининг охиригача сақланган. У 8та мустақил рисола ҳамда “Китоб аш-шифо” ва “Доннишнома” нинг риёзиёт қисимларида астрономияга алоҳида бобларни бағишилаган. Птолемейнинг “Алмагест”ини қайта ишлаб, шунинг асосида амалий астрономия бўйича қўлланма яратган. Иbn Сино Журжон шаҳарининг географик узунлигини ўз даври учун бутунлай янги бўлган усул-Ойнинг энг баланд нуқтасини кузатиш орқали аниқлаб берган. Беруний “Геодезия”асарида бу усулнинг тўғрилиги ҳақида гапириб, уни факат Иbn Сино номи билан боғлайди. Бу усул Европада 500 йилдан кейин (1514 йил) астроном Вернер томонидан янгидан кашф қилинди.

Математика соҳасида Иbn Сино Евклиднинг “Негизлар” китобини қайта ишлаб, унга шарҳ ва тўлдиришлар киритди, геометрик ўлчамларга арифметик терминология қўллади.

Европада алломанинг асарлари XII-асрдан бошлаб лотин тилига таржима қилиниб, ўқитила бошланди. Европанинг машхур файласуф ва табиатшунос олимларидан Жордано Бруно, Гундисвальво, Вильгельм Овернский, Александр Гельский, Альберт фон Больштедт, Фома Аквинский, Рожер Бэкон, Данте ва бошқалар Иbn Синонинг илгор фикрларидан ўз ижодларида фойдаландилар ва унинг номини зўр хурмат билан тилга олдилар. Иbn Синонинг барча тадқиқотларининг натижалари чизмалар, графиклар асосида берилган.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ҳам аллома қаламига мансуб 50 асарнинг 60 та кулёзмаси мавжуд.

## **1.8.Мирзо Улугбек (1394—1449)**

Темурнинг набираси буюк ўзбек олими, астроном ва математиги, давлат арбоби Улуғбек Мухаммад Тарағай Марказий Осиё халқлари илм фани ва маданиятига катта ҳисса қўшди. Унинг отаси Шохрух отасининг давлати урнида иккита мустақил давлат тузди: бири-Хурросон (маркази Хирот)ни ўзи бошқарди ва иккинчиси - Мовароуннахр (маркази Самарқанд)ни Улуғбекка топширди.

Бобоси Темурнинг акси сифатида Улуғбек харбий юришларни ёқтирумас эди. У жуда зарур бўлсагина, бирор хон унинг давлати чегарасини бузса, унга қарши юриш қиласар эди. Уни илм-фан, қурилиш, шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш кўпроқ, қизиқтираси эди. У 1417й. Бухорода, 1420й. Самарқандда, 1432-1433 й. Фиждувонда Мадраса қурдирди. «Бибихоним» масжиди, «Гури Амир» мақбараси ва «Шо-ҳи Зинда» ансамбллари қурилишини ниҳоясига етказди. Таҳминан 1425-1428 йиллари у Самарқанд яқинидаги Оби Раҳмат тепалигига ўзининг расадхонасини қурдирди. Расадхонанинг биноси уч қаватли бўлиб, унинг асосий қуроли- секстантнинг баландлиги 50 метрча эди.

Улуғбекнинг илм-фангага қизиқишида, биринчидан, бобоси Темур билан ўзга юртларга қилган сафарлари, бобоси саройидаги шоирлар ва олимлар билан ўтказиладиган сухбатлар, отаси-Шохрухнинг ноёб китобларини севиши ва йиғиши, юнон олимлари Платон, Аристотель, Гиппарх, Птолемей, Менелай-ларнинг, шунингдек, ўз ватандошлари - Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Хужандий, Беруний, Ибн Синоларнинг асарлари билан яқиндан таниш бўлиши, ўша замонда Ўрта Осиёда математика, астрономия ва бошқа аниқ фанлардан етук асарлар мавжудлиги сабаб бўлган. Бу шартшароитларнинг ҳаммаси Улуғбек илмий йуналишининг шаклланишига, Самарқандда «Астрономия мактаби» нинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Улуғбек мактабининг муҳим илмий ишларидан бири «Улуғбек Зижи»нинг ёки «Зижи курагоний» асарининг амалий астрономияга тааллуқли, осмон ёритқичларининг координаталарини аниқлаш, ергаги

ихтиёрий пунктнинг географик узунлиги ва кенглигини аниқлаш, юлдузлар ва сайёralар орасидаги масофаларни аниқлаш каби масалалар бор.

Улуғбек ой ва қуёш тутилишларини икки усулда: биринчидан, ўзи тузган жадваллар ёрдамида, иккинчидан, бевосита ҳисоблаб аниқлаш мумкинлигини айтади ва бу усулларга дойр мисоллар келтиради.

Улуғбекнинг юлдузлар рўйхати 1018 юлдуздан иборат бўлиб, улар юлдуз туркумлари бўйича жойлаштирилган. Рўйхатда ҳар бир юлдузнинг туркумдаги рақамидан ташқари, унинг юлдуз туркумидаги ўрнининг қисқача тавсифи, 1437 йилдаги teng кунлик нуқтасига нисбатан узунлиги ва кенглиги берилган.

Реакцион доиралар тазиқи остида Улуғбекнинг угли - Абду-латиф 1449 й. кузидан отасини Маккага сафари баҳонасида Самарқанд яқинида қатл эттириди. Улугбек жасади Самарканда дафн этилган.<sup>41</sup>

**2-мавзу: Мустақиллик даври муҳандислик графикасининг ривожланиши.**

**Режа:**

**2.1. Ўзбекистонда муҳандислик графикаси фанининг ўқитилиш тарихи.**

**2.1. Ўзбекистонда муҳандислик графикаси фанининг ўқитилиш тарихи.**

Маълумки, 1918 йилда Ўрта Осиё ва Қозогистондаги биринчи ташкил қилинган Олий ўқув юрти Туркистон Ҳалқ Университети (Хозирги Ўзбекистон миллий университети) ҳисобланади. Кегинчалик 1920 йилда бу университет Туркистон Давлат университети деб номланди. Бу Ўрта Осиё республикаларида ҳалқ маорифи ва Олий мактаб ривожланишининг асоси бўлди. Университетда техника ва қишлоқ хўжалиги факультетлари ташкил этилиб механик ва гидротехник иншоотлар, қурилиш йўналишлари бўйича мутахассис инженерлар тайёрланди. Университетнинг техника ва қурилиш иншоотлари йўналишлари талабаларига фундаментал табиий фанлар ва умум инженерлик фанлари билан бир қаторда чизма геометрия фани ҳам ўқитила бошланди. Шу вақтдан бошлаб мамлакатимиз олий ўқув юртларида ҳозирги

<sup>41</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирлаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 99-100бетлар

вақтда ўқитиладиган «Чизма геометрия» ва «Чизмачилик» фанлари ўқитила бошланган деб ҳисоблаш мумкин. 1923 йилда университетнинг техника факультети инженер-мелиоратив факультетига айлантирилди. Дастлаб чизма геометрия ва чизмачилик фанлари биргаликда ўқитилиб, ўқув жараёни чизмаларни чизиш ва уларни ўқий олишга қаратилган.

1929 йилда Туркистон Давлат Университети таркибидаги инженер-мелиоратив факультети асосида Ўрта Осиё пахтачилик ирригация, политехника институти ташкил қилинди. Шунингдек 1930-34 йилларда Университет таркибидан бир неча Олий техника ўқув юртлари ажралиб чиқиб, бу институтларда «Чизма геометрия ва чизмачилик» кафедралари ташкил қилинди ва умуминженерлик фанлари қаторида графика фанлари ҳам тўлиқ ўқитила бошланди. Дастлабки йилларда фанни ўқитиш учун унинг ўқитиш методикасига, талабалар бажарадиган чизмалар тўпламларини тузиш ва ёш ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини ошириш каби ишларга катта эътибор берилган. 1926-1946 йилларда Тошкент Олий техника ўқув юртларида Совет даврининг машхур геометр олимларидан С.М.Колотов, М.Я.Громов ва В.О.Гордон, Н.Л.Лихачёв, Е.И.Годиклар чизма геометрия ва чизмачиликдан дарс бериш билан бир қаторда ўзларини баъзи-бир фундаментал илмий ишларини Тошкентда олиб борганлар. Улар республикамиз Олий ўқув юртлари график педагог ўқитувчиларини билим малакаларини оширишга, чизма геометрия ва чизмачилик кафедраларининг илмий методик фаолиятини яхшилашга катта хисса қўшганл профессорлар ҳисобланади.

1926-1944 йилларда профессор С.М.Колотов (1985-1965) Ўзбекистонда яшаб турли иншоотларни лойиҳалашда, қурилиш ва саноатни қайта тиклаш ишларида фаол қатнашиб, Ўрта Осиё Индустрисал Институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)да чизма геометрия ва архитектура лойиҳалаш фанлардан машғулотлар олиб борган. 1933 йилда у «Чизма геометрия курси» дарслигини ёзиб «Ёрдамчи проекциялаш» усулини назарий томондан асослаб, усулни позицион ва метрик масалаларни ечишдаги қулай

тадбигини кўрсатган. Шу йилларда соялар ясаш, перспектив тасвиirlар ясашга ҳам бир неча илмий ишлар яратган. 1939 йилда унга Ўрта Осиё индустрисал қурилиш институти илмий кенгаш қарорига асосан СССР Олий аттестация камиссиясининг қарори Билан профессорлик унвони тасдиқланган.

1935-1941 ва 1945-1946 йилларда профессор М.Я.Громов (1884-1963) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Чизма геометрия ва чизмачилик» кафедрасида мудирлик қилган. Шу даврларда у кафедрада илмий ва методик ишларни ривожлантириб, ёйилувчи чизиқли сиртлар назарияси ва конформ алмаштириш усулларини яратди ва чизма геометрияни эгри чизиқлар, сиртларнинг ҳосил бўлиши ва уларнинг ёйилмаларини ясашга доир янги назарий асослар киритди. М.Я. Громов 1937 йилда рус тилида «Проекцион чизмачилик» бўйича масалалар тўплами каби ўкув қўлланмалар яратди. М.Я.Громов 1941-1945 йилларда Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлар институти (ҳозирги Тошкент Ирригация ва Мелиорация институти) «Чизма геометрия ва машинасозлик чизмачилиги» кафедрасида ҳам мудир бўлиб ишлаб, у шу йилларда Ўрта Осиё политехника институтига (ҳозирги Тошкент Давлат техника университети) чизма геометриядан лекциялар ўқиган. Бу даврда у ўзининг «Чизма геометрия» дарслигининг 1 ва 2 қисмларига тегишли назарий ва амалий маълумотларни яратган.

1941-1945 йилларда профессор В.О.Гордон (1892-1971) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти «Чизма геометрия ва чизмачилик» кафедрасига раҳбарлик қилди. У шу даврда ўзининг илмий ва педагогик фаолиятида чизма геометрия фанини назарий ва умумтаълим мактабларида ўқитиладиган «Чизмачилик» предметини методик томондан ривожлантиришга катта хисса қўшган. Шу йилларда В.О.Гордон 1935 йилда чоп этилган «Чизма геометрия курси» дарслигини қайти ишлаб кўпгина мавзуларни назарий томондан бойитди ва чоп эттирди. Ҳозирги кунда бу китоб 23 марта қайта нашр қилиниб, Россия олий техника ўкув юртлари учун

асосий классик дарсликлардан бири ҳисобланади.

Республикамизда чизма геометрия фанини ўзбек тилида ўқитилиши ва миллий тилда адабиётлар яратилишига проф. Р. Хорунов ва Ю. Қирғизбоев, Э. Собитовларнинг хизматлари катта бўлган. Бу олимлар ҳақидаги маълумотларни китобнинг кейинги бетларида ккелтирамиз.

Шунингдек республикамиз педагогларидан Ш.К.Муродов биринчи бўлиб Киевдаги проф. С.М.Колотов илмий мактабига аспрантурага ўқишига кириши туфайли Украина олимлари билан илмий боғланишлар пайдо бўлди. Киев илмий мактабининг ҳозирги раҳбари Украинада хизмат кўрсатган фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор В.Е.Михайленконинг 1968 йилда биринчи марта Бухоро (БДПИ) ва Самарқанд(СамДАҚИ) олий ўқув юртларига келиб маъruzалар ўқиши ва ундан кейинги йилларда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Урганч, Кўқон, Чимкент ва Жамбул шаҳарларига бир неча бор келиши ва илмий семинарлар ўтказиб изланувчи-тадқиқотчи ва аспирантлар танланиши Ўзбекистон ва қўшни республикаларда «Чизма геометрия» фанининг ривожланишига асосий сабаблардан бири бўлди. Натижада республикамизда мавжуд 35 фан номзодларидан 28 таси шу илмий мактабда диссертация ҳимоя қилганлар ва улардан 4 таси профессор Ш.К.Муродов, Р.Қ.Исматуллаев, Ж.Я.Ёдгоров, Д.Ф.Қўчқорова ва биттаси фан доктори бўлдилар.

Москва олимларидан фан докторлари, профессорлар: И.И.Котовнинг Тошкент авиация заводига келиши, Н.Н.Рыжов ва М.А.Тевлинларнинг Самарқанд архитектура қурилиш институтига, С.А.Фролов ва В.А.Якунинларнинг Тошкент политехника институтига келиб илмий семинарлар ва олимпиадалар ўтказишлари Ўзбекистон ва Россия олимлари орасидаги илмий алоқалар ўрнатилиши ва бу профессорлардан тегишли илмий ва методик маслаҳатлар олиниши чизма геометрияни Республикада ривожлантиришга ўз таъсирини кўрсатган.<sup>42</sup>

---

<sup>42</sup> Ш.Муродов., Н.Тшимов, «График тсвирлаш асослари», «Наврўз» нашриёти, Тошкент-2013, 109-113бетлар

### **3-мавзу. Узлуксиз таълим тизимида мұхандислик графикаси фанларини үқитиша инновациялар, узвийлик ва узлуксизлик.**

**Режа:**

- 3.1. Ҳамкорликда үқитиши технологиясининг мазмуні.**
- 3.2. Ҳамкорликда үқитиши технологиясининг аҳамияти**
- 3.3. Ҳамкорликда үқитиши технологиясининг методлари.**

#### **3.1. Ҳамкорликда үқитиши технологиясининг мазмуні.**

Ҳамкорликда үқитиши ғояси барча үқитиши методология ва методикаларнинг илмий таҳлили натижасида аста-секин майдонга келган ҳосилидир.

Ҳамкорликда үқитиши ғояси дидактика дастлаб Буюк Британия, Канада, Австралия, Нидерландия, Германия Федератив Республикаси, Япония, Америка Күшма штатлари, Исроил каби мамлакатларнинг таълим муассасаларида кенг кўламда синала бошланади.

Ушбу ҳамкорлкда үқитиши технологияси турли мамлакатларада турли йилларда ривожлантира бошланган. Масалан, АҚШ да дастлаб Калифорния университети профессори Ж.Арнсон томонидан жорий этилган. Минесот Университети профессорлари Р.Жонсон, Д.Жонсонлар ва Ж.Хопкинс Университети профессори Ҳ.Славин ҳамда Исроилдаги Тел-Авив университети профессори Ш.Шерон томонидан ишлаб чиқилган.

Америка олимлари томонидан ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган ҳамкорликда үқитиши асосан, ўқувчиларда ДТС (Давлат таълим стандарти) ва фан дастурларида қайд этилган билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришга эътибор берилган.

Исроил ва Европа олимлари томонидан тавсия этилган ҳамкорликда үқитиши кўпроқ ўқувчилар томонидан ўқув материалини қайта ишлаш, лойиҳалаш фаолиятини ривожлантириш, ўқув баҳси ва мунозаралари олиб боришни кўзда тутади.

Мазкур ғоялар бир-бирини тўлдиради, дидактик жиҳатдан бойитади ва бир-бирини тақоза этади.


### **3.2. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг аҳамияти**

Ҳамкорликда ўқитишнинг асосий ғояси-ўқув топшириқларни нафақат биргаликда бажариш, балки ҳамкорликда ўқиш – ўрганишдир.

Ҳамкорликда ўқитиш ҳар бир ўқувчини қундалик қизғин ақлий меҳнатга, ижодий ва мустақил фикр юритишга ўрганиш, шахс сифатида онглилик, мустақилликни тарбиялаш, ҳар бир ўқувчида шахсий кадр-қиммат туйғусини вужудга келтириш, ўз кучи ва қобилиятига бўлган ишончни муслаҳкамлаш, таҳсил олишда маъсулият ҳиссини шакллантиришни назарда тутади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси ҳар бир ўқувчининг таҳсил олишдаги муваффақиятига олиб келишини аниқлаган ҳолда мунтазам ва сидқидилдан ақлий меҳнат қилишга, ўқув топшириқларини тўлиқ ва сифатли бажаришга, ўқув материалини пухта ўзлаштиришга, ўртоқларига ҳамкор бўлиб ўзаро ёрдам уюштиришга замин тайёрлайди.

**Ҳамкорликда ўқитиш технологияси термини класстерланади.**



### **3.3. Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг методлари.**

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясида ўқувчиларни ҳамкорликда ўқитишни ташкил қилишнинг бир нечта методлари мавжуд. Улар:

1. Командада ўқитиш методи.
2. Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиш методи.
3. Ҳамкорликда ўқитишнинг “зигзак” ёки “арра” методи.
4. Ҳамкорликда ўқитишнинг “биргалиқда ўқиймиз” методи.
5. Кичик гурухларга ижодий изланишни ташкил этиш методи.

Қуйида ҳар бир метод ҳақида қисқача ахборот берилади.

### **1. Командада ўқитиш методи.**

Командада ўқитиш методини профессор Р.Савин ишлаб чиққан. Бу методда ўқувчиларда тенг сонли иккита команда тузилади. Ҳар иккала команда бир хил топшириқни бажаради. Команда аъзолари ўқув топшириқларни ҳамкорликда бажаради. Ҳар бир ўқувчи мақсадни мавзудан кўзда тутилган билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратади.

### **2. Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиш методи.**

Кичик гурухлар 4 та ўқувчидан ташкил топади. Ўқувчи аввал мавзуни тушунтиради, сўнgra ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этади. Ўқувчиларга берилган ўқув топшириқларни 4 қисмга ажратиб, ҳар бир ўқувчи ўзи бажарган қисм юзасидан фикр юритиб, ўртоқларини ўқитади. Кейин гурух аъзолари томонидан топшириқ юзасидан умумий хулоса чиқарилади. Ўқувчи ҳар бир кичик гурух ахборотини тинглайди ва тест саволлари ёрдамида билимларни назорат қилиб баҳолайди.

Ўқувчиларнинг кичик гурухлардаги ўқув фаолиятини дидактик ўйинлар шаклида, индивидуал тарзда ҳам ташкил қилиш мумкин.

### **3. Ҳамкорликда ўқитишнинг “Зигзак” ёки “Appa” методи.**

Бу методни профессор Э.Арнсон ишлаб чиққан. Педагогик амалиётда бу метод қисқача “арра” деб номаланади. Мазкур методда кичик гурухлар 6-8 та ўқувчидан тузилади. Дарс ўзлаштириладиган мавзу мантиқан тугалланган қисмларга ажратилади. Ҳар бир қисм юзасидан ўқувчилар бажарилиши лозим бўлган ўқув топшириклари тузилади. Ҳар бир ўқувчилар гурухи

берилган топшириқларнинг биттаисни бажаради ва шу қисм бўйича “мутахассиси”га айланади. Кейин гуруҳлар қайта ташкил этилади. Бу гуруҳларда ҳар бир қисм “мутахассиси” бўлиши шарт. Гуруҳдаги мутахассислар ўзлари эгаллаган билимларни худди арра тишлари каби кетма-кет келганидек, навбат билан ўртоқларига баён қиласиди. Мазкур гуруҳларда ўқув материални мантиқий кетма-кетликда қайта ишлаб чиқади.

Ушбу “арра” методини профессор Р. Савин қисман овзгартириб “Appa-2” деб номлади. “Appa-2” методи энди 4-5 нафар ўқувчидан ташкил топган кичик гуруҳга айланди. Барча аъзолар ўқув материали юзасидан тузилган ягона топшириқ устида ишлайди. Гуруҳ ичида ўқувчилар топшириқларни қисмларга ажратиб, бўлиб оладилар. Ҳар бир ўқувчи ўзига тегишли қисмини пухта ўзлаштириб “мутахассис”га айланади. Дарс охирида ҳар бир кичик гуруҳдаги “мутахассис”лар учрашуви қайта ташкил этилган кичик гуруҳларга ўтказилади. Ўқувчилар билими тест саволлари ёрдамида индивидуал тарзда ўтказилиб назорат қилинади ва баҳоланади. Гуруҳ аъзоларининг баллари жамланади, энг юқори балл тўплаган гуруҳ ғолиб саналади.

#### **4. “Биргаликда ўқиймиз” методи.**

Ушбу методни профессор Д. Жонсон ва Р. Жонсонлар ишлаб чиқишиган. Бу методда синф ўқувчилари 3-5 боладан иборат кичик гуруҳларга ажратилади. Ҳар бир гуруҳ дарсда бажарилиши лозим бўлган топшириқнинг маълум қисмини бажаради. Гуруҳлар топшириқларни тўлиқ бажаришлари натижасида ўқув материалининг яхлит ўзлаштиришига эришилади. Мазкур методнинг асосий принциплари командани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, муваффақиятларга эришиш учун бир хил имкониятларни вужудга келтириш.

#### **5. Кичик гуруҳларда ижодий изланишни ташкил этиш методи.**

Бу метод профессор Ш.Шарон томонидан ишлаб чиқилган. Бу методда кўпроқ ўқувчиларнинг мустақил ва ижодий ишига эътибор қаратилган.

Ўқувчилар алоҳида-алоҳида ёки 6 кишилик кичик гурухларда ижодий изланиш олиб боришади. Ижодий изланиш кичик гурухларда ташкил этилганда дарсда ўрганиш лозим бўлган ўқув материали кичик қисмларга ажратилади. Кейин бу қисмлар юзасидан топшириқлар ҳар бир ўқувчига тақсимланади. Шундай қилиб, ҳар бир ўқувчи умумий топшириқнинг бажарилишига ўз ҳиссасини қўшади. Кичик гурухларда топшириқ юзасидан мунозара ўтказилади. Гурух аъзолари биргаликда маъруза тайёрлайди ва синф ўқувчилари ўртасида ўз ижодий изланишлари натижасини эълон қиласди. Кичик гурухлар ўртасида ўтказиладиган ўқув баҳси, мунозара ўқувчилар жамоасининг ҳамкорликда бажарган мустақил фаолиятининг натижаси, якуни ҳисобланади.

Ҳамкорликда ишлаш натижасида қўлга киритилган муваффақиятлар синф жамоасидаги ҳар бир ўқувчининг муентзам ва фаол ақлий меҳнат қилишга, кичик гурухларни умуман, синф жамоасини жипслаштиришга, аввал ўзлаштирилаган билим, кўникма ва малакаларни янги ва кутилмаган вазиятларда қўлланилиб, янги билимларнинг ўзлаштирилишига боғлиқ бўлади.

Юқорида қайд этилган барча методларнинг ўзига хос ҳусусияти, мақсад ва вазифаларининг уммунийлиги, ўқувчиларнинг таҳсил олиши ва мулоқатдаги шахсий маъсулиятини тақозо этиши шунингдек, муваффақият қозонишга бир хил имкониятларнинг мавжудлигидадир.

Ҳамкорликда ўқитиши негизида мусобақа эмас, балки ҳамкорликда ақлий меҳнат қилиб, таҳсил олиш жараёни ётади.

Ўқитувчи ўқувчилар томонидан мунтазам равишда эгаллаб борилаётган билиш фаолиятини бошқариб боради ва фаоллаштиради:

Бунинг учун:

1.Қайси мавзуларни ҳамкорликда ўқитиши методларидан фойдаланиб ўрганишни аниқлайди ва мазкур дарсларни тақвим-режада белгилайди.

2.Танланган мавзу бўйича ўқувчиларга тавсия этиладиган ўқув топшириқлари ва уларни бажариш юзасидан кўрсатмалар тайёрлайди.

3. Ўтиладиган дарс тури, структураси ва боришини лойихалаштиради.
4. Ўкувчилар билимини назорат қилиш мақсадида ўзлаштирилаётган мавзуу юзасидан тест саволи топширикларини тайёрлайди.

### Инсерт жадвали

**Хамкорликда укитиш технологияси хакида**  
**фикрингизни баён етинг**

V	-	+	?

2

### Б/Б/Б жадвали

Хамкорликд үкитиш технологияси методлари хакида нималарни биласиз?  
Хамкорликд үкитиш технологияси методлари хакида нималарни билишни хохлайсиз?

Биламан	Билишни хохлайман	Билиб олдим

4

**4-мавзу: Евклид фазосини кенгайтириш ва геометрик элементларни параметрлаштириш бўйича масалалар ечиш.**


**Режа:**

**4.1 Евклид фазосини кенгайтириш**

**4.2 Чизиклар ва уларнинг хусусий ҳоли.**

**4.3 Евклид фазосини хосмас элементлар билан тўлдириш**

Текисликда ўзаро кесишувчи  $h$ ,  $k$  чизиклар ва уларда ётмаган  $S$  нуқта берилган бўлсин (2 - шакл).



2-шакл

$S$  нуқтани проекциялаш маркази,  $k$  тўғри чизиқни - проекциялар тўғри чизиги ва  $h$  ни проекцияланувчи тўғри чизик деб қабул қиласлий.  $h$  тўғри чизикда танлаб олинган  $A_1, A_2, A_3$  нуқталарни  $S$  проекциялаш маркази билан бирлаштирамиз.  $SA_1, SA_2, SA_3$  проекцияловчи нурлар проекциялар тўғри чизиги  $k$  билан кесишиб, унда бу нуқталарнинг марказий проекциялари  $A_1^1, A_2^1, A_3^1$  ни ҳосил қиласли.

Демак,  $k$  проекциялар тўғри чизигидаги ҳар бир нуқта проекциясига  $h$  тўғри чизиқдаги айнан бир нуқта мос келмоқда ва аксинча. Агар биз  $h$  тўғри чизиги бўйлаб  $A_1, A_2, A_3$  йўналишида  $A$  нуқтани чексиз узоқлаштириб, уни  $A_\infty$  билан белгиласак, унинг проекциясини қуйидагича ясаш мумкин.

$A_\infty$  нүктани  $h$  түгри чизиқнинг хосмас нүктаси деб атаймиз ва унинг проекциясини ҳосил қилиш учун проекциялаш маркази  $S$  дан  $h$  га параллел ўтказамиз ва унинг  $k$  билан кесишган нүктасини  $A_\infty^1$  билан белгилаймиз. Шундай қилиб,  $A_\infty$  нүкта айни вақтда икки түгри чизиққа, яъни  $h$  га ва  $S$  нүктадан унга параллел ўтказилган  $SA_\infty$  га тегишли бўлади.  $h$  түгри чизиқдаги  $A_\infty$  дан бошқа ҳамма нүкталарни унинг оддий ёки хос нүкталари деб аталади.

Енди  $h$  түгри чизиқда  $B_1$  нүктани танлаб унинг  $k$  даги марказий проекцияси  $B_1^1$  ни ҳосил қиласиз. Кейинги танланган  $B_2$  нүкта орқали  $SB_2$  проекцияловчи нурни ўтказсак, у  $k$  га параллел бўлиб қолади, демак, у  $k$  түгри чизиқ билан хосмас нүктада кесишади, яъни  $SB_2 \cap k \rightarrow B_2^1$ .

$h$  түгри чизиқда танланган  $B_3, B_4, \dots$  нүкталарнинг  $k$  даги марказий проекциялари  $A_\infty^1$  дан юқорида жойлашади ва нүкталар  $h$  бўйлаб  $B_1$  дан узоқлашган сари уларнинг проекциялари юқоридан пастга, яъни  $A_\infty^1$  га яқинлаша боради. Шу йўналишда  $B$  нүктани чексиз узоқлаштириб, уни  $B_\infty$  деб олсак, унинг проекциясини ясаш учун  $S$  дан  $h$  га параллел ўтказишимиз керак бўлади.  $SB_\infty$  түгри чизиқ  $SA_\infty$  билан устма - уст тушади. Демак,  $B_\infty$  нинг проекцияси  $B_\infty^1$  ҳамда  $A_\infty^1$  билан устма-уст тушади:  $B_\infty^1 \equiv A_\infty^1$ .


Демак,  $h$  түгри чизиги ягона хосмас нүктага эга, чунки у битта нур орқали проекцияланмоқда. Агар улар иккита бўлганда эди, уларни проекциялаш учун икки проекцияловчи нур ишлатилган булар эди.

Шундай қилиб, Евклид фазосидаги ҳар бир түгри чизиққа биттадан хосмас (чексиз ўзоқлашган) нүкта мос келар экан.

Бундан ўзаро параллел түгри чизиқлар битта умумий хосмас нүктага эга деган холосага келамиз. Эндиликда, текисликда ётган икки түгри чизиқ ҳамма вақт ўзаро кесишади дея оламиз. Улар хос ёки хосмас нүктада кесишиши мумкин.

Текисликдаги бир нүктадан ўтувчи ва текисликка тегишли

чизиқлар түғри чизиқлар дастаси дейилади. Агар түғри чизиқлар кесишиганның нүктә хос нүктада жойлашган бўлса хос марказга эга түғри чизиқлар дастаси дейилади (3-шакл, а).  $S$  марказга эга бўлган бу түғри чизиқлар дастасини  $I$  түғри чизиги билан кесайлик. У даста түғри чизиқларни 1, 2, 3 нүкталарда кесган бўлсин.  $S$  дан чиқкан бу түғри чизиқларни узилмас чўзилувчан резинкалар деб фараз қилиб,




3-шакл

$S$  марказни маълум йўналишда чексиз узоқлаштирайлик. Бу ҳолда  $S_1$ ,  $S_2$ ,  $S_3$ , ... түғри чизиқлар ўзаро параллел (3-шакл, б) бўлиб қолади. Натижада хосмас марказга эга түғри чизиқлар дастасига эга бўламиз.


Фазода жойлашган бир нүктадан ўтган түғри чизиқлар тўпламини түғри чизиқлар боғлами дейилади.

Боғлам маркази хос нүктада жойлашган бўлса хос марказга эга, ёки кесишувчи түғри чизиқлар боғлами, агар хосмас нүктада жойлашган бўлса, хосмас марказга эга ёки параллел түғри чизиқлар боғлами дейилади (4-шакл, а, б).



4-шакл

5 - шаклда Q текислиги ва унда жойлашган икки йўналишда  $m_1$ ,  $m_2$  ва  $l_1$ ,  $l_2$  тўғри чизиқлар кўрсатилган.



5-шакл

Текисликдаги ҳар бир тўғри чизиқ битта хосмас нуқтага эга эканлиги бизга маълум. Бу хосмас нуқталарнинг тўплами қандай чизиқни ташкил этади? Ҳар бир тўғри чизиқ бу тўплам ҳосил қилган тўғри чизиқни битга хосмас нуқтада кесиб ўтади. Текисликда ётган чексиз кўп тўғри чизиқларга тегишли хосмас нуқталар тўплами хосмас тўғри чизиқни ҳосил қиласр экан, маълумки текисликдаги тўғри чизиқ фақат тўғри чизиқ билангина битта нуқтада кесишади. Демак, текислик битта хосмас тўғри чизиқка эга бўлади. Ўзаро параллел текисликлар битта хосмас тўғри чизиқ бўйича кесишиб

текисликлар дастасини ҳосил қиласиди.<sup>43</sup>

## 1.2. Чизиқлар ва уларнинг хусусий ҳоли.


Енди  $m$ -н қийматли мосликнинг хусусий ҳоли 1-1 қийматли проектив мослик ёрдамида эгри чизик ясашни кўриб чиқайлик.

Текисликда  $S_0, S_1, S_2$ -биринчи тартибли тўғри чизиқлар дасталари ҳамда  $m$  ва  $n$  нуқталар қатори-тўғри чизиқлар берилган бўлсин (1-расм)  $S_1$  ва  $S_2$  дасталар учун тўғри чизиқлар орасида 1-1 қийматли мослик ўрнатайлик. Мосликлар нзариясига мувофиқ дасталардаги мос тўғри чизиқлар ўзаро кесишиб,  $1+1=2$ , яъни бу нуқталар тўплами 2-тартибли эгри чизиқни ҳосил қиласиди. У қуйидагича ясалади. Нуқталар қатори  $m$  ва  $n$  ни  $S_0$  дастанинг бирон  $t$  тўғри чизиги билан кесамиз ва уларни  $1_1, 1_2$  нуқта деб белгилаймиз.  $S_1$  ни  $m$  га,  $S_2$  ни  $n$  га мос деб қабул қилиб,  $1_1$  нуқтани  $S_1$  марказ билан  $1_2$  нуқтани  $S_2$  марказ билан бирлаштирамиз. Бу чизиқлар ўзаро кесишиб эгри чизиқقا оид I нуқтани аниқлайди. Ясаш алгоритмини символик тарзда қуйидагича ифодалаймиз:

1.  $t \subset S_0$
2.  $t \cap m, n \rightarrow 1_1, 1_2$
3.  $S_1 1_1 \cap S_2 1_2 \rightarrow I$

Бу жараённи бир неча марта такрорлаб, ҳосил қилинувчи эгри чизиқка оид зарур миқдордаги нуқталарни тўплаймиз ва уларни тартиб билн бирин-кетин бирлаштирамиз. У узлуксиз жараёндир, шунинг учун уни алгебра тилида қуйидагича ифодалаймиз.

<sup>43</sup> Р.Исматуллаев «Чизма геометрия» ТДПУ ризографи, Тошкент-2005, 7-9 бетлар



1-расм

Түғри бурчакли ХОҮ координаталар системасида түғри чизиқлар дасталари  $S_0(x_0, 0)$ ,  $S_1(x_1, y_1)$ ,  $S_2(x_2, y_2)$  ва нуқталар қаторлари  $m(y = b_1)$  (1) ҳамда  $n(y = b_2)$  (2) берилған бўлсин (2-расм).  $S_0$  марказдан түғри чизиқ ўтказамиш.  $y = k$  ( $x = x_0$ ) (3),  $k$  ни параметр деб қабул қиласмиш. Энди (1) билан (3) нинг кесишув нуқтасини топамиш.

$$y = k(x - x_0);$$

$$y = b_1$$

Улар  $M\left(\frac{b_1 - kx_0}{k}; b_1\right)$  нуқтада кесишиди. (2) билан (3) ни кесишув нуқтаси


$N$  ни топамиш.

$$y = k(x - x_0);$$

$$y = b_2$$

тизимдан  $N\left(\frac{b_2 - kx_0}{k}; b_2\right)$  нуқтасини аниқлаймиз.  $S_1M$  ва  $S_2N$  түғри чизиқларни ўтказамиш.

$$\frac{k(x - x_1)}{b_1 + k(x_0 - x_1)} = \frac{y - y_1}{b_1 - y}$$



2-расм

$$\frac{k(x-x_2)}{b_2+k(x_0-x_2)} = \frac{y-y_2}{b_2-y_2}$$


(4) ва (5)ни к параметрдан мустасно қилиб, әгри чизиқнинг қуидаги тенгламасига эга бўламиз:

$$\frac{b_{1(y-y_1)}}{x(b_1-y_1)-b_1x_1-x_0(y-y_1)+x_1y} = \frac{b_1(y-y_1)}{x(b_2-y_2)-b_2x_2-x_0(y-y_2)+x_2y}$$


(6)

Бу параболанинг тенгламаси бўлиб,  $S_0$   $S_1$   $S_2$  марказлар ўрнини ўзгартириш орқали тўғри чизик ҳолатларига ўтиш мумкин, яъни уни бошқариш мумкин.


Агар  $m$  ва  $n$  нинг умумий ҳолатлари олинса иккинчи тартибли чизиқларнинг айлана, эллипс, гипербола, парабола, икки тўғри чизик кўринишидаги турларини ҳосил қилиш мумкин. Масалан 3,4,5 - расмларда буларга мисоллар келтирилди. Ясашнинг бундай геометрик аппаратини бошқариш қулай бўлиб, ҳосил бўлган чизиқларни сиртнинг каркаси сифатида фойдаланишга имкон яратади.



3-расм



4-расм



5-расм

**5-МАВЗУ: Ёрдамчи проекциялаш усулининг метрик масалалар  
ечишига тадбиқи.**

**Режа:**

5.1. Марказий ёрдамчи проекциялаш.

5.2. Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.


5.3. Түғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

## 2.1. Марказий ёрдамчи проекциялаш

Марказий ёрдамчи проекциялашда нұқталарни вертикал нур текисликлари проекциялаш марказидан йўналган вертикал түғри чизик орқали ўтиб, текисликлар дастасини хосил қиласи. Булар  $T_2$  мослик ва қўшимча текиликлар билан кесишиб, уларда  $S^1$  ва  $S_1^1$  марказларга эга бўлган түғри чизиқлар дасталарини, яъни нурлар проекцияларини хосил қиласи. Умумий вазиятдаги  $P$  текисликка  $A$  нұқтани проекциялаш 6-шаклда кўрсатилган.  $P$  текислик  $P_t$  мослик изи ва ундаги ёрдамчи проекциялаш маркази  $S$  нұқтадан ўтган вертикал түғри чизиқнинг изи  $S_1^1$  нұқтаси билан берилган.  $S$  проекциялаш марказининг  $S^1$  горизонтаал проекцияси билан  $A$  нұқтанинг  $A^1$  горизонтал проекциясини бирлаштириб, унинг мослик ўқи  $P_t$  билан кесишган 1 нұқтасини белгилаймиз. Сўнгра  $S_1^1$  билан 1 нұқтани бирлаштириб, унинг  $S^{11}$   $A^{11}$  билан кесишган  $A_p^{11}$  нұқтасини, яъни  $A$  нұқтанинг  $P$  текисликдаги марказий проекциясини аниқлаймиз.  $S_1^1$  1 түғри чизик аниқловчи дейилади. Агар  $P$  текислик вертикал бўлса  $S_1^1$  чексиз узоқлашиб, ундан келувчи аниқловчилар ўзаро параллел түғри чизиқлар бўлиб қолади. Бундай холат 7- шаклда  $AB$  кесманинг марказий проекциясини ясашда кўрсатилган.  $A_p^1$  ва  $B_p^1$  мослик ўқидаги нұқталардан ўтган аниқловчилар вертикал туғричизик бўлиб қолган.

Агар  $P$  текислик  $T_2$  мослик текислиги билан устма-уст тушса,  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  кесманинг ёрдамчи проекцияси 8-шаклдагидай бўлади. Баъзи позицион масалаларни ечишда геометрик шаклларни проекциялар текисликларининг бирортасига қўшимча проекциялашга түғри келади. 9-шаклда  $AB$  кесмани  $S$  қўшимча марказдан  $V$  проекциялар текислигига проекциялаш кўрсатилган.  $S^1$  нұқтадан  $A^1, B^1$  түғри чизиқлар ўтказиб, уларнинг  $OX$  ўқи билан кесишган  $A_1^1, B_1^1$  нұқталарни белгилаймиз ва улардан вертикал боғловчи түғри чизиқлар ўтказамиз. Сўнгра бу боғловчи чизиқлар билан  $S^{11}$   $A^{11}$  ва  $S^{11}$   $B^{11}$  түғри чизиқларнинг кесишган нұқталарини


топиб,  $A_1^{11}$   $B_1^{11}$  ёрдамчи проекцияга эга бўламиз. Бирор геометрик шаклнинг Н даги ёрдамчи проекцияси хам худди шундай ясалади.




6-шакл

7-шакл


8-шакл



9-шакл



10-шакл



11-шакл

текисликлар нур йўналишига, аниқловчи тўғри чизиклар ўзаро параллел


бўлади. Бу ҳолда проекцияловчи

## 5.2. Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

Агар проекциялаш маркази чексиз узоклаштирилган бўлса, параллел (қийшиқ ёки тўғри бурчакли) проекциялаш содир

бўлади. Бу ҳолда проекцияловчи

бўлиб қолади. 10-шаклда А нуқтани ўзаро параллел тўғри чизиқлар ( $m/n$ ) билан берилган Р текисликка 1 йўналишда проекциялаш кўрсатилган.  $m$  ва  $n$  тўғри чизиқларнинг  $m_T$  ва  $n_T$  мослик изларин ясад, бу текисликнинг  $R_T$  мослик изини ўтказамиз. А нуқта орқали 1 йўналишда параллелл нур ўтказамиз ва бу нурнинг текислик билан кесишиш нуқтасини ясаш учун у орқали  $M$  горизонтал проекцияловчи текислик ўтказамиз.  $M$  текисликнинг берилган текислик билан кесишиш чизиги  $l_2$  ни ясаймиз ва унинг  $A^{11}$  дан  $l^{11}$  га параллел ўтказилган тўғри чизик билан кесишиш нуқтаси  $A_p^{11}$  ни яъни, А нуқтанинг Р текисликдаги проекциясининг фронтал проекциясини аниқлаймиз. Сўнгра боғловчи чизик орқали унинг  $A_p^{11}$  горизонтал проекциясини белгилаймиз.  $M_T$   $2^{11}$  йўналиши Р текисликка 1 йўналишда проекцияланадиган ҳамма нуқталар учун аниқловчилар йўналиши бўлади. 11-шаклда 1 йўналишга параллел  $m$  тўғри чизиқнинг  $H$  ва  $T_2$  мослик текисликларидағи проекцияларини ясаш кўрсатиглган.  $m$  тўғри чизик проекциялар йўналишига параллел бўлганлиги учун  $H$  ва  $T_2$  текисликларига нуқта кўринишида проекцияланади.  $m$  тўғри чизиқнинг горизонтал  $l^1$  изи бир вақтда унинг  $H$  даги қийшиқ бурчакли проекцияси ҳам бўлади. 12-шаклда  $S$  ABC пирамиданинг Р текислик билан кесишиш чизигини ясаш кўрсатилган. Пирамидани горизонтал 1 йўналишда Р текисликка проекциялаймиз. Пирмаida қирралари ўз ёрдамчи  $S_p^{11}A_p^{11}$ ,  $S_p^{11}B_p^{11}$ ,  $S_p^{11}C_p^{11}$  проекциялари билан D,E,L нуқталарда кесишиб, текислик билан кесишиш нуқталарини ҳосил қиласди. Бу нуқталарни бирлаштириб, DEL ( $D^1E^1L^1, D^{11}E^{11}L^{11}$ ) кесишиш чизигини ясаймиз.



12-шакл


### 5.3. Түғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

Юқорида эслатиб үтилгандек, метрик масалаларни ечишда янги қўшимча текисликдаги текис шакллар V проекциялар текислигига ўз ўлчамларини ўзгартирмасдан тасвирланиши керак. Бунга қўшимча текисликни унинг фронтали атрофида айлантириш ёки қўшимча текисликни қўшимча ва асосий проекциялаш йўналиши орасидаги биссектор текислиги билан алмаштириш орқали эришиш мумкин. Аввал хусусий холларни қўриб чиқайлик. А нуқтани (13-шакл) горизонтал 1 йўналишда Р текислигига ортогонал проекциялаш талаб қилинсин.


Р текисликдаги тасвир V текисликда ўзгаришсиз тасвирланиши учун қўшимча 1 ва асосий проекциялаш йўналишларига нисбатан биссектор Q текисликни танлаймиз.

Q текисликнинг ўзига параллел ҳолда қўчирилишидан тасвир ўзгармайди. Шунинг учун қўшимча ва асосий нурларни ихтиёрий жойда кесиштириб, улар ҳосил қилган бурчакнинг Q<sub>h</sub> биссектрисасини ўтказамиз. 1 нинг A<sup>11</sup> дан ўтган фронтал 1<sup>11</sup> проекцияси нуқта 1 дан чиқувчи асосий йўналиш проекцияси билан кесишиб, **A** проекциясини ҳосил қиласи. Агар проекциялаш йўналиши W га перпендикуляр бўлса (14-шакл), унда


нурларнинг биссектор текислиги ҳар бири билан  $45^\circ$  бурчак ҳосил қилиб, айни вақтда ундаги қўшимча проекция профил проекция ҳам бўлади.




13-шакл




14-шакл



15-шакл



16-шакл




17-шакл

15-шаклда  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  кесманинг хақиқий катталигини аниқлаш кўрсатилган. Бунинг учун проекциялаш йўналиши горизонтал бўлиб,  $AB$  орқали ўтувчи горизонтал проекцияловчи текисликка перпендикуляр қилиб олинган. Кесманинг хақиқий катталиги  $AB$  қўшимча йўналиш билан асосий йўналиш бурчагига қурилган биссектор  $Q_H$  текислиги ёрдамида аниқланган. 16-шаклда ўзаро параллел фронтал  $m$  ( $m^1, m^{11}$ ) ва  $n$  ( $n^1, n^{11}$ ) тўғри чизиқлар орасидаги масофа аниқланган. Бу ҳолда қўшимча йўналиш сифатида тўғри чизиқларнинг йўналиши танланган. 17-шаклда ўзаро 2-биссектор текислигига кесишувчи  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  горизонтал ва  $AC$  ( $A$ ) фронтал тўғри чизиқлар орқали берилган умумий вазиятдаги  $P$  текислик тасвирланган.  $P$  текисликка перпендикуляр проекцияланган тасвирларнинг  $V$  текисликка


ўзгаришсиз ўтказилиши талаб қилинсин. Бунда Р текисликни унинг АС фронтали атрофида айлантиромасдан, балки бу текислик билан V орасидаги биссектор текислиқдан фойдаланамиз. 1 йўналишда ( $l \perp P$ ) бирор, масалан, В ( $B \in P$ ) нуқтани биссектор Q текисликка проекциялаймиз ва ҳосил бўлган проекцияни асосий йўналишда V текисликка проекциялаб, унинг ёрдамчи В проекциясини ҳосил қиласиз. Бунинг учун В нуқта орқали горизонтал проекцияловчи М текисликни ўтказамиз. М текислик берилган текисликни энг катта оғиш чизғи бўйича кесади. 1 нурнинг Р текислик билан кесишиш нуқтаси ана шу энг катта оғиш чизигида бўлади. Одатда энг катта оғиш чизиги текислик горизонталига перпендикуляр бўлади. Ана шу текислик горизонтали ва энг катта оғиш чизигини биссектор текислигига 1 йўналишда проекциялаб, уларнинг янги проекциялари ҳам ўзаро перпендикулярга сақлади. Янги В нуқтани ясаш учун  $B^{11}$  нуқтадан ўтувчи  $l^{11} (l^{11} \perp A^{11} C^{11})$  тўғри чизиқни давом эттирамиз ва уни  $A^1 \equiv A^{11}$  - марказдан  $A^1$  В<sup>1</sup> радиусли ёй билан кесиб,  $B^{11}$  нуқтани ҳосил қиласиз. Сўнгра  $A^1$   $A^{11}$  нуқтани В нуқта билан бирлаштирамиз. Натижада  $(A^1 \equiv A^2 B) = (A^1 \equiv A^{11} B^{11})$  бўлади. В нуқтадан  $A^1 \equiv A^{11}$  В тўғри чизиқка перпендикуляр тўғри чизик чизамиз ва бу чизиқни аниқловчи деб атаемиз.  $l^1$  ва аниқловчини ўзаро учраштириб, Р билан V орасида биссектор Q текисликка оид 1 нуқтани ҳосил қиласиз.  $A^1 \equiv A^{11}$  ва 1 нуқталарни бирлаштирувчи  $Q_T$  тўғри чизик биссектор текисликнинг биссектор изи бўлади ва у мослик ўқи деб аталади. Бу ясашлар схемаси 1 йўналиши бўйича Р текисликка проекцияланувчи ҳар қандай шакл учун ясаш алгоритми вазифасини ўтайди. Масалан, D нуқтанинг ёрдамчи проекциясини ясаш қўйидагича бажарилади:

- 1)  $D^1$  нуқтадан  $l^1$  йўналишга параллел тўғри чизик ўтказиб, унинг  $Q_K$  билан кесишиш нуқтаси 2 белгиланади;
- 2) 2 нуқтадан аниқловчига параллел тўғри чизик ўтказилади;
- 3) Бу тўғри чизик билан  $D^{11}$  нуқтадан  $l^{11}$  йўналишга параллел ўтган тўғри чизиқнинг кесишиш нуқтаси  $l_1^1$  аниқланади.


Энди 17-шакл, а даги ортиқча элементларни олиб ташлаб, уни 17-шакл, б даги чизма ҳолига келтирамиз. Бу күриниш түғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш диаграммаси вазифасини бажаради ва уни ҳар қандай йўналиш учун осонгина ясаш мумкин. 18-шакл, а, б даги АВД ( $A^1B^1D^1$ ,  $A^{11}B^{11}D^{11}$ ) ва АВС ( $A^1B^1C^1$ ,  $A^{11}B^{11}C^{11}$ ) учбурчак текисликлари орасидаги икки ёқли бурчакнинг ҳақиқий катталиги АВ қиррага перпендикуляр Q текисликни проекциялаш ёрдамида ясалган. АВ йўналиш учун диаграмма 19-шакл, б да ясалган. Бунда  $Q_T$  мослик ўқи чизма учун қўлай жойга ҳолатини ўзгартирмасдан кўчирилган. 19-шакл, а, б дағри чизик орасидаги, 20-шакл, а, б да түғри чизик ва нуқта орасидаги 20-шакл, а, б да ўзаро айқаш түғри чизик орасидаги масофаларнинг ҳақиқий узунлиги юқоридаги диаграмма асосида аниқланган.



18-шакл



19-шакл



20-шакл

**6-мавзу: Ёрдамчи проекциялаш усулининг позицион масалалар ечишга тадбиқи.**

**Режа:**


**6.1.Марказий ёрдамчи проекциялаш**

**6.2.Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.**

**6.3.Түғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.**

### **6.1.Марказий ёрдамчи проекциялаш**

Позицион масалаларни ечишда геометрик шаклларни проекциялар




текисликларининг бирортасига қўшимча проекциялашга түғри келади. 21- шаклда АВ кесмани S қўшимча марказдан V проекциялар текислигига проекциялаш кўрсатилган.  $S^1$  нуқтадан  $A^1$ ,  $B^1$  түғри чизиқлар ўтказиб, уларнинг ОХ ўки билан кесишиган  $A_1^1$   $B_1^1$  нуқталарни белгилаймиз

21- шакл ва улардан вертикал боғловчи түғри чизиқлар ўтказамиз. Сўнгра бу боғловчи чизиқлар билан  $S^{11}$   $A^{11}$  ва  $S^{11}$   $B^{11}$  түғри чизиқларнинг кесишиган нуқталарини топиб,  $A_1^{11}$   $B_1^{11}$  ёрдамчи проекцияга эга бўламиз. Бирор геометрик шаклнинг Н даги ёрдамчи проекцияси ҳам худди шундай ясалади.

## 6.2. Қийшиқ бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

22-шаклда  $SABC$  пирамиданинг  $P$  текислиқ билан кесишиш чизигини ясаш кўрсатилган. Пирамида  $H$  горизонтал 1 йўналишда  $P$  текисликка проекциялаймиз. Пирамиданинг қирралари ўз ёрдамчи проекциялари билан кесишиб, текислиқ билан кесишиш нуқталарини ҳосил қиласди. У нуқталарни бирлаштириб,  $DEL (D^1E^1L^1, D^{11}E^{11}L^{11})$  кесишиш чизигини ясаймиз.



22-шакл


## 6.3. Тўғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш.

23-шаклда ўзаро 2-биссектор текислигида кесишувчи  $AB(A^1B^1, A^{11}B^{11})$  горизонтал ва  $AC (A^1C^1, A^{11}C^{11})$  фронтал тўғри чизиклар орқали берилган умумий вазиятдаги  $P$  текислиқ тасвирланган.  $P$  текисликка перпендикуляр проекцияланган тасвирларнинг  $V$  текисликка ўзгаришсиз ўtkазилиши талаб қилинсин. Бунда  $P$  текисликни унинг фронтали атрофида айлантирмасдан, балки бу текислиқ билан  $V$  орасидаги биссектор текислиқдан фойдаланамиз. 1 йўналишда ( $l \perp P$ ) бирор, масалан,  $B(B \in P)$  нуқтани биссектор  $Q$  текисликка проекциялаймиз ва ҳосил бўлган проекцияни асосий йўналишда  $V$  текисликка проекциялаб, унинг ёрдамчи  $V$  проекциясини ҳосил қиласмиз. Бунинг учун  $B$  нуқта орқали горизонтал проекцияловчи  $M$  текисликни ўтказамиз.  $M$  текислиқ берилган текисликни энг катта оғиш чизғи бўйича

кесади. 1 нурнинг Р текислик билан кесишиш нуқтаси ана шу энг катта оғиш чизигида бўлади. Одатда энг катта оғиш чизиги текислик горизонталига перпендикуляр бўлади. Ана шу текислик горизонтали ва энг катта оғиш чизигини биссектор текислигига 1 йўналишда проекциялаб, уларнинг янги проекциялари хам ўзаро перпендикулярлигини сақлайди. Янги В нуқтани ясаш учун В нуқтадан ўтувчи  $l^{11}(l^{11} \perp A^{11} C^{11})$  тўғри чизикни давом этдирариз ва уни  $A^1 \equiv A^{11}$  марказдан  $A^1$   $B^1$  радиусли ёй билан  $B^{11}$  нуқтани хосил қиласиз. Сўнгра  $A^1$   $A^{11}$  нуқтани В нуқта билан бирлаштирамиз. Натижада  $(A^1 \equiv A^{11} B) = (A^1 \equiv A^{11} B^{11})$  бўлади. В нуқтадан  $A^1 \equiv A^{11} B$  тўғри чизикка перпендикуляр тўғри чизик чизамиз ва бу чизикни аниқловчи деб атаймиз.  $l^1$  ва аниқловчини ўзаро учраштириб, Р билан V орасида биссектор Q текисликка оид 1 нуқтани хосил қиласиз.  $A^1 \equiv A^{11}$  ва 1нуқталарни бирлаштирувчи  $Q_t$  тўғри чизик биссектор текисликнинг биссектор изи бўлади ва у мослик ўқи деб аталади. Бу ясашлар схемаси 1 йўналиш бўйича Р текисликка проекцияланувчи хар қандай шакл учун ясаш алгоритми вазифасини ўтайди. Масалан, D нуқтанинг ёрдамчи проекциясини ясаш қўйидагича бажарилади:

- 1) D нуқтадан  $l^1$  йўналишга параллел тўғри чизик ўтказиб, унинг  $Q_k$ , нуқтаси 2 белгиланади;
- 2) 2 нуқтадан аниқловчига параллел тўғри чизик ўтказилади;
- 3) Бу тўғри чизик билан  $D^{11}$  нуқтадан  $l^{11}$  ўтган тўғри чизикнинг кесишиш нуқтаси 1 аниқланади.

Энди 23-шакл, а даги ортиқча элементларни олиб ташлаб, уни 23-шакл, б даги чизма холига келтирамиз. Бу кўриниш тўғри бурчакли ёрдамчи проекциялаш диаграммаси вазифасини бажаради ва уни хар қандай йўналиш учун осонгина ясаш мумкин.



23-шакл

## 7-мавзу: Эгри чизиқларга нормал ва уринмалар ўтказиш усуллари.

**Режа:**

**7.1. Текис эгри чизиқлар. Уларга уринма ва нормал ўтказиш**

**7.2. Текис эгри чизиқнинг эгрилиги. Эволюта ва эволвента**

**7.3. Текис эгри чизиқ нуқталарининг классификасияси**

**7.1. Текис эгри чизиқлар. Уларга уринма ва нормал ўтказиш**

**Таъриф.** Ҳамма нуқталари битта текисликда ётган эгри чизиқ текис эгри чизиқ дейилади.

Текис эгри чизиқлар аналитик ва график кўринишларда берилиши мумкин. Аналитик кўринишда қуйидаги холлар билан берилади:


- декарт координаталар системасида  $\phi(x,y)=0$  кўпхад билан;
- қутб координаталар системасида  $r=\phi(\varphi)$  билан;
- параметрик кўринишда  $x=x(t)$  ва  $y=y(t)$  билан.

Эгри чизиқларнинг график кўринишда берилишининг турли хил усуллари мавжуд.


Текисликка тегишли бирор нуқтанинг узлуксиз ҳаракати натижасида текис эгри чизиқ ҳосил бўлади. Текис эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан унга битта уринма ва битта нормал ўтказиш мумкин.

24-расмда берилган  $\ell$  текис эгри чизигига унинг бирор А нүктасида уринма ва нормал (шу нүктада уринмага перпендикуляр тўғри чизик) ўтказиш кўрсатилган. Бунинг учун А нүкта орқали эгри чизикни кесувчи AE ва AF тўғри чизиқларни ўтказамиз. Э нүктани А нүктага эгри чизик бўйлаб яқинлаштира бошлаймиз. Натижада, AE кесувчи А нүкта атрофида бурила бошлайди. Е нүкта А нүкта билан устма-уст тушганда AE кесувчи  $t_1$  уринмани хосил қиласди. Уни  $\ell$  эгри чизиқнинг берилган нүктасида ўтказилган **ярим уринма** дейишади. F нүктани ҳам эгри чизик устида ҳаракатлантириб А нүкта билан устма-уст туширамиз. AF кесувчи  $t_2$  ярим уринмани хосил қиласди. Қарама-қарши йўналган  $t_1$  ва  $t_2$  ярим уринмалар хосил қилган тўғри чизик эгри чизиқка берилган нүктада ўтказилган **уринма** дейилади. Шундай нүкталардан ташкил топган эгри чизик **равон эгри чизик** дейилади.

Эгри чизиқнинг А нүктадаги т уринмага ўтказилган перпендикуляр  $n$  тўғри чизик унинг нормали деб аталади. Баъзан ярим уринмалар ўзаро устма-уст тушмасдан ўзаро кесишиши мумкин. Бундай нүкталар **синии нүктаси** дейилади (25-расм). Амалиётда эгри чизиқларга уринма ва нормал ўтказиш масалалари кўп учрайди, шунинг учун уринма ва нормал ўтказишнинг баъзи бир график усулларини кўриб чиқамиз.




24-расм



25-расм


Эгри чизиқка ундан ташқари олинган нүкта орқали уринма ўтказиш.



## 26-расм

Бирор  $\ell$  эгри чизиқ ва ундан ташқарида олинган А нуқта берилган (26-расм) А нуқтадан  $\ell$  эгри чизиққа уринма ўтказиш талаб қилинсин. Бунинг учун А нуқта орқали  $\ell$  эгри чизиқни кесувчи тўғри чизиқлар ўтказилади. Ҳосил бўлган ватарларнинг учларини  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  нуқталар билан белгилаб, ҳар бир ватарнинг ўрта нуқталари топилади. Ватарларнинг ўрта нуқталарини бирлаштириб  $q$  эгри чизиқни ҳосил қилинади. Бу эгри чизиқ *хатоликлар эгри чизиги* дейилади ва унинг  $\ell$  эгри чизиғи билан кесишиш В нуқтаси А нуқтадан ўтувчи уринманинг эгри чизиққа уриниш нуқтаси бўлади. А ва Б нуқталарни тўғри чизиқ билан бирлаштирилса,  $t$  уринма ҳосил бўлади.<sup>44</sup>

Эгри чизиқдан ташқарида олинган нуқтадан унга нормал ўтказиш.  $\ell$  эгри чизиқдан ташқаридаги А нуқтани концентрик айланаларнинг маркази




сифатида қабул қилиб (27-расм), ундан берилган эгри чизиқни кесувчи бир неча айланалар чизилади. Бу айланалар  $\ell$  эгри чизиқни  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  нуқталарда кесади. Мос нуқталарни ўзаро бирлаштириб, эгри чизиқнинг  $11_1, 22_1, 33_1, \dots$  ватарларини ҳосил қилинади. Ватарлар учларидан қарама-қарши йўналишда унга перпендикуляр чизиқлар чиқарилади ва уларга ватарлар

<sup>44</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 127-129 бетлар  
27-расм


узунлигларини ўлчаб қўйилади. Бу кесмаларнинг учларини тартиб билан бирлаштириб қ чизик хосил қиласди. қ ва  $\ell$  эгри чизиклар ўзаро В нуқтада кесишадилар. А ва В нуқталарни бирлаштирувчи п тўғри чизик  $\ell$  эгри чизикнинг нормали бўлади.

Фазовий эгри чизиклар, фазовий эгри чизикнинг эгрилиги, Френе уч ёқлиги, фазовий эгри чизикни текшириш, винт чизифи.

Агар эгри чизикнинг нуқталари бир текисликда ётмаса, у *фазовий эгри чизик* дейилади (28-расм). Фазовий эгри чизикни текис эгри чизикдан фарқли ўлароқ нуқтанинг фазодаги ҳаракатидан хосил бўлган траекторияси деб қараш мумкин. Унинг ихтиёрий ҳар бир уч нуқтасидан ўтувчи текисликлар умуман олганда ҳар хил йўналишда бўлади.



28-расм



29 -расм

29-расмда фазовий эгри чизик  $\kappa$  нинг модели кўрсатилган.  $\kappa$  эгри чизикда  $A$  нуқтани танлаб, у орқали икки кесувчи тўғри чизик ўтказайлик ва улар  $K$  ни е ва  $F$  нуқталарда кесиб ўтсин.  $AE$  ва  $AF$  кесувчилар е ва  $F$  ни  $A$  нуқтага чексиз яқинлаштирганимизда  $m$  ҳолатни эгаллаб устма-уст тушган ярим уринмаларни хосил қиласди. Бу уринма орқали чексиз кўп текисликлар ўтказиш мумкин. Уларнинг ҳаммаси ҳам уринма текислик бўлади. Агар уринма билан кесувчилар  $AE$  ва  $AF$  хосил қилган ярим уринма текисликларни уринма атрофида айлантириб чек ҳолатига олиб келсак, эгри чизикнинг у чексиз яқин уч нуқтасидан ўтади. Бу текислик ётишига текислик деб аталади. Агар ярим уринма текисликлар устма-уст тушса, эгри чизик шу нуқтада равон дейилади. Ёпишма текислик бу нуқтада эгри чизик билан бошқа


холлардан күпроқ устма-уст тушади, яъни эгри чизиқнинг шу қисми күпроқ равишда шу текисликка оид бўлади. Шунинг учун ҳам фазовий эгри чизиқнинг ёпишма текисликка оид қисмини текис деб қараш мумкин. Ёпишма текислик уринма бўйича сирпаниб айни вақтда унинг атрофида айланиб ҳаракат қиласи, яъни у винт ҳаракатини бажаради. Нуктанинг ҳаракати жараёнида текислик ўз ҳолатини ўзгартириб боради ва бунда уринма винт ўқ чизиги вазифасини ўтайди.

Фазовий эгри чизиқнинг берилган нуктасида чексиз кўп нормаллар ўтказиши мумкин. Уларнинг тўплами текисликни ҳосил қиласи ва у *нормал текислик* деб аталади. Нормалларнинг ёпишма текислиқда ётган *бош нормал*, ёпишма текисликка перпендикуляр жойлашган иккинчи бири *бинормал* деб аталади. Уринма ва бинормал орқали ўтган текислик шу нуктада эгри чизиқни *ростловчи текислик* дейилади.

Бундай текислик эгри чизиқнинг берилган нукта атрофидаги чексиз кичик қисмини яқин деб, қарашга имкон яратади.

29-расмда Q ёпишма, N нормал ва P ростловчи текисликлардир. Ўзаро перпендикуляр бўлган бу уч текислик учёқни ҳосил қиласи. Уни 1874 йили биринчи бўлиб таклиф қиласи Френе номи билан *Френе учёқлиги* ёки ҳамроҳ триэдр, баъзида асосий учёқлик дейилади.


Фазовий эгри чизиқни текширганда уни ҳар бир нуктасида унга ҳамроҳ учёқлик юкланди (30-расм). Эгри чизиқнинг шу нукта атрофидаги қисмини



үчёқлик томонларига проекцияланади. Бунинг учун ёпишма текисликни горизонтал, ростловчи текисликни фронтал ва нормал текисликни профил текислик сифатида қабул қилиб,  $S$  нұқта горизонтал проекция  $A_1B_1$  учун оддий нұқта, фронтал проекция  $A_2B_2$  учун ўтиш нұқтаси, профил проекция  $A_3B_3$  учун биринчи турдаги қайтиш нұқтаси вазифасини үтайды.

Фазовий эгри чизикнинг ёпишма текислиқда ётган текис қисмидеги эгрилиги – *биринчи эгрилик* дейилади. Унинг маркази бош нормалда бўлади. Фазовий эгри чизикнинг берилган нұқтасидаги текислиқдан узоқлашиш тезлигини билдиради.

Винт чизиги фазовий эгри чизиклар эталони ҳисобланади, чунки унда биринчи ва иккинчи эгриликлар доимийдир. Нұқта цилиндр сиртида бир текис айланма ва илгариланма ҳаракат қилиб винт ҳаракатини содир қиласи. Цилиндр устида унинг бирон ясовчисига оид бўлмаган икки нұқта орасидаги энг яқин масофа винт чизиги орқали ўлчанади. Буни цилиндр ёйилмасида ҳам кўрса бўлади. Винт чизиги у ётган цилиндр сиртини ёйганда тўғри чизик кўринишида бўлади (31-расм).



31-расм


**Таянч тушунчалар:** Бош нормал; Бинормал; Биринчи эгрилик; Иккинчи эгрилик ёки бурилиш эгрилиги. Фазовий эгри чизик; Френе учёқлиги; Уринма; Ёпишма текислик; Равон эгри чизик; Нормал текислик;

Ростловчи текислик;


## 7.2. Текис эгри чизиқнинг эгрилиги. Эволюта ва эволвента

Кўшни ярим уринмалар орасидаги  $\alpha$  бурчакни улар орасидаги  $c$  ёй узунлигига нисбатининг лимити эгри чизиқнинг эгрилиги дейилади (32-расм).

Эгриликни  $k$  билан белгиласак, у қуидагича ифодаланади:  $k = \lim_{\Delta s \rightarrow 0} \frac{\Delta \varphi}{\Delta s}$ .



32-расм




33-расм

Бунда  $\varphi$  бурчак қанча катта бўлса, эгри чизиқ шунча кўп эгилган ва, аксинча, қанчалик кичик бўлса, эгри чизиқ шунча кам эгилган бўлади. Эгрилик қиймати эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасида ҳар хил бўлади. Айлананинг ҳамма нуқтасидаги эгрилик бир хилдир, тўғри чизиқда эса эгрилик нолга teng. Ҳар қандай эгри чизиқнинг эгрилиги айлана ёрдамида аниқланади. Бу айлана эгри чизиқдаги чексиз яқин учта 1, 2, 3 нуқталардан ўтади. Унинг радиуси, эгрилик радиуси, маркази эса эгрилик маркази дейилади. Эгрилик радиуси  $R$  ва эгрилик миқдори  $k$  ўзаро тескари пропорционалдир:  $k=1/R$ , яъни эгрилик радиуси  $R$  қанча катта бўлса,  $k$  эгрилик шунча кичик ва, аксинча, эгрилик радиуси қанча кичик бўлса  $k$  эгрилик шунча катта бўлади (33-расм). Масалан, тўғри чизиқда эгрилик радиуси чексиз катта бўлганлиги туфайли эгрилик нолга teng.

### 7.2.1. Эволюта ва эволвента

Бирор  $\ell$  эгри чизиқнинг ҳамма нуқталари учун эгрилик марказлари ясалса, уларнинг тўплами  $\ell_1$  эгри чизиқни ҳосил қиласди. Бу  $\ell_1$  эгри чизиқ берилган  $\ell$  эгри чизиқнинг эволютаси деб аталади (34-расм).  $\ell$  эгри чизиқ  $\ell_1$  эволютага нисбатан эволвента дейилади).

Эволютанинг уринмалари  $\ell$  эволвентанинг нормаллариидир. Эволюта уринмаларида чексиз кўп эволвенталар жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун эгри чизиқнинг эволютаси ўз эволвентасини аниқлай олмайди, лекин унинг эволвентаси ўз эволвентасини аниқлай олади.<sup>45</sup>



34-расм

### 7.3. Текис эгри чизиқ нуқталарининг классификасияси

Текис эгри чизиқлар монотон ва улама чизиқларга бўлинади. Монотон эгри чизиқнинг қатор нуқталарида эгрилик радиуси узлуксиз ўсиб ёки камайиб боради. Монотон эгри чизиқ ёйларидан ташкил топган чизиқ улама чизиқ дейилади. Бу ёйларнинг уланиш нуқталари улама чизиқнинг учлари, уланувчи ёйларнинг ўзи эса улама чизиқнинг томонлари деб аталади. Ёйларнинг уланиш характеристига қараб, улама чизиқнинг учлари оддий ва маҳсус нуқталар бўлиши мумкин. Эгри чизиқнинг оддий нуқтасида ярим уринмалар қарама-қарши йўналишда бўлиб, битта тўғри чизиқ устида ётади


<sup>45</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 130 бет

ва эгрилик марказлари устма-уст тушади. Эгри чизикларнинг махсус нуқталари қўйидагилардан иборат:


Кўш нуқта. Ярим уринмалар қарама-қарши йўналишга эга, нормаллар устма-уст тушади, эгрилик марказлари эса ҳар хил жойлашади (35-расм).

Егилиб ўтиш нуқтаси. Ярим уринмалар ҳам, нормаллар ҳам қарама-қарши йўналишда бўлади (36-расм).


Биринчи турдаги қайтиш нуқтаси. Ярим уринмалар устма-уст тушади ва бир хил йўналишда бўлади, нормаллар қарама-қарши йўналишда бўлиб, бир чизик устида ётади (37-расм).



35-расм



36-расм




37-расм


Иккинчи турдаги қайтиш нуқтаси. Ярим уринмалар ва нормаллар жуфт-жуфт бўлиб бир хил йўналишга эга бўлади (38-расм);

Синиш нуқтаси. Ярим уринмалар ва нормаллар ҳар хил йўналишда бўлади (37-расм);

Тугун нуқта. Тугун нуқтада эгри чизик ўзини-ўзи бир ва бир неча марта кесиб ўтади (39-расм).<sup>46</sup>



38-расм



39-расм

<sup>46</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 130 бет

## 8-МАВЗУ. СИРТЛАРНИНГ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА УЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ. АЙЛАНИШ СИРТАЛРИ.


Режа:

- 8.1. Умумий маълумотлар**
- 8.2. Сиртларнинг берилиш усуллари**
- 8.3. Айланиш сиртлари**
- 8.4. Иккинчи тартибли айланиш сиртлари**


### 8.1. Умумий маълумотлар

Бирор чизиқнинг фазодаги узлуксиз ҳаракати натижасида сиртлар ҳосил бўлади. Сиртларнинг ҳосил қилишнинг турли усуллари маълум.


Фазода  $m$  эгри чизиқ ва уни  $A$  нуқтада кесиб ўтувчи  $n$  эгри чизиқ берилган (40-расм). Агар  $n$  эгри чизиқни  $m$  эгри чизиқ буйлаб узлуксиз ҳаракатлантирилса, унинг қатор вазиятларининг тўпламидан иборат бирор  $\Phi$  сиртни ҳосил бўлади. Бунда  $\Phi$  сиртдаги  $m$  эгри чизиқ сиртнинг йўналтирувчиси,  $n$  эгри чизиқ унинг ясовчиси деб аталади. Аксинча,  $n$  эгри чизиқни йўналтирувчи,  $m$  эгри чизиқни ясовчи сифатида қабул қилиш ҳам мумкин. Бунда  $m$  эгри чизиқ  $n$  эгри чизиқ бўйича ҳаракатланган бўлади.



40-расм.



41-расм.



42-расм.

Ясовчиларнинг турига қараб эгри чизиқли ясовчи ҳосил қилган сирт *эгри чизиқли сирт* (40-расм), тўғри чизиқли ясовчи ҳосил қилган сирт *чизиқли сирт* (41-расм) деб аталади.

Ихтиёрий сиртни узлуксиз ҳаракатлантириш натижасида ҳам сирт ҳосил қилиш мумкин. Бунда ҳосил бўлган  $\Phi$  сирт ҳаракатланувчи  $\Phi_1$  ясовчи сиртнинг ҳар бир вазиятида у билан энг камида битта умумий  $n$  чизиқка эга бўлади. Масалан, ўзгармас  $R$  радиусли сфера марказини (42-расм)  $a$  тўғри чизиқ бўйлаб узлуксиз ҳаракатлантирилса,  $\Phi$  доиравий цилиндр сирти ҳосил бўлади.

Сирт ясовчиси ҳаракат давомида ўз шаклини узлуксиз ўзгартириб бориши ёки ўзгартирмаслиги мумкин.


Сиртлар ҳосил бўлиш жараёнига қараб қонуний ва қонунсиз сиртларга бўлинади. Сиртнинг ҳосил бўлиши бирор математик қонунга асосланган бўлса, бундай сирт қонуний *сирт* дейилади. Доиравий цилиндр, конус, сфера иккинчи тартибли ва ҳоказо сиртлар бунга мисол бўла олади.

Сиртнинг ҳосил бўлиши хеч қандай қонунга асосланмаган бўлса, бундай сирт қонунсиз *сирт* деб аталади. Бунга топографик (43-расм) ва эмпирик (тажриба асосида олинган) сиртлар (44-расм) киради.


Қонуний сиртлар ўз навбатда алгебраик ва трансцендент сиртларга бўлинади.

Алгебраик тенгламалар билан ифодаланган сирт *алгебраик*, трансцендент тенгламалар билан ифодаланган сирт *трансцендент* сирт дейилади. Сиртларнинг тартиби ва класси мавжуд.

Чизма геометрияда сиртнинг тартиби уни текислик билан кесганда ҳосил бўлган кесимнинг тартиби билан аниқланади. Бирор тўғри чизиқ орқали ўтиб, сиртга уринган текисликлар сони сиртнинг классини аниқлайди.



**43-расм.**



**44-расм**

Қонуний сиртлар аналитик ёки график усулда берилиши мүмкін. Қонунсиз сиртлар фақат график ва жадвал усулида берилади.<sup>47</sup>

## 8.2. Сиртларнинг берилиш усуллари

Чизма геометрияда сиртлар асосан аналитик, кинематик ва каркас усулларда берилади.<sup>48</sup>

**Сиртларнинг аналитик усулда берилиши.** Аналитик геометрияда сиртни битта хусусиятга эга бўлган нуқталар тўплами сифатида талқин қилинади.

Сиртдаги бирор ихтиёрий  $A$  нуқтанинг  $x, y, z$  координаталари орасидаги боғланиш орқали ундаги ҳамма нуқталарга тегишли хусусиятни ифодаловчи тенглама *сиртнинг тенгламаси* дейилади.

Уч ўлчамли фазода сирт аналитик усулда берилиши мүмкін.

Сирт умумий кўринишдаги ошкормас функция тенгламаси орқали қўйидагича берилади:

$$F(x, y, z)=0. \quad (1)$$

8.6,а-расмдаги сфера сиртида ётган  $A$  нуқтанинг  $x, y, z$  координаталари орасидаги боғланишни аниқлайдиган тенглама сферанинг тенгламасини ифодалайди. Маркази координата бошида жойлашган сферанинг тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$x^2 + y^2 + z^2 - R^2 = 0. \quad (2)$$

Сиртни функциянинг графиги сифатида аниқлайдиган ошкор кўринишда бериш мүмкін

$$z=f(x, y). \quad (3)$$

Сферанинг тенгламасини  $z$  аппликатага нисбатан

$$z=\sqrt{R^2 - x^2 - y^2} \quad (4)$$

<sup>47</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 141 бет

<sup>48</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 142-145 бетлар

күринишда ёзиш мумкин.

Сирт параметрлари орқали берилиши мумкин.

Сиртни  $\mathbf{r} = \mathbf{r}(y, v)$  векторлар орқали ифодалаб, уни қуийдагича ёзиш мумкин:

$$x=x(y, v), y=y(y, v), z=z(y, v) \quad (5)$$

Бу тенгламалардаги  $y$  ва  $v$  параметрлар бўлиб, улар  $(y, v)$  текисликнинг маълум қисмини узлуксиз босиб ўтади.

Сферанинг параметрик тенгламаси  $\varphi$  кенглик ва  $\psi$  узунлик (45-расм) параметрлари орқали қуийдагича ёзилади:


$$x=R \cos \varphi \cos \psi,$$

$$y=R \cos \varphi \sin \psi, \quad (6)$$

$$z=R \sin \varphi$$

Агар (6) тенгламалар  $\varphi$  ва  $\psi$  параметрлардан озод қилинса, сферанинг  $x, y, z$  координаталар орқали ифодаланган (2) тенгламасига эга бўлинади.

Сиртларнинг аналитик усулда берилиши уларнинг чизмаларини компьютерларда чизиш, сиртларнинг дифференциал геометрик хоссаларини текшириш, шу жумладан, уларнинг ёйилмаларини аниқ бажариш каби имкониятларни беради.



45-расм.

**Сиртларнинг кинематик усулда берилиши.** Бирор чизиқнинг фазодаги узлуксиз ҳаракатидан кинематик сирт ҳосил бўлади. Унда сиртнинг ўзи ҳам узлуксиз бўлади. Кинематик ҳаракатнинг оддий асосий турлари: илгариланма, айланма ва бу икки ҳаракатнинг йифиндиси винтсимон ҳаракатдир.

**Таъриф.** Ясовчисининг кинематик ҳаракати натижасида ҳосил бўлган сирт **кинематик сирт** дейилади.

Ҳаракатнинг турига қараб, илгариланма ҳаракат натижасида ҳосил бўлган сирт **текис параллел қўчириши сирти**, айланма ҳаракатдан ҳосил бўлган сирт **айланниши сирти** ва винтсимон ҳаракат натижасида ҳосил бўлган сирт **винт сирти** деб аталади.

Чизма геометрияда, қўпинча, сиртларнинг кинематик усулда ҳосил бўлишидан фойдаланилади. Кинематик сиртларнинг кўиниши унинг ясовчисининг шаклига ва фазодаги ҳаракат қонунига боғлиқ бўлади. Масалан, чизиқли сиртларда ясовчининг шакли тўғри чизик бўйлаб, унинг фазодаги ҳаракат қонунини сиртнинг йўналтирувчisi белгилайди. Айланиш сиртларида ясовчининг шакли ихтиёрий чизик бўлиб, ҳосил бўлиш қонуни унинг маълум ўқ атрофида айланишидир.

Винт сиртларда ясовчининг шакли тўғри ёки эгри чизик бўлиб, ҳосил бўлиш қонуни винтсимон (айланма ва илгариlama) ҳаракатдир.

**Текис параллел  
қўчириш  
сиртлари**

**Таъриф.** Ясовчининг маълум йўналтирувчи бўйича доимо ўз-ўзига параллел равишда ҳаракатланишидан ҳосил бўлган сирт **текис параллел қўчириш сирти** дейилади

46–расмда **n** текис эгри чизиқли ясовчининг **m** эгри чизик буйлаб доимо ўз-ўзига параллел равишда илгариланма ҳаракатланиши натижасида ҳосил бўлган **□** сирти қўрсатилган. Бу сирт текис параллел қўчириш сиртидир. **n**


ясовчининг ҳамма нуқталари ҳаракат давомида **m** йўналтирувчига ўхшаш текис эгри чизиқлар ҳосил қиласди.

Агар **m** эгри чизиқни **n<sub>1</sub>** эгри чизиқ бўйлаб ҳаракатлантирилса, унинг нуқталари ҳам **n<sub>1</sub>** эгри чизигига ўхшаш эгри чизиқлар ҳосил қиласди. Бу чизиқлар нуқталарнинг йўллари дейилиб, сирт устида тўр ҳосил қиласди.


Кинематик сирт ясовчиларининг узлуксиз ҳаракати ва сиртнинг ўзининг узлуксизлигидан қўйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: **кинематик сиртнинг ихтиёрий нуқтасидан шу сиртда ётувчи ва тўр оиласаларга киравчи иккита эгри чизиқ ўтказили мумкин.**

Агар **m** йўналтирувчи тўғри чизиқ бўлса, цилиндр сирти ҳосил бўлади.

Бирор параболани бошқа парабола бўйича текис силжитилса, гиперболик параболоид сирти ҳосил бўлади. Демак, бу сиртлар ҳам текис параллел кўчириш сиртлари турига киради.



46-расм



47-расм


**Сиртларнинг каркас усулида берилиши.** Баъзи бир сиртларини аниқ геометрик қонуниятлар билан бериб бўлмайди. Бундай сиртлар шу сирт устида ётувчи бир нечта нуқталар ёки чизиқлар билан берилади.

Сиртни унинг устидаги бир неча нуқталар ёки чизиқлар билан берилиши унинг *каркас усулида берилиши* деб юритилади. Сирт устида танланган чизиқлар тўплами *сиртнинг каркаслари* дейилади (47-расм).

Сиртларни узлуксиз каркаслар орқали ҳосил қилиш қулайдир. Сиртларнинг каркаслари фазовий эгри чизиқлар тўпламидан иборат бўлиши

мумкин. Аммо сиртларни текис эгри чизиқлар (кесимлар) дан иборат каркаслари билан бериш қулайроқдир. Сиртларнинг каркаслари бир, икки ва уч текис кесимлари тўпламидан иборат бўлиши мумкин (48-расм). Бунда ҳар бир тўплам сиртнинг асосий каркаси бўлиб, қолганлари унга қўшимча каркас сифатида олинади.

Ҳар бир сирт бир параметрли текис эгри чизиқлардан ташкил топган бўлиб, бу эгри чизиқларнинг жойлашиши ва хоссалари сиртни хоссаларини аниқлайди.



**48-расм**


Сирт нуқтали каркас ёки чизиқли каркаслари билан берилиши мумкин. Сирт нуқтали каркас билан берилса бу нуқталар тўплами шундай танланиши керакки, унга асосан сиртнинг ва унинг ҳар бир бўлагининг кўриниши ва шаклини тасаввур қилиш мумкин бўлсин.

### 8.3.Айланиш сиртлари


**Таъриф.** Бирор текис ёки фазовий чизиқнинг қўзғалмас тўғри чизиқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт айланиш сирти деб аталади.

Харакатланувчи чизиқ сиртнинг ясовчиси, қўзғалмас тўғри чизиқ эса унинг айланиши ўқи дейилади. Ясовчи ва айланиш ўқи айланиш сиртнинг аниқловчиларини ташкил қиласи. 49-расмда  $m(m', m'')$  эгри чизиқнинг  $i(i', i'')$  айланиш ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган умумий кўринишдаги айланиш сирти текис чизмада тасвиранган. Ясовчи ва айланиш ўқи маълум бўлса, айланиш сирти тўла берилган ҳисобланади. Сиртнинг берилишини унинг аниқловчилари орқали  $\square(m, i)$  кўринишида ёзиш мумкин.

Текис чизмада айланиш сирти  $\square'(m', i')$  ва  $\square''(m'', i'')$  проекциялари билан ҳамда аниқловчиларнинг исталган икки проекцияси билан берилган. Айланиш жараёнида ясовчининг ҳамма нуқталари айланалар бўйича ҳаракат қилиб, бу айланалар сиртнинг *параллеллари* дейилади. Айланиш ўқидан ўтган барча текисликлар *меридиан текисликлари*, уларнинг айланиш сирти билан кесишиш чизиқлари эса *сиртнинг меридианлари* дейилади. Сиртнинг барча меридианлари конгруент бўладилар. Фронтал меридиан текислиги *бош меридиан чизиги* ёки сиртнинг фронтал *очерки* деб аталади. 49-расмдаги умумий кўринишдаги айланиш сиртнинг айланиш ўқи горизонтал проекциялар текислиги Н га перпендикуляр жойлашганлиги учун сиртдаги параллелларнинг ( $n_1''$ ,  $n_2''$ ,  $n_3''$ , ... ) фронтал проекциялари тўғри чизик кесмаси кўринишида, горизонтал проекциялари эса ҳақиқий катталиқда, яъни айлана кўринишида тасвирланади. Текис чизмада  $P(P_H)$  бош ва  $P_1(P_{1H})$  оддий меридиан текисликлари ҳосил қилган меридиан кесимлари кўрсатилган. Бош меридиан  $V$  га параллел бўлганлиги учун унинг фронтал проекцияси ўзининг ҳақиқий катталигига teng бўлади.



49-расм



50-расм

Агар параллелнинг бош меридиан билан кесишиш нуқтасидан бош меридианга ўтказилган уринма айланиш ўқига параллел бўлса, бу параллел экватор ёки буйин чизиги дейилади. Бу параллел икки ен қўшни параллеллардан катта бўлса, экватор, агар улардан кичик бўлса, буйин чизиги дейилади. Демак, бирор айланиш сиртида бир неча экватор ва буйин чизиқлари бўлиши мумкин. 49-расмдаги айланиш сиртда параллеллардан  $n_2(n'_2, n''_2)$  буйин,  $n_3(n'_3, n''_3)$  эса экватор чизиги ҳисобланади.

Бошқа сиртлар сингари айланиш сирти ҳам чексиз кўп нуқталар тўпламидан иборатdir. Бу нуқталарни тўла тўқис чизмада тасвиirlаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам **H** ва **V** га перпендикуляр қилиб айланиш сиртига уринма цилиндрлар ўтказилади. уринма цилиндрларнинг **H** билан кесишиш чизиги сиртнинг **горизонтал очерки**, **V** билан кесишиш чизиги эса унинг **фронтал очерки** дейилади. Айланиш сиртлари, кўпинча, ўзининг горизонтал ва фронтал очерклари билан тасвиirlанади. 49-расмдаги айланиш сиртнинг фронтал очерки бош меридиан **m''** ва **n'\_1, n''\_1** параллеллари билан, горизонтал очерки **n'\_2** ва **n''\_3** параллеллари билан тасвиirlанган.

Горизонтал ва фронтал очерклар сирт проекцияларининг кўринадиган ва кўринмайдиган қисмларини аниқлашга ҳам ёрдам беради.

Параллеллар ёрдамида сирт устида нуқталарнинг проекциялари топилади. Масалан, айланиш сиртига тегишли **A<sub>1</sub>** ва **A<sub>2</sub>** нуқталарнинг фронтал проекциялари **A<sub>1''</sub>** ва **A<sub>2''</sub>** ларнинг 49-расм горизонтал проекциялари **A<sub>1'</sub>** ва **A<sub>2'</sub>** **H<sub>A</sub>** параллелнинг горизонтал проекцияси **n'<sub>A</sub>** да аниқланган.

Екваторда ётувчи **B** нуқтанинг горизонтал **B'** проекцияси берилган. Унинг **B''** фронтал проекцияси экваторнинг **n''\_3** фронтал проекциясида бўлади.

Айланиш сиртлари машинасозликда ва қурилиш амалиётида кенг кўлланилади. Чунки, кўпчилик механизмлар айланма харакат қиласиди ва айланиш сиртлари эса станокда осонгина ясалади.

Сиртнинг энг катта параллели унинг **экватори** ва энг кичик параллели унинг **буйини** деб аталади.

Лойиҳаланадиган машина механизмларининг вазифаси, унга қуйиладиган техник талаблар ва шаклига қараб, айланиш сиртининг ясовчиси танланади.<sup>49</sup>

#### 8.4.Иккинчи тартибли айланиш сиртлари

**Таъриф.** Иккинчи тартибли эгри чизиқларнинг ўз

ўқларидан бири атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт  
**иккинчи тартибли айланиш сиртлари** дейилади.

Иккинчи тартибли айланиш сиртларидан қуйидагиларни кўриб чиқамиз.

##### Сфера

**Таъриф.** Айлананинг ўз диаметрларидан бири атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт **сфера** деб аталади.

50–расмда тасвирланган сфера устидаги  $A$  нуқтанинг  $A''$  фронтал ва  $B$  нуқтанинг  $B'$  горизонтал проекциялари берилган.  $A$  нуқтанинг  $A'_1$  ва  $A'_2$  горизонтал проекцияларини ясаш учун у орқали  $O_A''1''$  радиусли параллел ўtkaziladi.  $A$  нуқтанинг горизонтал проекциялари ана шу параллелнинг горизонтал проекциясида ётади.  $A$  нуқта сферанинг олдинги ёки орка ярмида жойлашган бўлиши мумкин. Шунинг учун унинг горизонтал проекциялари  $A'_1$  ва  $A'_2$  нуқталар параллелнинг горизонтал проекциясида топилади.  $B$  нуқта сфера экваторида ётганлиги учун унинг  $B''$  фронтал проекцияси бир қийматли бўлиб, у экваторнинг фронтал проекциясида топилади.

Маркази координаталар бошида бўлган сферанинг каноник тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$x^2 + y^2 + z^2 = P^2, P \neq 0$$

Маркази ихтиёрий  $A$  ( $x_I, y_I, z_I$ ) нуқтада бўлган сфера тенгламаси  $(x - x_I)^2 + (y - y_I)^2 + (z - z_I)^2 = R^2$  бўлади.


<sup>49</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 145-154 бетлар

**Айланма  
эллипсоид  
сирт**


**Таъриф.** Эллипснинг ўз ўқларидан бири атрофида айланishiдан ҳосил бўлган сирт **айланма эллипсоид** дейилади.

Бунда  **$M(M', M'')$**  – эллипс ва  **$i(i', i'')$**  айланиш ўқи і эллипс ўқи билан устмас тушади ва сирт  **$\square(i, M)$**  кўринишида ёзилади.

Еллипснинг кичик ўқи атрофида айланishiдан *сиқиқ айланма эллипсоид* (51-расм), катта ўқи атрофида айланishiдан *чўзиқ айланма эллипсоид* ҳосил бўлади (52-расм). 51- ва 52-расмларда эллипсоидлар устида берилган **A** ва **B** нуқталарнинг битта проекцияси бўйича уларнинг етишмайдиган проекцияларини ясаш кўрсатилган. Нуқталарнинг етишмайдиган проекциялари параллел, меридиан ва проекцион боғланиш чизиклари ёрдамида аниқланган.



**51-расм.**



**52-расм.**

Маркази координаталар бошида бўлган ва катта ўқи айланиш ўқи бўлган эллипснинг айланишидан ҳосил бўлган айланиш эллипсоидининг каноник тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади:  $\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} + \frac{z^2}{c^2} = 1$ . Бунда  $c \neq a$  бўлади.

Ер шарининг шакли сиқилган эллипсоид – геоидни эслатади.

### Айланма параболоид сирт

**Таъриф.** Параболанинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт **айланма параболоид** дейилади.

53–расмда **m(m', m")** параболани **i(i', i")** ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган **D(i', m)** айланма параболоиднинг проекциялари берилган ва унинг устида нуқта танлаш кўрсатилган.

Учи координаталар бошида бўлган ва ўқи **Oz** бўлган айланма параболоиднинг каноник тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$x^2 + y^2 = -2nz, \text{ бунда } n \neq 0.$$


Айланма параболоид параболик ойналар сирти хисобланиб, прожекторлар, параболик антенналар ва автомобил фаралари учун ишлатилади. Бунда параболанинг фокал хоссасига асосан парабола фокусида ўрнатилган нур манбаидан чиқувчи нурлар парабола сиртида синиб, ўзаро параллел бўлиб қайтади (53,б-расм). Параболанинг ушбу хоссасига нур йиғиши сиртлари, товуш ушлагичлар, радиолокаторларни конструкциялаш ҳам асосланган.

### Айланма гиперболоид сирт


**Таъриф.** Гиперболанинг ўз мавхум ёки ҳақиқий ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт **айланма гиперболоид** дейилади.

Гиперболанинг мавхум ўқи атрофида айланишидан **бир паллали айланма гиперболоид** ҳосил бўлади. 54–расмда **i(i', i")** ўқи атрофида **m(m', m")**

гиперболанинг айланнишидан ҳосил бўлган бир паллали  $\square(i, m)$  гиперболоид ва унинг устида нуқта танлаш кўрсатилган.




a)




б)

53-расм



54-расм



55-расм

Маркази координаталар бошида бўлган бир паллали айланма гиперболоиднинг каноник тенгламаси қуидаги кўринишда бўлади:

$$\frac{x^2 + y^2}{a^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1. \text{ Бунда } \textcolor{red}{c} \neq \textcolor{red}{a} \text{ бўлади.}$$

Гиперболанинг ўз ҳақиқий ўқи атрофида айланишидан **икки паллали айланма гиперболоид** ҳосил бўлади. Бу сирт қабариқ туби билан бир-бираига қаратилган қозонларни эслатади. Бундай сирт 55-расмда тасвирланган. □ (**i, m**) икки паллали гиперболоид устида **A** нуқтанинг проексиялари кўрсатилган. Икки паллали айланма гиперболоиднинг тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\frac{x^2 + y^2}{a^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1. \text{ Бунда } c \neq a \text{ бўлади.}$$

### **Тўғри чизиқнинг айланишидан ҳосил бўлган иккинчи тартибли айланиш сиртлари**

Тўғри чизиқни бирор тўғри чизик атрофида айланишидан ҳам 2-тартибли айланиш сирти ҳосил бўлиши мумкин.

1. Айланиш ўқи **i(i', i'')** атрофида у билан айқаш **a(a', a'')** тўғри чизиқнинг айланishi натижасида бир паллали айланма гиперболоид сирти □ (**i, a**) ҳосил бўлади (56-расм).
2. Ясовчи **a** тўғри чизик айланиш ўқи **i** билан кесиша, иккинчи тартибли айланма конус сирти □ (**i, a**) ҳосил бўлади (57-расм).



Учи координата бошида бўлган айланма конус сиртининг каноник тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\frac{x^2 + y^2}{a^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0.$$



3. **a(a', a'')** ясовчи тўғри чизик **l(l', l'')** ўққа параллел бўлса, иккинчи тартибли айланма цилиндр сирти □(**i, a**) ҳосил бўлади (58-расм).

Бу цилиндрнинг тенгламаси  $x^2 + y^2 = P^2$  бўлади. **P** миқдор **a** ва **i** тўғри чизиқлар орасидаги масофадир.



Бир паллали гиперболоид, конус, цилиндр сиртлари ҳам айланиш, ҳам чизиқли сиртлар турига киради.



56-расм



57-расм



58-расм

## Тор сирти

**Таъриф.** Бирор айлананинг шу айлана текислигида ётувчи, аммо айлана марказидан ўтмайдиган, ихтиёрий  $i$  ўқ атрофида айланишидан ҳосил бўлган сирт **тор сирти** дейилади.

Ясовчи  $M$  айлана радиуси  $r$  ва айлана марказидан  $i$  ўққача бўлган  $R$  масофаларнинг ўзаро нисбатига кўра тор сиртлари турлича бўлади.

- $r < R$  бўлганда ясовчи  $M(M', M'')$  айлана айланиш ўқи  $i(i', i'')$  ни кесмайди ва ҳосил бўлган тор очиқ тор ёки ҳалқа дейилади (59,а-расм).
- $r = R$  бўлганда ясовчи  $M(M', M'')$  айлана айланиш ўқи  $i(i', i'')$  га уринади. Бундай тор ёпиқ тор деб аталади (59,б-расм).
- $r > R$  бўлганда ясовчи  $M(M', M'')$  айлана айланиш ўқи  $i(i', i'')$  ни кесади. Бу ҳолда ҳосил бўлган тор ҳам ёпиқ тор дейилади (59,в-расм).

Тор сиртнинг аниқловчилари  $I$  айланиш ўқи ва  $m$  ясовчи айлана бўлади ва  ( $i, a$ ) тарзида ёзилади.

Ихтиёрий текислик торни 4-тартибли эгри чизик бўйича кесади, шунинг учун тор 4-тартибли сиртдир.

Маркази координаталар бошида ва  $r = R$  бўлган тор сиртнинг тенгламаси куйидаги кўринишда ёзилади:


$$(z^2 + x^2 + y^2)^2 - 4P^2(x^2 + y^2) = 0.$$

## Иккинчи тартибли умумий сиртлар

Иккинчи тартибли умумий сиртларнинг каноник тенгламаси қўйидаги кўринишда ёзилади.

$$Ax^2 + By^2 + Cz^2 + Dxy + xyz + Fxz + Gx + Hy + Iz + k = 0.$$

Агар бу тенгламанинг ҳар иккала томонини ўнта коэффициентлардан бирортасига, масалан,  $k$  коэффициентига бўлинса,  $\frac{A}{k}, \frac{B}{k}, \frac{C}{k}, \dots$  каби 9 та нисбат ҳосил бўлади. Буларнинг ҳар бири иккинчи тартибли сиртнинг параметрлари бўла олади. Демак, иккинчи тартибли сирт 9 та нуқта орқали берилиши мумкин.



**59-расм**

Иккинчи тартибли умумий сиртларнинг график тарзида берилиши ва уларни аниқловчи геометрик параметрлар 1-жадвалда келтирилган. Иккинчи тартибли умумий сиртлардан уч ўқли эллипсоид, бир паллали ва икки паллали гиперболоидлар марказий сиртларга киради. Қолган барча сиртлар марказиздирлар. Марказий сиртлар учта симметрия текислигига эга. Уларнинг симметрия текисликлари  $y=0$  ( $xOz$ ),  $x=0$  (ёз) ва  $z=0$  ( $xOy$ ) координата текисликлари бўлади. Марказий сиртларнинг бу текисликлар билан кесишувидан ҳосил бўлган кесим уларнинг **боши кесимлари** деб

юритилади. Симметрия текислигига параллел бўлган текисликлардаги кесимларни сиртлар тенгламасидан фойдаланиб ва кесимларнинг ўхшашлигига асосан осонгина ясаш мумкин.


Иккинчи тартибли умумий сиртларни ўқига перпендикуляр текисликлар билан кессанда кесимда иккинчи тартибли эгри чизиқлар (кўпгина холларда эллипслар) ҳосил бўлади (1-жадвал).

Иккинчи тартибли умумий сиртларнинг тенгламаларда  $a=b$  бўлса, иккинчи тартибли айланиш сиртлари ҳосил қилинади. Жадвалда келтирилган 1,2,4,5,6,9 сиртларнинг доиравий кесимлари мавжуддир.

Иккинчи тартибли умумий сиртлар муҳандислик амалиётида кенг кўлланилади. Шунинг учун бу сиртларнинг чизма геометрияда график жиҳатдан қулай тасвирланиши ўрганилади.

Иккинчи тартибли умумий сиртларнинг кесимлари ва геометрик хоссалари бошқа мураккаб сиртларга нисбатан кўпроқ ўрганилган. Чунки бу сиртларнинг ҳосил бўлиши маълум математик қонунга асослангандир. Шунинг учун иккинчи тартибли умумий сиртлар ёки уларнинг айрим бўлаклари машинасозликда, самолётсозликда, қурилиш амалиётида, медисина асбоблари ясашда ва бошқа соҳаларда кенг фойдаланилади.<sup>50</sup>

1-жадвал

№	Номи	Монж чизмасидаги тасвири	Аналитик берилиши
1.	Уч ўқли эллипсоид		$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1$ $a > c > b \quad c > a > b$ $a > b > c \quad b > a > c$ $c > b > a \quad b > c > a$

<sup>50</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 154-157 бетлар

		$\frac{x^2}{p} + \frac{y^2}{p} = 2Z$
2.	Эллиптик параболоид	<p style="text-align: center;"><math>\Pi &gt; K</math></p> <p style="text-align: center;"><math>\ddot{\text{e}}\text{ki}</math></p> <p style="text-align: center;"><math>\Pi &lt; K</math></p>
3.	Гиперболик параболоид	<p style="text-align: center;"><math>\Pi &gt; K</math></p> <p style="text-align: center;"><math>\ddot{\text{e}}\text{ki}</math></p> <p style="text-align: center;"><math>\Pi &lt; K</math></p>
4.	Икки паллали гиперболоид	<p style="text-align: center;"><math>\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = -1</math></p> <p style="text-align: center;"><math>0 &lt; c &lt; \infty</math></p> <p style="text-align: center;"><math>a &gt; b</math></p>

5.	Бир паллали гиперболоид		$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 1$ $0 < c < \infty$ $a > b$
6.	Эллиптик конус		$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0$ $0 < c < \infty$ $a > b$

№	Номи	Монж чизмасидаги тасвири	Аналитик берилиши
7.	Гиперболик конус		$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} - \frac{z^2}{c^2} = 0$ <p style="color:red"><math>a &gt; b</math></p> $0 < c < \infty$
8.	Параболик конус		$x^2 - 2py = z^2$ $n \neq 0$
9.	Эллиптик цилиндр		$\frac{x^2}{a^2} + \frac{y^2}{b^2} = 1$ $z = x$ $a > b$

10.	Парabolik цилиндр		$y^2 = 2px$ $z = x$ $n \neq 0$
11.	Гиперболик цилиндр		$\frac{x^2}{a^2} - \frac{y^2}{b^2} = 1$ $z = x$ $a > b$

## 9-МАВЗУ: ЧИЗИҚЛИ СИРТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲОСИЛ БҮЛЛИШИ

**Режа:**

9.1.Чизиқли сиртлар


9.2. Сиртнинг тўғри чизиқ билан кесишуви.

### **9.1.Чизиқли сиртлар**

Сирт текислик билан текислик эгри чизиқ бўйича кесишади. Уни ясаш учун текислик билан сирт ясовчилари ёки ясовчи нуқталарнинг йўллари билан кесишув нуқталари топилиб улар тартиб билан туташтирилади.

60-шаклда доиравий конус билан умумий вазаятдаги Р текислик кесишув чизигини ясаш кўрсатилган. Р текислик конус ўқига оғма ҳолатда, унинг ҳамма ясовчиларини кесиб ўтаётгани учун у билан эллипс эгри чизиги

бўйича кесишиди. Лекин эллипс горизонтал текисликка оғма ҳолатда бўлганлиги ва ярми конус сиртини олдинги, ярми эса орқа қисмида жойлашганлиги учун кўринарли ва қўринмас қисмларини ажратиб турган чегара нуқталари, ва энг юқори ҳамда энг қўйи нуқталарини аниқлаш зарур бўлади. Бу нуқталар таянч нуқталар дейилиб, эллипснинг ҳолатини аниқ ясашда нишон нуқталари бўлади, шунинг учун ҳам улар биринчи навбатда аниқланади. Сўнгра оралиқ нуқталари топилади.



60-шакл

Чегара нуқталарини топиш учун бош меридионал текислик Т ни ўтказамиз, у конусни С1, С2 ясовчилари, яни бош меридиан бўйича, Р текисликни эса 3 фронтал бўйича кесади. Улар ўз навбатида кесишиб А ва В нуқталарни аниқлайди. Энг юқори ва қўйи нуқталар кесувчи текисликнинг энг катта оғиш чизигида ётади. Шунинг учун конуснинг ўқи орқали Р га перпендикуляр қилиб Н текисликни ўтказамиз. Н текислик конус сиртини С4 ва С5 ясовчилари бўйича, Р текисликни эса 50° тўғри чизиги бўйича кесади. С4, С5 ясовчилар 50° билан кесишиб энг қўйи нуқта С≡5 ва энг юқори D нуқтанинг ҳолатини аниқлайди. Оралиқ нуқталар ёрдамчи горизонтал текисликлар Н<sub>1</sub>, Н<sub>2</sub> ... ларни ўтказиш орқали аниқланган. Бу ёрдамчи текисликлар конус сиртини айланалар, Р текисликни горизонталлар бўйича


кесади, улар ўз навбатида ўзаро кесишиб оралиқ нүқталарини ҳосил қиласа. Сўнгра нүқталар тартиб билан бирлаштирилади. Кесим юзасини ҳақиқий катталиги  $P$  текисликнинг  $P_H$  изи атрофида айлантириб  $H$  билан устма-уст кўйиш орқали ясалган.<sup>51</sup>

**9.2. Сиртнинг тўғри чизик билан кесишуви.** Бу қўйидаги босқичларда бажарилади:


- тўғри чизик орқали ёрдамчи кесувчи текислик ўтказилади;
- бу текислик билан берилган сиртнинг кесишув чизиги ясалади;
- бу кесишув чизиги билан берилган тўғри чизиқни кесишув нүқталари аниқланади.

Бу нүқталарнинг бири кириш, иккинчиси чиқиш нүқтаси деб аталади.


61-шаклда оғма силиндр билан  $\ell$  тўғри чизигини учрашув нүқталарини топиш кўрсатилган. Бунинг учун  $\ell$  орқали  $H$  текислигини ўтказамиз, у силиндрни  $\partial$  эгри чизиги бўйича кесади.  $\partial$  эгри чизик билан  $\ell$  тўғри чизик  $A$  ва  $B$  нүқталарда кесишиб, изланган нүқталарнинг ҳолатини аниқлайди.



61-шакл



62-шакл



63-шакл

Масала ечилиш жараёнини содда ёки мураккаб бўлиши тўғри чизик орқали ўтказиладиган ёрдамчи текисликнинг ҳолатини танлашга боғлик бўлади. Масалан, 61-шаклда тўғри чизик орқали ўтказилган текисликнинг

<sup>51</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 157-159 бетлар

холатини бошқача танлайлик (62-шакл). АВ түғри чизик орқали цилиндр ясовчиларига параллел қилиб текислик ўтказамиз ва унинг цилиндр асосида ётган Н билан кесишув чизиги 1-2 ни аниқлаймиз. У цилиндр асосини 3, 4 нуқталарда, яъни цилиндр сиртини **3, 4** нуқталардан ўтувчи ясовчилар орқали кесади, улар ўз навбатида **AB** ни **C** ва D нуқталарда кесиб, унинг цилиндр сиртига кириш ва чиқиш нуқталарини аниқлайди.

63-шаклда **AB** түғри чизигини конус сирти билан кесишув чизигини ясаш кўрсатилган. **AB** ва **C** орқали ёрдамчи кесувчи текислик ўтказилган, натижада у конусни **C1, C2** ясовчилари бўйича кесган.

Тўғри чизик улар билан кесишиб **C** ва **D**, яъни сирт билан учрашув нуқталарининг холатини аниқлайди.<sup>52</sup>

Саволлар:

1. Сиртнинг текислик билан кесишув чизиги қандай ясалади?
2. Сиртнинг тўғри чизик билан учрашув нуқталари қандай ясалади?
3. Тўғри чизик орқали ёрқамчи текисликлар ўтказилганда унинг холати қандай танланади?

## **10-МАВЗУ. СИРТЛАРНИНГ ЎЗАРО КЕСИШИШИ.**

**Режа:**

10.1. Ўқлари умумий нуқтага эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишуви. Ёрдамчи сфералар усули.

10.2. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш. Кесувчи текисликлар дастаси усули.

10.3. Ўқлари бир текислика ётмайдиган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши. Параллел кесувчи текисликлар усули.

### **10.1. Ўқлари умумий нуқтага эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишуви. Ёрдамчи сфералар усули**

Маълумки, маркази бирор айланиш сиртининг ўқида бўлган сфера бу сиртни чекли сондаги айланалар бўйича кесади. Бу айланалар проекциялар текисликларининг бирига тўғри чизик кесмаси шаклида, иккинчисига айланади.

<sup>52</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 180 бетлар

ёки эллипс кўринишида проекцияланади. Айланиш сиртлари билан сферанинг ўзаро кесишиш чизиги ҳақидаги бу муҳим хулоса иккита айланиш сиртининг ўзаро кесишиш чизиқларини ясашга имкон беради.

Ёрдамчи кесувчи сфералар тўплами концентрик ёки эксцентрик кўринишларда бўлади. Кесишувчи сиртларнинг характеристига қараб, ёрдамчи кесувчи сфераларнинг бирор усули ишлатилади.<sup>53</sup>


**10.1.1. Концентрик сфералар усули.** Икки айланиш сиртининг ўқлари умумий нуқтага эга бўлса, бу ўқлар битта текисликни ташкил қиласди. Бу текислик ҳар иккала сирт учун симметрия текислиги бўлади.

Ёрдамчи кесувчи концентрик сфералар усулини қуйидаги шартлар қаноатлантирган ҳоллардагина қўллаш мумкин:

- ўзаро кесишувчи сиртлар айланиш сиртлари бўлиши шарт;
- айланиш сиртларининг ўқлари ўзаро кесишган бўлиши керак;
- айланиш сиртларининг ўқлари (ёки симметрия текислиги) проекциялар текисликларининг бирига параллел бўлиши ёки сирт ўқларининг бири проекциялар текисликларининг бирига параллел, иккинчи ўқ эса иккинчи проекциялар текислигига перпендикуляр бўлиши керак.

---

<sup>53</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 220 бет



#### 64-расм.

Ёрдамчи кесувчи концентрик сфераларнинг маркази сиртларнинг ўқлари кесишигандыкка нүктасида бўлади. 64-расмда ўқлари умумий  $O(O', O'')$  нүктада кесишувчи ва симметрия текислиги  $V$  га параллел бўлган  $\Phi(\Phi', \Phi'')$  айланма конус ва  $\Gamma(\Gamma', \Gamma'')$  цилиндр сиртлари берилган. Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш учун  $O''$  нүктани марказ қилиб,  $R$  радиусли  $\Omega(\Omega'')$  сфера чизилади.  $\Omega$  сфера  $\Phi$  сирт билан умумий ўққа эга бўлгани учун улар  $l_1(l_1', l_1'')$  ва  $l_2(l_2', l_2'')$  айланалар бўйича кесишади. Шаклда бу айланаларнинг  $V$  текисликдаги проекциялари  $A_1'' A_2''$  ва  $B_1'' B_2''$  кесмалар тарзида тасвирланган. Шунингдек, бу сфера  $\Phi$  сирт билан умумий ўққа эга бўлгани учун  $C_1' C_2''$  ва  $D_1'' D_2''$  кесмалар кўринишидаги айланалар бўйича кесишади. Бу айланаларнинг ўзаро кесишиш  $7'', 8'', 9''$  ва  $10''$  нүкталари ҳар иккала  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртлар учун умумий бўлган нүкталарнинг фронтал проекциялари бўлади. Худди шунингдек,  $O''$  нүктани марказ қилиб, концентрик сфералар чизилади, улар ёрдамида  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртлар учун умумий бўлган нүкталарини ясаш мумкин. Бу нүкталарнинг геометрик ўрни бўлган  $m''$  ва  $n''$  эгри чизиқлар  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртларнинг кесишиш чизик бўлади.  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртларнинг фронтал очеркларининг  $1'', 2'', 3'', 4''$  кесишиш нүкталари бу сиртлар кесишиш

чизигининг характерли нуқталаридан ҳисобланади.  $O''$  нуқтадан энг узоқда жойлашган  $4''$  характерли нуқтадан ўтувчи сферанинг радиуси  $R_{max}$  бўлади. Кесишиш чизигининг характерли нуқталаридан яна бир жуфтини  $\Phi$  ва  $\Gamma$  сиртларининг бирортасига  $R_{min}$  радиусли уринма сфера ўтказиш билан аниқланади. Энг кичик сферанинг  $R_{min}$  радиуси қуйидагича аниқланади (64-расм):  $O''$  нуқтадан берилган сиртларнинг бирини чекка ясовчисига  $O''E''$  ва  $O''F''$  перпендикулярлар ўтказилади. Бунда  $O''E'' > O''F''$  бўлса  $R_{min} = O''E''$  бўлади. Агар  $O''E'' < O''F''$  бўлса,  $R_{min} = O''F''$  бўлади,  $O''E'' = O''F'' = R_{min}$  бўлган ҳолда энг кичик сфера иккала сиртга уриниб, кесишиш чизиги иккита текис эгри чизиқка ажralади. Шундай қилиб, уринма сферани шундай ўтказиш керакки, у сиртларнинг бирига уринсин ва иккинчисини кесиб ўтсин. 64-расмда  $\Phi$  сиртга уринма бўлган  $R_{min}$  радиусли сфера ўтказиш билан ясалган эгри чизиқнинг 5, 6 характерли нуқталари аниқланган. Бу нуқталарда эгрилик бурилади ёки йўналишини ўзgartиради. Кесишиш чизигининг бошқа нуқталари  $R_{max}$  ва  $R_{min}$  радиусли сфералар орасида ихтиёрий сфералар ўтказиш билан аниқланади. Конус ва цилиндрларнинг ўзаро кесишиш чизиги  $m(m'')$  ва  $n$  ларга тегишли нуқталарнинг горизонтал проекциялари конус ўқига перпендикуляр бўлган параллел кесувчи горизонтал текисликлар орқали аниқланади. Шундай қилиб, концентрик сфералар усули билан икки айланиш сиртининг кесишиш чизиқларини ясаш қуйидаги схема бўйича бажарилади:

- икки айланиш сирти ўқларининг кесишиш нуқтаси концентрик сфералар маркази сифатида қабул қилинади;
- сиртларнинг фронтал (ёки горизонтал) очеркларининг кесишиш нуқталари характерли нуқталар сифатида белгиланади ва  $R_{max}$  радиусли сфера аниқланади;
- енг кичик  $R_{min}$  радиусли сфера чизилади. Натижада яна бир жуфт характерли нуқталар аниқланади;

- $R_{\max}$  ва  $R_{\min}$  лар орасида сфералар ўтказилиб, оралиқ нүқталар топилади.<sup>54</sup>


**10.1.2. Эксцентрик сфералар усули.** Марказлари бирор айланма сирт ўқини турли нүқталарида жойлашган сфералар эксцентрик сфералар деб юритилади. 65-расмда конус ўқи ва сфера маркази  $O$  ( $O'$ ,  $O''$ ) битта фронтал симметрия текислигига жойлашган.

Бу икки сиртнинг кесишиш чизигини ясаш учун аввало уларнинг фронтал очеркларнинг кесишишдаги характерли нүқталари  $1''$  ва  $2''$  белгиланади. Маълумки, ҳар қандай икки сфера айлана бўйича кесишади. Маркази конус ўқида бўлган сфера ҳам конус билан айлана бўйича кесишади. Шунинг учун конус ўқининг бирор нүқтасини марказ қилиб олиб, ихтиёрий радиус билан ёрдамчи сфералар ясаш йўли билан бу икки сиртнинг кесишиш чизиги ясалади. Конус ўқидаги  $O_1''$  нүқтани марказ қилиб олиб,  $R_1$  радиусли сфера ёрдамида кесишиш чизигининг  $3(3', 3'') \equiv 4(4', 4'')$  нүқталари ясалган. Шунингдек, конус ўқидаги  $O_2''$  нүқтани марказ қилиб олиб,  $R_2$  радиусли сфера ёрдамида  $5(5', 5'') \equiv 6(6', 6'')$  нүқталарнинг вазияти аниқланган. Худди шу тарзда конус ўқидаги ихтиёрий нүқталарни марказ қилиб олиб, ихтиёрий радиуслар билан сфералар чизиш ёрдамида иккала сиртнинг кесишиш чизиги  $m(m'')$  ясалган.  $m$  нинг горизонтал  $m'$  проекцияси конус ўқига перпендикуляр бўлган параллел кесувчи горизонтал текисликлар орқали аниқланади.


Айланма кесик конус ва тор сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш фронтал проекция текислигига кўрсатилган (66-расм). Конуснинг ўқи  $i''$  ва тор ясовчиларининг марказлари ётувчи  $n''$  чизиқ битта фронтал текисликда жойлашган. Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясаш учун торнинг фронтал проекция текислигидаги  $i_1''$  ўқи орқали  $Hiv$  фронтал проекцияловчи текисликнинг изи ўтказилади. Бу текислик торни  $n''$  марказлар чизигини ихтиёрий  $A_1''$  нүқтада кесади. Бунда  $H_{1V}$  текислик торни  $l_1''$  айлана бўйича кесади.  $l_1''$  айлананинг маркази  $A_1''$  нүқтадан айлана текислигига перпендикуляр чиқарилади. Унинг айланма конус ўқи  $i''$  билан кесишиш

<sup>54</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 223-228 бетлар

нуқтаси  $O_1''$  белгиланади.  $O_1''$  нуқтани марказ қилиб олиб, торнинг  $l_1''$  айланасидан ўтувчи  $R_1$  радиусли сфера чизилади. Бу ёрдамчи сфера конус билан  $l_2''$  ва  $l_3''$  айланалар бўйича ва тор сирти билан  $l_1''$  ва  $l_4''$  айланалар бўйича кесишиди.  $l_1''$  ва  $l_2''$  айланаларнинг кесишиш нуқталари  $3''=4''$  ҳамда  $l_3''$  ва  $l_4''$  айланаларнинг кесишиш нуқталари  $5''=6''$  изланаётган эгри чизиқнинг нуқталари бўлади. Чунки  $3''=4''$  ва  $5''=6''$  нуқталар конус ва тор сиртлари учун умумий нуқталардир.



65-расм.




66-расм

**A**йланма конус ва тор сиртлар кесишиш чизигининг характерли  $A''$ ,  $B''$  ва  $C''$  нуқталари бу сиртларни фронтал очеркларининг кесишиш нуқталари ёрдамида аниқланган. **Сиртлар ўқларининг кесишиш нуқтаси**  $O_2''$  орқали тор сиртга уринма қилиб ўтказилган  $\square''$  сфера сирти орқали  $A''$  ва  $7''$  характерли нуқталар аниқланган. Бу нуқталар эгриликнинг бурилиш нуқталари бўлади.

## 10.2. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш. Кесувчи текисликлар дастаси усули


**10.2.1. Чизиқли сиртларнинг ўзаро вазиятини уларнинг кесишиш чизиқларини ясамасдан аниқлаш.** Ҳар бир чизиқли сиртнинг ясовчилари

орқали ўтган текисликлар дастаси сиртнинг асос текислигига излар дастаси тўпламини ҳосил қиласди. Бу излар дастаси сирт асосига уринувчи излари орасида бўлади.



### 67-расм

Асослари бир текислиқда ётган сиртларнинг ўзаро вазиятини шу сиртларнинг ясовчилари орқали ўтган, умумий ўқли кесувчи текисликлар дастаси излари тўпламининг ўзаро вазияти аниқлайди. Агар излар дастаси ўзаро кесишига, сиртлар ҳам кесишиади. Улар кесишигаса, сиртлар ҳам кесишимайди. 67-расмда асослари  $H$  текислиқда ётган икки конус сиртининг ўзаро вазияти аниқланган.  $C_1$  ва  $C_2$  конус учлари орқали ўтган кесувчи текисликлар  $P_{1H} \dots P_{nH}$  ва  $Q_{1H} \dots Q_{nH}$  излар тўпламини ҳосил қиласди. Бу тўпламлар қисман кесишигани учун конус сиртлари ҳам қисман кесишиб, битта  $m$  фазовий эгри чизиқ ҳосил қиласди.<sup>55</sup>




### 68-расм

<sup>55</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 228-239 бетлар

**10.2.2. Конус билан конуснинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** (68-69-расмлар). Конус учидан ўтган ҳар қандай текислик конусни ясовчилари бўйича кесади. Берилган  $\Phi$  ва  $\Gamma$  конусларни кесиб ўтувчи текисликлар дастасининг  $i$  ўқи кесишувчи конусларнинг  $C_1$  ва  $C_2$  учларидан ўтувчи  $C_1C_2$  тўғри чизик бўлади (68-расм).  $i$  ўқи орқали ўтказилган  $P$  текислик ёрдамида икки сиртга умумий бўлган 1,2,3 ва 4 нуқталарни ясаш кўрсатилган.

69-расмда асослари  $H$  текислика ётган икки конуснинг кесишиш чизигини ясаш текис чизмада кўрсатилган. Бунда аввало кесишиш  $A(A',A'')$ ,  $B(B',B'')$ ,  $C(C',C'')$ ,  $D(D',D'')$  нуқталари ясалади. Кесишиш чизигининг  $A$  ва  $B$ ,  $C$  ва  $D$  нуқталари  $T_H$  ва  $Q_H$  уринма текисликлар ёрдамида аниқлаб, улар  $C_2'1'$  ва  $C_1'4'$  ясовчиларнинг нуқталариидир э', э<sub>1</sub>' ва  $\Phi'$ ,  $\Phi_1'$  нуқталар кесишувчи конус сиртларнинг горизонтал проекциясидаги ихтиёрий ясовчилар устидаги нуқталардир. Бу нуқталар эса кесувчи текисликлар дастасининг  $P_{1H}$ ,  $P_{2H}$ ,  $P_{3H}$ , ... каби излари ёрдамида ҳосил қилинган.




**69-расм**

Кесишиш чизигининг оралиқ нұқталарини ясаш учун ёрдамчи кесувчи текисликларнинг исталған бирини, масалан,  $P_{2H}$  текислик ҳар иккала конусларда  $C_1'5'6'$  ва  $C_1'7'8'$  учбұрчаклар ҳосил қиласы. Бу учбұрчаклар үзаро кесишиб  $9'$ ,  $10'$ ,  $11'$  ва  $12'$  кесишиш нұқталарини ҳосил қиласы. Бу нұқталарнинг фронтал проекциялари мос ясовчиларнинг фронтал проекциялари устида топилады. Худди шу ясаш тартибини бошқа кесувчи текисликлар учун етарлы марта такрорланса, икки конус сиртнинг үзаро кесишиш чизигининг қолган нұқталари ҳам ҳосил бўлади.

Ҳосил бўлган барча кесишиш нұқталари ясовчиларнинг кўринишлiği қоидасига амал қилган ҳолда кетма-кет равон туташтирилади.

**10.2.3. Конус билан цилиндрнинг үзаро кесишиш чизигини ясаш.**  
Конус билан цилиндр сиртлари үзаро кесишганды фазовий, хусусий ҳолларда эса текис эгри чизик ҳосил бўлади.

Асоси бир текислиқда ётuvчи конус ва цилиндр сиртларини кесишиш чизигини ясаш учун конуснинг  $C_2$  учидан цилиндр ясовчилариға параллел қилиб кесувчи текисликлар дастасининг  $i$  ўқи ўтказилади (70-расм).




**70-расм**

Бу дастасининг исталған  $P$  текислиги конусни  $C_2B_1B_2$  учбұрчак ва силиндрни эса  $A_1$ ,  $A_2$  нұқталардан ўтuvчи ясовчилари билан кесади. Буларни үзаро кесишиши натижасида кесишиш чизигининг 1, 2, 3, 4 нұқталари ҳосил бўлади.

**10.2.4. Конус билан призманинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** Конус билан призма сирти ўзаро кесишиб, фазовий синик эгри чизик ҳосил қиласди. Бу кесишиш чизигининг синиш нуқталари призма қирраларининг конус сирти билан кесишиш нуқталаридир. Кесишиш чизигининг текис эгри чизиклари призма қирраларининг конус сирти билан кесишувидан ҳосил бўлади.


Хусусий ҳолда конус билан призманинг кесишиш чизигини текислик билан сиртнинг кесишиш чизигини ясаш алгоритмини бир неча марта қўллаш йўли билан аниқланади. Умумий ҳолда эса, конус билан призманинг кесишиш чизигини ясаш алгоритми конус билан цилиндрнинг кесишиш чизигини ясаш алгоритмининг ўзгинаси бўлиб, фақат характерли нуқталар сонига қўшимча равишда призма қирраларининг конус билан кесишиш нуқталарини ясаш кифоядир.

**10.2.5. Цилиндр билан цилиндрнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш.** Цилиндр билан цилиндр сирти ўзаро кесишиб, фазовий эгри чизик ҳосил қиласди. Бу цилиндрларнинг тўғри чизиқли ясовчилари орқали ўтган кесувчи ёрдамчи текисликлар дастаси ўзаро параллел бўлиб, хосмас ўққа эга бўлади. Бунда ёрдамчи текисликлар дастасининг йўналиши берилган цилиндрлар ясовчиларига параллел бўлган йўналтирувчи текисликни аниқлайди ва бу текислик параллелизм текислиги деб юритилади. 71-расмда икки цилиндр сирти кесишиш чизигининг 1,2,3,4 нуқталарини ясаш кўрсатилган. Бу нуқталар  $Q$  текисликка параллел бўлган ихтиёрий ёрдамчи ва икки цилиндрни кесувчи  $P$  текисликни ўтказиш йўли билан ясалган.



71-расм

72-расмда асослари  $H$  текисликда ўтган икки цилиндрнинг кесишиш чизигини ясаш текис чизмада кўрсатилган. Цилиндр сиртларининг бирига уриниб, иккинчисини кесувчи ёрдамчи  $P_1$  ва  $P_4$  текисликлар дастасининг горизонтал  $P_{1H}$ ,  $P_{4H}$  излари ўтказилади. Бунда  $P_{1H} \parallel P_{4H} \parallel Q_H$  бўлади.



**72-расм.**

Кесишиш чизигининг характерли нуқталари худди конус билан конуснинг ёки конус билан цилиндр кесишиш чизигининг характерли нуқталари каби бўлади. Бу  $A(A', A'')$ ,  $B(B', B'')$ ,  $C(C', C'')$  нуқталарнинг горизонтал проексиялари  $P_{2H}$ ,  $P_{3H}$ ..., текислик излари ёрдамида ясалади.

Кесишиш чизигининг бошқа оралиқ нуқталари  $P$  параллел ёрдамчи текисликлар ўтказиш йўли билан ясалади. Ҳосил бўлган барча кесишиш нуқталари ўзаро равон бирлаштирилади.


Призма билан силиндрнинг ўзаро кесишиш чизигини ясаш алгоритми худди юқорида баён этилган кетма-кетликда бўлади.

### **10.3. Ўқлари бир текислиқда ётмайдиган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиши. Параллел кесувчи текисликлар усули**

Агар икки кесишуви сиртларнинг ўқлари ўзаро кесишмасдан, улардан бири бирор проекциялар текислигига перпендикуляр бўлиб, иккинчи сиртнинг ўқи иккинчи проекциялар текислигига перпендикуляр ёки параллел бўлса, у ҳолда бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясашда параллел кесувчи текисликлар усулидан фойдаланилади. Параллел кесувчи текисликларни проекциялар текисликларидан бирортасига параллел қилиб олинади.

Параллел кесувчи текисликлар усулининг қулайлиги шундаки, бунда ёрдамчи кесувчи текисликлар кесишувчи сиртларни айланалар ва тўғри чизиклар бўйича кесади. Параллел кесувчи текисликлар усулида текисликлар дастасининг ўқи хосмас бўлади. Параллел кесувчи текисликлар усули билан ечиладиган бир неча сиртларнинг ўзаро кесишувини кўриб чиқамиз.

**10.3.1. Икки цилиндрнинг ўзаро кесишиши.** 73-расмда кесишувчи цилиндрларнинг бири горизонтал проекцияловчи, иккинчисининг ўқи фронтал проекциялар текислигига параллел бўлган ҳолда цилиндрлар тасвирланган.



73-расм

Бу сиртларнинг кесишиш чизигини ясашда ёрдамчи кесувчи текисликлар  $V$  текислика параллел бўлади. Уларнинг ўзаро вазияти чизманинг горизонтал проекциясидан кўриниб турибди. Кесишиш чизигининг характерли  $1(1',1'')$ ,  $2(2',2'')$ ,  $4(4',4'')$ ,  $5(5',5'')$  нуқталари ёрдамчи кесувчи фронтал  $V_{1H}$ ,  $V_{2H}$ ,  $V_{3H}$ ,... текисликлар ёрдамида ҳосил қилинган. Бунда ёрдамчи параллел текисликлар ҳар иккала силиндрни ясовчилари бўйича кесади. Бир текисликда ётувчи икки цилиндрга мансуб бўлган ясовчиларнинг кесишиш нуқталари иккала сирт учун умумий бўлиб, ясаладиган  $m$  ( $m'$ ,  $m''$ ) эгри чизикнинг нуқталари бўлади.  $m$  эгри чизикнинг колган нуқталари  $V_{1H}$  ва

$V_{2H}$  текисликлар орасида ёрдамчи кесувчи текисликлар ўтказиш йўли билан ясалган. Кесишиш чизигининг фронтал силиндрнинг  $V_5$  симметрия текислигидан кузатувчи томондаги нуқталари кўринади, унинг орқасидаги нуқталари эса кўринмайди.<sup>56</sup>

## **11-МАВЗУ: АВВАЛДАН БЕРИЛГАН ШАРТЛАРГА АСОСАН ЭГРИ ЧИЗИҚЛАРНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ**

Режа:

- 11.1. Эгри чизикларни конструкциялаш ҳақида умумий маълумот
- 11.2. Эгри чизикларга уларда ётган ва улардан ташқарида ётган нуқтадан уринмалар ва нормаллар ўтказиш.
- 11.3. Тўғри чизик дасталарини ясаш.
- 11.4. Айланани аввалдан берилган параметрлар асосида ясаш.
- 11.5. Эллипсни аввалдан берилган геометрик шартларга асосан проектив ва аналитик усулда ясаш.


### **11.1. Эгри чизикларни конструкциялаш ҳақида умумий маълумот**

AutoCAD чизма дастурида берилган нуқталар орқали эгри чизик ўтказиш бўйича асосан иккита – полилиния ва сплайн буйруқлари кўрсатилган. Улардан унумли фойдаланиш учун бирнеча марта машқ қилиб, маълум кўникма ва малака хосил қилиш зарур. Бирлаштирилиши талаб қилинаётган эгри чизиқка оид бирнеча нуқталарни тартиби билан бирлаштирилганда кўпинча қайси бир қисмлари бўртиб чиқиб қолиши мумкин. Бу кўпинча сплайн буйруғига оид. Эгри чизиқка оид нуқталар сплайн ёрдамида бирин-кетин бирлаштирилганда сўнги туташтирувчи нуқтадан сўнг эгри чизиқни яна маълум масофага давом эттириб, чўзилади ва охирги нуқтада силлиқлик таъминланганга қадар ҳар хил йўналишга буриб кўрилади. Охирги нуқтада силлиқлик таъминланган онда энтер тугмаси уч марта босилади ва ясаш якунланади. Берилган эгри чизиқнинг кўнгилдагидай

<sup>56</sup> Ш.Муродов ва бошқалар «Чизма геометрия», «Иқтисод-молия» Тошкент – 2006, 239-243 бетлар

чиқиши учун ясалувчи чизиқ хақида аниқ билим ва тасаввурга эга бўлиш зарур.

Ясалувчи чизиқларни уларга оид нуқталар бўйича шаклини аниқ ясаш учун дастурнинг захирасидан айланади, эллипс ва бошқ чизиқларнинг шаклидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун дастур захирасидан маълум чизиқларнинг шакли ясалиб, уларда бирнечча нуқталар танланади ва улар сплайн буйруғига асосан бирлаштирилади. Шундай усул билан маълум тажриба орттирилади. Бундай чизиқлар сифатида алгебраик ва трансцендент чизиқлар устида машқ қилиш мумкин. 75-расмда айланади, эллипс ва парабола чизиги машқ учун мисол сифатида келтирилган.



75-расм


Ясалаётган эгри чизиқни унга тегишли бўлган нуқталар орқали бирлаштиришда полилиния буйруғидан фойдаланиш мумкин. Бу буйруқ орқали нуқталарни бирлаштириш учун ясалувчи эгри чизиққа оид бирнечча нуқта ясалади ва улар тўғри чизиқ орқали бирлашитирилиб, кўпбурчак хосил қилинади. Сўнгра кўпбурчакнинг устига курсорни олиб келиб, чертилади натижада у кўк нуқталар билан ажралади. Ажралган чизиқ худудида яна сичқоннинг ўнг томони чертилади ва экранда пайдо бўлади. Унда полилинияни тахқирлаш буйруғи чертилади. Кўпбурчак энди штрих чизиқларга алмашади. Курсорни унинг худудига олиб борилиб, яна чертилади ва қалқиб чиққан кўрсатмада “силлиқлаш” буйругини чертамиз. Бу харакатларнинг натижасида кўпбурчак силлиқ ёпиқ эгри чизиққа айланади. Бу буйруқдан унумли фойдаланиб, талаб даражасидаги малакага

эришиш учун бирнеча марта машқ қилинади. Бунда ҳам аввал қонуний эгри чизикларни бирлаштиришдан бошлаб, ноқонуний чизикларни бирлаштиришга ўтилади.

### **11.2. Эгри чизикларга уларда ётган ва улардан ташқарида ётган нуқтадан уринмалар ва нормаллар ўтказиш.**


AutoCAD чизма дастурида ҳар қандай, яъни алгебраик, трансцендент ёки ҳар қандай ихтиёрий эгри чизикка ундан ташқарида олинган нуқтадан уринма ва нормал ўтказиш кўзда тутилган. Лекин чизикда ётган нуқта орқали унга уринма ёки нормал ўтказиш кўрсатилмаган. Шунинг учун берилган эгри чизикка унда ётган нуқтадан нормал ва уринма ўтказиш учун унинг ички унга хос хусусиятларидан фойдаланилади.

Айланага унда ётган нуқтадан нормал ва уринма ўтказиш учун у нуқта айланана маркази билан бирлаштирилади. Бу айлананинг нормали бўлади. Энди нуқтадан унга перпендикуляр ўтказилиб, талаб қилинган нормалга эга бўлинади (76-расм, а).



a)

б)



**в) 76-расм**

Эллипсга унинг ичида ёки ташқарисида ётган нуқтадан нормал ўтказиш

учун түғри чизиқни берилган нүктадан чизиш бошланади ва курсорни түғри бурчакни англатувчи пиктограмма устига олиб бориб чап тугмачага чертилади ва сўнгра курсор парабола эгри чизиғига яқинлаштирилади. У айланадаги нүктани автоматик равища топиб, у нүктада перпендикулярлик белгисини кўрсатади ва чап тугмани чертиб, ясаш якунланади.

Эллипсда ётган масалан,  $\Phi$  нүктадан (76-расм, б) унга нормал ўтказиш учун у нүкта эллипснинг фокуслари билан бирлаштирилади. Ҳосил бўлган  $\langle \Phi_1 \Phi \Phi_2 \rangle$  тенг иккига бўлинади. Бу бурчакнинг биссектрисаси эллипснинг  $\Phi$  нүктада ўтказилган нормали бўлади. Бу нүктада биссектрисага ўтказилган перпендикуляр эллипсга унда ётган  $\Phi$  нүктада ўтказилган уринма бўлади.

Эллипсдан ташқарида ётган нүктадан унга уринма ўтказиш учун шу нүктадан бошланган түғри чизиқ эллипснинг устига яқинлаштирилиб курсор уриниш белгисини автоматик равища топиб олади ва бу нүктада сичқоннинг чап тугмачаси босилади. Ясаш якунланади.




Параболага (76-расм, в) ундан ташқарида ётган нүктадан нормал ўтказиш эллипсга нормал ўтказишдан фарқ қилмайди. Маълумки параболанинг хусусиятига кўра унинг нүқталари директрисаси билан фокусидан баробар масофада жойлашган бўлади, шунинг учун уринма шу нүктадан директрисага туширилган перпендикуляр билан уни фокус билан боғловчи түғри чизиқлар ҳосил қилган бурчакнинг биссектрисаси бўлади.

Трансцендент эгри чизиқларга нормал ва уринма ўтказиш алгебраик эгри чизиқларга нормал ва уринма ўтказиш усулидан фарқ қилмайди.

### **11.3. Түғри чизиқ дасталарини ясаш.**

Текисликда ётган нүктадан ўтган түғри чизиқлар тўплами түғри чизиқлар дастаси дейилади. Түғри чизиқлар дастаси тартиб тушунчаси билан характерланади. Даста базасидан ташқарида олинган нүктадан ўтказилган түғри чизиқлар сони дастанинг тартибини билдиради.

Масалан, 77-расм, а да тасвирланган түғри чизиқлар дастаси биринчи тартибли түғри чизиқлар дастаси, 77-расм, б ва в да тасвирланган түғри чизиқлар дасталари иккинчи тартибли түғри чизиқлар дастаси дейилади.



78-расм

Агар түгри чизиқлар дастаси учинчи тартибли эгри чизик орқали аниқланган бўлса у тўртинчи тартибли түгри чизиқлар дастаси дейилади.

Агар түгри чизиқлар тўплами фазода жойлашган нуқта орқали ўтса бундай тўплам түгри чизиқлар боғлами дейилади. Тўгри чизиқлар тўпламлари ва боғламлари текис ва фазовий эгри чизиқларни лойихалашда қўлланилади 78-расм.


#### **11.4. Айланани аввалдан берилган параметрлар асосида ясаш.**

Сиртларни лойихалашда асосан оддий чизиқлардан фойдаланишга харакат қилинади. Маълумки тўгри чизик ва айлана энг оддий чизиқлар деб

хисобланади. Планиметриядан биламизки бир түғри чизикда ётмаган учта нұқта, түғри чизик вә унда ётмаган нұқта, үзаро кесишувчи учта түғри чизик берилса айлана ўтказиш мүмкін. Шуни айтиш жойизки AutoCAD чизма дастурида бир түғри чизикда ётмаган учта нұқта, учбұрчак, иккі түғри чизик вә улардан ташқарыда олинган нұқта орқали айлана ўтказиш дастурлаштирилған, лекин лойихалаш жараёнида тез-тез учраб турадиган мисоллар күрсатилмаган. Шунинг учун лойихалаш амалиётида тез-тез учраб турадиган бирнече мисолларни тавсия қилмоқдамиз. Буларнинг ичига Апполоний таклиф қилған масала ҳам киритилди.

Мисоллар тартиби юқоридан чапдан ўнгга йўналған бўлиб, 79-расм.


1. Учта нұқта орқали айлана ўтказилсин.
2. Берилған учбұрчакка ички уринган айлана ўтказилсин.
3. Икки кесишувчи түғри чизикқа уриниб берилған нұқта орқали айлана ўтказилсин.
4. Ўзаро параллел икки түғри чизик вә улар орасида нұқта берилған. Түғри чизикларга уриниб берилған нұқта орқали ўтган айлана чизилсин.
5. Икки түғри чизик вә уларнинг бирида ётган С нұқта берилған. б түғри чизикқа унда ётган С нұқтада а түғри чизикқа уриниб ўтувчи айлана ўтказилсин.
6. Түғри чизик вә ундан ташқарыда ётган икки нұқта берилған. Берилған икки нұқтадан ўтиб түғри чизикқа урининиб ўтувчи айлана ўтказилсин.
7. Түғри чизик, айлана вә улардан ташқарыда ётган нұқта берилған. Берилған нұқтадан ўтиб айлана вә түғри чизикқа уриниб ўтувчи айлана ўтказилсин.
8. Икки айлана вә нұқта берилған. Нұқта орқали ўтиб икки айланага уриниб ўтувчи айлана ўтказилсин.
9. Берилған учта айланага ташқи уринувчи айлана ўтказилсин.
10. Берилған учта айланага ички урнувчи айлана ўтказилсин.



79-расм

### 11.5. Эллипсни аввалдан берилган геометрик шартларга асосан проектив ва аналитик усулда ясаш

Эллипс иккинчи тартибли алгебраик текис өгри чизиқлар оиласига ( $Ax^2+2Bxy+Cy^2+2Dx+2Ey+F=0$ ) мансуб бўлиб, у текисликда беш параметр орқали аниқланади. Улар: учта нуқтаси бир тўғри чизиқда ётмаган бешта нуқта, икки тўғри чизиқ ва уларда ётган икки нуқта хамда улардан ташқарида ётган бир нуқта, тўғри чизиқ ва унда ётган битта нуқта хамда бир тўғри чизиқда ётмаган учта нуқта, бешта уринма тўғри чизиқ, уриниш нуқталари икки тўғри чизиқда ётган ва улардан ташқари битта тўғри чизиқ, 80-расм.



80-расм

## **12-Мавзу. Аввалдан берилган шартларга асосан сиртларни конструкциялаш.**

**Режа:**


12.1. Сиртларни конструкциялаш хақида умумий маълумот

### **12.1. Сиртларни конструкциялаш хақида умумий маълумот**

Тўртбурчак призма ва маълум баландликда горизонтал цилиндр берилган. Призманинг юқориги тўртбурчакли асосидан цилиндрнинг асосига ўтадиган яъни призма билан цилиндрни улайдиган сирт ясалсин.

Бу сиртни ясаш учун компьютерда AutoCAD дастурига кириб «посечениям» буйругини чақирамиз, унда уланувчи объектлар кўтарилиувчи

тартибда кўрсатилсин деган буйруқ ёзилади. Сўнгра вертикал призманинг юқориги асоси тўртбурчакни ва горизонтал цилиндрнинг асоси яъни айланани кўрсатамиз, сўнгра уловчи сиртнинг йўлини белгилаймиз (у тўғри чизик ёки эгри чизик кўринишида бўлиши мумкин). Бизнинг мисолимизда у эгри чизиқни ташкил қилган. Бу эгри чизик уловчи ясалувчи сиртнинг йўлини аниқлайди, сўнгра дастурдан эгри чизиқли йўналишга перпендикуляр буйругини берамиз шунда ҳар бир кесим юзаси эгри чизик йўналишига перпендикуляр бўлади. Энди ENTER буйруғини босиб ясашни якунлаймиз. Экранда бизнинг хохишимизга қараб каркас ёки силиқ сирт вариантларини танланг деб сўралади. Сўнгра бизнинг хохишимизга мос равишда сиртнинг ўзгариб бориши жуда мураккаб бўлган лойиҳа сирти ҳосил бўлади 81-расм. Бунда ясовчиси тўртинчи тартибли чизиқдан иккинчи тартибли чизиқга аста секин ўзгариб борувчи силиқ сирт лойиҳаланади. Бундан бошқа усуллардан яъна бири сиртни тор билан қоплаш усулидир. Сиртнинг локал қисмлари ана шу тор ёрдамида бошқарилади. Компьютердаги дастурлашган ясашлар яратилмасдан туриб, бу жараён қлда бажарилган



81-расм

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1. Кейс баёни.** Таълим жараёнини технологиялаштириш педагогик фаолиятнинг муҳим кўриниши бўлиб, у муайян босқичларда амалга оширилади.


**Кейс топшириғи:** таълим жараёнини технологиялаштириш йўлида амалга ошириладиган вазифаларни босқичлар бўйича белгиланг:

<b>Босқичлар</b>	<b>Вазифалар</b>
1-bosқич	- талабалар фаолиятини назорат қилиш;
2-bosқич	- талабалар фаолиятини ташхислаш;
3-bosқич	- лойиҳани яратиш;
4-bosқич	- педагогик жараённинг самарали кечишини таъминлаш;
5-bosқич	- педагогик жараённи ташкил этиш

**Кейс топшириғини бажариш учун иш қофози:**




**Ўқитувчининг ечими:**



**2. Кейс баёни.** Таълим инновациялари бир неча турга ажратилади. Ҳар бир турга оид таълим инновациялари ҳам бир неча гурухларга бўлинади.


**Кейс топшириғи:** берилган таълим инновацияларини тегишли турлар бўйича белгиланг.



### Таълим инновациялари:

1. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновациялар;
2. Ўзлаштирилган инновациялар;
3. Модификацияланган инновациялар;
4. Таълим тизимини бошқаришда қўлланиладиган инновациялар;
5. Модул инновациялари;
6. Радикал инновациялар;
7. Жамоа томонидан бевосита яратилган инновациялар
8. Комбинацияланган инновациялар;
9. Тармоқ (локаль) инновациялари;
10. Тизим инновациялари.

### Ўқитувчининг жавоби:



**3. Кейс баёни.** Таълим тизимида “новация” ва “инновация” тушунчалари кўлланилади. Ҳар икки тушунча турли ҳолатларни ифодалайди. Бунинг натижасида улар ўртасидаги фарқларни аниқ кўриш мумкин бўлади.

**Кейс топшириғи:** Новация ва инновация ўртасидаги фарқларни топинг.

**Кейс топширигини бажариш учун иш қофози:**

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация

**Ўқитувчининг жавоби:**

Асосий фарқлар	
Новация	Инновация
1) амалдаги назария доирасида кўлланилади; 2) кўлам ва вақт бўйича чегараланади; методлар янгиланади; 3) натижа аввалги тизимни такомиллаштиради	1) тизимли, яхлит ва давомли бўлади; 2) маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди; 3) субъектларнинг фаолияти тўла янгиланади; 4) янги технологиялар яратилади; 5) фаолиятда янги сифат

	натижаларига эришилади; 6) амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади
--	--

**4. Кейс баёни.** Замонавий Европада ягона касбий таълим маконини яратиш замонавий ўқитишининг энг муҳим талаби дея эътироф этилди. Ана шу мақсадда Болонья жараёни ташкил этили. Бу жараён ягона Европа олий таълими маконини яратиш мақсадида Европа мамлакатлари олий таълим тизимининг бир-бирига яқинлашиши ва ўзаро уйғунлашувини таъминловчи жараён саналади. 1999 йилнинг 19 июнида Европанинг 29 мамлакати вакиллари иштирокида Болонья декларацияси имзоланди. Унга кўра кенг кўламда талabalар алмашинувини қўллаб-қувватлаш учун Европа синов бирликлари (кредит) тизими (ЕСБТ) жорий этилди.

“Кредит” атамаси (ECTC-кредит) – “синовдан ўтди” маъносини англатиб, талабанинг ўқув юртида маълум бир курс (модул)ни муваффақиятли якунлаганлиги тўғрисида маълумот беради.

**Кейс саволи:** кредит (синов бирлиги) нима англатади: маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни 1-, 2- ёки 3-уринища топширишними ёки маълум ўқув фанини талабага юклатиладиган юклама ҳажми (мехнат сарфи)дан келиб чиқсан ҳолда модул (блок – қисм) ҳолда ўзлаштириш ва ҳар бир модул (қисм) ўзлаштирилгандан сўнг синовдан ўтишними?

**Ўқитувчининг жавоби.** Кредит маълум ўқув фани (модули)ни ўзлаштириш ва синовларни биринчи, иккинчи ёки учинчи уринища топширишни англатмайди. Аксинча, кредит ҳар бир ўқув фанининг умумий ҳажми, амалий машғулотлар ва мустақил таълим учун ажратилган соатлар (назарий машғулотларга нисбатан амалий машғулот ва мустақил таълим соатларининг кўплиги), бир сўз билан айтганда, талабанинг меҳнат сарфидан келиб чиқиб ажратилади. Кредит – ўқув фанини ўзлаштириш ва синовларни топшириш учун биринчи, иккинчи ёки учинчи уриниш эмас. Балки бир ўқув

фани учун ажратилган умумий соатни бир неча модул (блок – қисм)га ажратган ҳолда ўзлаштириш ва синов топшириб бориш деганидир.

**5. Кейс баёни.** Ўйинлар педагогик мақсадда ҳам қўлланилади ва улар ўйин технологиялари деб номланади. Ўйин технологиялари таълим олувчиларни муайян жараёнга тайёрлаш, уларда маълум ҳаётий воқелик, ҳодисалар жараёнида бевосита иштирок этиш учун дастлабки кўникма, малакаларни ҳосил қилишга хизмат қиласди. Ҳар қандай ўйинлар каби педагогик жараёнларда фойдаланиладиган ўйинлар ҳам ўзининг аниқ мақсади ва натижасига эга бўлади. Машҳур педагог Г.К.Селевко педагогик мақсадларда қўлланилаётган ўйинларни муайян тартибда гуруҳлаштирган.

**Кейс топшириғи:** қуидаги келтирилган педагогик ўйинларни машҳур педагог Г.К.Селевко томонидан тавсия этилган схемада қайта ифодаланг.

1. Продуктив, репродуктив ва ижодий ўйинлар.
2. Жисмоний ўйинлар.
3. Интеллектуал ўйинлар.
4. Ўргатувчи, машқлантирувчи, назорат қилувчи, умумлаштирувчи ўйинлар.
5. Ишбилиармонлик ўйинлари.
6. Мулоқотга асосланувчи, ташхисловчи, касбга йўналтирувчи, психологик-техник ўйинлар.
7. Мехнат, техник, ишлаб чиқаришга доир ўйинлар.
8. Компьютер, телевизон ва техник воситаларга асосланувчи ўйинлар.
9. Стол ўйинлари, хона ўйинлари, кўча ўйинлари, жой билан боғлиқ ўйинлар.
10. Мехнат ўйинлари.
11. Таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи ўйинлар.
12. Дидактик ўйинлар.
13. Жисмоний, спорт, ҳарбий, сайёҳлик, халқона ўйинлар.
14. Имитацион ўйинлар.
15. Ролли ўйинлар.

16. Сюжетли ўйинлар.
17. Техник ва ҳаракатни таъминловчи ўйинлар.
18. Ижтимоий, бошқарув, иқтисодий, тијорат ҳарактеридаги ўйинлар.

**Педагогик ўйинлар**



**Ўқитувчининг жавоби:**

**Педагогик ўйинлар**



**6. Кейс баёни.** Замонавий шароитда таълим тизимида вебинар технологиялар тобора кенг кўлланилмоқда. “Вебинар технологиялар” тушунчаси инглиз тилидан таржима қилинганда (“вебинар” – web-басед семинар) веб-технологиялари ва анъанавий таълимнинг ўзаро бирлиги асосида ташкил этиладиган семинарни англатади. Бироқ, кенг маънода веб-технологиялари ёрдамида ташкил этиладиган нафақат семинарни, балки турли онлайн тадбирлар (семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, айrim ҳолатларда тренинг, турли ҳодисалар бўйича тармоқ трансляциялари (компьютер ёки Интернет тармоғида намойиш этиладиган лавҳалар)ни ёритишига ҳам хизмат қиласди.

Ушбу технологияларни ўзлаштириш орқали педагоглар интерфаол ўқув машғулотларини ташкил этиш имкониятига эга бўлади. Талабалар учун эса бу технологиялар вақтни ва бошқа ресурсларни тежаш имкониятини яратади. Чунки ушбу интерфаол таълим жараёни билан қулай вақт ва қулай жойда танишиш имконияти мавжуд. Бу эса педагоглардан вебинар технологиялар асосидаги машғулотларни самарали ташкил этиш учун муайян кўникмаларга эга бўлиш, бир қатор шарт ва қоидаларга риоя этиш талаб қилинади.

**Кейс саволи:** кўпчиликнинг фикрича вебинар дарсларнинг сифати веб-технологияларининг таъминотига боғлиқ. Бу фикр қанчалик тўғри.

**Ўқитувчининг жавоби:** вебинар дарсларнинг сифати веб-технологияларининг таъминоти ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, бошқа турдаги дарслар каби вебинар дарсларнинг сифат ҳамда самарадорлиги уларнинг методик жиҳатан ташкил этилишига боғлиқ. Ташкилий-технологик масалалар (вебинар дарсининг Интернет тармоғиги орқали талаба, тингловчиларга узатиб берилиши)нинг ҳал қилиниши вебинар дарсларнинг сифати веб-технологияларининг таъминоти билан боғлиқ. Борди-ю, вебинар дарсларининг трансляцияси жуда сифатли бўлгани ҳолда кутилган таълимий натижа қўлга киритилмаса, у ҳолда ўқув машғулоти педагог томонидан

самарали, сифатли ташкил этилмаган бўлади.

**7. Кейс баёни.** Инновацион жараёнларни бошқариш ўз мазмунига эга. Тадқиқотчилар инновацион жраёнларни характерловчи бир қатор моделларни яратишган. Ҳар бир моделда инновацион жараёнинг у ёки бу жиҳатлари акс этади.

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

1. Нуқтанинг марказий проекцияси қандай ясалади?
2. Қандай ҳолда түғри чизиқнинг марказий проекцияси нуқта бўлади?
3. Марказий проекциялашда нималар берилган бўлади?
4. Параллел проекциялаш усули қандай бажарилади?
5. Параллел проекциялашда нималар берилган бўлади?
6. Түғри чизиқнинг параллел проекцияси қандай ясалади?
7. Параллел түғри чизиқларнинг проекциялари қандай жойлашган бўлади?
8. Қандай ҳолда түғри чизиқнинг параллел проекцияси нуқта бўлади?
9. «Ортогонал» сўзи нимани англатади?
10. Түғри чизиққа тегишли нуқталарнинг проекциялари қандай жойлашган бўлади?
11. Фазо квадрантлари ва чораклари нима?
12. Текис ёки комплекс чизма нима?
13. Нуқтанинг горизонтал ва фронтал проекциялари текис чизмада қандай жойлашади?
14. Нуқтанинг фронтал ва профил проекциялари текис чизмада қандай жойлашади?
15. Биссектор текисликлари нима ва уларга тегишли нуқталарнинг проекциялари чизмада қандай жойлашади?
16. Проекциялар текисликларига тегишли нуқталарнинг проекциялари чизмада қандай тасвиранади?
17. Нуқтанинг берилган икки проекциясига асосан учинчи проекцияси қандай ясалади?
18. Учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи октантларда жойлашган нуқталарнинг координата қийматлари ишораси қандай бўлади?
19. Сиртлар қандай ҳосил бўлади?
20. Сиртнинг ясовчиси ва йўналтирувчisi нима?
21. Сиртларни ҳосил бўлишининг қандай усуллари мавжуд?
22. Сиртларни ҳосил қилишнинг кинетик усулини тушунтириб беринг.
23. Айланиш сиртлари нима ва уларга мисоллар келтиринг.
24. Айланиш сиртларининг характерли чизиқлари нималар?
25. Чизиқли ва чизиқли бўлмаган сиртларнинг фарқи нимада?
26. Қандай сиртлар ёйиладиган сиртлар дейилади?
27. Винт сиртини ҳосил бўлишини тушунтириб беринг.
28. Бир паллали ва икки паллали гиперболоид сиртлар қандай ҳосил бўлади?
29. Сиқиқ ва чўзиқ эллипсоидларнинг фарқи нимада?

30. Тўғри чизиқ кесмасини айлантириш йўли билан қандай сиртлар ҳосил бўлиши мумкин?
31. Иккинчи тартибли сиртларга қандай сиртлар киради?
32. Сиртга тегишли бўлган юзидағи нуқта қандай аниқланади?
33. Тор ва торс сиртларнинг фарқи нимада?
34. Сиртларни текислик билан кесишиш чизигини ясашнинг умумий алгоритми нималардан иборат?
35. Сферани текислик билан кесганда қандай шакл ҳосил бўлади ва унинг проексиялари қандай ясалади?
36. Силиндрни текислик билан кесишувидан қандай шакллар ҳосил бўлиши мумкин?
37. Конус кесимлари нималардан иборат?
38. Сиртнинг текислик билан кесишиш чизигидаги маҳсус нуқталар нималардан иборат?
39. Сиртларни қандай текисликлар билан кесилса, кесимнинг битта проексияси тўғри чизиқ кесмаси бўлади?
40. Қандай текисликлар тор сиртини айланалар бўйича кесади?
41. Тўғри чизиқ билан сиртнинг кесишиш нуқталарини ясаш қандай бажарилади?
42. Тўғри чизиқ билан конуснинг кесишиш нуқталарини ясашда, ёрдамчи кесувчи текисликни қандай вазиятда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади?
43. Тўғри чизиқ айланиш сиртларнинг айланиш ўқини кесиб ўтса, уларнинг кесишиш нуқталарини қандай усулда ясаш осонроқ бўлади?
44. Сиртнинг ёйилмаси деб нимага айтилади?
45. Ёйилдиган сиртлар деб нимага айтилади?
46. Қандай кўпёқликларнинг ёйилмалари учурчаклар усули билан ясалади?
47. Нормал кесим усули билан қандай сиртларнинг ёйилмалари ясалади?
48. Тўғри доиравий силиндрнинг ёйилмаси нимадан иборат?
49. Оғма силиндрининг ёйилмалари қандай усулда ясалади ва ясаш алгоритми нималардан иборат?
50. Тўғри доиравий конуснинг ёйилмаси нимадан иборат?
51. Оғма конуснинг ёйилмаси қандай ясалади?
52. Ёйилмайдиган сиртларнинг ёйилмалари қандай ясалади?
53. Тақрибий ёйилмаларни ясашнинг треанггулясия усули нимадан иборат?
54. Еллиптик конуснинг ёйилмаси қандай ясалади?
55. Сферанинг тақрибий ёйилмаси қандай ясалади?

56. Уринма текислик деб нимага айтилади?
57. Қандай чизик сиртнинг нормали дейилади?
58. Берилган сиртга уринма текислик қандай шартлар асосида ўтказилади?
59. Қандай нуқталар сиртнинг эллиптик, параболик ва гиперболик нуқталари дейилади?
60. Сирт ташқарисидаги нуқтадан унга қандай қилиб уринма текислик ўтказиш мумкин?
61. Сирт ташқарисидаги тўғри чизик орқали унга нечта ва қандай қилиб уринма текислик ўтказиш мумкин?
62. Берилган текисликка параллел қилиб нечта уринма текислик ўтказиш мумкин?
63. Сиртнинг очерки деб нимага айтилади?
64. Берилган тўғри чизиққа параллел қилиб ҳамма вақт конус сиртига уринувчи текислик ўтказса бўладими?
65. Икки сиртнинг ўзаро кесишиш чизигини ясашнинг умумий алгоритми нимадан иборат?
66. Икки сиртнинг кесишиш чизигини ясашда қандай ёрдамчи сиртлардан фойдаланилади?
67. Сиртларнинг ўзаро кесишиш чизигида қандай нуқталари характерли дейилади?
68. Умумий ўққа эга бўлган айланиш сиртларининг ўзаро кесишиш чизигини қандай эгри чизиқлар бўлади?
69. Концентрик ва экссентрик сфералардан қандай ҳолларда фойдаланилади?
70. Сферанинг ҳар қандай айланма сирт билан кесишувидан нима ҳосил бўлади ва у қандай аниқланади?
71. Монж теоремаси ва ундан келиб чиқадиган хусусий ҳолларни айтиб беринг.
72. Битта сферага ташқи чизилган силиндр ва конуснинг ўзаро кесишишидан қандай чизиқлар ҳосил бўлади?
73. Ёрдамчи кесувчи текисликлар дастаси усулининг моҳияти нимадан иборат?
74. Силиндр билан призманинг ўзаро кесишиш чизигини ясашда ёрдамчи текислик қандай вазиятда ўтказилади?
75. Ўқлари кесишмайдиган оғма силиндр ва конуларни кесиш чизигини ясашда кесувчи текислик қандай ўтказилади?

## ***Тавсия қилинаётган малакавий лойиҳа ишлари мавзулари***

1. Проекциялашнинг проектив асослари.
2. Ёрдамчи проекциялаш усуллари.
3. Позицион масалаларнинг турлари ва уларни ечишнинг классик усуллари.
4. Метрик масалаларни ечишнинг хусусий усуллари.
5. Эгри чизиқлар ва уларнинг умумий хусусиятлари.
6. Эгри чизиқларни конструкциялаш.
7. Эгри чизиқларга уринма ва нормаллар ўтказиш ҳамда уларнинг амалий аҳамияти.
8. Айланиш сиртлари ва уларнинг амалий тадбики.
9. Сиртларга уринма текисликлар ўтказиш.
10. Икки сиртнинг ўзаро уриниши.
11. Чизиқли сиртлар ва уларнинг амалий тадбики.
12. Сиртларнинг ўзаро кесишув чизиқларини ясаш усуллари.
13. Сиртларни аввалдан берилган шартларга асосан конструкциялаш.
14. Иккинчи тартибли айланиш сиртлари ва улардан талаб қилинган қисмини кесиб олиш.
15. Янги сиртни конструкциялашда ясовчи эгри чизиқларни танлаш усуллари.
16. Сиртни конструкциялашнинг синтетик ва аналитик усуллари.
17. Эгри чизиқ ва сиртларни проектив алмашлаш усуллари.
18. Эгри чизиқ ва сиртларни топографик алмашлаш усуллари.
19. Метрик ва позицион масалаларни ечишда мавжуд усулларни танлаш ва қўллаш усуларини классификациялаш.
20. Эгри чизиқ ва сиртларни конструкциялашда автомат чизиш дастурларидан (хусусан AutoCAD) дастуридан фойдаланиш.
21. Позицион масалаларини ечишнинг классик ва автомат чизиш дастурларини таққослаш.
22. Чизма геометрия мавзуларини ўқитишда билиш фаолиятини фаоллаштириш усуллари.
23. Геометрик чизмачиликни ўқитишда билиш фаоллигини фаоллаштириш.

24. Проекцион чизмачиликни ўқитишида билиш фаоллигини фаоллаштириш.
25. Машиносозлик чизмачиликни ўқитишида билиш фаоллигини фаоллаштириш.
26. Топографик чизмачиликни ўқитишида билиш фаоллигини фаоллаштириш.
27. Соялар ясашнинг геометрик асослари.
28. Перспективада позицион ва метрик масалалар ишлаш методикаси.
29. Марказий проекцияларда соялар ясаш.
30. Аксонометрик проекцияларни ясашнинг назарий асослари.
31. Ёйилмайдиган сиртларнинг ёйилмасини бажариш ва унинг амалий аҳамияти.
32. Иқтидорли талабаларни танлаш ва улар билан ишни ташкил қилиш методикаси.
33. Чизма геометрияни ўқитишида муаммоли вазиятлар яратиш технологиясидан фойдаланиш.
34. Олимпиада масалаларини танлаш методикаси.
35. Графика фанларини ўқитишида дарсдан ташқари машғулотларини ташкил қилиш методикаси.
36. Чизма геометрия бўйича мустақил таълимни ташкил қилиш.
37. Муҳандислик графикаси бўйича мустақил таълимни ташкил қилиш.
38. Чизма геометрия бўйича уч даражали тестлар тайёрлаш методикаси.
39. Чизмачилик бўйича уч даражали тестлар тайёрлаш методикаси.
40. Сиртлар кесишув чизиясашнинг компьютерли технологияси.
41. Аксонометрик проекцияларни ясашнинг компьютерли технологияси.
42. Иккинчи тартибли эгри чизиқларни компьютерда ясаш технологияси.
43. Марказий проекциялашда позицион, метрик масалалар ечиш модулини ўқитишида сифат ва самарадорликка эришиш омиллари.
44. Проекцион чизмачилик модулини ўқитишида инновацион технологиялардан фойдаланиш.
45. Резьбали бирималар мавзуларини ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланиш.
46. Ўлчамлар мавзусини муаммоли қилиб ташкил қилиш.
47. Йўналтирувчи текислик ва сиртларга эга сиртларни ясаш ва амалиётга

тадбиқи.

48. Позициявий масалаларни AutoCAD дастурида бажарганда онглилик принципини таъминлаш.
  49. Чизма геометрияда бажариладиган позициявий ва метрик масалаларнинг турмушдаги тадбиқи.
  50. Чизма геометрия мавзуларини тушунтиришда статик ва динамик тасаввурларни шакллантириш масалалари.
  51. Чизмани ўқишининг дидактик асослари.
  52. Муҳандислик графикасини ўқиттишда мактаб, касб-хунар коллежи ва олий ўқув юртлари мазмунидаги фарқлари.
  53. Позициявий ва метрик масалаларни ечиш усуллари ҳамда уларнинг бир-бирига боғлиқлиги.
  54. AutoCAD дастурининг талабалрда фазовий тасаввурни ривожлантиришдаги можияти.
  55. Чизма геометрия бўйича ечиладиган позициявий ва метрик масалаларни класификациялаш ва уларни ўқитиш жараёнига тадбиқ қилиш.
  56. Ихтидорли талабаларни танлаш ва улар билан ишлашни ташкил қилиш методикаси.
  57. Талабалар билан илмий иш олиб боришни ташкил қилиш методикаси.
  58. Аксонометрик проекцияларда метрик масалаларни ечиш усуллари.
- 
59. Ортогонал проекцияларни қайта тузиш усуллари.
  60. Талабаларнинг график фазовий тасаввурни шакллантиришни интенсивлаш масалалари.

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Алгоритм</b>	Модул таълими таркибий бўлакларининг ўзаро жойлашиши ҳамда технологик жараённи амалга ошириш кетма-кетлигининг аввалдан белгиланган тартиб-қоидалари	Rules initially established to realize an interposition of parts of module education and sequence of technological process
<b>Аралаш модел</b>	Масофавий таълимнинг турли шакллари, бир неча шаклларнинг интеграциясига асосланган модел	Model based on various forms distance learning and integration of some forms
<b>Аралаш ўқитиши</b>	Онлайн ўқув материаллари ҳамда ўқитувчи раҳбарлигига гурухда таълим олишга асосланган ўқитиши шакли	A form of teaching based on a group learning under the supervision of a teacher using online study materials
<b>“Ассесмент” технологияси</b>	Талабаларнинг билим, кўникма ва малакалари даражасини ҳар томонлама, холис баҳолаш имкониятини таъминловчи топшириқлар тўплами	A set of assignments intended for comprehensive assessment of skill and competence level of students
<b>Ахборотли лойихалар</b>	Ўқув жараёнини ташкил этиш ёки бошқа таълимий характерга эга буюртмаларни бажариш мақсадида назарий ахборотларни йиғишига йўналтирилган лойихалар	Projects intended for collecting theoretical information aiming at realization of scientific projects or organization of educational process
<b>Валидация</b>	Таълим маҳсулоти, таълим хизматлари ёки таълим тизими истеъмолчилари эҳтиёжларининг қондирилиши	Satisfaction of interests of customers in educational and service system

<b>Вебинар технология</b>	Weб технологиялар асоси (онлайн тадбирлар ва таълим воситалари ёрдами)да ташкил этиладиган семинар, конференция, баҳс-мунозара, учрашув, тақдимот, тренинг, турли воқеа ёк ҳодисалар бўйича Интернет тармоғи орқали ташкил этиладиган тўғридан тўғри узатиладиган лавҳа (трансляция)лар	Broadcasting organized via Internet transmitting live seminars, conferences, debates, presentations, negotiations, meetings, trainings, various events with the help of Web technologies
<b>Дарс ишланмаси</b>	Таълимий мазмунга эга лойиха ва ўқитувчи томонидан тузилиши мажбурий бўлган ҳужжат	An obligatory document completed by a teacher and a project that has educational essence
<b>Дастурний таълим</b>	1) ўқитишининг талаба, талабалар эҳтиёжи, қизиқиши, билими, дунёқараши, улар томонидан ўқув материалларини ўзлаштиришда дуч келиш эҳтимоли бўлган муаммолар, ўқув фанининг имкониятларини инобатта олган холда ташкил этиладиган таълим; 2) педагогик технологияларидан бири	1) education organized considering interests and needs, outlook of students, problems that appear in assimilation of study materials by students, and opportunities of the academic subject; 2) one of the pedagogical technologies
<b>Драматик ўйинлар</b>	Психологик ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилишга йўналтирилган ўйинлар	Games intended for solving psychologic and social issues
<b>Дидактик ўйинлар</b>	Ўрганилаётган объект, ҳодиса, жараёнларни моделлаштириш асосида талабаларнинг билишга	A type of a study activity that increases activeness, interest of students in getting

	бўлган қизиқишилари, фаоликларини оширадиган ўқув фаолияти тури	knowledge based on the modeling of processes, events, objects that are being studied
<b>Ижодий лойиҳалар</b>	Индивиуал ёки ҳамкорлик асосида ижодий характерга эга янги таълим маҳсулотлари (ижодий ҳисобот, кўргазма, дизайн, видеофильм, нашр ишлари – китоб, альманах, буклет, альбом, босма ва электрон журнал, компьютер дастурлари кабилар)ни яратишга йўналтирилган лойиҳалар	The projects intended to create new educational products (activity report, exhibition, design, videofilm, publishing works: books, literary miscellany, pamphlets, albums, printed and electronic journals, computer programmes) that have creative characteristics based on cooperation and individual activity
<b>Имитацион ўйинлар</b>	Ишлаб чиқариш корхоналари, иш ўринлари, фирмалар, ташкилотларда ходимлар томонидан амалга ошириладиган фаолиятни имитациялаш (тақлид қилиш, кўчириш) асосида талабаларни муайян амалий ёки касбий фаолиятга самарали тайёрлашга йўналтирадиган ўйинлар	Activities aimed at effective preparing students for certain activities based on imitation of activity carried out by employees of organizations, companies, factories
<b>Инвигилатор</b>	Масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиши натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагог	A specialist-pedagog who controls the results of teaching in the frames of distance learning
<b>Индивидуал таълим</b>	Таълим жараёнида ўқитувчининг фақатгина бир нафар талаба билан ёки талабанинг таълим воситалари (адабиётлар, компьютер, телевидение,	Education aimed at developing of mastering skills of a student in cooperatuion with a single student or educational means (literature,

	радио ва б. ахборот технологиялар) биланўзаро ҳамкорлиги асосида ўқув материалларининг ўзлаштирилишини таъминлашга йўналтирилган таълим	computer, television, redio, etc.) during educational process
<b>Инновацион таълим</b>	Талабада янги ғоя, меъёр, қоидаларни яратиш, ўзга шахслар томонидан яратилган илгор ғоялар, меъёр, қоидаларни табиий қабул қилишга оид сифатлар, малакаларни шакллантириш имкониятини яратадиган таълим	Education that allows to develop skills and qualities f a student
<b>Инновацион фаолият</b>	Янги ижтимоий талабларнинг анъанавий меъёрларга мос келмаслиги ёки янги шакланаётган ғояларнинг мавжуд ғояларни инкор этиши натижасида вужудга келадиган мажмуали муаммоларни ечишга қаратилган фаолият	An activity carried out for solving a set of problems that occur as a result of rejecting new developing ideas or inappropriateness of new social requirements to traditional standards
<b>Инновация</b>	Муайян тизимнинг ички тузилишини ўзгартеришга қаратилган фаолият	An activity aimed at changing the internal structure of a certain system
<b>Интерфаол таълим</b>	Талабаларнинг билим, кўникма, малака ва муайян ахлокий сифатларни ўзлаштириш йўлидаги ўзаро ҳаракатини ташкил этишга асосланувчи таълим	The education based on organization of interaction in mastering by students certain moral qualities, skills and knodlegde
<b>Ишибилармонли к ўйинлари</b>	Маълум фаолият, жараён ёки муносабатлар	Activities organized in order to master skills in

	мазмунини ёритиш, уларни самарали, тўғри, оқилона уюштиришга доир кўникма, малака ва сифатларни ўзлаштириш мақсадида ташкил этиладиган ўйинлар	running a certain activity, process or relationships and their effective and proper organization
<b>“Кейс-стади” технологияси</b>	Муаммоли вазият; талабаларда аниқ, реал ёки сунъий яратилган муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул варианtlарини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология	A technology that forms skills in searching for proper variants by analizing created or authentic dilemma (problematic situation) or problems
<b>Компьютер таълими</b>	Талабаларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси, телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий-методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълим	The education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
<b>Компьютер таълими технологиялари</b>	Талабаларнинг ўқиши, мустақил таълим ва ўз-ўзини назорат қилишни ўз ичига оладиган билиш фаолиятини бошқаришда педагогнинг ахборотларни тўплаш ва узатишдан иборат фаолиятининг модели сифатида компьютер техникаси,	A set of forms, means and methods of education organized based on the computer technologies, telecommunication means and programme and methodological provision as an activity model of a pedagog that comprises collecting and transferring

	телекоммуникация воситалари ҳамда дастурий- методик таъминот асосида ташкил этиладиган таълимнинг шакл, метод ва воситалари мажмую	information in controlling the activity of an independent education and self-control of students
<b>Консорциум</b>	Масофавий таълимни ташкил этувчи икки университетдан иборат бирлашма	A union of two universities that organize a distance learning
<b>Лойиҳалаш</b>	Бошлангич маълумотлар, аниқ белгиланган вақт, максус танланган шакл, метод ва воситаларга таяниб, кутиладиган натижани тахмин қилиш, башоратлаш, режалаштириш орқали аввалдан фаолият моделини тузиш, фаолият ёки жараён мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган амалий ҳаракат	An action aimed at developing the essence of an activity or process, activity model by assuming, predicting, planning an expected result based on the initial information, specifically chosen form, method and means
<b>Лойиҳа</b>	Аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига қаратилган ҳаракат маҳсулни	A result of an action aimed at developing the essence of pedagogical activity based on a certain plan, aim and by guaranteeing its effectiveness
<b>Лойиҳа методи</b>	Ўқув жараёнини индивидуаллаштириш, талабанинг ўзини мустақил намоён қилишини режалаштириш, ўз фаолиятини оқилона ташкиллаштириш ва назорат қилиш имкониятини берадиган таълим	A set of educational methods that allow individualization of educational process, independent planning of students' performance, control and proper organization of an activity

	методлари мажмуи	
<b>Лойиха таълими</b>	Таълимий характердаги аниқ режа, мақсад асосида унинг натижаланишини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият мазмунини ишлаб чиқишига йўналтирилган таълим	Education aimed at developing the essence of pedagogical activity by guaranteeing the effectiveness of a plan and aim that have educational characteristics
<b>Масофавий таълим</b>	Муайян нуқтадан ахборот-коммуникация воситалари (видео, аудио, компьютер, мультимедиа, радио, телевидение ва б.) ёрдамида таълим хизматларини кўрсатиш, таълимий маҳсулотларни тарқатиш ва етказиб беришдаи анъанавий ҳамда инновацион шакл, метод, воситаларга асосланган ҳолда таълим ресурсларидан фойдаланишига йўналтирилган таълим	Education aimed at using study resources based on innovative form, method and means in organizing study services, expanding and delivering study products with the help of certain information communication means (video, audio, computer, multimedia, radio, television, etc.)
<b>Масофавий таълим технологиялари</b>	Таълимнинг белгиланган мазмун асосида амалга оширилишини таъминлашга йўналтирилган шакл, метод ва воситалар мажмуасидир	A set of forms, methods and means used for increasing effectiveness of education and educational process
<b>Махорат дарслари</b>	Очиқ ташкил этилиб, илғор педагогик тажрибаларни тарғиб этишига йўналтирилан самарали ўқитиши шакли	An effective form of teaching organized to spread progressive pedagogical experiences
<b>Модератор</b>	Масофавий таълим негизида ташкил этилаётган семинар, тренинг, давра сухбати ва форумларга бошлилик қилувчи	A pedagog leading seminars, trainings, debates and forums organized in the frames of distance learning

	(бошқарувчи) педагог	
<b>Моделлаштириш</b>	Ходиса, жараён ёки тизимнинг умумий моҳиятини тўла ёритувчи моделни яратиш	Developing a model that discloses principal essence of an event, process and system
<b>Модел</b>	Реал, ҳақиқатда мавжуд бўлган объектнинг соддалаштирилган, кичрайтирилган (кattalaштирилган) ёки унга ўхшаган нусхаси	A simplified or lessened copy of a real and authentic object
<b>Модернизация</b>	Объектнинг янги талаблар ва меъёрлар, техник кўрсатмалар, сифат кўрсаткичларига мос равишда янгиланиши	Renewal of the object according to the new requirements, quality indicators and technical regulations
<b>Модул</b>	1) тизим ичидағи ўзаро чамбарчас боғлиқ элементлардан иборат тугун; 2) муайян технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлакларни ифодаловчи атама; 3) ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги	1) units that consists of interrelated elements in the system; 2) notion meaning parts that create a certain technology; 3) logically completed units of study materials
<b>Модул таълими</b>	Ўқув жараёнини ташкил этишининг муайян шакли бўлиб, унга кўра ўқув материали мантиқий тугалланган бирликлари – модулларга асосланган ҳолда маълум босқич ва қадамлар асосида ўзлаштирилади	A certain form of organization of educational process, according to which the logically completed units of study materials are mastered based on the certain stages and steps
<b>Муаммоли вазият</b>	Талабаларнинг маълум топшириқларни бажариш (масалани ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида	It is a psychological state of a student that is related with tension that occurs during a process of

	юзага келган зиддиятни англаши билан боғлиқ руҳий ҳолати бўлиб, у ҳал этилаётган масала билан боғлиқ янги билимларни излашни тақозо этади	accomplishing the assignments, and it requires to master skills, knowledge for successful and effective accomplishment
<b>Муаммоли маъруза</b>	Ўқитувчи томонидан талабани муаммоли вазият, муаммоли масалани ҳал этишга йўналтириш орқали унда билиш фаоллиятини оширишга йўналтирилган маъруза	A lecture aimed at increasing students' study activity in solving an issue or dilemma
<b>Муаммоли таълим</b>	Талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим	Education aimed at developing students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммоли таълим технологиялари</b>	талабаларда ижодий изланиш, кичик тадқиқотларни амалга ошириш, муайян фаразларни илгари суриш, натижаларни асослаш, маълум хulosаларга келиш каби кўникма ва малакаларни шакллантиришга хизмат қиладиган таълим технологиялари	The technologies that develop students' competence and skills in carrying out creative researches, promoting certain theories, reasoning the results, coming to some conclusions
<b>Муаммо</b>	Ҳал қилиниши мухим назарий ва амалий	an issue that has practical and theoretical

	аҳамиятга эга бўлган масала	significance and needs to be dealt with or solved
<b>Мустақил таълим</b>	ОТМ талабаларида педагог раҳбарлиги ва назорати остида ўкув ҳамда мутахассислик фанлари бўйича маъруза, семинар ва амалий машғулотларида эгалланган БКМни мустаҳкамлаш, бойитиш, улар томонидан янги БКМни мустақил ўзлаштирилишини таъминлаш, уларни касбий фаолиятни мустақил ташкил эта олишга тайёрлашга йўналтирилган таълим	education aimed at preparing the students of higher educational institutions for independent organization of professional activity, self-mastering and improving skills and competence obtained in lectures, seminars and practical lessons on specialized study subjects under the supervision and control of pedagogs
<b>Новация</b>	Тизимдаги айрим элементларнингина ўзгаришишга хизмат қилувчи фаолият	An activity that serves to change certain elements in the system
<b>Педагогик муаммо</b>	Ҳал қилиниши зарур, бироқ, ҳали ечиш усули номаълум бўлган педагогик характердаги масала	A pedagogical issue that must be solved but has uncertain ways of solution
<b>“Портфолио”</b>	Автобиографик характерга эга хужжатлар тўплами	A set of autobiographical documents
<b>Репетиторлик таълими</b>	Индивидуал таълимнинг энг оммалашган замонавий тури	A modern type of popular individual learning
<b>Ривожланиш</b>	Шахснинг физиологик ҳамда интеллектуал ўсишида намоён бўладиган миқдор ва сифат ўзгаришлар моҳиятини ифода этувчи мураккаб	A complicated process of qualitative and quantitative changes in individual's physiological and intellectual development

	<b>жараён</b>	
<b>Ривожлантирувчи таълим</b>	Талабаларнинг ички имкониятлари ривожлантириш ва уларни тўла рўёбга чиқаришга йўналтирилган таълим	Education aimed at revealing and developing students' inner capacities
<b>Ролли ўйинлар</b>	Маълум бир шахснинг вазифа ва мажбуриятларини бажаришдаги руҳий ҳолати, хатти-харакатлар моҳиятини очиб беришга йўналтирилган ўйинлар	Activities that allow to explore the psychological state and actions of an individual when accomplishing the assignments and obligations
<b>Сюжетли ўйинлар</b>	Педагогик воқелик, ҳодисалар баёнининг муайян изчиллиги ва унда иштирок этаётган шахслар фаолиятининг ўзаро боғлиқлигига асосланган ўйинлар	Activities that are organized based on the interrelation of activities of individuals who participate in pedagogical situations
<b>Тадқиқот лойиҳалари</b>	Илмий изланиш характеристига эга лойиҳалар	Projects that have scientific study characteristics
<b>Таълим жараёнини лойиҳалаштириш</b>	Ўқитувчи томонидан талабанинг муаммони излаш, уни ҳал этиш бўйича фаолиятни режалаштириш ва ташкиллаштиришдан то оммавий баҳолашгача бўлган мустақил ҳаракат қилишини таъминловчи маҳсус ташкил этилган мақсадли ўқув фаолияти	A targeted educational activity organized in order to develop students' skills in carrying out independent actions to plan and organize activites and its assessment
<b>Таълим инновациялари</b>	Таълим соҳаси ёки ўқув жараёнида мавжуд муаммони янгича ёндашув асосида ечиш мақсадида қўлланилиб, аввалгидан анча самарали натижани	Forms, methods and technologies that are used for innovative solutions to existing problems in learning process or educational sphere and

	кафолатлай оладиган шакл, метод ва технологиялар	that guarantee effective results
<b>Таянч конспект</b>	Назарий ўқув материали (ахбороти)ни графикили тасвир (қисқа хулоса, тушунтирувчи сурат, шартли рамз, схема, жавал, график чизма ва б.)да ифодаловчи конспект	A conspect about theoretical learning materials (information) depicted with graphic pictures (brief conclusion, explaining pictures, signs, schemes, charts)
<b>Таълим тизимини модернизациялаш</b>	Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини, жамият ва давлатнинг малакали кадрларга, шахснинг эса сифатли таълим олиш бўлган талабини қондириш йўлида узлуксиз таълим тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида мавжуд механизмнинг қайта ишлаб чиқилиши ёки такомиллаштирилиши	Improving or developing an existing mechanism in order to provide sustainable development of continuous educational system that meets students' needs and interests as well as society's social, economic and cultural and country's skilled personal needs
<b>Технологик модел (паспорт)</b>	Таълим ёки маънавий-маърифий тадбирнинг асосий кўрсаткичлари ва уларнинг технологик тавсифини ёритувчи хужжат	A document that reveals main indicators of education or spiritual and educational events and their technological characteristics
<b>Технологик харита</b>	Таълим жараённи бажарувчи ёки маълум объектга техник хизмат кўрсатувчи педагогларга тақдим этиладиган барча зарур маълумотлар, кўрсатмаларни ўз ичига олган хужжат	A document that comprises all necessary information that is represented to pedagogues that lead educational process or those who carry out technical services to a certain object
<b>Тьютор</b>	Ўқув курслари учун интерфаол методларни	A teacher, coach who uses interactive methods

	танловчи, маъруза ўқитувчиси билан талаба ўртасида таълимий алоқани ўрнатувчи устоз, мураббий	for courses and establishes learning communication between a student and lecturer
<b>Узоклаштирилг ан аудиториялар</b>	Бир олий ўкув юритида ташкил этилаётган ўкув курслари, маъруза ва семинарларнинг ундан узок масофада жойлашган таълим муассасаларининг ўкув аудиторияларига телекоммуникация воситалари орқали синхрон телекўрсатув, видеоанжуман ва радио эшиттириш кўринишида узатилиши	A transmission of courses, lectures and seminars to classrooms or lecture halls in remote places organized in universities (colleges) via telecommunication means in the form of synchronous TV or radio programs, video forums
<b>Фасилитатор</b>	Масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гурухларнинг фаолиятини натижасини муаммонинг илмий ечимини топишга йўналтирувчи, гурухларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гурухлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог	A teacher who helps to search for scientific solutions to the problem of the results of activities of groups that use distance learning services, and who develops communication occurring in groups, effectively and objectively assesses activity of groups
<b>Франчайзинг</b>	Ўзаро ҳамкор университетларнинг бир-бирларига ўзлари томонидан ташкил этиладиган масофавий таълим курсларини ташкил этиш хуқуқининг бериши	Rights that are given by partner universities to other univerisities for carrying out distance learning courses
<b>Шахсга йўналтирилган таълим</b>	Талабанинг фикрлаш ва ҳаракат стратегиясини инобатга олган ҳолда унинг шахси, ўзига хос	Education aimed at developing particular characteristics and abilities and personality of a

	хусусиятлари, қобилятини ривожлантиришга йўналтирилган таълим	student by considering his thinking and action strategies
<b>Шахсни ривожлантириш</b>	Индивидда вақт нуқтаи назаридан жисмоний ва руҳий ўзгаришларнинг содир бўлиш жараёни	A process of occurring physical and psychological changes in an individual
<b>Эдвайзер</b>	Битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг талабалар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи	An advisor who assists in an independent accomplishment of a thesis, course projects by students
<b>Ўйин</b>	Кишилик фаолиятининг муҳим тури ҳамда ижтимоий муносабатлар мазмунининг болалар томонидан имитациялаш (кўчириш, тақлид қилиш) асосида ўзлаштириш шакли	An important type of individual's activity and a form or method of mastering by imitating the relationships by children
<b>Ўйин технологиялари (ўйин таълими)</b>	Ижтимоий тажрибаларни ўзлаштиришнинг барча кўринишлари: билим, кўникма, малака ҳамда хиссий-баҳоловчи фаолият жараёнини хосил қилишга йўналтирилган шартли ўқув вазиятларини ифодаловчи шахсга йўналтирилган таълим (педагогик технология) турларидан бири	One of the types of education (pedagogical technologies) aimed at creating a process of emotional and assessment activity as well as skills and competence that are the forms of mastering various social experiences by a student
<b>Ўқув лойиҳаси</b>	1) талабларнинг муаммоларни излаш, тадқиқот қилиш ва ечиш, натижа (ечим)ни маҳсулот кўринишида расмийлаштиришга	1) a method of organizing an independent learning activity carried out by students for searching, studying and solving the problems and

	<p>қаратилган мустақил ўқув фаолиятини ташкил этиш усули;</p> <p>2) назарий билимлар асосида амалий топшириқларни ечишга қаратилган ўқув ҳаракати воситаси;</p> <p>3) ривожлантириш, тарбиялаш, таълим бериш, билимларни бойитиш, мустаҳкамлаш ва малакаларни шакллантиришга йўналтирилган дидактик восита</p>	<p>representing a result in the form of a product;</p> <p>2) means of learning activities carried out by students for accomplishing the practical assignments based on theoretical knowledge;</p> <p>3) a didactic mean that develops, educates, increases knowledge and develops skills, competence</p>
<b>Ўқув топшириқлари</b>	Ўрганилаётган мавзу бўйича талабалар томонидан ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакалар даражасини аниqlашга хизмат қиласиган таълимий вазифалар йиғиндиси	A set of learning assignments that allows to identify the level of knowledge, skills and competence of students on a certain subject
<b>Ҳамкорлик таълими</b>	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик груп ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро ривожланишлари, “педагог-талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини ифодаловчи таълим	Education based on cooperation of a teacher and student, and cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process
<b>Ҳамкорлик таълими технологиялари</b>	Ўқув жараёнида талабаларнинг жамоада, кичик груп ва жуфтликда билимларни биргаликда ўзлаштиришлари, ўзаро	Educational technologies that allow to establish relationships based on cooperation of a teacher and student, and

	<p>ривожланишлари, шунингдек, “педагог- талаба(лар)” муносабатининг ҳамкорликда ташкил этилишини таъминловчи таълимий характердаги технологиялар</p>	<p>cooperation of students for mastering learning materials and improving in a team, small groups or in pairs in a learning process</p>
--	--	---

### **VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000. – 218 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
3. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Басис Усер/Бреактхроугҳ Левел А1/-Т.: 2011. – 182 б.
4. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
5. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологииялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
6. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
7. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Самаров Р. Ахборотнинг психологик хавфсизлигини таъминлаш механизми (услубий қўлланма). – Тошкент: Университет, 2015. -95 б.
9. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
10. Топилдиев В. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий-хуқуқий асослари. - Тошкент: “Университет”. 2015. – 245б.
11. ДУЕТ-Девелопмент оғ Узбекистан энглиш Течерс\*- 2-том. СД ва ДВД материаллари, Тошкент.: 2008.
12. Ю.Қирғизбоев ва бошқалар. Машинасозлик чизмачилик курси. Т., 1981 «Ўқитувчи»
13. Ш.Муродов ва бошқалар. Чизма геометрия курси. Тошкент, «Ўқитувчи» нашриёти, 1988.
14. Ш.Муродов, Л.Хакимов, А.Холмурзаев, М.Жумаев, А.Тўхтаев. Чизма геометрия. “Иқтисод молия”, 2008 .

15. Исматуллаев Р. Чизма геометрия (1-2 қисм), Тошкент, ТДПУ, 2007.
16. Азимов Т , «Чизма геометрия», “Иқтисод молия”, 2008.
17. И.Рахмонов., Абдурахмонов А. Чизмачилиқдан маълумотнома, Тошкент, Алишер Навоий кутубхонаси, 2005.
18. Ш.Муродов, Р.Исматуллаев, Н.Ташимов ва Б.Сиддиқов. Топографик чизмачилик, Тошкент, «Чўлпон», 2009.
19. Раҳмонов И.Т. Чизмачилиқдан дидактик ўйинлар. – Т., 1992.
20. Қирғизбоев Ю. ва бошқалар. Машинасозлик чизмачилиги курси. - Т., “Ўқитувчи”. 1981.
21. Ёдгоров Ж. ва бошқалар. Чизмачилик - Т., “Ўқитувчи”. 1992.
22. Рўзиев э.И., Аширбоев А.О., “Муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси”. –Т.: «Фан ва технология», 2010.
23. Раҳмонов И. ва бошқалар. Чизмачилиқдан машқ ва масалалар тўплами. - Т., «Ўқитувчи». 1990.
24. Раҳмонов И. Чизмаларни чизиш ва ўқиши. Т. «Ўқитувчи». 1992.
25. Е.А.Василенко (под. редакцией). «Методика обучение черчению». Москва.: «Просвещение», 1990 г.
26. И.П.Подласый. «Педагогика». Москва: «Высшая образование», 2007г.
27. И.П.Подласый. «Продуктивная педагогика». Москва : «Народное образование», 2003 г.
28. С.Г.Воровщиков. «Продуктивные деловые игры». Москва: «Ц. Г. Л.», 2005 г.
29. С.Л.Витман. «Педагогика в вопросах и ответах», 2006г.
30. В.С.Кукушина. «Педагогические технологии». Москва: И.К.Ц. «МарТ» Ростов на –Дону, 2004 г.
31. В.М.Букатов. «Педагогические тайство дидактических игр». Москва: «Флинта», 2003 г.
32. M.B.Shah, B.C.Rana. Engineering Drawing, India by Sai Print-O-Pac Pvt.Ltd, India.

## **Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.asi.uz](http://www.asi.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш:  
www.истсоунсил.gov.uz.
4. ЎзРес.ОЎМТВ хузуридаги Бош илмий-методик марказ:  
www.bimm.uz
5. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
6. Инфосом.уз электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)